



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА
ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“САНОАТ ФАРМАЦИЯ”



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“Саноат фармация”йўналиши

**“ФАРМАЦЕВТИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР”**

МОДУЛИ БҮЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси мудири фарм.ф.н. профессор Хайдаров В.Р

Тақризчилар: Дори турлари технологияси кафедраси профессор фарм.ф.д. Назарова З.А.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Тошкент вакцина ва зардоллар илмий-текшириш институти директори фарм.ф.н. Ашурев А.А.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2020 йил 25-декабрдаги 7-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 5 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 14 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР..... | 27 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 205 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 260 |
| VI. ГЛОССАРИЙ | 264 |
| VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 266 |

Кириш

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Президентининг 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда фармацевтика институти саноат фармацияси йўналишида фаолият олиб борувчи педагог кадрларининг касбий ва мутахассислик компетентлигини мунтазам ошириб боришга қаратилган.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида “Фармацевтик ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар” маҳсус фан модули негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, саноат фармацияси соҳасида сифат назорати ва халкаро талабларни ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда дори воситаларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибаларидан фойдаланиш, улардан фармацевтика амалиётида фойдаланиш муаммолари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Фармацевтик ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар” модулининг мақсади:

- педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш;
- малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва мутахассислик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлаш;
- курс тингловчиларини фармацевтик ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар билан таништиришда билимларини такомиллаштириш, фармацевтик ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш қўникма ва малакаларини шакллантириш.

“Фармацевтик ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар” модулининг вазифалари:

- фармацевтик ишлаб чиқаришдаги инновацион ёндашувларни ўрганиш;
- фармацевтик ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисми ва асосий вазифаларини таҳлил қилиш;
- янги дори субстанциялари ва препаратларини ишлаб чиқишининг технологик асослари ҳамда ишлаб чиқиш усувларини ўзлаштириш;
- мавжуд дори препаратларининг таркиби ва технологиясини такомиллаштиришни билиш;
- дориларни ишлаб чиқаришда янги ёрдамчи моддаларни излаш, ўрганиш ва амалда қўллаш;
- дори модддалари, препаратлари, яримфабрикат ва бошқа маҳсулотларнинг турғунлигини ўрганиш ва яроқлилик муддатини белгилаш;
- фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежментини амалга ошириш;
- мавжуд дори препаратлар таркибини ўрганиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;
- технологик жараён самарадорлигини, яъни хом ашёнинг солишишторма сарфланиши, маҳсулот бирлигига энергия ва меҳнат сарфланишларини таҳлил қилиш;
- тайёр маҳсулотнинг унуми ва сифати, жараён жадаллигини ошириш;
- маҳсулотнинг таннархини ўрганиш, физик, кимёвий ва бошқа қонуниятларни аниқлаш (излаб топиш);
- соғлиқни сақлашда фармацевтик технологиянинг аҳамиятини тушуниш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўниқмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- фармацевтик ишлаб чиқаришнинг бугунги қундаги холати;
- маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчилар;
- фармацевтик ишлаб чиқаришнинг ривожланиш истиқболлари;
- фармацевтик ишлаб чиқариш бўйича эълон қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар;
- фаол фармацевтик ингредиентлар ва уларга қўйилган талаблар;
- табиий ва синтетик усуlda олинган дори моддалари ва уларнинг меъёрий хужжатлари;
- ёрдамчи моддалар ва уларга қўйилган умумий ва хусусий талаблар;
- фармацевтик ишлаб чиқаришда асбоб-ускуналар;

- асбоб-ускуналарга қўйиладиган талаблар;
- фармацевтик ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳалқаро тажрибаларини педагогик маҳорат билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари;
- фармацевтик ишлаб чиқаришда ҳалқаро тажрибаларни соҳага татбиқ этишдаги муаммоларни ҳал қилиш;
- ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва фармацевтик ишлаб чиқаришга татбиқ этишдаги муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва умумлаштиришда касбий маҳорат малакаларини эгаллаши лозим.

Тингловчи:

- қаттиқ дори шаклларини ишлаб чиқаришдаги инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар:
 - кукунлар;
 - гранулалар;
 - таблеткалар;
 - капсулалар;
 - дражелар;
 - юмшоқ дори шаклларини ишлаб чиқаришдаги инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар:
 - суртмалар;
 - кремлар;
 - геллар;
 - пасталар;
 - линиментлар;
 - шамчалар;
 - суюқ дори шаклларини ишлаб чиқаришдаги инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар:
 - сувли ва сувсиз эрималар;
 - инъекцион эритмалар;
 - доривор ўсимлик хоашёларидан олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқаришдаги инновацион технологиялар ва асбоб-ускуналар:
 - настойкалар;
 - суюқ экстрактлар;
 - қуюқ экстрактлар;
 - қуруқ экстрактлар;
 - назарий билимлар ва амалий кўникмаларни педагогик фаолиятда қўллай олиш;
 - саноат фармацияси фанларини ўтишда ҳалқаро тажрибалардан фойдаланиш;
 - фармацевтик ишлаб чиқариш соҳасидаги инновацияларни таҳлил қила олиш;
 - қадоқловчи ва ўровчи материаллар ва воситалар, шунингдек, асбоб-ускуналар билан ишлаш;

- стандарт операцион жараёнларни амалиётда қўллай олиш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- фармацевтик ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро стандартларнинг жорий этилишини аниқлаш;

- фармацевтик ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш унумдорлигини таъминлаш, ошириш, назорат қилиш ва бошқариш;

- дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни рўйхатдан ўтказиш тартибини амалиётда қўллаш;

- дори воситалари ишлаб чиқаришнинг замонавий усусларини қўллаш;

- фундаментал назарий билимларни саноат фармацияси соҳасидаги амалий вазифаларни ечишда лаборатория доирасида тадқиқотларни бажариш;

- инсонлар учун қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни амалиёт билан уйғунлаштириш;

- ёрдамчи ва технологик жараёнлар, аналитик усуслар, технологик ва лаборатория жиҳозларини, асбоб-ускуналарни валидациялаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, жамоа ва кичик гурухлар.

Модулни ўқитиши даврида педагогик жараённи жадаллаштириш мақсадида замонавий педагогик технологиялар, ахборот воситалари, компьютер, интернет тизимидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Ўқув жараёни муаммоли маъruzalар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида ташкил қилиш, илгор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни мавзуни ўзлаштиришга ундейдиган, муаммоларни ечишни ўйлантирадган, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш асосида олиб борилади. Модулни ўтказиш бўйича қуидаги асосий контсептуал ёндошувлардан фойдаланилади:

- шахсга йўналтирилган таълим, тизимли ёндошув, фаолиятга йўналтирилган ёндошув, диалогик ёндошув, ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш, муаммоли таълим, компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш, ўқитиши усуслари ва техникаси (маъruzaga кириш, мавзуга оид, визуаллаш);

- муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуслари, амалий ишлар).

Ўқитиши воситалари: ўқитишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: амалий машғулотларда ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Дори воситаларининг сифатини таъминлаш ва ишлаб чиқаришда халқаро талаблар” шунингдек, бошқа ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар саноат фармациясидаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

| № | Модул мавзулари | Умумий соат | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | |
|----|---|-------------|-----------------------------------|---------|----------|---|
| | | | Аудитория ўқув юкламаси | | | |
| | | | жами | назраий | жумладан | |
| 1. | Маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқариш (Табиий ва синтетик усулда | 7 | 5 | 2 | 3 | 2 |

| | | | | | | |
|----|---|-----------|-----------|-----------|-----------|----------|
| | олинган дори моддалари ва уларнинг меъёрий хужжатлари) | | | | | |
| 2. | Ёрдамчи моддалар ва уларга қўйилган умумий ва хусусий талаблар (Ёрдамчи моддалар, мақсад ва меъёрлар) | 7 | 5 | 2 | 3 | 2 |
| 3. | Қаттиқ дори шаклларининг яратилиш цикли (куқунлар, гранулалар, таблеткалар, капсулалар ва дражелар) | 5 | 5 | 2 | 3 | |
| 4. | Юмшоқ дори шаклларининг яратилиш цикли (суртмалар, кремлар, геллар, пасталар, линиментлар ва шамчалар) | 5 | 5 | 2 | 3 | |
| 5. | Суюқ дори шаклларининг яратилиш цикли (сувли ва сувсиз эрималар, инъекцион эритмалар) | 5 | 5 | 2 | 3 | |
| 6. | Доривор ўсимлик хоашёларидан олинадиган дори воситаларининг яратилиш цикли (настойкалар, суюқ, қуюқ ва қуруқ экстрактлар) | 5 | 5 | 2 | 3 | |
| | Жами: | 34 | 34 | 12 | 18 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Фаол фармацевтик ингредиентлар ва уларга қўйилган талаблар

Фаол фармацевтик ингредиентлар ва уларни олиниш манбаалари, табиий ва синтетик йўл билан олинадиган фаол фармацевтик ингредиентлар, уларга қўйилган умумий ва хусусий талаблар, уларнинг меъёрий хужжатларини расмийлаштириш ва тасдиқлаш.

2-мавзу: Ёрдамчи моддалар ва уларга қўйилган умумий ва хусусий талаблар

Ёрдамчи моддалар ва уларни олиниш манбаалари, табиий ва синтетик йўл билан олинадиган ёрдамчи моддалар, уларга қўйилган умумий ва хусусий талаблар, уларнинг меъёрий хужжатларини расмийлаштириш ва тасдиқлаш.

3-мавзу: Қаттиқ дори шаклларининг яратилиш цикли

Қаттиқ дори шакллари, кукуунлар, гранулалар, таблеткалар, капсулалар ва дражелар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар, уларни илмий асосланган таркибини танлаш учун ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини белгилаш, тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

4-мавзу: Юмшоқ дори шаклларининг яратилиш цикли

Юмшоқ дори шакллари, суртмалар, кремлар, геллар, пасталар, линиментлар ва шамчалар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар, уларни илмий асосланган таркибини танлаш учун ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини белгилаш, тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

5-мавзу: Суюқ дори шаклларининг яратилиш цикли

Суюқ дори шакллари, сувли ва сувсиз эрималар, инъекцион ва инфузион эритмалар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар, уларни илмий асосланган таркибини танлаш учун ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини белгилаш, тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

6-мавзу: Доривор ўсимлик хомашёларидан олинадиган дори воситаларининг яратилиш цикли

Доривор ўсимлик хомашёларидан олинадиган дори турлари, настойкалар, суюқ, қуюқ ва қуруқ экстрактлар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар, уларни илмий асосланган таркибини танлаш учун ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини белгилаш, тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Табиий ва синтетик усулда олинган дори моддалари ва уларнинг меъёрий хужжатлари

Дори моддалари ва уларни олиниш манбаалари, табиий ва синтетик йўл билан олинадиган фаол фармацевтик ингредиентлар, уларга қўйилган умумий ва хусусий талаблар, уларнинг меъёрий хужжатларини расмийлаштириш ва тасдиқлаш.

2-Амалий машғулот: Ёрдамчи моддалар, мақсад ва меъёрлар

Саноат миқёсида дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар (тўлдирувчилар, парчалантирувчилар, боғловчилар, антифрикцион моддалар, корригентлар, стабилизаторлар, эмульгаторлар, ажратувчилар, эритувчилар, пролонгаторлар ва бошқ.), уларга қўйилган умуний ва хусусий талаблар, уларни илмий асосланган тури ва миқдорини танлаш, меъёрларини белгилаш.

3-Амалий машғулот: Кукунлар, гранулалар, таблеткалар, капсулалар ва дражелар

Кукунлар, гранулалар, таблеткалар, капсулалар ва дражелар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар (тўлдирувчилар, парчалантирувчилар, боғловчилар, антифрикцион моддалар, корригентлар ва бошқ.), уларни илмий асосланган таркибини танлаш учун ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини белгилаш (математик моделлаштириш), тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

4-Амалий машғулот: Суртмалар, кремлар, геллар, пасталар, линиментлар ва шамчалар

Суртмалар, кремлар, геллар, пасталар, линиментлар ва шамчалар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган асослар (вазелин, ланолин), уларни илмий асосланган таркибини танлаш, гомогенлаш жараёнига таъсир қилувчи оилларни ўрганиш, тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

5-Амалий машғулот: Сувли ва сувсиз эрималар, инъекцион эритмалар

Сувли ва сувсиз эритмалар, инъекцион ва инфузион эритмалар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган эритувчилар (инъекцион сув), уларни илмий асосланган таркибини танлаш, эритмани тайёрлаш жараёнига таъсир қилувчи оилларни ўрганиш, тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

6-Амалий машғулот: Настойкалар, суюқ, қуюқ ва қуруқ экстрактлар

Настойкалар, суюқ, қуюқ ва қуруқ экстрактлар, уларни тайёрлашда ишлатиладиган ажратувчилар (этил спирти), уларни илмий асосланган таркибини танлаш учун ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини белгилаш, ажратма олиш жараёнига таъсир қылувчи оилларни ўрганиш, тайёрлаш технологияси, саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги үқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- жамоавий үқитиш шакллари ёрдамида (маъзуза, презентация, ақлий хужум, бумеранг каби назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- кичик гурухларда амалий машғулотлар баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар, кейс ва муаммоли вазиятлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);
- якка тартибда мустақил таълим (индивидуал топшириқларни бажариш, адабиётлар билан ишлаш, тўпланган материалларни расмийлаштириш, гуруҳда мавзуни ҳимоя қилиш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш турлари | Максимал балл | Изоҳ |
|----------|--------------------------|----------------------|-------------|
| 1 | Кейс топшириқлари | | 1.5 балл |
| 2 | Мустақил иш топшириқлари | 2.5 | 0.5 балл |
| 3 | Амалий топшириқлар | | 0.5 балл |

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш Босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш | <ul style="list-style-type: none">• якка тартибдаги аудио-визуал иш;• кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);• ахборотни умумлаштириш;• ахборот таҳлили;• муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none">• индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;• муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;• асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш | <ul style="list-style-type: none">• индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;• муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;• ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; |

| | |
|--|---|
| йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

Кейс. Лабораторияга янги юқори самарали хроматографи ўрнатилди. Аммо ишга туширишнинг имкони бўлмади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: юқори самарали суюқлик хроматография усулининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|------------------------|--------------------|
| S | юқори самарали суюқлик | Бир вақтнинг ўзида |
|---|------------------------|--------------------|

| | | |
|---|---|---|
| | хроматография усулининг кучли томонлари | текширилувчи модданинг ҳам чинлиги, ҳам тозалаги ва ҳам миқдорини аниқлашга имкон беради. |
| W | юқори самарали суюқлик хроматография усулининг заиф томонлари | Асбоб маҳсус билим ва кўникма талааб этади. |
| O | юқори самарали суюқлик хроматография усулидан фойдаланишининг имкониятлари (ички) | Интернет билан боғланган. |
| T | Тўсиқлар (ташқи) | Электр бўлмаса ишламайди. |

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг боскичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда қасбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Доривор ўсимликлар кимёвий таркибининг фармакологик фаоллигига таъсири”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби: “Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал

шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 0,5 балл ёки 0,1-0,5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

- СФ усулида қандай кўрсаткич аниқнилади?
- А. Нур синдириш
- В. Нур ютиш
- С. Нурни буриш



- СФ усулидан фойдаланиш имкониятларини қиёсий таҳлил қилинг



Тушунча таҳлили

- Спектрофотометрия усулининиз изоҳланг...



- Спектрофотометрия усулида дори модданинг чинлиги, тозалиги ва миқдорини ўрганинг

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш

шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



хар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади

Намуна:

Замонавий асбоблар

| ЮССХ | | Хроматомасс | | ЯМР | |
|-----------|-----------|-------------|-----------|-----------|-----------|
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | | | |

Хулоса:

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини хам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|---------------|---------------|---------------|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч иборалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Кўшимча маълумот |
|------------------|--|------------------|
| Муаммоли ўқитиши | мантиқий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиши ва дарс бериш усулларини қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, | |

| | | |
|----------------------|--|--|
| | билишга бўлган қизиқиш ва талаб...) тизими | |
| Кейс-стади | «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиш | |
| Педагогик технология | ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳа | |
| Фармацевтик кимё | Дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари, олиниши, таҳлили, таҳлил усусларини ишлаб чиқиш, стандартлаш тўғрисидаги фан | |

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниqlаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

• иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;

• навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан груп аъзоларини таништирадилар;

• жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Мутахассислик фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқланиши бўйича



Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳдил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкамларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўкувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дори воситаларининг сифат кўрсаткичларини меъёрий хужжатларда келтирилиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

| Ҳаракатлар мазмуни | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гурух баҳоси | Гурух хатоси |
|--------------------|-----------|-----------|-------------|--------------|--------------|
| Тасвирланиши | | | | | |
| Чинлиги | | | | | |
| Хлоридлар | | | | | |
| Эрувчанлиги | | | | | |
| Миқдорий таҳлили | | | | | |
| Сақланиши | | | | | |

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йифиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

| Фаолият тури | Иш шакли | |
|-------------------|---|--|
| | Индивидуал | Гурӯҳий |
| Таълимий фаолият | Талабалар портфолиоси, битиравчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ. | Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ. |
| Педагогик фаолият | Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси | Қафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ. |

III НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Фаол фармацевтик ингредиентлар ва уларга қўйилган талаблар

Режа:

Кириш

1.1. Дори воситалари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошланғич материаллар

1.2. Бирламчи хомашё

1.3. Дори моддалари ва уларнинг таснифланиши

1.4. Меъёрий ҳужжатлар

Таянч иборалар: генерик, оригинал, дори воситалари фаол фармацевтик ингредиентлар, талаб, хомашё, меъёрий ҳужжжат

Кириш

Дори моддаларидан дори воситаларини тайёрлаш фармацевтика корхонасининг асосий мақсади ҳисобланади. Бунда дастлабки хом ашё ва ёрдамчи, ўров ва ёрлиқлаш материаллари ишлатилади.

Керакли даражада яхши тузилган ҳужжатлар тўплами тайёр маҳсулот сифатини таъминлаш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. У ушбу қоиданинг ҳамма бўлимлари билан боғлиқ бўлиши ва унинг асосий талабларини акс эттириши керак.

Ишлаб чиқариш жараёни қоида талаблари акс эттирилган технологик регламентга қатъиян риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу эса керакли сифатда тайёр маҳсулот олишни таъминлайди.

2030 йилгача Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсиш бараборлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини, инвестицион ва экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун қулай шартшароитлар яратиш, меҳнат бозорида кескинлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадлари ўсиши ва кам таъминланганликни қисқартириш назарда тутилади.

2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини (кейинги ўринларда – Концепция) ишлаб чиқиш мамлакатда амалга оширилаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига, Ҳукуматнинг молиявий-иқтисодий муносабатларнинг барча жиҳатларини ислоҳ қилиш, тармоқлар ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ қабул қилинган қарорларига асосланади.

Концепцияни ишлаб чиқиш зарурати узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини чеклайдиган мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, хавф-хатар ва таҳдидларни ҳал этиш, шунингдек, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ҳозирги ҳолатидан барқарор ривожланишга ўтишнинг мақсадлари ва устуворликларини белгилаш ва аҳоли ҳаёт даражасини ошириш билан боғлиқдир.

1.1. Дори воситалари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошланғич материаллар

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ серияли ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичлари бўйича ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш, экспорт, илмий-тадқиқот ишлари, клиник олди тадқиқотлар ва клиник тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчилар дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат килувчи ички идоравий хизматларга эга ҳамда зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тамғалаш ҳамда жойлаш-ўраш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

хузуридаги фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги томонидан тасдиқланади.

Давлат фармакопеяси дори воситалариға ва тиббий буюмларга доир талабларни, умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш усулларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами бўлган расмий нашрdir.

Умумий фармакопея мақоласи дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг сифатига, доривор ўсимлик хом ашёсига, уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига, дори воситаларининг сифатини назорат қилишда фойдаланиладиган стандарт намуналарга, реактивларга, дори воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган жойлаш-ўраш материалларига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Фармакопея мақоласи муайян дори воситасининг, тиббий буюмнинг, доривор ўсимлик хом ашёсининг, ёрдамчи модданинг сифатига доир талабларни белгилайди.

Умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш ва уларни Давлат фармакопеясиға киритиш Фармакопея қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Фармакопея қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий эксперт органидир.

Давлат фармакопеяси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан беш йилда камида бир марта чоп этилади. Давлат фармакопеясининг қайта нашрлари оралиғидаги даврда Давлат фармакопеясиға иловалар чоп этилади.

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга дори воситаларини ва тиббий буюмларни сақлашга рухсат берилади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни сақлаш ҳамда ташиб уларнинг хавфсизлиги, сифати ва бут сақланиши зарур дистрибуторлик амалиёти (GDP) ёки зарур сақлаш амалиёти (GSP) ёки яхши дорихона амалиёти (GPP) талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини реализация қилиш мақсадида сақлаш, ташиб тақиқланади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари, шунингдек муомаладаги дори воситалари ва тиббий буюмлар уларнинг инсон соғлиғига заарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда муомаладан чиқарилиши ва йўқ қилиб ташланиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни йўқ қилиб ташлаш уларнинг эгалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан Марказий Осиёда қулай геостратегик вазиятга эга. Ўзбекистон чегарадош давлатлар ўртасида фойдали транспорт-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш учун катта транзит салоҳиятига эга. Республика ҳудуди орқали Шарқ ва Фарбни боғлайдиган тарихий Буюк ипак йўли ўтади. Бу ерда Европадан Яқин Шарққа ва Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борувчи йўллар кесишади.

Юқори табиий-хомашёвий ва шаклланган ишлаб чиқариш салоҳияти мавжудлиги саноат маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқаришни, импортнинг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ва кооперация алоқаларини ривожлантиришни таъминлаши мумкин.

Республикада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг муҳим манбалари бўлиб хизмат қиласидиган аграр секторни ва қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш учун яхши шарт-шароитлар мавжуд.

1.2. Бирламчи хом ашё

Фармацевтика корхоналари бирламчи хом ашё учун белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий-техник ҳужжатга эга бўлишлари керак.

Ишлаб чиқариш корхонасида тасдиқланган корхона стандарти бўлиши ва қуидагиларни ўз ичига олиши керак;

- номи, шартли белгиси ва кодини ўз ичига олган хом ашё баённомасини;
- мавжуд меъёрий ҳужжатларга ҳаволаларни;
- хом ашё етказиб бериш эҳтимоли бўлганларни, улар билан меъёрий ҳужжатларни келишишни, етказиб берадиган хом ашё ҳажми ва муддатини кўрсатишни;
- намуна олиш ва кириш назорати ўтказиш бўйича қўлланмаларни;
- ишлаб чиқариш таснифини ҳисобга олган ҳолда сифатга нисбатан талабларни;

- хом ашё ишлатишда эҳтиёт чоралари ва тегишли шароитда сақлашни;

- хом ашёни ишлатиш муддати ёки санаси. Бундан кейин сифатни қўшимча текшириш талаб қилинишини;

Хом ашё серияларини олаётганда таъминотчининг бюртма бланкасидаги маълумотларни, аналитик паспортини, юк хати ва ёрлиқларни тўғрилигини, ўрамининг шикастланмаганлиги ва тозалиги, хом ашё сифатини кўрсатувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги текшириб кўрилади. Олинаётган хом ашёнинг ҳар бир серияси рўйхатдан ўтказилади.

Агарда бирданига бир неча турлича сериядаги бир хил хом ашё олинган бўлса, намуна олишда ҳар бир серияни алоҳида кўриб чиқиши, меъёрий ҳужжат асосида кириш назоратини ўтказишни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун руҳсат бериш керак.

Олинган хом ашё амалдаги ҳужжатларга асосан кириш назоратидан ўтказилади, бунинг учун хом ашёнинг ҳамма сериясидан ўртача наъмуна танлаб олинади.

Намуналар маҳсус жиҳозланган хоналарда, хом ашёни қўшимча ифлосланишдан сақлайдиган шартларга амал қилган ҳолда танлаб олинади. Иложи борича, намуна олишни бошқа ходим назорати остида, фақатгина сифат назорати бўлимининг ваколат берилган ходими олиши керак. Назорат қилинувчи намуналарни ишлатиш муддати тугагандан кейин яна бир йил давомида тегишли шароитда сақлаш керак.

Меъёрий ҳужжат талабларидан четга чиқиши, шунингдек дастлабки хом ашё сифатига таъсир қилиши мумкин бўлган ўрамни шикастлангани рўйхатдан ўтказилиши керак.

Олинган хом ашё ёрлиқ ва қўйидаги маълумотлар билан таъминланиши керак:

- маҳсулот номи, шартли белгиси ва ёки коди;
- серия рақами;

- яроқлилик муддати ёки санаси. Бундан кейин сифатни қўшимча текшириш талаб қилиниши керак. Бундай ҳолда рангли ёрлиқдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Назорат босқичларидан ўтиш жараёнида ёрлиқлар алмаштириб борилади(масалан, хом ашё ишлатишга руҳсат берилди ёки яроқсиз деб топилди).

Хом ашё асосий ишлаб чиқаришдан ажратилган хоналарида сақланиши керак. Хом ашёни ўзаро аралашиб кетишини ва ифлосланишини олдини олиш мақсадида кабул қилиш, сақлаш ва бериш учун алоҳида хоналар ёки жойлар ажратилиши лозим. Сақлашда ваколатли бўлган ходимлар хом ашё сақланаётган хонага осон киришлари керак.

Хом ашё билан ишлаш вақтида амалдаги санитария, гигиена ва техника ҳавфсизлиги меъёрларига қатъий амал килиш талаб этилади.

Хом ашё меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мос бўлсагина, техник назорат бўлими руҳсати билан ишлаб чиқаришга топширилади. Топширилаётган ва заҳирадаги хом ашё рўйхатдан ўтказилиши зарур.

Хом ашёнинг олинган ҳар бир сериясидан такрорий таҳлилий назорат ўтказиш учун етарли миқдорда намуналар қолдириш зарур.

Биринчи навбатда, корхонага олдин тушган, Сифат назорат бўлимига тегишли руҳсати бўлган сериялар ишлатилиши лозим.

Ваколатли цех ходими ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашёни тарозида тортиш ва ўлчашни ёзма йўриқнома асосида амалга ошириши керак. Тарозида тортиб ва ўлчаб олишдан олдин, хом ашёни ишлатиш мумкинлигига ва сифим маркаланганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Тарозида тортишни бир ходим 2-ходим назоратида олиб бориш керак

Иккиламчи контаминациянинг олдини олиш мақсадида бирламчи хом ашёни ишлаб чиқариш участкасига етказиб бериш шароитларига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Стерил дори воситалари таркибиға кирувчи барча компонентлар мунтазам микроб контаминацияси текширувидан ўтказиб турилиши керак.

Стерил дори воситаларн таркибиға кирувчи барча компонентлар мунтазам стериллик ёки микроб контаминацияси, зарур ҳолларда пирогенлик бўйича текширувдан ўтказилиши лозим. Микроорганизмларнинг руҳсат этилган миқдори корхона стандартида хом ашёнинг ҳар бир тури учун алоҳида қўрсатилиши керак. Зарур ҳолларда бирламчи хом ашёлардаги механик заррачалар миқдори аниқланиши зарур.

Яроқсиз деб топилган хом ашё қайта ёрлиқланиши таъминотчиға қайтарилиши ёки йўқ қилиниши керак. Бу тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши лозим.

Хом ашё фақатгина Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифат назорати Бош бошқармаси рўйхатидан ўтган таъминотчилардан олиниши керак.

Оралиқ маҳсулотлар, керак бўлганда, саноат регламенти талабларига мувофиқ синовдан ўтказилиши керак.

Оралиқ маҳсулот миқдорининг тасдиқланган ёки лойихадагига нисбатан анча четга чиқишини (жумладан қадоқланмаган маҳсулот) баённомага киргизиш ва текшириб чиқиш керак.

1.3. Дори моддалари ва уларнинг таснифланиши

Ҳар қандай тасниф шартли равишда қилинади. Уни кейинчалик тўғрилаш, тўлдириш ёки ривожлантириш мумкин.

Бугунги кунга келиб, дори моддаларини иккита асосий қуйидаги таснифлаш тури тафовут қилинади:

1. Дори моддаларини келиб чиқишига кўра.
2. Дори моддаларини фармакологик фаоллигига кўра.

Дори моддаларини келиб чиқишига кўра таснифлаш. Бу иккита асосий катта гурухга бўлинади:

1. Бирламчи ишлов бериш жараёнидан ўтган(аралашмалардан тозалаш, қуритиш, саралаш ва бошқ.), келиб чиқиши минерал, ўсимлик ва ҳайвон табиатига эга бўлган моддалар:

- минерал дори моддалари (ичимлик содаси, фаоллаштирилган кўмир, доривор балчиқ ва бошқ.);
- доривор ўсимлик хом ашёлари (йиғмалар, барглар, ўтлар (ер устки қисмлари), гуллар, мевалар, уруғлар, илдизлар, илдизпоялар, пўстлоқ ва бошқ.);
- ҳайвонлардан олинадиган дори моддалари (уй ҳайвонларининг ички секреция безларидан олидиган дори моддалари).

2. Мақсадли йўналтирилган синтез орқали ёки таббий хом ашёларни қайта ишлаш орқали олинган синтетик ёки ярим синтетик дори моддалари.

Булар қуйидаги кичик гурухларга бўлинади:

1. Кимёвий моддалар. Бу турдаги дори моддалари табиати бўйича индивидуал кимёвий дори моддалар бўлиб, келиб чиқиши жиҳатидан таббий хом ашёларни синтез қилиш ёки тозалаш орқали олинади (натрий хлорид, натрий сульфат, кумуш нитрат, хлорид ва сульфат кислоталари, натрий гидрокарбонат, калийперманганат, натрий тиосульфат ва бошқ.);

2. Кимё-фармацевтик дори моддалари. Булар табиати жиҳатидан кимёвий индивидуал моддалар бўлиб, мураккаб синтез қилиш йўллари орқали олинади. Масалан, сульфаниламидлар (стрептоцид, норсульфазол), силга қарши ишлатиладиган дори моддалари (фтивазид), ухлатувчи ва оғриқ қолдирувчи дори моддалари, безгакка қарши ишлатиладиган дори моддалари (бигумаль) ва бошқ. Шунингдек бу гурухга биологик фаол моддалар келиб чиқиши бўйича ўсимлик ва ҳайвонлардан тоза ҳолда олинадиган моддалар ҳам киради. Масалан, алкалоидлар ва гликозидлар шунингдек, алоҳида гурух сифатида яна турли радиактив изотопларни (радиактив йод) ҳам келтириш мумкин.

3. Антибиотиклар. Улар турли хил микроорганизмлар ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлар ҳисобланиб, микроорганизмларни озуқа муҳитида ўстириш орқали, биологик синтез

қилиш йўли билан олинади. Масалан микроорганизмлардан олинган пенициллин, стрептомицин, биомицин, грамицидин ва бошқ. Синтетик йўл билан олинган антибиотиклар метициллин, оксациллин, шунингдек кенг таъсир доирасига эга бўлган антибиотиклар цефалоспорин гурухига мансуб бўлган антибиотиклар ҳисобланади.

4. Витамилар. Буларга индивидуал синтетик кимёвий моддалар (аскорбин кислотаси, тиамин, никотин кислотаси, цианокоболамин ва бошқ.) ҳамда муракаб тузилишли комплекс моддалар (концентратлар, экстрактлар ва қиёмлар) киради.

5. Органопрепаратлар. Улар асосан ҳайвон органларидан олинадиган моддалар бўлиб, асосан ҳайвон органлари тўқималари ва суюқликларидан олинади. Органопрепаратлар биологик модда сифатида таркибида гормон табиатли моддаларни сақловчи муракқаб комплекс моддалар ҳисобланади. Уларнинг баъзиларини тоза ҳолда олиш икмони мавжуд (адреналин), баъзиларини эса синтетик йўл билан олиш имконияти бор (жинсий гормонлар). Органопрепаратларга шунингдек ферментлар ҳам киради (пепсин).

6. Вакцина ва зардоблар. Булар иммунобиологик дори моддалари бўлиб, вакцина ва зардоб, иммунологик, эпидемиологик, микробиологик ва гигиена институтлари ҳамда санитар-эпидемиологик станциялари томонидан ишлаб чиқарилади.

7. Доривор хом ашёларни бирламчи қайта ишлаш натижасида олинадиган моддалар (ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган эфир мойлари, ёғ ва мой маҳсулотлари)

Фармакологик таъсир доирасига кўра таснифлаш. Бу учта асосий катта гурухга бўлинади:

1. Захарли моддалар.
2. Кучли таъсир этувчи моддалар.
3. Кучсиз таъсир этувчи моддалар.

Захарли ва кучли таъсир қилувчи моддалар - терапевтик, заҳарли ва летал (ўлимга сабаб бўлувчи) дозаларга бўлинади. Терапевтик таъсир қилувчи моддалар бир мартали доза (минимал, ўртча, бир марталик энг юқори, зарбли, қўллаб-қувватловчи ва олдини олувчи), кунлик доза (терапевтиқ, максимал ўзлаштириш, токсик) ва даво дозаларига (даволаш курси давомида белгиланган) бўлинади.

Дори воситалари ва дори шакллари, уларнинг таснифланиши.

Дори воситалари самарарадорлиги уларнинг дори шаклига боғлик. Шунинг учун ҳам дори шаклларига қуйидаги алоҳида талабалар қўйилади:

- даволаш усули билан дори шакли ўзаро мутаносиб бўлиши;
- дори моддасини айнин шу дори шаклида юқори биосамарарадорликка эга бўлиши;
- мақсадга мувофиқ бўлган фармакокинетикани намоён қилиши;

- дори моддаларини ёрдамчи моддалар таркибида тенг тақсимланиши;
- аник дозаларга бўлиниши;
- сақлаш жараёнида юқорни турғунликни намоён қилиши;
- микроблар контаминацияси ва уларнинг меъёрларига тўғри келиши;
- керак бўлганда консервациялаш имкониятлари мавжуд бўлиши;
- қабул қилишдаги қулай бўлиши;
- дори моддасининг ноҳуш таъми ва ҳидини йўқотиш имконини бўлиши;
- ихчам ва қулай бўлиш керак.

Бугунги кунда турли ҳил қонун-қоидаларга асосланган дори воситаларини дори шакллари бўйича қуидагича таснифлаш амалда мавжуд:

1. Дори шаклларини агрегат ҳолати бўйича
2. Юбориш йўлларига кўра

Агрегат ҳолатига кўра дори шаклларини таснифланиши. Барча дори шакллари агрегат ҳолатига кўра 4 гурӯхга бўлинади: қаттиқ, суюқ, юмшоқ ва газсимон.

- қаттиқ дори шаклларига йиғмалар, кукунлар, гранулалар, таблеткалар, дражелар, қаттиқ желатин капсулалар, пилюлалар, микросфера (пеллетлар);
- юмшоқ дори шаклларига суртмалар, пасталар, кремлар, геллар, линиментлар, шамчалар, юмшоқ желатик капсулалари; суюқ дори шаклларига эритмалар, микстуралар, томчилар, малҳамлар (примочкалар), суспензиялар, эмульсиялар линиментлар;
- газсимон дори шаклларига газлар, буғлар, аэрозоллар, спрейларлар киради.

Дори шаклларини юбориш йўлларига таснифланashi. Улар икки гурӯхга бўлинади: энтерал (овқат ҳазм қилиш тизими орақали) ва парентерал (овқат ҳазм қилиш тизимини четлаб ўтиб).

Энтерал юборишни турлари:

1. Оғиз орқали - перорал
2. Тил остига - сублингвал
3. Тўғри ичакка - ректал

Парентерал юбориш турлари:

1. Терига (ташқи мақсадлар учун мўлжалланган хантал қоғози, ҳар хил сепмалар, суртмалар ва бошк.).
2. Осон юбориш мумкин бўлган шиллиқ қаватларга (кўз, қулоқ, бурун ва қин ичига).

3. Инъекцион (максус шприцлар орқали организмни жароҳатланиши ҳисобига дори моддасини организмга юбориш).

4. Ингаляцион (бевосита нафас йўллари орқали дори моддаларини юбориш).

Дори шаклларини тоифасига кўра таснифлаш

Барча турдаги дори шакллари ва дори воситалари тоифасига кўра оригинал (Brand) ва ўзлаштирилган (женерик) турларга бўлинади.

Оригинал (Brand) - биринчи марта синтез қилинган дори воситалари бўлиб, тўлик тадқиқот ишлари амалга оширилган ва белгиланган муддатгача (20-25 йил) патентланган бўлади.

Женерик (generic) - ўзлаштирилган дори воситалари бўлиб, оригинал дори воситаларининг патент муддати ўтгандан сўнг, уларга тенглаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилиган дори воситаларидир. Бу турдаги дори воситаларининг савдо номи, оригинал дори воситаларининг савдо номидан фарқ қилиши керак. Бироқ, асосий таъсир этувчи модданинг кимёвий номи билан ишлаб чиқариш мумкин. Улар таъсир кўлами бўйича оригинал дори воситалар билан бир хил, нарҳи жиҳатидан кескин фарқ қиласди. Сабаби, женерик дори воситаларини ишлаб чиқаришда илмий изланишларга (таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, клиник синовлар ва бошқалар) алоҳида сарф ҳаражатлар қилинмайди.

1.4. Меъёрий ҳужжатлар

Дори воситаларини корхона шароитида ишлаб чиқариш учун қуйидаги меъёрий ҳужжатлар керак бўлади: Фармакопеялар, Ташкилот фармакопея мақолалари (ТФМ), фармакопея мақолалари (ФМ), вақтинча фармакопея мақоласи (ВФМ), саноат регламенти (СР) ва бошқа тегишли ҳужжатлар.

Бу стандартлар таклиф этилаётган дори воситасининг муаллифлари, лаборатория ва корхонанинг техник бўлими ходимлари иштирокида тузилади. Стандартларда дори воситасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан ташқи кўриниши, чинлиги, тозалиги, миқдорий тахлил усули, қадоқланиши, сақланиши ва фармакологик таъсири келтирилган бўлади. Дори воситасининг таркиби ва технологияси ёзилмайди. ВФМ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Баш бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Ҳужжат пухта ишлаб чиқилган, тузилган, текширилган, тасдиқланган ва тарқатилган бўлиши керак. У ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни сотишга тегишли қоидаларга жавоб бериши лозим.

Ваколатли бўлган шахслар томонидан ҳамма ҳужжатлар санаси кўрсатилган ҳолда имзо қўйилган ва тасдиқланган бўлиши керак. Жавобгар

шахс ҳужжатдаги ёзувга киритилган хар қандай тузатишга имзо (виза) қўйиши керак.

Ҳужжатнинг мазмуни бир маъноли бўлиб, иккинчи изоҳи бўлмаслиги керак. Улар ҳаммабоп ва осон текшириладиган бўлиши лозим. Ҳужжатлар нусҳаси аниқ ва равshan бўлиши керак.

Ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга тегишли айрим ҳужжатларни қайта кўрилган санасини кўрсатган ҳолда доимий равищда қайтадан кўриб чиқиш лозим. Агар ҳужжат қайтадан кўриб чиқилган бўлса, эски хатоларини йўқ қилиш зарур.

Ҳужжатлар қўл ёзма бўлмаслиги керак. Аммо, уларга қандайдир маълумотлар киритиш зарур бўлса, фақат уларни қонуний ҳуқуқга эга бўлган ходим виза қўйиши шарти билан қўлда ёзиш мумкин. Ёзувлар бир маъноли, равshan, аниқ ва учирilmайдиган бўлиши керак.

Иш натижаси маълумотларини электрон тизими (компьютерлар) ёрдамида, суратга олиш ёки бошқа бир ишончли услуб билан ёзиб қўйиш мумкин. Фойдаланиладиган ёзиш тизимига тегишли қўлланмалар тушунарли, уларнинг тўғри ёзилишини эса жавобгар шахслар томонидан текшириб турилиши керак. Агар ҳужжатларни компьютердан фойдаланган ҳолда олиб борилса, маълумотларни компьютерга киритиш ёки уларни ўзгаришишни фақатгина ваколатли эга бўлган ходим бажариши мумкин.

Ёзувларни ўзгаририлиши ёки йўқ қилиниши ҳужжат билан расмийлаштирилиши керак. Компьютердаги маълумотга кира олиш парол (код) ёки бошқа йўл билан ҳимояланган бўлиб, асосий маълумотни киритиш эса мустақил равищда текшириб туриш керак. Компьютер хотирасида сақланадиган ёзувлар қўшимча равищда электрон ташувчиларга (CD, USB вабошқа) ва қоғозга ёзиб қўйилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичлари ёки текшириш синовларини олиб боришга тегишли ёзувлар ишлаб чиқариш жараёни ёки текширишни олиб бориш билан бир вақтда бажарилиши керак. Барча қайд ёзувлари маълум вақт давомида, лекин дори воситаларини сақлаш муддати ўтгач камида 1 йил сақланиши керак.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган асосий ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

- саноат регламентлар;
- ишлаб чиқариш ёзув варақалари;
- аналитик услублар, сифат тафсилотлари ва бошқа корхона стандартлари.

Тасдиқланган саноат регламентга асосан ҳар бир дори воситасини ишлаб чиқариш жараёни маҳсус йўриқномаларда ёритилиши керак. Бу йўриқномалар энг камида қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- дори шаклининг кўриниши, номи ва дори воситасининг дозаси;
- ишлаб чиқаришнинг барча босқичида хом ашёнинг чинлиги ва миқдори;
- ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш бўйича операциялар баёни;
- ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида тайёр маҳсулот чиқаришнинг назарий миқдори ва ҳақиқатдан чиқарилаётган маҳсулотнинг руҳсат берилган миқдори;
- дори воситасини ўраш ва ёрлиқлаш усувлари баёни;
- ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичларида ўтказилиши лозим бўлган назорат таҳлиллари ва назорат ўтказувчи бўлимлар номининг баёни.

Ишлаб чиқаришни қайд қилиш ёзувлари (сериялар тўғрисида ҳисбот, маршрут ҳариталари, ёзиш журналлари), дори воситаларининг ҳар бир сериясини ишлаб чиқариш ҳамда назорат қилишнинг барча босқичлари бўйича қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши ва серия саноат регламентларга ҳамда ёзма йўриқномаларга мос равишда тайёрланганини кўрсатиб туриши керак:

- фармацевтик корхонанинг номи;
- дори воситасининг номи ва дозаси;
- серия тайёрланган сана;
- фаол модданинг тўла кимёвий формуласи;
- дори воситаси тайёрлашда фойдаланиладиган ҳар бир таркибий қисмнинг серия рақами (ёки таҳлилнинг назорат рақами);
- ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида тайёр маҳсулотнинг назарий чиқиш миқдорига нисбатан ҳақиқатдан амалдаги чиқиш миқдори;
- ишлаб чиқариш кетма кетлиги тузилган ва имзоланганд қайд ёзувлари, дори воситаси сериясини тайёрлашда кўрилган эҳтиёткорлик чоралари ва маҳсус чоралар;
- дори воситасини ишлаб чиқариш вақтида ўтказлиган барча таҳлиллар ва олинган натижаларнинг қайд ёзувлари;
- ушбу серияда фойдаланилаётган ёрлиқлар намунаси;
- бирламчи ўров материаллари серия рақами;
- технологик операциялар ўтказилишини ва имзо чекилган санани назорат қилувчи мутахассиснинг имзоси;
- сериядаги дори воситаларининг амалдаги меъёрий хужжатларга мослигини гувоҳлик берувчи паспорт (сифат сертификати);
- дори воситасининг яроқсизга чиқарилган сериясини қайта ишлаш ёки йўқ қилиш ҳақида кўрсатма.

Меъёрий хаволалар

1. ГОСТ 12.1.005-88 “Иш зонасидаги ҳавога нисбатан қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари”
2. ГОСТ Р 50766-95 “Тоза хоналар. Таснифлаш. Аттестация услуби. Асосий талаблар” М.Госстандарт России. 1995.
3. TSt 19-02:2003 “Тиббий ва микробиология саноати маҳсулоти. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”
4. ОСТ 42-505-96. “Табиий саноат маҳсулотлари. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш тартиби, келишиш, тасдиқлаш”
5. ОСТ 42-506-96. “Дори воситалари ва доривор ўсимлик хом ашёлари учун меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”.
6. ОСТ 42-507-96. “Янги дори воситаларини яратиш ва саноатда қўллаш бўйича ишларни ташкил қилиш тартиби. Асосий қоидалар”.
7. ГОСТ 2874-82 “Истеъмол суви. Гигиена талаблари ва сифат назорати”.
8. ОСТ 42-504-96. “Саноат корхоналари ва ташкилотларда дори воситалари сифат назорати. Асосий қоидалари”.

Технологик регламент

Саноат регламенти дори воситаларини серияли ишлаб чиқаришда жараён босқичларини, бажариладиган вазифаларни, асбоб-ускуналарга бўлган талабларни, сифат назорати усулларини ва бошқаларни ўз ичига олган, ҳар бир технологик жараён батафсил баён қилинган ҳужжатдир.

Қўлланилиши бўйича технологик регламентлар қўйидаги турларига бўлинади:

- Лаборатория регламенти (ЛР);
- Тажриба-саноат регламенти (TCP);
- Ишга тушириш регламенти (ИТР);
- Саноат регламентлари (СР);
- Намунавий саноат регламент (НСР).

Ҳар қайси технологик регламентларни ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тегишли даражадаги ваколатли ва малакали бўлган тасдиқлайдиган ёки келишадиган масъул шахс томонидан кўриб чиқилиши керак.

1. Лаборатория регламенти саноат регламентига мос равишдага қоидалар билан ишлаб чиқиласди. Лаборатория регламенти ҳам ва худди саноат регламентидаги бўлимлардан иборат бўлиб, лаборатория шароитида ишлаб чиқаришни технологик жараёнларини турғун бўлишини таъминлаб берувчи маҳсулотни тайёрлаш усуллари, шароитлар ва техника

хавфсизлигини ўз ичига олади. Техник-иқтисодий меъёрлар (ТИМ) бўлимини ўрнига техник-иқтисодий меъёрлар бўйича экспериментал маълумотлар келтирилган жадвалини киритиш рухсат этилади.

2. Тажриба-саноат регламенти дори воситасининг Фармакопея мақоласи билан бир вақтда янги маҳсулотга ишлаб чиқилади ва техник ҳужжатлар тўпламишининг ажралмас қисми ҳисобланади

Тажриба-саноат регламенти технологик ҳужжат бўлиб, унга биноан янги турдаги маҳсулот технологиясининг синовлари амалга оширилади ва янги (такомиллаштирилган) технологиянинг тажриба-технологик ишлари ўtkазилади.

Тажриба-саноат регламенти норматив-техних ҳужжатларга киритиладиган сифат кўрсаткичларини синовдан ўтказиб, янги турдаги маҳсулотнинг тажриба намуналарини тайёрлаш ва янги саноат ишлаб чиқаришни лойиҳалаштиришда бошланғич маълумотларни киритиш мақсадида ишлатилади.

Серияли ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхоналарда амалга ошириладиган янги турдаги маҳсулотнинг тажриба-саноат регламенти ёки технологик жараён икки томонлама, яъни ишлаб чиқувчи ташкилот ва ишлаб чиқарувчи корхона томонидан тасдиқланиши керак.

3. Ишга тушириш регламенти технологик ҳужжат бўлиб, унга биноан янги яратилган маҳсулотни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ўзлаштириш амалга оширилади.

Ишга тушириш регламенти лойиҳа ҳужжатлари ва тажриба-саноат регламенти асосида тузилади. Ёки амалдаги ишлаб чиқаришга қўшимча қувватларни қўшишни йўлга қўйишдалойиҳа ҳужжатлари ва тажриба-саноат регламенти асосида ёхуд бошқа корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ўзлаштиришда тузилади.

Ишга тушириш регламенти ҳам ишлаб чиқарувчи корхона раҳбари томонидан ишлаб чиқувчи ташкилот билан технологик жараёнларни, лойиҳалаштирувчи ташкилот билан (янги/реконструкция қилинаётган майдонлар ёки асбоб-ускуналар ишлатилган тақдирда) ва маҳсулотни стандартлаштириш талаблари бўйича маъсул эксперт ташкилот билан келишгандан сўнг тасдиқланади.

4. Саноат регламенти – технологик ҳужжат бўлиб, унга асосан маҳсулот сериални ишлаб чиқарилади.

Саноат регламенти ишга тушириш регламенти ва ишга тушириш регламентига ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жараёнида унга киритилган ўзгартиришлар асосида тузилади.

Тегишли назорат қилувчи органлар назоратидаги портлаш хавфи бўлган ишлаб чиқаришда саноат регламенти - саноат ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфи, шунингдек санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш қисми бўйича қўшимча равишда ушбу ташкилотлар билан ҳам келишилиши керак.


Саноат регламенти TSt 19-02:2003 “Тиббий ва микробиология саноати маҳсулоти. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби” – Тармоқ стандартига асосан 14 та бўлим ва 28 та жадвалдан иборат.


1. Ишлаб чиқариш натижасидаги охирги маҳсулот тавсифи.
2. Ишлаб чиқаришнинг кимёвий схемаси.
3. Ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.
4. Ишлаб чиқаришнинг аппаратура схемаси ва асбоб-ускуналар спецификациялари.
5. Хом ашё, материаллар ва оралиқ маҳсулот тавсифи.
6. Технологик жараёнларнинг баён қилиниши.
7. Материаллар баланси.
8. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш ва зарарсизлантириш.
9. Ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва технологик жараёнларни бошқариш.
10. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси.
11. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.
12. Ишлаб чиқариш йўриқномаларининг рўйхати.
13. Техник-иктисодий меъёрлар.
14. Ахборот материаллари.

Регламент ўз навбатида манфаатдор шахслар, кафедра, лаборатория ёки техник бўлим ходимлари томонидан тузилади. Бугунги кунга келиб лаборатория, тажриба, саноат ва ишлаб чиқариш регламентлари мавжуд.

Лаборатория регламентини лаборатория мудири, ишлаб чиқариш регламентини эса корхонанинг бош мухандиси тасдиқлайди.

Регламент тузишда корхонадаги асбоб ускуналар ва маҳаллий шартшароит ҳисобга олинади. Ҳар бир корхонани, ҳар бир дори воситаси учун тузган регламенти бўлади, уни бошқа корхона тан олмаслиги мумкин. Регламент шу корхона учунгина мажбурий ҳужжат ҳисобланади.





Назорат саволлари:

1. Бошланғич материаллар нима?
2. Бошланғич хомашё ва унга қўйилган талаблар.
3. Фаол фармацевтик ингредиент нима?
4. Дори турларини сананг.
5. Дори шаклларини айтинг.
6. Дори воситалари ва уларга қўйилган талаблар.

7. Меъёрий ҳужжатлар.
8. Реламентлар ва уларнинг турлари.
9. Регламентларин таркиби қандай бўлимлардан иборат?
10. Фармакопея мақоласининг таркибий тузилмаси.

2-мавзу: Ёрдамчи моддалар ва уларга қўйилган умумий ва хусусий талаблар

Режа:

Кириш

- 2.1. Ёрдамчи моддалар ва уларнинг таснифи.
- 2.2. Ёрдамчи моддаларни физик-кимёвий тавсифи ва фармакокинетикаси бўйича таснифланиши
- 2.3. Инъекцион сув ва унга қўйилган талаблар
- 2.4. Сувси инъекцион эритувчилар

Таянч иборалар: ёрдами чидома, классификация, инъекцион сув, этил спирти, ацетилфталилцеллюлоза, ацетилцеллюлоза, юқори молекуляр бирикмалар, гидрофиль-липофиль баланс, карбоксиметилцеллюлоза, метилцеллюлоза, сирт фаол моддалар, ноионоген сирт фаол моддалар, оксипропилметилцеллюлоза, полиакриламид, поливинилпирролидон, поливинил спирти, полиэтиленгликол, полиэтиленоксид, этилцеллюлоза.

Кириш

Ёрдамчи моддалар дори шаклининг таркибий ва зарурий қисмидир. Замонавий дори воситаларини яратишда фақатгина дори модданинг хоссаларигина муҳим бўлмасдан, балки илмий асосда танланган ёрдамчи моддаларнинг хоссалари ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Ёрдамчи моддалар дори воситасига маълум бир терапевтик самарадорлик, барқарорлик ва шакл бериши лозим. Биофармацевтик нуқтаи-назаридан ёрдамчи моддалар дори воситаларининг фармакологик таъсирини, фармакокинетик хоссаларини таъминлаши зарур. Шунингдек, улар дори моддаларнинг мазасини, рангини ва ҳидини яхшилаш учун ҳам ишлатилади. Бу айниқса болалар ва қариялар фармакотерапиясида муҳимдир.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар асосан қўйидаги қисқартмалар бўйича юритилади:

АФЦ – ацетилфталилцеллюлоза.

АЦ – ацетилцеллюлоза.

ЮМБ – юқори молекуляр бирикмалар.

ГЛБ – гидрофиль-липофиль баланс.

КМЦ – карбоксиметилцеллюлоза.

МЦ – метилцеллюлоза.

СФМ – сирт фаол моддалар.

НСФМ – ноионоген сирт фаол моддалар.

ОПМЦ – оксипропилметилцеллюлоза

ПАА – полиакриламид.

ПВП – поливинилпирролидон.

ПВС – поливинил спирти.

ПЭГ – полиэтиленгликол.

ПЭО – полиэтиленоксид.

ЭЦ – этилцеллюлоза.

Турли мақсадларда қўлланиладиган дори шаклларини яратишда ишлатиладиган одатдаги ёки янги ёрдамчи моддаларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, уларга қўйиладиган талаб бир хил. Улар заҳарсиз, организмда аллергия чақирмаслиги, дори моддасининг таъсирини таъминлаши, дори модда, бошқа ёрдамчи моддалар ва қадоқловчи материаллар билан реакцияга киришмаслиги, дори воситасининг органолептик хоссаларини бузмаслиги зарур. Ёрдамчи моддалар нафақат берилган дори шаклига маълум бир шакл, қаттиқлик ва деградацион хоссалар берибгина қолмасдан, уларнинг сифатини барқарорлаштириши ва тегишли меъёрий хужжат талабига ҳам тўлиқ жавоб бериши керак. Бундан ташқари ностерил дори воситаларига қўйилган микробиологик тозалик талабларига ҳам жавоб бериши ва осон стерилланадиган бўлиши зарур.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда фармацевтика амалиётида ишлатишга рухсат этилган ёрдамчи моддаларнинг тутган ўрни ниҳоятда катта. Камдан-кам ҳолатлардагина деярли ёрдамчи моддаларсиз тайёр дори воситаларини тайёрлаш мумкин бўлади. Масалан инъекция қилиш учун мўлжалланган кукунлар технологиясида (антибиотиклар), тўғридан-тўғри пресслаб олинган таблеткаларда (хлоридлар, бромидлар в.б.).

Ёрдамчи моддаларни тайёр дори воситаларининг таркиби учун танлашда албатта маълум бир қонун-коидаларгава меъёрларга риоя этиш зарур.

2.1. Ёрдамчи моддалар ва уларнинг таснифи.

Дори шакли ўз таркибида бир ёки бир нечта дори моддалари ва ёрдамчи моддаларни сақлайди.

Ёрдамчи моддаларга қўйилган умумий талаблар:

- тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган бўлиши;
- дори моддасини фармакологик таъсирини унинг фармакокинетикасини таъминлаган ҳолда сақлаб қола олиши ва юзага чиқишига тўсқинлик қилмаслиги;
- дори моддасининг физик-кимёвий, технологик, фармакологик хоссаларига ва биосамараадорлигига таъсир кўрсатмаслиги;
- керакли микдорда ишлатилган ёрдамчи моддалар биологик жиҳатдан безарар бўлиши, организмнинг биотўқималарига зарар етказмаслиги, шунингдек аллергик ва токсик таъсирларни юзага чиқармаслиги;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва аппарат ёки қурилмаларга ёхуд уларнинг айрим ишчи қисмларига салбий таъсир кўрсатмаслиги;
- дори моддаларига дори шакллари талаб қиласидиган ҳоссаларни бера олиши (тузилиш-механик, физик-кимёвий, имкони бўлса биосамардорлик ва бошқ.);
- дори моддасининг ранги, хиди ва мазасига салбий таъсир кўрсатмаслиги;
- дори воситаларини сақлаш давомида дори моддалари билан кимёвий, физик-кимёвий жиҳатдан мос келиши, қадоқловчи материаллар, асбоб-ускуналар ва қурималарнинг ишчи қисмларига зарар етказмаслиги;
- турғун ва сақланиш муддати узоқ бўлиши;
- маҳаллий, иқтисодий жиҳатдан арzon бўлиши ва осон топилиши бўлиши керак.

Шу билан бирга ёрдамчи моддаларга қўйидаги хусусий талаблар ҳам қўйилади

- эритувчилар рангиз, тиник, юқори эритувчанлик хоссага эга бўлиши;
- ажратувчилар доривор ўсимлик хом ашёлари таркибидан биологик фаол моддаларни ажратмага максимал даражада ажартиб чиқариши, керакли даражада қўзғалувчан бўлиши;
- боғловчи моддалар заррачаларни ўзаро бир-бирлари билан юқори даражада боғлаш хусусиятига эга бўлиши;

- антифрикцион моддалар массага юқори сочилувчанлик ёки оқувчанлик хоссасини бера олиши;
- суртма асоси турига етарли қовушқоқлик, пластиклик ва псевдопластиклик каби реологик хоссаларни бера олиши;
- шамча дори тури асоси биринчи навбатда хона ҳароратида қаттиқ тана ҳароратида эрийдиган бўлиши;

Акс ҳолда дори моддаларининг самарадорлигига путур етиши, шунингдек дори воситаларини заҳарли таъсир кўрсатишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Ёрдамчи моддалар дори турининг мақсадига мос келиши зарур.

Суртма дорилар учун асослар суртилиш хусусиятига эга бўлиб, суртилган аъзодан сирғалиб тушиб кетмаслиги керак. Шамчалар учун асосларнинг эриш ҳарорати 37°C ва хона ҳароратида қаттиқ бўлиши лозим. Эритувчилар дори препаратини фақат эритиши, у билан кимёвий реакцияга киришмаслиги керак.

Ёрдамчи моддалар дори препарати билан мутаносиб бўлиши шарт. Дори препаратларида номутаносиблик уч турга бўлинади.

1. Физик номутаносиблиқ, бунда дори турида ўзгариш - намланиб қолиш, эримаслик, аралашмаслик сингари ҳолатларда намоён бўлади.

2. Кимёвий номутаносиблик - дори препарат билан ёрдамчи модда ўртасида ёки дори препарат билан бошқа дори препарати ўртасида кимёвий реакция кетиши мумкин.

3. Фармакологик номутаносиблиқ- бунда бир дори турида бир неча таъсири, бир бирига зид бўлган дори препаратлари берилганда намоён бўлади. Ёрдамчи моддалар танлаб олинганда албатта номутаносиблик масаласи кўрилиши керак. Агар ёрдамчи модда дори препарати билан номутаносиб бўлса, унда ё дорисифатсиз тайёрланади, ё мўлжалланган дори тури ҳосил бўлмаслиги ёки энг хавфлиси заарли моддалар ҳосил бўлса, ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Ёрдамчи модда биологик нуктаи назардан заарсиз бўлиши керак.

Улар дори препаратига хам, инсон организмига хам заарсиз бўлиши керак. Шунинг учун ҳозирги кунда, хар бир янги ёрдамчи модда ёки ишлатилаётган ёрдамчи модда янги дори препарати билан биргаликда куйидаги бандлар бўйича текширилгандан сўнг кўлланишга рухсат берилади:

- 1.Мутагенлик - ёрдамчи модданинг таъсири;
2. Тератогенлик - онкологик касалликларга сабаб бўлмаслиги;
3. Захарлилик - захарли бўлмаслиги;
4. Аллергия чақирмаслиги килмаслиги;

Ёрдамчи моддалар иктисодий нуктаи назардан арzon, етарли бўлиши керак.

Кўпинча ёрдамчи модда сифатида озиқ-овқат саноати чиқиндилари ёғ ишлаб чиқариш, ун ишлаб чиқариш, тери-кўнчилик, пахтани қайта ишлаш саноати чиқиндилари қайта ишлаб сўнг ишлатилади. Булар арzonга тушади. Нефтни қайта ишлаганда ҳам кўпгина чиқиндилар чиқади, буларни қайта ишлаш натижасида фармацевтика саноати учун зарур бўлган ёрдамчи моддалар олиш мумкин (вазелин, вазелин мойи ва х. к). Юқорида санаб ўтган чиқинди маҳсулотлар етарли миқдорда бор ва чиқинди бўлгани учун жуда арzonга тушади. Ҳозирги кунда озиқ-овқатмаҳсулотлари ўрнига уларнинг вазифасини бажарадиган бошқа маҳсулотлардан фойдаланиш кенг йўлга кўйилган. Масалан: ўсимлик мойлари, мол, кўй гўшти ва бошка озиқ-овқатда ишлатилмайдиган ёғ-мой саноати чиқиндилари, синтетик моддалардан кенг фойдаланилмоқда.

Ёрдамчи моддалар дori туrinning turғunligini taъminlaishi kerak.

Масалан: суспензиялар ва эмульсиялар ишлаб чиқаришда, албатта, ёрдамчи модда сифатида эмульгаторлар қўшилиши керак, агар қўшилмаса дori тури турғун бўлмай қолади. Кўз томчилари, инъекцион дori шаклларини ишлаб чиқаришда албатта консервант ёки стабилизатор қўшиб тайёрланиши зарур, акс ҳолда дori тури сифатсиз ва нотурғун бўлади.

Ёрдамчи моддаларнинг - дорининг биологик фаоллигига таъсири.

Биофармацевтик тадқиқотлар асосида ёрдамчи моддалар турлари ва уларнинг хоссалари дорининг биологик фаоллигига таъсири борлиги исботланган. Яқин кунларга кадар, ёрдамчи моддалар, дорига шакл берувчи инденферент модда ҳисобланар эди. Ёрдамчи моддаларга дориларга шакл беришда, истеъмол учун қулай бўлганоғирликка келтиришда, сақлашда, ташишда қулайлик яратиш учун кўлланиладиган моддалар деб қаралар эди. Сўнгги йиллардаги кашфиётлар, ёрдамчи моддаларнинг препаратни биологик таъсиридаги аҳамияти катта эканлигини кўрсатди. Биофармация нуқтаи назаридан ёрдамчи моддалар индифферент эмас, деган холосага келинди. Улар у ёки бу ҳолатда, дori препаратининг фаоллигига таъсир этади. Ёрдамчи моддалар дori препаратининг таъсирини кучайтириши ёки бирор сабаб билан таъсир характерини хам узайтириши мумкин (комплекс бирикмалар ҳосил килиш, молекулалараро реакция кетиши ва х/к).

Ёрдамчи моддаларни ишлатишдан мақсад: технологик параметрлардан ташқари, дori модданинг сўрилишига ёрдам бериш ва дori модданинг таъсирига шароит яратиб беришдан иборат.

Биофармацевтик назарияга кадар бўлган карашларда, масалан сут қанди индеферент ҳисобланар эди. Кейинги тадқиқотлар шуни қўрсатадики, сут қанди айрим моддаларнинг сўрилишини кучайтиради (таркибида тестостерон бўлган имплантацион таблеткаларда) ва аксинча дori препарати сўрилишини сусайтириши мумкин(изониазид). Агар натрий салицилатдан дori шакли тайёрланганда ёрдамчи модда сифатида метилцеллюлоза ёки қанд ишлатилса, унинг организмга сўрилиши қийинлашади ва бу модданинг миқдори қанча қўп бўлса, сўрилиши шунча

кийинлашади. Агар метилцеллюлоза ўрнига пектин ишлатилса, унинг (натрий салицилат) сўрилиши кескин кўпаяди.

Шунинг учун ёрдамчи моддалар умуман эмас, хар бир алоҳида ҳолатда кўлланилиши керак. Асосиз равишда ёрдамчи моддаларни қўшиш, бирини иккинчиси билан алмаштириш — таъсир кучининг пасайишига, айrim ҳолларда дори препаратнинг умуман таъсири йўқолишига олиб келиши мумкин.

Ёрдамчи моддаларнинг дори препарати таъсирига дахлдорлиги айникса, суртма ва шамча дори шакллари кузатилади.

Ёрдамчи моддаларни табиати ва кимёвий тузилиши бўйича таснифланиши:

1. Табиатига кўра

- табиий (полисахаридлар: крахмал, альгинатлар, полисахаридлар ва бошқ; оқсиллар: желатин, желатоза, коллаген ва бошқ; ноорганик моддалар: бентонит, тальк, аэросил ва бошқ.)
- синтетик ва яримсинтетик (МКЦ, полиакриламин, аминобентонитлар, твинлар, ПВП, Т-2 эмульгатори).

2. Кимёвий тузилишига кўра

- катионли СФМ (этония хлорид, тиония хлорид);
- анионли СФМ (тиббиёт совуни);
- ноионоген СФМ (моноэфир сахарозалар, глицеридлар, ЮММ ёғ кислоталари, эфирлар, твин-80).

2.2. Ёрдамчи моддаларни физик-кимёвий тавсифи ва фармакокинетикаси бўйича таснифланиши

1. Шакл ҳосил қилувчи моддалар. Бу турдаги ёрдамчи моддалар суюқ дори шаклларини тайёрлаш технологиясида эритувчи сифатида (тозаланган сув, инъекцион сув ва бошқ.), қаттиқ дори шаклларини тайёрлаш технологиясида тўлдирувчи сифатида (сут қанди, крахмал, тальк ва бошқ.), юмшоқ дори шаклларини тайёрлаш технологиясида суртма асоси (вазелин, мой ва бошқ.) ва шамча асоси (какао мойи, желатин ва бошқ.) ҳисобланади. Улар дори моддаларига дори шаклларини беришга ҳизмат қилиб, маълум бир геометрик шакл, оғирлик ва ҳажм каби бошқа талабларни намоён бўлишига ёрдам беради.

2. Дори моддасининг турғунлигини таъминловчи ёки оширувчи моддалар (стабилизаторлар). Турғунлик – дори моддасини дори шакли кўринишида ишлаб чиқарилган вақтидан бошлаб бутун сақланиш давомида физик-кимёвий ва микробиологик хоссаларини тўлиқ ўзида сақлаб қола олишидир. Уни қуйидаги усуллар билан таъминлаш мумкин:

- дори шаклини турғунлигини таъминлаш;
- дори моддасини турғунлигини таъминлаш;

- микроблар контаминациясини таъминлаш.

Дори моддасининг турғунлигини таъминловчи ёки оширувчи моддалар қуйидаги уч гурухга бўлинади:

- кимёвий тузилишга эга бўлган стабилизаторлар – дори воситаларини тайёрланиш жараёни ва сақлаш мобайнида ишлатилади, улар ҳар хил стерилазация жараёнини ўтайдиган (айниқса термик стерилизация) дори шакллари катта амалий аҳамиятга эга;

- физик-кимёвий тизимли (дисперс) стабилизаторлар – ишлатилиши бўйича ҳар хил жинсли тизимларда катта амалий аҳамитга эга;

- микробларга қарши ишлатиладиган стабилизаторлар (консерванлар) – дори воситаларида микроорганизмлари ривожланиши ва кўпайишини олдини олади.

3. Эрувчанликни оширувчи моддалар (солюбилизаторлар). Бу турдаги ёрдамчи моддалар амалда эrimайдиган ёки қийин эрийдиган дори моддаларини эришини оширади. Бу мақсадда ишлатиладиган ёрдамчи моддаларни асосини сирт фаол моддалар (СФМ) ташкил қиласи (твин-80, ўт кислотаси).

4. Дори моддасининг таъсирини узайтирувчи моддалар (пролангаторлар). Булар дори моддасини организмда ушланиб қолиш вақтини узайтириб, организмдан чиқарилишини секинлаштиради. Бунга асосан дори моддасини дори воситаси ёки шакли таркибидан ажralиб чиқишини секинлаштириш билан эришилади. Бу турдаги ёрдамчи моддаларга қуйилган хусусий талаблардан бири улар дори моддасининг қондаги максимум концентрациясини белгиланган вақтда ҳосил қилиши шарт. Шундагина керакли терапевтик самарадорлик ўз вақтида юзага чиқади. Дори моддаларини таъсирини узайтириш учун амалда кўпроқ юқори молекуляр бирикмалар (МЦ, КМЦ, натрий КМЦ, ПВП, коллаген ва бошқ.) ишлатилиши мумкин.

5. Дори моддасини ранги, хиди ва мазасини меъёрлаштирувчи моддалар (корригентлар). Бу мақсадда кўпроқ табиий ва синтетик моддалар ёки уларнинг эритмалари ишлатилади. Масалан оддий қанд қиёми, чучукмия, малина, олча қиёмлари ва бошқ. Шунингдек, сахароза, лактоза, фруктоза, сорбит, сахарин, эфир мойларидан ялпиз, апельсин ва анис каби корригентлардан ҳам бугунги кунда амалиётда кенг-кўламда фойдаланилмоқда.

Ёрдамчи моддаларнинг дори турига шакл беришини назарда тутиб, уларни қуйидаги синфларга бўлиш мумкин.

- эритувчилар;
- суртма дорилар учун асослар;
- шамчалар учун асослар;
- кукундорилар тайёрлашда ишлатиладиган асослар;
- сирт фаол моддалар;
- стабилизаторлар;
- консерванлар;

- дорининг мазасини яхшилайдиган моддалар (коррегентлар);
- эмульгаторлар.

Эритувчилик

Дори турлари технологиясида жуда кўп эритувчилик ишлатилади, шулардан кўпроқ қўлланадигани: дистилланган сув, инъекция учун ишлатиладиган сув, деминерализация қилинган сув, этил спирти, эфир, ўсимлик мойлари, глицерин, вазелин мойларидир.

Синтетик эритувчилик: полизиленоксидлар, пропиленгликоль диметилсульфоксид, диметилформамид, бензилбензоат, этилолеат. У ёки бу эритувчини ишлатиш эритувчининг хусусиятига ва тайёрланадиган дори турига боғлиқ. Эритувчи дори препаратига ва асбоб-ускунага нисбатан инерт бўлиши, ёнғиндан хавфлсиз бўлиши керак. Арzon ва етарли миқдорда бўлиши зарур. Ҳозирги кунда эритувчини танлаб олганда унга биофармацевтик нуқтаи назардан ҳам ёндошиш лозим. Эритувчи дори модда учун тўлиқ инерт бўла олмайди. У доим дори препаратига у ёки бу ҳолатда таъсир қиласи. Дори препаратининг ҳар хил эритувчидаги эритмаси таъсири, албатта ҳар хил бўлади. Шунинг учун эритувчилик тури кўпайтирилса, турғун ва таъсир кучи юқори дори турларини ҳосил килиш мумкин.

Суртма дорилар учун асослар

Суртма дориларга асос сифатида жуда ранг-баранг, турли физик ва кимёвий хусусиятга эга бўлган табиий ва синтетик моддалар ишлатилади. Суртма дори тури учун асослар уларнинг сувга муносабатига (сув билан яхши аралашади ёки аралашмайди) қараб гурухларга бўлинади. Шунга мувофиқ суртма дорилар учун асосларни 3 гурухга бўлиш мумкин:

1. Липофил ёки гидрофил асослар.
2. Гидрофил асослар.
3. Гидрофил липофил асослар.

Суртма дори асосларига бошқа ёрдамчи моддаларга бўлгани каби бир қанча талаблар қўйилади: улар фармакологик жиҳатдан индеферент бўлиши керак. Асослар билан тайёрланган суртма дори тайёрлаш жараённида ва сақланганда турғун бўлиши шарт. Асослардан дори препаратлари осон ювилиши лозим ва х.к. Лекин ҳамма асослар бирдек барча талабларга жавоб беравермайди.

Шамчалар учун асослар

Шамчалар учун асос сифатида жуда катта табиий ва синтетик моддалар гурухи ишлатилади. Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ асослар шамчалар тайёрлаш учун тавсия этилган. Ишлаб чиқаришда асосан сувда эримайдиган, мойли ёки мойсизмон асослар ишлатилади. Масалан: какао мойи, бутиrol туридаги асослар, массупол, лазупол, гидрогенизация қилинган мойлар, бутиrol, желатин — глицеринли асос.

Сирт фаол моддалар

Доришуносликда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар ичидаги сирт фаол моддалар кенг қўлланилади. Улар дори препаратларининг таъсир кучини оширади ва технологик жараённи яхшилайди. Сирт фаол моддаларининг

аҳамияти кундан кунга ошиб бормокда, улар дори препаратлари турғунлигини ва ярим ўтказгич мембраналаридан ўтишини тезлатиш мақсадида қўлланилмоқда. Ҳамма сирт фаол моддалар уларнинг кимёвий табиатига, электролитик диссоциациясига учраш-учрамаслигига қараб эмас, балки уларнинг сирт фаоллик хусусиятини намоён қилишига караб 4 гурухга бўлинади:

1. Анионфаол сирт фаол моддалар.
2. Катионфаол сирт фаол моддалар.
3. Неионфаол сирт фаол моддалар.
4. Амфолит сирт фаол моддалар.

Анионфаол моддаларга — анион қисми узун радикал занжирдан иборат бўлиб, модданинг сирт фаоллик хусусиятини белгилайдиган моддалар киради. Масалан: оддий совунлар, сульфирланган спиртлар, натрий лаурильсульфат, додецил ва стеарильсульфатнинг натрийли тузлари, эмульгатор-1 ваҳ.к.

Катионфаол моддаларга — тўртламчи аммонийли асосларнинг, алкиламиналарнинг, циклик аминларнинг тузлари киради. Бу моддаларнинг сирт фаоллигини катион белгилайди. Бу гурухга киравчи моддалар сирт фаолликдан ташқари яна бактериоид хусусиятларига ҳам эга. Бу гурух сирт фаол моддалар қўлланилганда, уларнинг дори препарати билан мутаносиблиги текширилиб қўрилиши шарт.

Ноионоген сирт фаол моддаларга этилен ёки пропиленнинг конденсация маҳсулотлари, сорбит эфирлари, мой кислоталарнинг эфирлари ва бошқалар киради. Дори ишлаб чиқаришда ушбу гурух ёрдамчи сирт фаол моддалар кенг қўлланилади, айниқсанеплар, твинлар, сахароза монопальмитат, сахароза моностеарат, сахароза дистеарат, эмульгатор Т-1, эмульгатор Т-2 ва х.к

Амфолит сирт фаол моддаларга аминокислоталар ва аминофенолларнинг ҳосиллари киради. Бу гурух моддаларнинг сирт фаоллиги, мухитнинг pH ига боғлик, кислотали шароитда улар катионфаол, ишқорий шароитда анионфаолдир.

Стабилизаторлар

Дори туридаги дори препаратнинг турғунлигини икки йўл билан ошириш мумкин: физик усуллар ва кимёвий усуллар. Физик усул мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳозирги кунда кенг қўлланилмоқда. Бу усулнинг асосий моҳияти дори препаратини ташки муҳит таъсиридан асраш (инерт газ оқимида ампулага жойлаш, қоплаш) ва жуда тоза дори препаратларидан фойдаланиш. Бошқа сўз билан айтганда техниканинг ютуқларини фармацевтик технологиясига татбиқ этиб, турғун дори турларини яратишдир.

Бу айрим холларда жуда қимматга тушади, шу сабабли ҳозир кимёвий усул билан дори препаратлари турғунлигини ошириш ҳам қўлланилмоқда. Бундай моддаларни қўллаш асосан дори препаратини парчаланишдан сақлашга қаратилган. Жуда кенг антиоксидантлар қўлланилади, масалан натрий сульфид, натрий бисульфит, аскорбин кислотаси ва х. к.

Консервантлар

Бу гурухдаги моддалар дори препаратидаги микроорганизмларнинг кўпайишини тўхтатади, лекин улармаълум бир миқдорда қўшилиши керак, агар кўп қўшиб юборилса организмга ёмон таъсир этиши, аллергия пайдо қилиши мумкин.

Консервантлар табиатига кўра 3 гурухга бўлинади:

1. Анорганик бирикмалар.Анорганик консервантларга — бор кислотаси, натрий тетраборат, водород пероксида в х. к. киради.
2. Металоорганик бирикмалар.Металоорганик — асосан симоб бирикмалари ишлатилади: фенилсимоб тузлари, мертиолат ва х. к
3. Органик бирикмалар.Органик бирикмаларга — турли спиртлар, феноллар, кислоталар, параоксибензой кислота эфирлари ва х. к. киради.

Дори турлари мазасини яхшилайдиган моддалар

Бу гурух ёрдамчи моддалар дори турларининг мазасини, рангини, ҳидини яхшилашда ва ниқоблашда ишлатилади. Бу гурух ёрдамчи моддаларни иккига бўлиш мумкин: дорининг мазасини, ҳидини яхшилайдиган моддалар ва дорига ранг берувчи моддалар.

Биринчи гурухга қанд, мева шарбатлари, қанд шарбати, сут қанди, глюкоза, сахарин, дульцин, глицеризин кислотаси ва унинг тузлари, мураккаб мева эфирлари-ананасли, олмали, нокли ва бошқалар киради.

Иккинчи гурух - ҳар хил рангли шарбатлар: малина шарбати, олча шарбати, табиий бўёқлар-каротин, шафран ва бошқалардан иборат.

Таблетка тайёрлашда айрим ҳоллардагина ёрдамчи моддалар ишлатилмайди. Булар қаторига куб шаклига эга бўлган, сувда эрийдиган моддалар киради. Аксарият ҳолларда таблеткалар ёрдамчи моддалар ва олдиндан донадор ҳолга келтирилиб тайёрланади.

Тиббиёт саноатида аксарият ёрдамчи моддалар шу мақсад учун маҳсус ишлаб чиқарилмайди. Шунинг учун бу мақсаддада кимё, озиқ-овқат, тоғ жинслари саноатлари учун ишлаб чиқарилган ёрдамчи моддаларданфойдаланилади.

Тиббиёт саноатидаишлатиладиган ёрдамчимоддаларнингумумий миқдори жуда кам фоизни ташкил этади.Масалан,тиббиёт саноатининг қанд,крахмал,желатинага эҳтиёжи мамлакат бўйича ишлатиладиган миқдорининг 0,03-0,6% ини ташкил қиласди.Шунинг учун ҳамбуларни тиббиёт саноати ишлаб чиқармасдан,бошқа тармоқларда ишлаб чиқарилганини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.Лекин бу ёрдамчи моддаларни озиқ-овқат саноатидафойдаланилмайдиганлари билан алмаштиришни ёки уларни кам миқдорда ишлатиш йўлларини излаб топиш лозим.

Меъёрий хужжатларда ёрдамчи моддаларнинг миқдори келтирилмаган, уларнинг миқдори алоҳида моддаларда кўрсатилган бўлади. Ёрдамчи моддалар дори моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятига, миқдорига ва тайёрланиш усулига караб ишлатилади. Улар қуйидаги гурухларга таснифланади: тўлдирувчи, боғловчи, ғовакловчи (эришини яхшиловчи),сирпантирувчи, мойловчи ва ранг берувчилар.

Тўлдирувчи моддаларкам миқдорда ишлатиладиган дорилардан таблетка тайёрлашда унга маълум оғирлик бериш учун ишлатилади. Буларга альгин кислота ва альгинат натрий, глюкоза, декстрин, желатин, кальций карбонат, иккиламчи кальций фосфат, крахмал, магний карбонат, магний оксид, маннит, микрокристалик целлюлоза, буғдой уни, натрий гидрокарбонат, натрий хлорид, руберозум, қанд, сутқанди, сорбит, флаворозум, церулозум ва бошқалар киради.

Юқорида келтирилган тўлдирувчи моддалардан озиқ-овқат саноатида ишлатилмайдиган кальций карбонат, МКЦ каби моддаларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Талькни майдалик даражаси унинг сирпантирувчаник ҳоссасига таъсири

| т/р | Прессланадиган масса | Талькни майдалик даражасини таблетканиқолипдан итарибичиқариш кучга боғликлиги, МПа | |
|-----|-----------------------|---|--------------|
| | | 100 мкг | 100 мкг гача |
| 1. | Аэрон | 5,3-0,64 | 4,8-0,41 |
| 2. | Бекарбон | 6,6-0,44 | 5,1-0,44 |
| 3. | Гефефитин | 8,1-0,31 | 5,8-0,53 |
| 4. | Папаверин гидрохлорид | 6,9-0,62 | 4,7-0,44 |
| 5. | Рутин | 5,5-0,53 | 4,4-0,38 |

Тальк ва кальций стеаратнинг бирга ишлатилгандаги нисбати

| Фармакопея кўрсатмасига жавоб берадиган майдалик даражасида | | Юқори даражада дисперслангандаги нисбати | |
|---|--------------------------------|--|----------------------|
| Тальк 100мкг гача | Кальций стеарат 10 мкг гача | Кальций стеарат 5мкг гача | Тальк 10 мкг гача |
| 3,0 | 0,0 | 0,0 | 1,5 |
| 2,0 | 0,33 | 0,17 | 1,0 |
| 1,0 | 0,66 | 0,33 | 0,50 |
| 0,0 | 1,0 | 0,50 | 0,00 |
| 0,75 | 0,75 | 0,37 | 0,37 |
| 0,50 | 0,50 | 0,25 | 0,75 |
| 2,25 | 0,25 | 0,13 | 1,13 |

2.3. Инъекцион сув ва унга қўйилган талаблар

Инъекцион эритмаларни тайёрлашда ишлатиладиган эритувчиларга қуйидаги умумий талаблар қўйилган:

1. Юқори эритувчаник ҳоссасига эга бўлиши

2. Фармакологик нұқтаи-назаридан индифферент бўлиши
3. Дори моддалари билан кимёвий мутаносибликни намоён қилиши
4. Сақланиш давомида турғун
5. Олиниши оддий ва содда
6. Арzon

Аксарият фармакопеяларга биноан, эритувчи сифатида инъекция учун ишлатиладиган сув, ўсимлик мойлари ва этилолеат ишлатилади. Ёмон эрийдиган моддаларнинг эрувчанлигини яхшилаш ва турғунлигини ошириш мақсадида ёрдамчи эритувчилар сифатида спирт, глицерин, пропиленгликол, ПЭО-4000, бензилбензоат, бензил спирти ва бошқалар ишлатилади. Эритувчиларга қуидаги умумий талаблар қўйилади: тиник, тоза, барқарор, апироген ва заҳарсиз бўлиши керак. Булардан ташқари ўзига ҳос талаблар ҳам қўйилади, заҳарли бўлмаслиги, аллергия чақирмаслиги, тўқималарни қитиқламаслиги, биологик фаол бўлмаслиги, pH кўрсаткич биосуюқлик pH га яқин бўлиши лозим. Инъекция учун ишлатиладиган дориларда эритувчининг таъсири этувчи модда миқдоридан бир неча марта ортиқлиги унинг заҳарлилик кўрсаткичи дори модданинг заҳарлилигидан бир неча марта кам бўлишини тақозо этади.

Физик хусусиятлари. Бу борада эритувчининг қўзғалувчанлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, у ҳарорат таъсирида ўзгармаслиги керак. Музлаш ҳарорати -5°C дан юқори бўлмаслиги лозим.

Тиниқлиги. Эритманинг тиниқлиги дори турининг сифатини белгилашда катта амалий аҳамиятга эга.

Қайнаш ҳарорати. Эритувчининг қайнаш ҳарорати 100°C дан юқори бўлгани маъқул. Бу эритмаларни стерииллашда катта аҳамиятга эга.

Осмотрик босими. Дори тўқима мембронасидан ўтиши учун эритувчи етарли даражада осмотрик босим ҳосил қила оладиган даражада бўлиши керак.

Қовушқоқлиги. Қовушқоқлик дори модданинг эриши, эритмани сузиш, ампулаларга қуиши жараёнларини секинлаштиради. Шу билан бирга организмга дорининг сўрилишини секинлаштирганлиги сабабли дориларнинг таъсирини узайтиради.

Эрувчанлиги. Бу хусусияти бўйича эритувчилар гидрофил ва гидрофобга бўлинади. Кўп ҳолларда эритувчиларнинг аралашмасидан фойдаланилади. Гидрофил эритувчиларга бутиленгликол, глицерин, гликофурол, глицероформал, диметилацетамид, солькетал, метилацетамид, пропиленгликол, полиэтиленгликол, изопропил спирти, сульфоланлар; гидрофобларга эса бензилбензоат, изопропилмиристат, ўсимлик мойлари, бензил спирти, этилолеат ва бошқалар киради.

Инъекцион эритмаларни тайёрлашда ишлатиладиган эритувчиларни қуидагича таснифлаш умукин:

1. Сувли эритувчилар (инъекцион сув).



2. Сувсиз эритувчилар:

- табиий (ўсимлик мойлари);
- синтетик;
- яримсинтетик .

3. Комплекс эритувчилар (этил спирти, глицерин, пропиленгликоль, полиэтиленоксид 400, бензилбензоат, бензил спирти).

Истеъмол суви ва унинг умумий тавсифи

Инъекцион сув олишда асосий манбаа бўлиб, табиий истеъмол суви бошланғич материал бўлиб хизмат қиласди. Лекин табиий истеъмол сувининг таркибидаги кальций ва магний тузлари, инъекцион сув олиш жараёнида қўйقا ҳосил қилиб, жараённи қийинлаштиради ва асбобни тез ишдан чиқаради.





Сувнинг 1 л миқдоридаги кальций ва магний тузларининг миқдорини кўп ёки озлигига қараб: жуда юмшоқ (0-1,5 мг-экв/л); юмшоқ (1,5-3 мг-экв/л); ўртacha (2-6 мг-экв/л) ва жуда қаттиқ (10 мг-экв/л) сувларга бўлинади.


Шу билан бирга, табиий истеъмол сувининг таркибидаги минерал тузлар, механик аралашмалар, турли органик моддалар, кремнезем, силикатлар, темир карбонат, глинозем ва бошқа моддалар инъекцион сув олишда қўйقا ҳосил қилганлиги учун, сувни ҳайдашдан олдин улардан қутилиш чорасини кўриш керак. Акс ҳолда, бу моддалар инъекцион сув олишга мўлжалланган аппаратни муддатидан олдин ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Табиий истеъмол суви қўйидаги усувлар орқали тозаланади:

1. **Механик аралашмалардан тозалаш.** Бунинг учун оддий тиндириш ёки фильтрлаш усувларидан фойдаланилади. Фильтрлаш мақсадида қумли фильтрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу усуслини 2 хил йўл билан амалга ошириш мумкин:

а) **Чўқтириш усули.** Бу усул табиий истеъмол сувнинг таркибидаги кальций ва магний ионларини сувда кам эрийдиган бирикмаларини сувга аниқ ҳисоб бўйича кальций гидроксид, натрий ишқори ёки натрий гидрокарбонат қўшиб чўкмага тушириш билан амалга оширилади.





Ҳосил бўлган чўкма тиндирилиб, фильтранади.

б) **Ион алмаштириш усули.** Бу усул сувда амалда эримайдиган катионитлардан фойдаланиб, кальций ва магний катионларини натрий ёки водород катионларига алмаштиришга асосланган. Катионитли фильтрдан ўтказилган сув таркибида фақат сувда яхши эрийдиган ва сув ҳайдаш аппаратида қуйقا ҳосил қилмайдиган минерал кислоталар ёки натрий тузларини сақлайди. Бу усул, чўқтириш усулидан бир қанча афзаликларига эга: бу усулда тозаланган сув юқори даражада қаттиқликдан ҳоли қилинади, усул оддий ва содда қурилма, арzon шу билан бирга бир вақтнинг ўзида бир қанча органик моддалардан хам тозалаш имкониятини берди. Усулнинг камчилиги ишқорий шароитнинг ортиб кетиши ва юмшоқ сувда баъзи бир тузлар миқдорининг кўплигидир.


2. **Коллоид аралашмалар коагуляцияси.** Бунинг учун коллоид аралашма заррачаларнинг электрик зарядини нейтраллаш зарур. Натижада бу зрачалар бир бирлари билан бирлашиб, коалесцияланади. Нейтраллаш мақсадда алюминий сульфат ёки алюмокалийли квасцлардан фойдаланилади. Истеъмол сувининг ҳар 10 л га 5 қисмдан нейтралловчи моддалар ишлатилади. Натижада аммоний сульфат ва хлорид кислотаси ҳосил бўлади. Бу сувни ҳайдашдан аввал алмашинган натрий фосфат кристалларидан ҳар 10 л сувга 3,5 қисмдан қўшиб, сўнг ҳайдаш асбобига ўтказилади.

Саноатда инъекцион эритмаларни ишлаб чиқаришда тозалик даражасига қараб қуидаги сувлар ишлатилади:

1. Тузсизлантирилган сув – Aqua demineralita
2. Тозаланган сув – Aqua purificata
3. Инъекцион сув – Aqua pro inectionibus


Тузсизлантирилган сувнинг олиниши. Бу 2 хил усул билан амалга оширилади.

1. **Ион алмаштириш усули.** Бунинг учун фармацевтик ишлаб чиқаришда кучли кислотали сульфокатионитлар КУ-1, КУ-2 ва ғовакли КУ-23 ишлатилади. Н-формали катионитларда катионит ҳаракатчан водород атомига эга бўлиб, бундай катионитлар сув таркибидаги барча турдаги катионларни алмаштиради.



Бу ерда K – полимер каркас катионити

Фан ва техниканинг ривожланиши билан кучсиз асосли ЭДЭ-10П маркали ионалмаштиргич қучли асосли АВ-171 ва АВ-17 маркали ион алмаштиргичларга алмаштирилди. Улардан OH-форма ҳаракатчан гидроксил гурӯҳ ҳисобланиб, у сувнинг таркибидаги барча анионларни алмаштиради.



Бу ерда A – полимер каркас анионити

Ионалмаштиргич қурилма 3 ёки 5 жуфт катионитли ва анионитли колонкадан иборат.

2. **Мембрана орқали ўтказиш.** Бу усул истеъмол сувини мембрана орқали ўтказишга асосланган бўлиб, қуйидаги усулларга бўлиш мумкин:

Қайта осмос (гиперфильтрация) – ташқи босим остида истеъмол сувини ярим ўтказувчан мембрана орқали ўтказиш бўлиб, бу усул 1953 йилда Ч.Е.Рейд томонидан таклиф қилинган. Бу усулни амалга оширишда 2 хилдаги мембраналардан фойдаланилади:

Ғовакли мембраналар. Бу мембрана ғовакларининг ўлчамлари 10^{-4} - 10^{-3} мкм ($1-10\text{A}^\circ$) бўлиб, уларнинг ишлаш механизми, аввал тузсизлантирилиши лозим бўлган сув ғовак юзасига адсорбцияланиб, адсорбцияланган сув молекулалари туз молекулаларини ғовакда қолдириб, бир адсорбция марказидан иккинчи адсорбция марказига томон ҳаракатланади. Бу мақсадда ультрафильтрацион ацетилцеллюлозали мембраналар УАМ 50 м (ғовакларининг диаметри 50 A° дан кам бўлмаган), УАМ 100 м - 75 A° , УАМ 150 м – 125 A° , УАМ 200 м - 175 A° , УАМ 300 м – 250 A° ва УАМ 500 м – 300 A° лар ишлатилади.

Говаксиз диффузион мембраналар. Бу мембраналар сув молекулалари билан водород боғланишини ҳосил қиласи ва сув молекуласининг юза қисми билан ўзаро мулоқотда бўлади. Босим остида бу боғланиш бузилиб, сувдаги механик аралашмалар мембрана юзасида қолади. Ҳар қандай кимёвий брикмалар, тузлар (газлардан ташқари) бу мембранадан ўта олмайди. Украинада МГА - 80, МГА - 90, МГА - 95, МГА – 100 маркали гиперфильтрацион ацетатцеллюлозали мембраналар ишлаб чиқарилмоқда. Маркадаги рақамлар бу фильтрларни самарадорлик фоизини (S) кўрсатади.

$$C_1 - C_2$$

$$S = \frac{C_1 - C_2}{C_1} \cdot 100$$

$$C_1$$

Бу ерда $C_1 - C_2$ – бошлангич ва фильтрдан ўтган модда концентрацияси, мг/мл.

Ультрафильтрация. Бу усулдан юқори молекулали брикмалар, полимерлар ва коллоид эритмаларни тозалашда фойдаланилади. Бу усул эритмаларнинг осмотик босими, ишчи босимга нисбатан жуда кам фарқ қилганда қўлланилади. Натижада ҳаракатлантирувчи куч ишчи ва атмосфера босимлари орасида фарқни келтириб чиқаради.

Диализ. Бу усул ҳам худди ультрафильтрацияга ўхшашиб

Электродиализ. Бу усул доимий ток таъсири остида ионлар ҳаракатини маълум бир йўналишга йўналтириш мембрананинг самарадорлигини ошириши мумкинлигига асосланган. Ион алмаштирувчи мембрана сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

КУ – 2 катионитли. На формали МК – 40 маркали катионит. У юқори зичликка эга бўлган полиэтилендан ва МК – 40 лавсанидан иборат.

ЭДЭ – 10 П анионитли. Cl – формали МА – 40 маркали анионит. У юқори зичликка эга бўлган ва кучли асосли анионит АВ – 17 ва лавсандан ташкил топган.

Бугунги кунда ЭДУ – 100 ва ЭДУ – 1000 м³/кун элетродиализли қурилмалари фармацевтик амалиётда кенг кўламда ишлатилмоқда::

Мембрана орқали буғлатиш. Бунда эритувчи мембрана орқали пар кўринишида ўтиб, вакуум ёки инерт газ бўронига учрайди. Бу мақсадда целлофан, полиэтилен ва ацетатцеллюлозадан фойдаланилади. Усулнинг афзаллиги энергияни иқтисод қилинишидир. Энергиянинг сарфланиш миқдори (кВт · с/м³) сувни дистилляция жараёни учун 63,6; электролиз

жараёни учун 35,8; қайта осмос учун 3,7 ташкил қиласи. Усулнинг камчилиги мембрананинг концентрацион қутбланиши ҳисобига баъзи бир ион ва молекулаларнинг фильтратга ўтиб кетиши ҳисобланади.

Корхонада ҳар хил техник мақсадлар учун буғ ишлаб чиқариш қозонларининг ва дистилляторларининг узоқ муддат ишлашини таъминлаш учун сув олдиндан минералсизлантирилган бўлиши керак. Чунки шаҳар тармоқларидан келаётган водопровод сувининг ҳар литрида 10-15 мг гача тузлар эриган бўлади. Минералсизлантириш ион алмаштиргич смолалар (ионитлар) ва электродиализ ёрдамида амалга оширилади.

Ион алмаштиргич смолалар катионитлар ва анионитларга бўлинади. Катионитлар ишқорий ва ишқорий-ер металлар билан ўрин алмаштира оладиган ҳаракатчан водород ионли карбоксил ёки сульфон гурухини сақлайди.

Анионитлар қўпинча аминларни формальдегид билан ҳосил қиласи. Полимерлари бўлиб, гидроксил ионлари анионлар билан ўрин алмашади. Анионитлар кучли ва кучсиз бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқаришда қўпинча арzon бўлганлиги сабабли, кучсиз анионитлар ишлатилади. Махсус колонкалар катионит ва анионитлар билан тўлдирилади. Фильтрланган водопровод суви аввал катионитдан, сўнг анионитли колонкалар орқали ўтказилади. Битта колонкада катионит ва анионитлар бўлиши мумкин.

Демак, сув катионитли колонка орқали ўтгандан сўнг юмшайди, муҳит бу вақтда кислотали бўлади. Сув pH қўрсаткичининг ортиши ва сувда катионларнинг пайдо бўлиши, колонканинг тўйинганлигидан далолат беради. Уни хлорид кислотаси ва сув билан ювиб регенерация қилиш лозим. Бу сув анионитли колонкадан ўтгандан сўнг, муҳит нейтрал бўлади.

Сув pH қийматининг пасайиши ва анионларнинг сувга ўта бошлиши, анионитлардаги OH гурухининг камайганини кўрсатади. Колонкани қайта тиклаш сув ва ишкор ёрдамида амалга оширилади. Лекин сувни ион алмаштиргич смолалар ёрдамида минералсизлантирилганида, ионитлар CO₂ ва SO₂ ларни ушлай олмайди. Уларни йўқотиш учун газсизлантириш усулидан фойдаланилади. Сув махсус колонкага ўрнатилган винипласт панжарасига пуркалади ва унинг пастки кисмидан фильтрланган ҳаво юборилади. Бунда CO₂ ва SO₂ газларининг эриши ёмонлашади ва колонкадан чиқиб кетади.

Ионитли колонкаларнинг қуввати соатига 100 л ташкил қиласи. Электродиализ усулида сувни минералсизлантириш махсус қурилмада амалга оширилади. Асбоб икки томонига электродлар ўрнатилган обзандан иборат бўлади. Сув обзанга юборилади ва электродлар узгармас электр токига уланади. Бунда катионлар анод электродига, анионлар катод электродига томон ҳаракатланади ва чап ҳам ўнгдаги бўлинмаларга йиғилади. Бу усулда соатига 200-750 л сув минералсизлантирилади.

Инъекцион сув олишда қўмирдан кенг кўламда фойдаланилади.

Кўмир навлари ва уларни ишлатилиши

1. **ОУ-А** – осветляюший уголь қуруқ - ишқорий. Тиббиёт препаратлари, ёғ ва мойлар, органик кислоталар ишлаб чиқаришда сув ва эритмаларни тозалашда, шунингдек озиқ-овқат саноатида қанд ишлаб чиқаришда қиёмларни тозалаш учун ишлатилади.

2. **ОУ-Б** – осветляюший уголь нам-нордон. Тиббиёт препаратларини тозалашда шунингдек гидролиз заводларида крахмал ишлаб чиқаришда эритмаларни тозалаш учун ишлатилади.

3. **ОУ-В** – осветляюший уголь қуруқ - ишқорий. Озиқ овқат саноатида турли хил эритмаларни тозалаш учун ишлатилади.

4. **ОУ-Г** – осветляюший уголь қуруқ ишқорий. Органик синтез жараёнларида суюқликларни юқори молекуляр мумли ва рангли аралашмалардан тозалаш учун ишлатилади.

Фаоллашган кўмирни қайта ишлаш. Бунинг учун ҳажми 100 л бўлган форфорли идишга 40 л 90°C ҳароратгача қиздирилган сув солиб, устига 1, 2 кг кимёвий тоза хлорид кислотаси ва 9 кг фаоллаштирилган кўмир бир неча қисмларга бўлиб-бўлиб солинади. Аралашма 30 дақиқа давомида чайқатилиб, нутч фильтрига ўтказилади ва сувли қисми ажратиб олинади. Сўнг нутч фильтр 9-10 марта қайноқ тозаланган сув билан ювилади, яна 3-4 марта ҳарорати 20°C гача бўлган тозаланган сув билан ювилади. Ҳар сафар кўмир ювилганда сиқиб олинади. Қайта ишланган кўмир қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- кўмир ювилган сувнинг pH кўрсаткичи 4,5-5,0 бўлиши;
- кўмир таркибида оғир металл тузлари, хлоридлар, сульфатлар ва кальций тузларини сақламаслиги;
- кўмир таркибидаги темир тузларининг миқдори 0,003% дан ортмаслиги лозим.

Уч босқичли дистилляторнинг самарадорлиги соатига 10 тоннагачани ташкил қиласи. Амалиётда бугунги кунда “Mascarini” – уч босқичли дистиллятор қурилмаси ишлатилади. Унинг самарадорлиги соатига 1500 литр. Бу турдаги дистилляторларда биринчи корпусдаги сувнинг ҳарорати 120-140°C, иккинчи корпусдаги сувнинг ҳарорати 110-120 °C, учинчи корпусдаги сувнинг ҳарорати эса 103-110 °C ташкил қиласи.

“Финн - аква” аквадистилляторидаги буғ ҳаракати соатига 20-60 м ташкил қиласи. Шунингдек италиянинг “Вопарасе” фирмасини аквадистилляторида, 1 л инъекцион сувни олиш учун 1,1 л истеъмол суви сарфланади. Бошқа аппаратларда эса бу нисбат 1:9 ва 1:15 ташкил қилиши мумкин. Бу турдаги аквадистилляторларнинг иш унумдорлиги соатига 2,5 тоннани ташкил қиласи.

Инъекцион эритма тайёрлаш учун мўлжалланган сув (инъекцион сув) – Aqua pro injectionibus, кимёвий формуласи - H₂O, молекуляр массаси 18,02

Унга қўйилган талаблар:

1. Ташки кўриниши – инъекцион сув рангсиз, ҳидсиз ва таъмсиз тиник суюқлик.
2. pH кўрсаткичи – 5,0-6,8
3. Кислотали ёки ишқорийлиги – 10 мл инъекцион сувга 1 мл метил қизили томизилса сариқ ранг ҳосил бўлади. Унга 0,01 моль/л хлорид кислотаси эритмасидан 0,05 мл қўшилса, пушти ранг ҳосил бўлади.
4. Қуруқ қолдиқ – 100 мл инъекцион сув қуруқ қолдиқ қолгунча буғлатилади ва қолдиқ 100-105°C ҳароратда доимий оғирликка қадар қуритилади. Қолган қолдиқ 0,001% дан ортмаслиги керак.
5. Қайтарувчи моддалар – 100 мл инъекцион сув қайнагунга қадар қиздириллади ва унга 1 мл 0,01 моль/л калий перманганат эритмаси ва 2 мл суюлтирилган сульфат кислотаси қўшиб, 10 дақиқа давомида қайнатилади. Ҳосил бўлган пушти ранг сақланиб қолиши лозим.
6. Карбонат ангидриди – инъекцион сув тенг миқдордаги водопровод суви билан 1 соат давомида қаттиқ чайқатилганда лойқа ҳосил бўлмаслиги керак.
7. Нитрат ва нитритлар – 5 мл инъекцион сувга 1 мл дифениламин эритмаси секин-асталик билан қўшилса ҳаво ранг ҳосил бўлмаслиги лозим.
8. Аммиак – 1 мл этalon эритма билан 10 мл гача суюлтирилган инъекцион сув таркибидаги аммиак миқдори 0,00002% дан ортмаслиги керак.
9. Инъекцион сув хлоридлар, сульфатлар, кальций ва оғир металларга нисбатан ижобий реакция бермаслиги лозим.
10. Апироген – пироген моддалар микроорганизмлар ташки мембраннысидали липополисахаридлар ёки липополисахаридларни протеинли комплекс бирикмалари бўлиб, улар қуйидаги турли хил ўлчам ва шаклларда намоён бўлади:
 - а) пироген моддаларнинг кальций ёки магний билан ҳосил қилган, диаметри 0,1 мкм бўлган агрегатлари.
 - б) фильтрдан ўтмайдиган кичик ўлчамдаги комплекс (молекуляр массаси 1 000 000 ва 2 000 000) мицеллалар. Бу пироген моддаларнинг фосфолипидли қисми манфий зарядланган комплекслар бўлиб, улар фильтр қурилмасининг юзасида яхши адсорбцияланади. Бу пироген моддаларни организмга 1 мкг миқдорида киритилиши 30-60 дақиқадан сўнг ҳароратни кўтарилишига сабаб бўлади. Бу лейкоцитлар фаоллигининг ортиши билан эндоген пироген моддаларининг ажралиб чиқишини тезлаштиради ва простогландинлар синтезини қучайтиради.

Липополисахаридлар иссиқликка чидамли бўлиб, улар 250-300°C ҳароратда, 1-2 соат давомида қиздирилганда парчаланади.

МХ талабига биноан инъекция учун ишлатиладиган сув тозаланган сувга қўйиладиган ҳамма талабларга жавоб бериши, таркибида пироген моддалар бўлмаслиги, сақланиш муддати 24 соатдан ошмаслиги керак. Хусусий моддалар талабига биноан, эритма карбонат ангидридисиз сувда тайёрланиши лозим бўлса, сув 30 дақиқа қайнатиб тозаланади. Пироген моддалар ўлик микроорганизмлар танаси ва уларнинг заҳарлари бўлиб, липополифосфат полисаҳаридлар синфиға киради ва улар сув буғи билан ҳайдалмайди. Сувни ҳайдаш жараёнида улар томчилар билан бирга сувга ўтиб қолиши мумкин. Пироген модда сақлаган сувда тайёрланган инъекцион эритма тана ҳароратини ошириди. Чунки улар организм учун бегона модда хисобланади. Сувнинг апирогенлиги биологик усулда текширилади.

Сувда эримайдиган ёки қийин эрийдиган дори моддаларидан инъекцион эритмалар тайёрлашда, дори моддасини гидролиздан сақлаб қолиш учун, шунингдек таъсирини узайтириш учун бевосита сувсиз эритувчиларга мурожаат қилинади. Сувсиз эритувчилар бир вақтнинг ўзида турли ҳил даражадаги эритувчанлик, антигидролиз, турғунлаштирувчи ва бактереоцид каби ҳоссаларига ҳам эга бўлиши мумкин. Бироқ барча сувсиз эритувчилардан ҳам инъекцион эритмалар тайёрлашда эритувчи сифатида фойдаланишнинг имкони йўқ, қайсики бу эритувчилар маълум бир фармакологик, токсик баъзан эса гемолитик таъсирга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан инъекцион эритмаларни тайёрлашда ишлатиладиган сувсиз эритувчилар ўткир ва сурункали токсик таъсир кўрсатмаслиги, махаллий қитиқловчи таъсирга эга бўлмаслиги, дори моддасини юқори эритувчанлик, унга кимёвий ва биологик нуқтаи назаридан мос келиши, стерилизация жараёнида турғун, шунингдек паст қовушқоқликка эга бўлиши керак.

Кимёвий табиатига кўра инъекцион эритмаларни тайёрлашда ишлатиладиган сувсиз инъекцион эритувчилар қуйидаги гурухларга бўлинади:

1. Ўсимлик мойлари.
2. Бир ва кўп атомли спиртлар.
3. Оддий ва мураккаб эфирлар.
4. Амидлар
5. Сульфонлар ва сульфоксидлар.

Шунингдек, бир неча эритувчилардан ташкил топган қуйидаги аралаш турдаги эритувчилар ҳам фармацевтика саноатида инъекцион эритмалар тайёрлашда ишлатилади: сув – глицерин, сув – пропилен, спирт – сув – глицерин ва бошқалар. Амалда кўпинча ўсимлик мойларини бензилбензоат ёки этиолеат билан биргалиқдаги аралашамаси кенг кўламда

ишлатилади. Бу турдаги эритувчилар юқори даражадаги эритувчанлик ҳоссасини намоён қилишлиги билан ҳам ахамиятлиdir.

2.4. Сувсиз инъекцион эритувчилар

Улар фармацевтика амалиётда гормонлар, витаминлар, антибиотиклар, камфора, барбитуратлар, олтингугут, симоб тузлари ва бошқалардан инъекцион эритмалар тайёрлашда ишлатилади.

Ўсимлик мойлари (Olea pingua). Улар инъекцион эритмалар тайёрлашда эритувчи сифатида инъекцион сувдан кейин энг кўп ишлатиладиган эритувчилардир. Улар ўз таркибида мой кислоталарининг тўйинган эфирларини фосфатлар, эркин мой кислоталари ва бошқаларининг аралашмаларини сақлади. Мой кислоталари ўз навбатида, таркибида липазалар сақлади, улар эса жуда кам миқдордаги сув ҳисобига ҳам совунланиш жараёнини вужудга келтириб, эркин ёғ кислоталарининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўсимлик мойлари бутунлай обезвоженний қилинган бўлиши лозим. Акс ҳолда эркин ёғ кислоталари кўплаб дори ва ёрдамчи моддаларининг ҳоссаларини ўзгартириши, қолаверса нордон мой нерв охирларини қитиқлаши ҳисобига кучли оғриқни келтириб чиқариши мумкин. Бу тиниқ, оч рангли мойсимон суюқликлар кам қовушқоқликка эга бўлиб, хидсиз ёки қучсиз хидли. Улар сувда эримайди, спиртда кам, эфир, хлороформ ва петролейн эфирида осон эрийди. МХ талабига кўра инъекцион эритмаларни тайёрлашга мўлжалланган ўсимлик мойлари янги йигилган ўсимлик уруғидан, совук усуlda, пресслаб олинган бўлиши лозим.

Ўсимлик мойларининг ранги, хиди, мазаси, эрувчанлиги ва сон кўрсаткичлари МХ талабларига кўра аниқланади. Ўсимлик мойлари умуман оқсили ва минерал аралашмаларин сақламаслиги зарур, шунингдек кислота сони 2,5; таркибидаги совун миқдори 0,001% дан ортмаслиги керак.

Ўсимлик мойларининг камчилиги нисбатан юқори қовушқоқликка эга эканлиги, инъекци қилиш давомида оғриқни пайдо бўлиши, қийин ва секин сўрилиши ва инъекция қилинган жойда доначаларининг пайдо бўлишидадир. Уларнинг қовушқоқлигини камайтириш мақсадида айrim ҳолатларда этил ёки этилгликол эфири кўшилади. Бу мойларда дори моддаларининг эрувчанлигини яхшилаш мақсадида бир вақтнинг ўзида мойларнинг турғунлигини ҳам оширувчи солюблизаторлардан (бензил спирти,ベンジルベンゾアト) ҳам фойдаланилади. Ўсимлик мойларидан тайёрланган инъекцион эритмалар аксарият ҳолларда мускул орасига, айrim ҳолларда эса тери орасига юборилади.

Мойли инъекцион эритмалар тайёрлашда рафинирланган ва дезодорирланган шафтоли, бодом, зайдун, кунгабоқар, соя ва бошқ. Ўчимлик мойларидан фойдаланилади. Шафтоли мойидан, витамин препаратларидан: эргокальциферол ва ретинол ацетат, гормон препаратларидан прогестерон, синэстерол, тестостерон пропионат

инъекцион эритмаларини тайёрлашда, шунингдек камфора, кризанол ва бийохинол дори воситаларини тайёрлашда фойдаланилади. Фақат ўсимлик мойларидан инъекцион эритма тайёрлашда мой олдиндан 120°С ҳароратда 2 соат давомида стерилланиши лозим.

Бир ва кўп атомли спиртлар. Бу эритувчилардан кўпгина хорижий давлатларда инъекцион эритувчи сифатида кенг кўламда фойдаланилади. Улар сув билан яхши аралашади, қовушқоқлиги мойларга нисбатан кам, шунингдек кўпгина дори моддаларини эритиш ҳоссасига эга. Бир атомли спиртлардан этил спирти, кўп атомли спиртлардан эса ПГ, глицерин ва ПЭГ кўп ишлатилади.

Этил спирти (C_2H_5OH). Этил спирти тери орасига юборилганда кучли оғриқ келтириб чиқаради, шу билан бирга унинг маълум бир фармацологик таъсирга эга эканлиги, инъекцион эритмалар тайёрлашда ундан фақат суюлтирилган ҳолатда фойдаланиш лозимлигини тақозо этади. Суюлтирилган этил спирти аксарият органик моддаларни юқори эритувчанлик ҳоссасига эгадир. Юрак гликозидларидан дигитоксин (50% этил спиртида), дигоксин (10% этил спиртида), мефеназин (25% этил спирти), целанид, строфантин, конваллотоксин, эризимин, олиторизид каби сувда эримайдиган моддаларни эритиш мақсадида, 2-30% гача бўлган миқдорда эритмага қўшилади, сўнг сув билан керакли хажмгача суюлтирилади. Халқаро ва яна бир қатор хорижий Давлат фармакопеяларида этил спиртидан бошқа эритувчилар иштироқида комбинирланган эритувчи сифатида фойдаланиш мумкинлиги келтирилган. Айрим ҳолларда, этил спиртидан ёрдамчи эритувчи сифатида ҳам фойдаланилади. Масалан сувда ва мойда эримайдиган ракка қарши ишлатиладиган дори воситалар энг кам миқдоридаги этил спиртида эритилиб, зайдун мойи билан эмульсия ҳосил қилинади ва спирт вакуум остида ҳайдаб олинади. Натижада мойли инъекцион эритма ҳосил бўлади.

Баъзи бир инъекцион эритмаларни тайёрлашда бензил спиртининг 1-10% ли эритмалари ишлатилади. Масалан сульфаниламиидлар, барбитуратлар ва антибиотиклардан инъекциолн эритмалар тайёрлашда сув, этил спирти ва бензил спирти аралашмасидан ташкил топган эритувчи – пропиленгликольдан фойдаланилади. Микрокристаллик гидрокортизон ацетатни 2,5% суспензион инъекцион эритмасини тайёрлашда айнан шу пропиленгликоль ишлатилади.

Шунингдек, айни сувли - суспензион инъекцион эритмаларни тайёрлашда поливинил спиртидан солюбилизатор ва стабилизатор сифатида фойдаланилади.

Пропиленгликоль (пропандиол – 1, 2) ($CH_3-CH(OH)-CH_2OH$). Бу икки атомли спирт бўлиб, тиниқ, рангсиз суюқлик, хона ҳароратида барқарор, лекин 140°С дан юқори ҳароратда пропион альдегиди, сут, узум ва сирка кислоталаригача оксидланиши мумкин. Шунинг учун уни 140°С да 3 соатдан ортиқ стериллаш мумкин эмас. Бу эритувчидан сульфамиидлар, барбитуратлар, А ва Д витаминлари, антибиотиклар, анестезин ва асосли алкалоидлардан инъекцион эритмалар тайёрлашда қўлланилади.

Пропиленгликоль күпроқ 40-70% сувли эритма сифатида ёки бошқа эритувчилар билан биргаликдаги (этил спирти, этаноламин, полиэтиленгликоль) аралашма күринишида ишлатиласы.

Масалан, эритромицинни сувли эритмаси ва лантозидга 40% миқдорида пропиленгликол қўшилади. Хинидин гидрохлорид эритмасига эса 100% пропиленгликолда тайёрланади. 50% гача пропиленгликол сақлаган эритмалар венага, ундан ортиқ сақлаганлари мушакка юборилиши мумкин.

Глицерин ($\text{CH}_2\text{OH}-\text{CHON}-\text{CH}_2\text{OH}$). Бу уч атомли спирт. У гигроскопик ҳоссага эга бўлиб, ҳаводан 40% гача сувни шимиб олиши мумкин. Тиббиётда ишлатиладиган глицерин 13% сув сақлайди. 150°C да бир соат стерилланади. Глицерин сувли ва спиртли эритмаларга қўшимча эритувчи сифатида 30% гача қўшилади. Хорижий давлатларда у левомицетин, гидрокортизон, глюкоза, фенобарбитал ва морфинларни инъекцион эритмаси таркибига киради. Шунингдек, целанид, мезатон, ва випрокайнларни эришини яхшилаш мақсадида қўшилади. Глицерин дориларни организмда тез сўрилишга ёрдам беради.

Полиэтиленоксид. $\text{H}(-\text{OC}\text{H}_2-\text{CH}_2-\text{CH}_2-\text{n}-\text{OH})$, (n=2,85). ПЭО-200, 300, 400, 600 лар рангиз, мойсимон, қовушқоқ, суюқлик бўлиб, спирт ва сувда яхши эрийди, физиологик индифферент, гидролизга учрамайди. Инъекцион эритмаларга асосан барқарор ҳисобланган ПЭО-400 қўшилади. ПЭО-400 сувда ёмон эрийдиган ва гидролизланишга мойиллиги бўлган сульфаниламидалар, барбитуратлар, антибиотиклар, натрий аскорбинатларни эрувчанлигини яхшилаш ва турғунлигини ошириш мақсадида асосий эритувчига нисбатан 70% гача қўшилади. Масалан, дигоксин, левомицетин, пенициллин, серколизин каби дориларнинг эритмаларини тайёрлашда ишлатиласы. Лекин ПЭО-400 айрим дори моддалар билан комплекс бирикма ҳосил қиласы, шунингдек стериллаш вақтида улар, биологик фаоллигини тўла йўқотиши мумкин. Уларга таркибида фенол гурухини сақлаган бирикмалар киради. ПЭО-400 таркибида паст молекулали фракцияларни сақламаслиги керак, чунки улар оксидланиб заҳарли бирикмалар ҳосил қиласы.

Мойлар глицеринни ҳар хил юқори молекулали ёғ кислоталари билан ҳосил қилган мураккаб эфирларидир. Инъекция учун ишлатиладиган мойлар янги йиғилган мағизлар ва мевалардан совук усулда сиқиб олинади. Улар тиник, осон қўзғалувчан, сақланиш вақтида чўкма ҳосил қилмайдиган, стеарин фракциясидан ва сув юқидан тозаланган, шунингдек кислота сони 2,5 дан кам бўлиши лозим. Асосан мойли инъекцион эритмалар тайёрлаш учун бодом, ўрик ва зайдун мойларидан фойдаланишга руҳсат этилган.

Халқаро фармакопея талабига биноан инъекция учун ишлатиладиган мойлардаги кислота сони 0,4-0,2, йод сони 79-128, совунланиш сони эса 185-200 орасида бўлиши керак. Улар таркибида минерал ёғлар сақламаслиги, хона ҳароратида қотмаслиги, таркиби эса барқарор бўлиши керак. Хорижий мамлакатларда оксидланиш жараёнини секинлаштирадиган

сезамин ва сезамолин ферментлари сақлаган кунжут мойи нисбатан кўп ишлатилади. Кўпчилик дори моддаларнинг мойда ёмон эриши, мойли эритма инъекциясининг оғриқ бериши, мойларни осон оксидланиши уларни кенг миқёсда ишлатишга имкон беради. Дори моддаларининг мойда эрувчанлигини яхшилаш мақсадида бензил-бензоат, полиэтиленгликол, бензил спирти, изопропил миристат каби ёрдамчи эритувчилар қўшилади. Саноатда шафтоли ўрик, бодом, зайдун ва соя мойларидан дезоксикортостерон ацетат, диэтилстилбэстрол пропионат, кризанол, йодолипол, камфора, синэстрол, прогестерон, тестостерон, ретинол ацетат, токоферол ацетат, фолликулин, хлорофиллит, эстрадион бензоат каби дори воситалари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Этилолеат. Бу этил спиртини, олеин кислотаси билан ҳосил қилган мураккаб эфир бўлиб, оч сариқ, мойсимон, нейтрал муҳитли суюқлик, ҳавода оксидланмайди, термик стерилизацияга яхши чидайди, сув билан аралашмайди, спирт ва мойлар билан яхши аралашади. Мойларга нисбатан қовушқоқлиги кам, тўқималарга осон сўрилади ва дориларнинг таъсирини узайтиради (тестостерон пропионат). Этилолеатдан дезоксикортостерон ацетат, прогестерон, тестостерон пропионат, камфора каби эритмаларни тайёрлашда фойдаланилади.

Асосий эритувчиларга қўшиб ишлатиладиган ёрдамчи эритувчилар, хозирги вақтда кенг кўламда ишлатилмоқда. Улар ёмон эрийдиган моддаларни эрувчанлигини яхшилади, эритмани гидролитик парчаланишидан сақлайди, дорини турғунлигини оширади. Улар спиртлар, эфирлар ва амидларга бўлинади.

Спиртлар. Бир атомли ва кўп атомли бўлиб, сув билан яхши аралашади, сувда ёмон эрийдиган моддаларнинг эрувчанлигини оширади. Лекин буларни ишлатишда оксидловчилар иштирокида заҳарли альдегид, кислота ва ёки эфирлар ҳосил бўлишини ҳисобга олиш керак.

Мураккаб эфирлар. Эфирларнинг қовушқоқлиги мойларга нисбатан кам бўлганлиги ва дориларни эритиш ҳоссаси юқори бўлганлиги учун улар инъекцион эритмалар тайёрлашда кўп ишлатилади. Лекин уларнинг кислотали ва ишқорий муҳитда гидролизланиб тегишли кислота ва спиртларга парчаланишини ҳисобга олиш керак. Ҳарорат қўтарилиши билан бу жараён янада тезлашади. Дори моддаларнинг мойда эришини яхшилаш мақсадида кўпинча бензил-бензоат ва изопропил миристатлар иўлатилади.

Бензил-бензоат. Рангиз, мойсимон суюқлик, сувда эримайди, спирт ва мой билан яхши аралашади, кам заҳарли, лекин ўзи фармакологик таъсирга эга. У юрак ва нафас олиш органларига депрессион таъсир кўрсатади. Прогестерон, гидрооксипрогестерон, димеркаптон мойли эритмаларини тайёрлашда 20-46% гача қўшилади.

Изопропилмиристат. Кимёвий турғун модда бўлиб, кам заҳарли, сувда эримайди, мой билан яхши аралашади. Тўқималарни қитиқламайди. Фенол, кокаин, резорцин ҳамда эстроген препаратларнинг мойли эритмаларини тайёрлашда ишлатилади.

Сульфоксид ва сульфонлар. Бу гурухга киувчи эритувчилардан диметилсульфоксид ва сульфоланларни айтиб ўтиш мумкин.

Диметилсульфоксид. 20⁰C ҳароратда 70% гача сув тортиш қобилиятига эга бўлиб, кам заҳарли ҳисобланади. Итларга вена орқали юборилганда қисқа вақт қон босимнинг пасайиши, қуёнларда юрак қон томирининг нотекис уриши кузатилган.

Сульфолан. Иссиққа чидамли, кам заҳарли ва кўп моддаларни эритиш хусусиятига эга бўлганлиги учун инъекция эритмаларини тайёрлашда кўп ишлатилади.

Назорат саволлари:

1. Фармацевтика фаолияти тушунчасини таърифланг
2. Фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг қонуний асослари
3. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилишини ёритиб беринг
4. Дори воситалари ва тиббий буюмларини ишлаб чикариш тизими кандай шаклланган?
5. Дори воситалари ва тиббий буюм ларининг ултуржи савдоси – дистрибуцияси тизими қандай ташкилотлардан иборат?
6. Дори ва тиббий буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизимини таърифланг
7. Фармацевтика фаолияти тушунчасини таърифланг
8. Фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг қонуний асослари
9. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилишини ёритиб беринг
10. Дори воситалари ва тиббий буюмларини ишлаб чикариш тизими кандай шаклланган?

3-мавзуу: Қаттиқ дори шаклларининг яратилиш цикли

Режа:

Кириш

- 3.1. Кукунлар ва уларни яратиш цикли.
- 3.2. Гранулалар ва уларни яратиш цикли.
- 3.3. Таблеткалар ва уларни яратиш цикли
- 3.4. Капсулалар ва уларни яратилиш цикли

Таянч иборалар: дори шакли, кукунлар, гранулалар, таблеткалар, капсулалар, маркиб, технология, ишлаб чиқарии

Кириш

Ахолини дори дармон билан таъминлашда тайёр дори воситаларининг ўрни бекиёсдир. Хозирги вақтда ривожланган мамлакатларда тайёр дори воситаларини умумий дори воситаларининг 99% га, хамдўстлик мамлакатларида 90%, 2010 йилга бориб эса фақат таблетка дори турининг ўзини 85% га етказиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўллашга руҳсат этилган дорилар ичида тайёр дори воситаларининг улуши 73% ни ташкил этади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса бу кўрсаткич 90% дан ошиб кетди ва ривожланган хорижий мамлакат кўрсаткичларига тенглашиб қолди. Лекин бу кўрсаткич асосан четдан келтирилаётган ТДВ ҳисобига эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон хукумати ТДВ ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммосини хал қилишда катта амалий ишларни амалга оширмоқда.

Экологиядаги мувозанатнинг маълум даражада бузилиши, синтетик дори-дармон ва озиқ-овқатларни қўп истеъмол қилиш, ахолини иммун тизимини заифлашишига олиб келмоқда. Натижада ахоли орасида турли хил касалликларга осонгина чалиниш холатлари кузатилмоқда.

Ахолини махаллий хом ашёлардан фойдаланиб, кам захарли, аллергия чақирмайдиган, турғун, юқори биосамарадор, арzon дори воситалари билан таъминлаш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Бу муаммони хал қилиш йўлларидан бири ўзимизда ўсадиган доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланишdir. Хозирги вақтда тиббиёт амалиётида ишлатилаётган дори воситаларининг 50% дан кўпроғини ўсимлик хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади.

Хозирги замон корхона шароитида дори ишлаб чиқариш машина ишлатишни тақозо этади, чунки бунда ишчилар меҳнати енгиллашади, тайёр маҳсулот таннархи арzonлашади. Машина. бу механизм ёки механизmlар мажмуаси бўлиб, маълум мақсадга мувоғиқ энергия ёки ишни ўзгартириш мақсадида ҳаракат қиласи.

Машина двигатель, узатувчи механизм, бажарувчи (исполнительный) механизмлардан иборат.

Двигатель - машинанинг ҳамма қисмларини ҳаракатга келтириш учун хизмат қиласи.

Узатувчи механизм - бу двигатель билан бажарувчи механизм орасидаги боқловчи звенодир. Узатувчи механизм бу функцияни бажа рувчи механизм вазифасига мувоғиқ бошланғич айланма ҳаракатни узатиш, бошқариш орқали амалга оширади. Бажарувчи механизм - бу машинани асосий (мухим) қисми бўлиб, меҳнат воситасига бевосита таъсир кўрсатади ва керакли ишни бажаради.

Двигатель валидан харакатни қабул қилиб олиш ва ишчи машина валига узатиш шкифлар, қайишли (тасмали) узатгичлар орқали амалга оширилади ва бунда тортиш кучини хосил қиласи (тяга). Шкив - ташқи юзаси силлиқ бўлиб, машинани бош валига кийгизилади ва унга мустахкамланади. Шкив ишчи машинани шкиви билан мустахкам кийинтирилган тасма ёрдамида харакат қиласи. Ишқаланишни кўпайтириш учун тасмалар ва шкивлар юзаси канифоль билан ишланади. Тезликнинг ўзгариши шкивлар ўлчови (катта кичиклиги) билан белгиланади.

Фракцион (чиқирикли) узатма иккита бир бирига қаттиқ тақилган (прижатых) ғилдиракдан иборат. Бу унча катта бўлмаган кучни узатишда ишлатилади. Куч жуда катта бўлса ғилдираклар бир бирига ўтиб кетиб иш бажарилмай қолади. Тишли узатгич - бунда харакат тишли ғилдираклар ёки тишли рейкалар орқали амалга оширилади. Тишли узатгичлар хар хил машиналарнинг таркибий қисми хисобланиб, кенг қўлланилади.

Червяк (шестерна)ли узатгичлар бир бирига перпендикуляр ўқлари (осями) ўзаро кесилмайдиган узатгичлардаги айланма харакатни узатади. Бу узатгич червяқдан, винтдан ва тишли ғилдиракдан ташкил топган.

Кривошип механизм ёки кривошип шатунли механизм тўғри чизиқли олға (олдинга қараб) борадиган харакатни айланма харакатга ёки аксига ўзгариши учун хизмат қиласи. Бу механизм кривошипдан, шатундан ва сирпантиргич (пользун)лардан ташкил топган. Эксцентрикли узатгич - айланма харакат жуфти (пара) шарнир ва сирпантиргичлардан иборат.

Эксцентрик - бу думалоқ (юмалок; круглый) диск бўлиб, харакатланадиган валга ўрнатилган. Шундай қилиб дискни маркази валнинг ўқига тўғри келмайди. Кулакчакли (кулачковые) механизmlар - бу айланма харакатни даврий олға-орқага харакатга айлантириш имкониятини беради. Бу эса машина ва автоматларда кенг қўлланилади.

3.1. Кукунларни яратилиш цикли

Майдалаш - бу қаттиқ моддаларни механик усулда парчаланиши (расщепление) дир. Майдалаш учун хар хил типдаги машиналар улкан майдалагичлардан, тики 0,1 мкм гача катталикда майдалайдиган коллоид тегирмонлар ишлатилади.

Йирик майдалаш (дробление) ва толқонга айлантириш майдалаш даражаси билан белгиланади:

$$i = \frac{d_{\text{бюш}}}{d_{\text{охирги}}}$$

Майдалаш хар бир машинада битта ёки бир нечта босқичда олиб борилади. Чунки машиналар тузилишига қараб чегаралангандан майдаликни бериши мумкин. Ўта майдалик даражасини таъминлаш учун, бу жараён бир нечта босқичда олиб борилади. Бунда бир нечта йирик ва толқон берадиган машиналар кетма-кет жойлаштирилган бўлади. Чунки бир мартада керакли мадаликка эришиб бўлмайди. Бўлакчаларни бошланғич ва охирги катталигига қараб майдалаш қўйидаги турларга бўлинади:

Йирик майдалаш (дробление) $d_b = 1000$ мм $d_o = 250$ мм

Үртача майдалаш (дробление) $d_b = 250$ мм $d_o = 20$ мм

Майда толқон (дробление) $d_b = 20$ мм $d_o = 1,5$ мм

Ўта майда толқонгача майдалаш (тонкое, размол)

$$d_b = 0,10-0,4 \text{ мм}$$

$$d_o = 0,005-0,015 \text{ мм}$$

Коллоид заррачаларгача майдалаш (коллоидные)

$$d_b < 0,1 \text{ мм}$$

$$d_o < 0,001 \text{ мм}$$

Одатда майда ва ўта майда (размол) толқонгача майдалаш қуруқ ва хўл (нам) холда олиб борилади. Хўл майдалашда чанг хосил бўлиши камаяди, заррачалар бир хил катталикда майдаланади. Материалларни физик-механик хоссаларига (заррачалар шакли, таранглиги, намлиги ва эластиклиги -қайишқоқлиги) қараб қуйидаги майдалаш усуллари танланади:

- қаттиқ ва мўрт материаллар учун - эзиш ва зарб билан уриш.
- қаттиқ ва қайишқоқ материаллар учун - эзиш билан.

Мўрт ва ўртача қаттиқ материаллар учун - зарб билан уриш, ёриб (раскаливание) майдалаш, ишқалаб (истирание) майдалаш.

Қайишқоқ ва ўртача қаттиқ материаллар учун - ишқалаб ва ишқалаб зарб билан уриб майдалаш. Майдалашда материалларни намлик даражасини ва қумоқ (комкование) ланиб қолиш хоссаларини хисобга олиш керак. Майдалаш очиқ ва ёпиқ циклларда олиб борилади.

Очиқ циклда материал майдалагич (дробилка) орқали бир марта ўтказилади. Ёпиқ циклда эса бир неча марта ўтказилади.

Майдалаш хиллари ва машина турлари:

Йирик майдалаш - Шнекли майдалагичлар

Ўртача майдалаш - Конусли майдалагич, валикли (жувалаб) майдалагич

Йирик толқонгача майдалаш - Валикли (жували) майдалагич, болғачали майдалагич

Толқонгача майдалаш - Уриб - марказдан қочма тегирмонларда, барабанли тегирмонларда, ролик-халқали тегирмонларда.

Ўта майда толқонгача майдалаш - Вибро тегирмонларда, оқимли-вибро тегирмонларда, коллоид тегирмонларда.

Қаттиқ жисмларда ташқи куч таъсирида заррачаларнинг деформацияси хисобига ўта кичик дарз (трешини) кетишилар хосил бўлади. Агар таъсир қиласидан куч жисмни мустахкамлик чегарасидан катта бўлса, жисм парчаланади. Бунда қайишқоқ (упругая) деформация мўрт деформация билан алмашинади ва жисм парчаланади. Майдаланиш жараёнида янги юзалар хосил бўлиш вақтида заррачаларнинг деформациясидан хосил бўлган ички ишқаланишни бартараф қилиш ва материал хамда машина орасида хосил бўладиган ташқи ишқаланишни бартараф қилиш учун анчагина энергия сарфланади.

Майдалашнинг иккита назарияси бор: хажмий (объемная) ва юза (поверхностная) назариялари.

Хажмий назария. буни 1874 йилда В.Л.Кирпичев таклиф қилган. Бу назарияга мувофиқ майдалаш учун сарфланадиган энергия жисмнинг хажмига тўғри пропорционалдир.

Шундай қилиб Кирпичев бўйича майдалаш учун сарфланган куч (Р) жисмни тўғри чизиқли ўлчовининг квадратига ёки жисмнинг юзасига пропорционалдир, сарфланган иш эса шу жисмнинг хажмига ёки оғирлигига пропорционалдир.

Юза назарияси. Буни 1867 йилда Риттингер таклиф қилган. Майдалаш учун сарфланадиган энергия, хосил бўлган бўлакчалар (заррачалар) юзасига пропорционалдир. Бу назария бўйича жисмни майдалаш учун сарфланган иш унинг майдалик даражасига пропорционалдир.

Бу икки назария мустақил равишда масалани туб моҳиятини очиб беролмайди. Улар бир-бирини тўлдиради, ойдинлаштиради. Ребиндер П.А. бу икки назариядан бир бутун майдалаш назариясини яратди. Бу назарияга биноан жисмни майдалаш учун сарфланадиган иш, яъни юза хосил бўлиши учун сарфланган энергия ($a^* k$) ва майдаланадиган материалнинг хажмларини йиғиндисига тенгдир:

$$A = \frac{G^2 V}{2 E} + K \Delta F ,$$

- бу ерда: A - майдалаш иши;
 G^2 - тарангликни енгувчи катталик;
 ΔF - янгидан хосил бўлган юза;
 K - пропорционаллик коэффициенти;
 V - майдаланадиган жисм хажми;

E - майдаланаётган жисмнинг таранглик кўрсаткичи.

Дастлабки (предварительное) майдалаш. Дастлабки майдалаш асосий (кейинчалик) майдалашни осонлаштириш мақсадида амалга оширилади. Бу усул асосан фарм корхоналарда ўсимлик хом ашёларини (илдиз, пўстлоқ, поя ва х.к.) майдалаща ишлатилади.

Бу усулда майдалаш қўйидаги майдалагичларда амалга оширилади: кесувчи, ёрувчи, арраловчи .

Кесувчи-арраловчи майдалагичлар. Булар асосан ўт ёки илдиз қирқувчилар ёрдамида амалга оширилади. Бу машиналарни асосий ишчи қисми хар хил тузилишдаги пичноқлардир. Ўт қирқувчи-траворезки - булар дискли ва барабанли бўлади. Дискли ўт қирқувчиларда эгри чизиқли (криволинейное) тифи(пичноқи) маховикни кечайига (спицасига) мустахкамлаб қўйилган бўлади. Хсимлик хом ашёси даста холида тарновча орқали пичноқга юборилади. Барабанли ўт қирқувчиларда пичноқи қайрилган бўлиб, 30 градус бурчак хосил қилиб мустахкамлаб қўйилган. Ишлаб чиқариш унуми соатига 300 кг хом ашёдир.

Илдиз қирқувчи - корнерезкаларда гильотинали 2 та пичноқ бор. Юқоридаги пичноқ - экспцентрикка махкамлаб қўйилган бўлиб, юқорига ва пастга харакат қиласиди. Пастки пичноқ харакатланмайди. Пастки пичноқ

юқорига ва пастка тушиши билан илдизни майдалиги бошқарилади (расм).

Махсус машиналарда хом ашё квадрат ёки куб шаклида кесилади. Агар хом ашё ўта қуруқ бўлса, уларни намлаб бир-икки кунга хўлланган қалин матога ўраб қолдирилади. Хом ашёни охиригача майдалашда хар-хил тузилишдаги тегирмонлардан фойдаланилади.

Эзib (раздавливающего) майдалашга асосланган майдалагичлар. Жували тегирмонлар - улар силлиқ жували ва тишли бўлади. Жуваларни тўғри ва унумли ишлаши хом ашёни узлуксиз ва бир меъёрда бериди турешга боқлиқдир. Бунда тегирмоннинг жувалари силлиқ бўлса, унинг диаметри майдаланадиган материалнинг диаметридан 20 марта катта бўлиши керак.

Тишли жувалар анча катта бўлакларни хам қамраб олиб майдалай олади, шунинг учун унинг диаметри 5-10 марта катта бўлса етарлидир. Уларни ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 1000 кг ни ташкил қиласи. Жували тегирмонлар озиқ-овқат, химия саноатида ва техникада кенг қўлланилади.

Эзib-ишқалаб майдалайдиган майдалагичлар. Ишлаш принципи эзib-ишқалашга асосланган майдалагичларга тошли тегирмон, (жерновка), бегунлар ва дискли тегирмонлар киради.

Дискли тегирмонлар. Асосий ишчи қисми иккита вертикал ўрнатилган диск бўлиб, улардан биттаси харакат қиласи, иккинчиси харакатсиз. Дискларнинг юзасида кесувчи ёки зарб билан уриб майдаловчи хар хил конструкциядаги мосламалар - тишлар бўлади. Ташки диск ёпилганда тишлар бир бирини орасига киради. Материал дисклар орасига тушиб майдаланади.

Дисклар минутига 200-300 марта тезликда харакат қиласи.

Дискдаги тишлар доира бўйлаб шундай жойлашганки, харакатдаги дискнинг тишлари харакатсиз дискнинг тишлари орасига тушиши керак. Тегирмон ишлаганда ўткир тишлар хисобига материални кесиш, ишқалаш ва эзиш юз беради. Дискни диаметри D=400 мм бўлганда ишлаб чиқариш унумдорлиги 50 кг/соат бўлади.

Дезинтеграторлар ва диммембраторлар - булар мўрт материаллар (сода, аччиқтош, қанд ва бошқалар) ни майдалашда ишлатилади. Бу тегирмонда майдалаш уриб марказдан қочиш кучига асослангандир. Дезинтеграторларда иккала диски хам қарама-қарши томонга минутига 500-900 марта тезликда айланади. Иккала диск юзасида тишлар ва штифтга ўхшаш мосламалар бўлиб, 2-4 қатор халқа бўйлаб жойлашган. Дисклар бир-бирига қарама-қарши равишда шундай жойлашганки, бита дискнинг тишлари иккинчи дискникига кириб туради. Марказдан қочиш кучи хисобига заррачалар марказдан четга улоқтирилади. Бунда заррачалар тишлардаги дисклар юзасида хисобсиз зарбага учраб майдаланади.

Дисмембраторлар - дезинтеграторлардан фарқи, ташки диски айланмайди. Шунинг учун керакли даражадаги майдалик олиш учун ички

диски минутига 3800 марта тезликда айланади. Перплекс дисмембра торнинг бир туридир (расм).

Болғачали тегирмон - ички девори зихрланган қалин металлдан тайёрланган тана, марказий ўқга ўрнатилган дисқдан иборат бўлиб, унинг марказидан деворга қараб бир нечта қатор болғачалар ўз ўки атрофида қимирлайдиган қилиб ўрнатилган бўлади, майдаланган модда элақдан узлуксиз ўтиб кетаверади. Бу эса майдалаш жараёнини тезлатади (расм).

Зарб (уреб) билан майдалайдиган майдалагичлар. Бунда жисмларни майдаланиши уни бўлакчаларини бир-бирига уришиш тезлигига боқлиқ. Буларга болғачали (молотковые) дезинтеграторлар, дисмембраторлар ва тез оқимда (струйные) ишлайдиган тегирмонлар киради.

Болғачали тегирмонлар. Бу тегирмонларда роторни марказий валига кетма-кет бир қанча дисклар ўрнатилган (мустахкамланган) бўлади. Дискларда эса шарнирга (ошиқ-мошиққа) ўрнатилган пўлатдан ясалган болғачалар осилиб туради. Ротор болғачалар билан оғир (массивный) корпус ичида айланади. Корпуснинг ички девори зихрли (бронли) пўлат билан қопланган бўлади. Майдаланадиган модда бўлакчалари болғачалар зарбидан корпуснинг деворига бориб урилади, бунда бўлакчалар бир-бири билан хам катта тезликда урилиб майдаланади. Бунда заррачалар маълум ўлчовгача майдалангандан сўнг корпуснинг пастки қисмидаги элақ-панжара (решетка) орқали ўтади. Ротор минутига 500-1500 марта айланади. Юмшоқ ва қайишқоқ материалларни майдалаш учун болғачалари дискларга қўзғалмас қилиб бириктирилган тегирмонлар ишалатилади. Бундай тегирмонлар крестлиёки крестсимон дейилади.

Тез оқимда ишлайдиган (струйные) майдалагичлар. Бу майдалагич камерасидан, иккита бир-бирига қарама-қарши жойлашган 2 найчалардан иборат. Уларнинг учида трубка, сопло, воронкаси ва чиқариб берувчи штуцерлар жойлаштирилган бўлади. Майдаланадиган материал воронка орқали инжекторни қабул қилиш идишига тушади, у ерда соплодан чиқадиган 6-7 атм. Босимли хаво оқимида тезликни оширувчи трубкага юборилади, натижада заррачалар керакли тезликни олади. Бунда заррачалар тезликни оширувчи трубкадан 800 м/сек тезликда отилиб чиқиб қарама-қарши трубкадан шу тезликда келаётган заррачалар билан урилади. Заррачалар бир-бирига катта тезликда урилганда (хаво тезлиги 1 секундда 800 м, 6-7 атм. босимда) майдаланади ва штуцер орқали ажратгичга юборилади. Тез оқимда ишлайдиган тегирмонлар хом ашёни диаметри 100 мм дан 50-80 мкм гача майдалайди. Бу майдалик даражаси биофармация нуқтаи назаридан катта ахамиятга эгадир.

Уриб (зарб) - ишқалаб майдалайдиган майдалагичлар. Бу принципда зўлдирли ва вибро тегирмонлар ишлайдилар. Зўлдирли тегирмонлар асосан барабан ва зўлдирлардан ташкил топган. Ишқаланиш натижасида ва марказдан қочиш кучлар хисобига материал ва зўлдирлар маълум баландликка кўтарилади, кейин у ердан пастга тушади, натижада зўлдирлар уриши ва уларни орасидаги ишқаланиш хисобига материал

майдаланади. Бунда зўлдирли тегирмонлар факат маълум тезликдагина унумли ишлайди.

Соланадиган зўлдирлар миқдорини барабанини 40-50% хажмини ташкил қилиши лозим. Одатда диаметри $D=50-150$ мм бўлган зўлдирлар ишлатилади. Зўлдирли тегирмонни ишлаб чиқариш унумдорлиги барабанини диаметри катталашиш билан ошиб боради. Одатда уларни диаметри 800-2900 мм, тезлиги 20-40 об/мин. бўлади. Барабанини никелланган темирдан, чиннидан ёки бошқа материаллардан тайёрланади. Зўлдирли тегирмонларда юқори майдалик даражасига эга бўлган толқонларни олиш мумкин. Майда ва ўта майда толқонлар олишда ишлатилади. Майдаланадиган моддани заррачалари диаметри 1-2 мм бўлса, 1-5 мкмгача майдаликдаги заррачаларни олиш мумкин.

Вибротегирмонлар инерцион ва гирацион (эксцентрикли). ларга бўлинади. Ишлаб чиқаришда дебаланс вали инерцион майдалагичлар кенг тарқалган (расм). Дебалансли вал айланганда тегирмонни корпуси тебранади, бу тебраниш эса барабан (корпус) ичидағи зўлдирларга берилади. Бунда майдаланиш корпус ичидағи материал зўлдирлар бирбирига урилиши ва ишқаланишидан амалга оширилади.

Коллоидли тегирмонлар. Ўта майда толқон олиш учун коллоид тегирмонлар ишлатилади. Уларни ишлаш принципи уриб-марказдан қочиш тегирмонларга ўхшашдир. Заррачалар иккита тез айланадиган конуссимон роликлар (ротор) орасидаги диаметри 0,05 мм бўлган туйник орқали ўтиб, майдаланади. Улар юқори томонга халқасимон бўлиб кенгайиб боради. Роторни тезлиги 125 м/С ва нам холда майдалашда ишлатилади.

Элаклаш. Майдаланганди хом ашё элаклардан ўтказилиб, таснифланади. XI Давлат фармакопеясида келтирилган жадвалдан шу мақсадда фойдаланилади (1-жадвал).

Корхона шароитида ишлатиладиган элаклар механик равишда ишлайдиган бўлиб, тебранма (сониясига 200 марта) ва гирацион харакатли бўлиши мумкин.

Элайдиган механизмлар. Фармацевтика корхоналарида асосан икки хил элайдиган механизмлар ишлатилади.

1. Текис (ясси) элакли машиналар.
2. Дўмбира (барабан) элакли машиналар.

Ясси элакли машиналарга тебранма (грохота, трясунки) ва зирилловчи элаклар киради.

Тебранма элакли машиналар. Бунда ғилдиракчалар (ролик) га 2-4 50 қияликда жойлаштирилган элак тирсакли ўқ ёрдамида икки йўналтиргич орасида илгарилама тескари харакат қиласи (расм-). Уни тебраниш сони 50 дан 200 марта гача бўлиб, амплитудаси 200 мм гача бўлади. Анча мукаммалаштирилган машинада элак қутиси (коробка) билан ошиқ-мошиқли (шарнир) илмоқ (подвес) қа ёки қийшиқ шотили тиргович (опора) га ўрнатилган бўлиб, илгариланма-тескари харакат қиласи (расм-). 2-3 элак устма-уст жойлаштирилган тебратмалар анча қулай хисобланади. Масалан, майдаланганди хом ашёни настойка ёки экстракт

тайёрлашдан олдин иккита кетма-кет жойлашган элақдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Хом ашё хампадан тешиги кичик бўлган элакка тушиб эланади, бунда диаметри 0,5 мм дан кичик бўлган заррачалар ўтади. Чанг ва майда заррачалардан тозаланган хом ашё иккинчи элақда эланганда 3 мм дан кичик бўлган хамма заррачалар ўтади, элақда қолганлари эса қайтадан майдалашга юборилади.

Зирилловчи элақлар. Зирилловчи (вибрацион) элақлар электро магнитли, грицион (ўқи марказ четида бўлган) ва инерцион элақларга бўлинади. Зирилловчи элақларни майда толқонларни элашда ишлатиш мақсадга мувофиқдир, чунки зирилловчи харакат элақ тешикларига толқон тиқилиб қолишини олдини олади. Электромагнитли зирилловчи элақда илгариланма тескари қайтариладиган харакат элақка махкамланиб қўйилган якорни навбатма-навбат магнитланиши ва магнитсизланниши хисобига амалга ошади (расм). Асбоб электр тармоғига уланганда электромагнит якорни ва унга махкамлаб қўйилган элақни тортади, бу вактда ўнг томондаги улагич узилади ва якор магнитсизланади, элақни орқага харакати кучли пурижиналар ёрдамида амалга оширилади. Бу жараён сониясига 200 марта, 3 мм амплитуда билан узлуксиз давом этаверади.

Гирацион элақлар. Хар хил ўлчовдаги битта, иккита ва учта элақдан ташкил топган бўлади. Улар элақли қутидан, пружинали тиргович ва таянч рамадан ташкил топган. Харакатлантирувчи механизм харакатни тасмадан оладиган эксцентрикли ўқдан ташкил топган. X ўқ иккита мувозанатни ушлаб турадиган тошла-ри бўлган маховикка мустахкамланган бўлади. Эксцентрикли ўқ айланганда эланадиган толқон қарама-қарши оқимда айланма харакатга келиб, уни яхши сараланишига олиб келади.

Дўмбириали элайдиган дастгохларлар юзаси элақли айланадиган дўмбирадан ташкил топган бўлиб, 3-8⁰ қияликда жойлаштирилгандир. Эланадиган материал дўмбира ичига солинади ва айланганда элақ тешикларидан ўтади, катта бўлаклар ва ташландиқ моддалар дўмбирани охирига йигилади ва чиқариб ташланади. Одатда дўмбира гилофли бўлади. Дўмбирани битта ёки 2-3 элақли юзаси бўлиши мумкин. Дўмбира тишли ёки фракцион узатгичлар ёрдамида харакатга келтирилади. Агар фрикцион узатгич бўлса дўмбира айланадиган фидиракча (ролик) ларга ўрнатилган бўлади. Дўмбириали элайдиган дастгохлар дақиқасига 10 дан 25 мартағача айланади.

Элашдаги турбоэлектрик ходисалар. Турбоэлектрик ходиса деб, ишқаланиш натижасида электр зарядлари хосил бўлишига айтилади. Бундай ходисалар баъзан дори моддаларни элашда хам юз бериб, бунда хосил бўлган заряд қарама-қарши қутбли бўлиши мумкин. Масалан, олтингугурт ва қўрғошин оксидини алоҳида-алоҳида заррачалар ишқаланиш хисобига манфий, биргаликда эса хар хил (олтингугурт манфий, қўрғошин оксиди мусбат) зарядлар хосил бўлади. Баъзи электр фаол моддалар заряди йўқолгандан ёки чиқиб кетгандан (утечка) сўнг қаттиқ (прочный) бўлаклар хосил қиласи.

оксиди, буғдой крахмали, қанд ва бошқалар киради. Трибоэлектрик ходисалар элаш жараёнини қийинлаштиргани учун уни хосил бўлишини олдини олиш керак. Буни энг қулай усули элак материалини ўзгартириш ёки толқонларни хар хил усулларда элашdir.

Толқонларни майдалигини аниқлаш.

Толқонларни майдалиги элак тешигини ўлчови билан белгиланиб, майдаланган толқон ундан тўла ўтиши керак. Майдалигига қараб толқонлар:

- йирик:
- ўртача йирик:
- ўртача майда:
- майда:
- жуда майда:
- ўта майдаларга бўлинади.


Агар толқоннинг майдалик даражаси кўрсатилмаган бўлса, заррачаларни ўлчови 0,150 мм дан катта бўлмаслиги керак. XI ДФ 2-жузини Йаждвалига 23 элак киритилган бўлиб, 7 хил майдалик даражасига тўғри келади. Бу жадвалда элакларни тешигини шакли, тешигини белгиланган (номинальный) ўлчов (мм), элак материали ва НТХ бўйича рақами, элак тайёрланган материални рақами, толқонни катталик даражаси кўрсатилган бўлади.(жадвал 1). Элаклар тўқилган, тешилган ва панжарасимон бўладилар.

Тўқилган элаклар. Ипак, капрон ипларидан, пўлат, латун ва мис симларидан тўқилади. Ипак ва капрондан тўқилган элаклар хама хилдаги майда ва ўртача йирик толқонларни элашда ишлатилади. Улар мустахкам бўлиб, эланган материални бир хиллигини таъминлайди. Симдан тўқилган элаклар хамма категориялардаги йирик толқонларда ишлатилади.

Тешиб тайёрланган элаклар рухланган темир бўлакларига думалоқ ёки тўртбурчак қилибтешиб тайёрланади. Йирик майдаланган материалларни элашда ишлатилади. Бу элаклар мустахкам, хар хил механик тасъирларга чидамли бўлади.

Панжарасимон элаклар - параллел жойлашган металл толалари мажмуасидан иборат бўлади. Улар ўта мустахкам бўлиб зарб билан ишлайдиган болғачали тегирмонларга ўрнатилади. Элаш ёки элаклаб таснифлаш деб, хар хил ўлчовдаги заррачаларни элаклар ёрдамида икки ва ундан кўп қисмларга ажратишга айтилади. Одатда майдаланган хом ашё 1-жадвалдаги элаклардан ўтказилиб таснифланади. Таснифланадиган толқонлар йирик, ўртача йирик ва ўртача майда бўлса 25-100 г олиб яхши бекиладиган қопқоқли ва туби тешикли элакка солиб қўлда ёки механик усулда 10 дақиқа эланади.

Агар толқон майда ёки ўта майда бўлса 25 г олиб 20 дақиқа эланади. Агар элаш жараённида толқонлар элакни тешигига тақалиб қолса, пастки томондан тозалашга рухсат этилади.



автоматизацияциялаштирилган бўлади. Ҳар бир босқични назорат бўлими текшириб борилади, махсулот тайёр бўлганидан сўнг қадоқлашдан олдин ҳар бир туркумни сифат ва миқдор кўрсаткичлари текширилади. Талаб даражасида бўлса қадоқлашга руҳсат этилади. Қадоқлаб бўлганидан сўнг ҳар бир туркумдан қадоқлашган ёрлиқланган махсулотдан олиб, аналитик лабораторияга топширилади. У ерда битта идишдаги махсулотни миқдори, ташқи кўриниши, чинлиги, тозалиги, таъсир этувчи моддани миқдори таҳлил этилади. Ҳамма кўрсаткичлар бўйича натижалар МТҲ талабига жавоб берса, назорат бўлимини хулосаси асосида махсулот корхона омборхонасига топширилади. Корхона шароитида ишлаб чиқариладиган кукунларни тайёрлаш қўйидаги технологик босқичлардан иборат: тегишли асбоб ускуналарни тайёрлаш, бошланғич махсулотларни майдалаш, элаш, аралаштириш, қадоқлаш ва ёрлиқлаш. Кукун тайёрланадиган цех хона гигиена-санитария талабига жавоб бериши керак, асбоб ускуналар ишлашдан тозалаб, дезинфекцияловчи моддалар қўшилган. Тузизлантирилган сув билан 2-3 марта ювилади, сўнгра сув буғи юбориб, қуритилади. Кукунларни тайёрлашни биринчи босқичи субстанцияларни майдалаштир. Бу мақсадда асосан тегирмонлар ишлатилди. Тегирмонни танлашда майдаланадиган моддани физик-кимёвий, морфологик, гистологик хоссаларини ҳисобга олиш керак. Субстанцияларни майдалашда улардаги қолдиқ намлик катта аҳамиятга эга. Цех шароитида кўпинча зўлдирли, дисембратор, дезинтегратор, болғачали тегирмонлар ишлатилади. Майдаланадиган модда тегишли тегирмонга солинади. Электр тармоғига уланади ва регламентда кўрсатилган вакт оралиғида майдаланилади. Майда ланган модда барабанли, вибрацион ёки цехда

мавжуд бўлган бошқа элаклар ёрдамида эланади. Эланган кукунлар аралаштиргичларга солиб яхшилаб аралаштирилади. Агар мураккаб кукун бўлса, ҳамма ингридиентлар яна эланиши керак ва қайтадан аралаштирилади. Корхона шароитида кукунлар асосан учта усулда аралаштирилади:

1. Зеттасимон икки куракчали аралаштиргичлар. Булар асосан иккита ярим цилиндрический тубдан, иккита зетта-симон аралаштиргичдан, қопқоқдан, қопқоқдаги туйикдан ташкил топган. Аралаштиргич куракчалари хар ҳил тезликда қарама-қарши томонга харакат қиласиди. Бундан мақсад кукунни ҳамма қатламлари бир ҳил аралашшишидир. Аралаштириб бўлгандан сўнг аралаштиргич автоматик усулда "ағдарилади" ва кукун идишга тушади. Корхоналарда бундай аралаштиргичлардан 40, 70, 100 литрлари кўп ишлатилади (расм).

2. Лаборатория шароитида кукунни кўпинча зўлдирли тегирмонда аралаштирадилар. Бу мақсадда барабандаги шарларни бир қисмини олиб, барабанга кукун солинади ва электр тармоғига улаб маълум вақт барабан айлантирилади. Бунда кукунлар бир текис аралашадилар. Бу усул оддий, лекин унумдорлиги юқори эмас (расм).

3. Ёлғон қайноқ юзада аралаштириш бу энг замонавий асбоб бўлиб, СГ-30 туркумидаги асбобда амалга оширилади. Бу асбоб тубида икки қаватли элаги бўлган ва 30 кг кукунга мўлжалланган идишдан, юқорисида капрондан қилинган енгдан иборат. Аралаштириш лозим бўлган модда идишга солинади, идишни гардиши (чети) капрон енг билан зич беркилади, сўнгра бошқарув пультидан идишни тубига хаво босим билан юборилади. Бунда идишдаги масса босим остида юқорига кўтарилиб, муаллак ҳолга келиб, ўзаро аралашади, майда заррачалар капрон фильтрда иғилади, аралаштириб бўлгандан сўнг, фильтр автоматик усулда тебраниб, майда кукунлар телешкага тушади. Сўнгра телешкани корпусдан чиқариб ичидаги модда бошқа сифимга сўлинади. Бу усулни камчилиги босим меъёридан юқори бўлса, капрон йиртилиб майда фракция атмосферага чиқиб кетади. Шундай қилиб, тайёр кукундан назорат бўлими намуно олиб аналитик лабораторияга текширишга юборилади. Агар натижада ижобий бўлса, қадоклашкан руҳсат этилади.

Корхона шароитида ишлаб чиқариладиган сепма кукунларини технологияси бошқа кукунлардан қўйидаги томонлари билан фарқ қиласиди:

1. Сепма таркиби кирадиган ингридиентлар ўта қуруқ бўлиши керак.

2. Сепма таркибидаги моддалар алоҳида-алоҳида майда кукун ҳолигача майдаланиб, тешигини диаметри 100мк дан катта бўлмаган элаклар орқали эланган бўлиши керак, чунки заррача диаметри қанчалик киччик бўлса, уни биосамарадорлиги шунчалик юқори бўлади, терига яхши ёпишиди.

Сепма дорилар қуруқ жоида сақланиши лозим, ақс ҳолда намни тортиб олиб, қаттиқ бўлакчалар ҳосил қиласиди, улар эса терини қитиқлайди.

Цех шароитида сепма дориларни ишлаб чиқаришда буларни хисобга олиш керак.

3.2.Гранулаларни яратиш цикли

Гранула - лотинча "granum" деган донача, буғдойчани англатади. Гранулалар тиббиётда икки мақсадда қўлланилади:

1. Сифатли таблетка олиш учун оралиқ маҳсулот сифатида.
2. Тайёр дори воситаси сифатида.

Гранулалар XI ДФ талабига мувофиқ стандартизация қилинади.

Гранулалар ташқи кўриниши, ўлчамлари, парчаланиши таъсир этувчи моддаси орасидаги фарқ билан баҳоланади. Гранулаларнинг ташқи кўриниши бир хил рангли бўлиб, ўлчами 3-0,2 мм оралиғида бўлиши керак. Катта ва кичик гранулалар орасидаги фарқ 5% дан ортмаслиги керак. Дори модда орасидаги фарқ $\pm 10\%$ дан ортмаслиги керак. Парчаланиши таблеткага ўхшаш аниқланади. Агар фармакопеянинг хусусий мақоласида бошқа кўрсатмалар бўлмаса гранулалар 15 дақиқа давомида эриб кетиши керак. ТДВ стифатида ишлатиладиган гранулаларнинг ранги бир хил бўлиши керак, агар хусусий мақолада бошқа кўрсатма бўлмаса.

Гранула дори турига бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда, чунки мустақил Ўзбекистон Республикасини аҳолисининг яқин 50% ни болалар ташкил этади. Болаларга тайёрланадиган дорилар ўзини ташқи кўриниш, хиди, мазаси билан катталарницидан тубдан фарқ қилиши керак. Болалар дори тури иложи борича консервантсиз, термик стерилизация қилмасдан, асраб авайлайдиган технологияни қўллаш керак. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг етакчи фирмаларида "қуруқ қиём" номи билан юритиладиган гранулаларнинг ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Булар асосан болалар амалиётига мўлжалланган бўлиб, дориларни аччиқ маззаси ва ёқимсиз ҳидини корригентлар ёрдамида яхшиланган бўлади. Уларни гранула холида ишлаб чиқаришдан кузатиладиган асосий мақсад. препаратни тургунлигини таъминлашdir. Одатда "қуруқ қиём" ишлатишдан олдин янги қайнатилган ва совутилган сувда эритилади (идишдаги белгисигача етказилади). Эритилган қиём совутгичларда 7-14 кунгача сақланиши мумкин. Кўпинча "қуруқ қиёмлар" сахароза асосида тайёрланади.

Уларга мисол қилиб: натрий этазол, амоксициллин, ампициллин, цефалексин ва бошқаларни келтириш мумкин.

Донадорлаш лотинча "granula", "донача" сўзидан олинган бўлиб, таблетка тайёрлаш жараёнида тахтакачлашни осонлаштириш учун массанинг ҳампадан бир меъёрида қолипга тушиб туришини таъминлаш ва сифатли таблетка олиш учун қўлланилади.

Донадорлаш (грануляция) қўйдаги усулларда олиб борилади:

1. Структуралаб донадорлаш
2. Фалвирдан ўтказиб донадорлаш

3. Майдалаб донадорлаш
4. Брикетлаб, сўнгра майдалаш усули
5. Суюлтириб, сўнгра донадорлаш

Структурлаб донадорлаш. 1958 йилда АҚШ да Вурстер томонидан таклиф этилган бўлиб, маҳсус асбобларда олиб борилади. Бу усул энг замонавий, истиқболли бўлиб, унда нисбатан бир хил катта-кичикликдаги усти силлик донадор масса олиш имконияти бор. Бу усулни узлуксиз ишлайдиган, механизациялашган жараёнга ўтказиш мумкин. Бу усулни тушунтириш учун 1959 йилда таклиф этилган Вурстер асбобини келтириш мумкин.

Асбоб цилиндр шаклига эга бўлиб, ишчи қисмига донадорлаш керак бўлган масса тушиб туради. Юқори қисмидан катта босим остида боғловчи модда пуркалади. Асбобнинг элаксимон тубидан маълум ҳароратгача иситилган ва фильтралган ҳаво маълум босим остида юборилади. Модда заррачалари хавода муаллақ холда сузиб юриши натижасида "сохта қайнок юза" хосил бўлади. Заррачалар боғловчи модда заррачалари билан кетмакет тўқнашиб катталаша боради. Хосил бўлган доначанинг массаси берилаётган ҳаво зичлигини енгиб ўтгач, асбоб тубига тушади. Бирикib улгурмаган майда заррачалар асбобнинг юқори қисмидаги циклонга дуч келади ва асбобнинг ишчи қисмига қайтарилади. Хозирги вақтда шу асосда узлуксиз ишлайдиган Н.И. Гельперин (1965) ва бошқалар таклиф қилган қўп танали асбоблар мавжуд.

Ғалвирдан ўтказиб донадорлаш. Бу оддий, қулай ва энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб, намлаш билан донадорлаш хам деб аталади. Бу усул икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда донадорлаш учун мўлжалланган кукун олдиндан майдалаб, элаклаб аралаштирилган таблетка таркибига кирадиган толқонлар зеттасимонаралаштиргичда боғловчи моддалар билан намланади. Намлаш учун олинган боғловчи модда миқдори аралашмага кирадиган моддаларнинг хусусиятларига боғлик бўлади: 10-30%, баъзан 40% ва ундан юқори бўлиши мумкин. Лекин намланган масса бармоқлар орасига олиб эзиб қўрилганда, ёпишиб қоладиган ва сочилувчан бўлмаслиги керак.

Бир хил ва меъёрида намланган масса гранулятор асбоби (3-5 мм ли элак) орқали донадор шаклга келтирилади ва уни қуригичларда маълум накмлик қолгунча қуритилади. Бу босқич намлаш йўли билан донадорлаш (влажная грануляция) дейилади.

Иккинчи босқич ёки қуруқ холда донадорлаш. Биринчи босқичда қуритилган масса қайта гранулятордан ўтказилади. Гранулятор тешикчаларнинг диаметри 1-3 мм ни, кўпинча 1,5-2 мм ни ташкил этади. Донадорлашни икки босқичда олиб борилишидан мақсад, донадорларган массанинг катталиги нисбатан бир хил бўлиўга эришиш, унинг тез ва бир меъёрида қуритилишини таъминлашдир. Шунинг учун қуритиш жара нидан сўнг майдалаш қийин бўлган ва бир хил қуришига халақит берадиган катта-кичик бўлаклар хосил бўлишининг олдини олиш имкониятига эга бўлган холларида биринчи босқичини тушириб қолдириш мумкин. Бу иқтисодий

жихатдан самарали бўлганлиги учун хозирги кунда саноат миқёсида асосан шу усулдан фойдаланилади.

Куруқ усулда донадорлаш учун ишлатиладиган гранулятор тешикчаларнинг диаметрини тўғри танлаб олиш технология жараёнинг кейинги босқичлари, яъни массанинг сочиувчанлиги, сочиувчан зичлиги ва таблетка машинасининг бир меъерида ишлаши учун хал қилувчи омил хисобланади.

Гранулятор донадорлаш учун ишлатиладиган асбоб бўлиб, электрюргич, деворлари маълум диаметрли тешиклардан иборат цилиндр, куруқча ва қабул идишидан иборат.

Донадорланиши лозим бўлган масса цилиндр ичига тушиб туради. Марказдан кечувчи куч таъсирида цилиндр деворига урилаётган массанинг унинг ичидаги айланиб турган куракча девор тешикчаларидан ўтишига ёрдам беради. Тешигдан ўтган донадорланган масса тўплагичга тушади. Бошқа принципда ишлайдиган гранулятор хам бўлиши мумкин. Масалан, гўшт қиймалагич асосида ишлайдиган шнекли гранулятор ва бошқалар. Нам усул билан донадорлашнинг энг асосий камчиликлардан бири қуриш муддатининг узоқ давом этиши, қуритгичлар ишлатилиши, бу жараёнida хар хил физик ва кимёвий ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигидир.

Майдалаш билан донадорлаш. Таблетка тайёрланадиган дори мод далар донадор шаклдан катта бўлган тақдирда майдалаб донадорлаш усулитдан фойдаланилади.

Брикетлаш орқали донадорлаш. Тахтакачланаладиган масса олдин катта куч билан брикет холига келтирилади. Сўнгра грануляторлар дан ўтказиб, маълум шакл ва катталикка келтирилади. Бу усулнинг афзалликлари: боғловчи моддалар талаб этилмайди, қуритиш жараёни бўлмаганлиги туфайли физик-кимёвий ўзгаришлар рўй бермайди. Бу мақсадда ишлатиладиган толқонлар аралашмасидан брикет хосил қилиш, уни майдалаш ва хосил бўлган гранулаларни катта кичикка ажратишга мўлжалланган қурилма истиқболи хисобланади. Қурилмада толқонлар аралаштиргич орқали ўтиб, жўвалар орасида тахтакачланади, сўнгра майдалагичда майдаланиб, тебранма элакда идишда йигилади. Қолган катта ва майда қисми яна тахтакачланишга узатилади.

"ХУТТ" фирмаси (Германия) бу мақсадда бошқа жараёнida ишлайдиган қурилма таклиф қилди. Бу хам узлуксиз гранула тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, иккита тишли дўмбира шаклидаги тахтакачлагичдан иборат. Толқонлар мажбурий тарзда шнек орқали дўмбира оралиғидаги тешикларида тахтакачланиб, икки томонга қаламча шаклида ўтади. Максус ўрнатиласиган пичоқ ёрдамида кқламчалар кесилади ва керакли катталикда масса хосил бўлади.

Суюлтириш усулида донадорлаш. Бу усул 1958-1964 йилларда чет элларда тавсия этилган бўлиб, 1970 йилда Санкт-Петербург кимё-фармацевтика Олий билимгохига шу усул билан анестезин, амидопирин, фенобарбитал ва бир неча мураккаб таблеткалар олиш бўйича номзодлик диссертацияси ёқланди (Эль-Банна Х.М.)

Бунинг учун уч оғизли думалоқ колбага дори модда солиб, термометр ва аралаштиригич тушириб қуилади. Колба сув ёки парафин хаммолига жойлаштирилиб, сузгунча қиздирилади. Суюлтирилган модда чинни косачаларга қуйиб совутилади. Қотишка майдаланиб, донадор шаклга келтирилади. таблетка қаттиқлигини таминлаш учун суюқликка қанд толқони қушиб, суспензия холига келтириб совутилади. Бу усул илмий ишларда қаттиқ дисперс тармоқ асосида таъсири узайтирилган таблетка тайёрлашда ишлатилмоқда.

Гранула тайёрлашда кейинги вақтларда аралаштириш ёки қуритиш жараёни биргаликда олиб бориладиган қурилмалар ишлатила бошланди. Булар жумласига: марказдан қочиш кучига асосланиб ишлайдиган аралаштиригич-гранулятор, юқори тезликда ишлайдиган аралаштиригич гранулятор киради.

Марказдан қочиш кучига асосланиб шлайдиган аралаштиригич грануляторда боғловчи модда найча орқали ротор сатхига тушиб, уни қоплади. Сочилувчан модда найча орқали марказдан қочиш кучига асосан суюқликка бориб ёпишади. Бунда аралашма маҳрутыйга урилиб тешикчалардан ўтади ва хаво оқими тўр орқали кўрилманинг маҳрутыйсимон қисмида тўпланади. Хаво эса ташқарига чиқади. Юқори тезликда ишлайдиган аралаштиригич-гранулятор (Англия ва Белгия фирмалари) остки қисми думалоқ герметик беркитилган ва ўта силлиқланган бўлиб, 2 та аралаштиргичи бор. Булардан бири массани харакатга келтирилади, иккинчиси эса нотўғри шаклдаги заррачаларнинг ишини одора қилиш имконияти бор. Бу қурилмалар иш жараёни тез кечади. Боғловчи модда аралаштиригичда қуруқ аралашма билан аралашади. Тезликни танлаш билан гранулятнинг катта-кичиклигини таъминлаш мумкин. Тайёр маҳсулот эшикча орқали тўплагич ёрдамида йиғиб олинади ва қуритишга берилади.

Гранулаларни силлиқлаш. Массанинг бир текисда ҳампадан матрицага тушиб туришини таъминлаш учун унинг сатҳи ғидир-бутир бўлмай бир текисда бўлиши керак. Бунинг учун маҳсус қурилмалардан фойдаланилади. Қурилма асоси ғидир-бутир пластинкадан иборат бўлиб, у дақиқасига 400-1600 марта айланади ва 2 дақиқа етарли бўлади. Иш унуми соатига 20 тонна.

Гранулаларни қуритиш. Фармацевтика саноатида кўпроқ жавонли қуритгичлар ҳамда аэрофонтан усулида ишлайдиган ҳар хил тузилишга эга бўлган қуритгичлар (СП, СГ) ишлатилади. Улар жавон кўринишда, икки қисмдан иборат бўлади. Остки қисми нам масса солинадиган сифим - ғилдиракли бўлиб, жавон ичига киритилади ва устки қисмига зичлаб беркитилади. Устки қисмида нейлон, капрон каби мустаҳкам матолардан тайёрланган "Филтр енг" бўлади. Бу қурилма автоматик равишда ишлайди.

Белгиланган ҳароратда кучли ҳаво оқими асбобнинг остки қисмидан маълум босим билан берилади. Асбоб остки қисмининг туби баъзан ён тарафлари тўрлардан иборат бўлиб, ҳаво улар орқали ўтади ва сифимдаги массани кўтариб, муаллақ ҳолатга келтириб ушлаб туради. Масса "сохта

қайноқ юза"да қурийди. Намланган ҳаво мато орқали ўтиб ташқарига чақарип юборилади. Майда заррачалар матода тутилиб қолади. Матодан ўтишини мўтадил таъминлаш учун вақти-вақти билан у автоматик равишда силкитилиб турилади. Белгиланган вақт ўтгач, асбоб автоматик равишда тўхтайди. Бироз тингач, очиб қуриган масса олинади.

Дори ва ёрдамчи моддалар тешигини диаметри 150 мкм ли элак орқали ўтказилиб, яхшилаб аралаштирилади ва тозаланган сув билан мўтадил нам масса ҳосил қилинади. Массани мўтадиллиги қуйидагича текширилади: Массани икки бармоқ орасига олиб сикқанда бир бутун бўлакча ҳосил бўлади, уни 10-15 см баландликдан ташлаб юборилганда уваланиб кетмаслиги керак, агар уваланиб кетса яна боғловчи модда қўшиш керак бўлади. Агар масса бармоқларга ёпишса, демак боғловчи модда меъёридан кўп қўшилган бўлади.

Сўнгра таёрга массани патнусларга 2-3 мм қалинликда ёйиб, 40-50-60 50 °C ҳароратда мўтадил қолдиқ намлик қолгунча қуритилади. Сўнгра тешигининг диаметри 3000-2000-1000 мкм ли элак орқали ўтказилади. Тайёр массани майда фракциядан тозалаш учун диаметри 200 мкм ли элак орқали эланади. Тайёр гранула тиббиётда ишлатишга рухсат этилган идишларга 40-50, 60, 70, 80, 90, 100 гр қадоқлаб оғзи зич беркилади ва тегишли этикетка ёпиштирилади. Тайёр маҳсулот аналитик лабораторияга анализ учун топширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, болаллар амалиётида ишлатиладиган дорилар мутлақо микроорганизмлар сақламаслиги ва стерилл бўлиши керак. Шунга кўра "қуруқ қиёмлар" сифат ва миқдорий тахлилдан ташқари микробиологик тозалиги ҳам текширилади. Лабораториялардан ижобий жавоб олгандан сўнг маҳсулот омборхонага жўнатилади.

3.3. Таблеткалар вауларни яратилиш цикли

Тайёр дори воситалари орасида ўзининг кенг тарқалганлиги жиҳатидан таблетка дори турлари биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Таблетка дори турлари технологияси мураккаб жараён ҳисобланади. Таблетка технологияси жараёнлари илмий жиҳатдан асослашга бағищланган назарий ишлар хозиргacha тегишли адабиётларда етарлича эмас. Бу эса кенг кўламда физик-кимёвий, механика ва фаннинг бошқа соҳаси ютуқларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Буни антифрикцион ва боғловчи моддаларни ишлатиш мисолида кўриш мумкин. Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб, бу соҳани физик-механик таълимоти билан жиддий асослаш ва бойитиш лозим бўлади.

Таблетка сўзи лотинча - "tabula" "тахта", "tabella" "тахтача" сўзидан олинган бўлиб, дорининг тахтакачланган туридир. XIX асрининг биринчи ярмидан бошлаб озиқ-овқат соноатида чойни сақлаш, ташиш ва ишлатиш қулай бўлган тахтакач шакли ишлаб чиқарила бошланди. Бу афзалликлардан дорихона шароитида катта хажмни эгаллайдиган дори

турлари учун хам фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Г.Я. Коганнинг маълумотига қараганда, дориларнинг таблетка холида ишлатилиши 1844 йилда Брокедон томонидан таклиф қилинган. Л.Ф.Ильин келтирган маълумотларга қараганда, таблетка дори турини биринчи марта Германияда 1874 йилда Розенталь таклиф қилган. Аслида Розенталь 1882 йилда эълон қилган мақоласида таблетка холида дориларни беришнинг сабаби ва ахамиятини изохлаган. Жумладан Розенталь таъбирича, доривор ўсимликларни таблетка холида чиқарилиши уларнинг хажмини камайтиради, турғунылигини оширади, ишлатилишини осонлаштиради.

Шу даврларда дорихоналарда таблеткалар хусусий рецептларга биноан энг содда тахтакачлаш асбоблари ёрдамида тайёрланар эди. Шунга қарамасдан бу янги дори турига қизиқиш ва талаб кундан кунга ошиб борди. Бу эса ўз навбатида таблетка тайёрлаш жараённинг аста-секин такомиллашувига, унинг сифатини яхшилаш учун керакли чораларни кўришига хамда дастгохларнинг механик усулда ишлашини таъминлайдиган тадбирлар қўлланишига олиб келди. Германия ва Швейцарияда XIX асрнинг охирларида келиб кўл кучисиз ишладиган дастгохлар таклиф қилинди.

Россияга биринчи марта шундай дастгох 1895 йилнинг 24 марта Швейцариядан келтирилди ва Санкт Петербург шаҳрида хозирги "Октябрь" ишлаб чиқариш бирлашмасига ўрнатилди. Бу соҳадаги бўлган хамма маълумотларни тўплаб тартибга солган биринчи рус олими Л.Ф.Ильин 1900 йилда "Тахтакачланган дорилар тўғрисида ёки таблеткалар" мавзуусида докторлик диссертациясини химоя қилди.

1910 йилда эса рус олими И.И.Будъзко "Кўзга ишлатиладиган таблеткалар" тўғрисида докторлик диссертациясини химоя қилган. Октябрь инқилобидан сўнг собиқ иттифоқда биринчи бўлиб 1962 йили С.М.Махкамов таблетка дори туридан номзодлик диссертациясини ёқлади. 1972 йилда Е.Е.Борзунов, 1980 йилда эса С.М.Махкамов "Таблетка дори турининг назарий ва амалий соҳалари бўйича" докторлик диссертацияларини химоя қилдилар. Шу кунгача бу дори турига бағишлиб 40 дан ортиқ номзодлик ва 10 га яқин докторлик диссертациялари ёқланди. Бу изланишлар натижасида таблетка ишлаб чиқариш жараённинг назарий ва амалий томонлари бойиди. ҳозир бу соҳа технологиянинг назарий томонидан энг пухта асосланган қисми бўлиб қолди.

Таблеткалар дозалаларга бўлинган дори моддалар ёки улар билан ёрдамчи моддалар аралашмасининг тахтакачланган қаттиқ дори тури бўлиб, уларни бугунги кунга келиб ичиш, суртиш, тил остига, тери остига ва инъекция учун ишлатишга мўлжалланган турлари мавжуд. Бу дори тури тайёр дори воситалари ичida бир қанча афзалликларга эга бўлганлиги туфайли уларнинг 80% дан ортиқроғини ташкил қиласи. Йилига саноатимиз ишлаб чиқараётган таблеткалар миқдори тахминан 500 номда бўлиб 5 миллиард шартли қадоқни ташкил этади.

Бу дори тури қуйидаги афзалликлари туфайли тез ривожланди:

1. Жараённинг тўлиқ механизациялашганлиги, иш унумдорлигининг юкорилиги, озодалиги.

2. Таъсир қилувчи модданинг аниқ дозаларга бўлинганлиги ва таблетка массасининг аниқлиги.

3. Муолажада, сақлаш ва ташишда қулайлиги.

4. Ноxуш маза ва хидларни бирмунча камайтириш мумкинлиги.

5. Таъсири узайтирилган ва керакли аъзога мўлжалланган холда бўлиши мумкинлиги ва х.к.

Бу афзаликлар билан бир қаторга бу дори тури қуйидаги камчиликлардан ҳам холи эмас:

1. Сақланиш натижасида эрувчанлиги ва парчаланувчанлигини камайиши.

2. Ёрдамчи моддалар ишлатилиши.

3. Хамма дори воситаларидан ҳам таблетка тайёрлаш имкониятлари етарли ишлаб чиқилмаганлиги ва х.к.

Таблеткалар икки томони ясси, қабариқ ёки хошияли, цилиндр шаклида бўлиб, диаметри 3 - 25 ммгacha бўлиши мумкин. 25 ммдан ортиқ диаметрга эга бўлганлари шартли равишда брикет деб юритилади.

Баъзан таблеткалар қобиқли холда, таркибида захарли модда бўлган таблеткалар эозин билан бўялган бўлади.

Хозирги вақтда тиббиётда турли хил таблеткалар ишлатилади, жумладан таъсири узайтирилган қайта ва қўп марта таъсир қилувчи таблеткалар - "ретард" ва "дурул"лар, қаттиқ дисперс асосли таблеткалар, сублингвал, микротаблеткалар ва х.к.лар. Таблеткаларни қабул қилиш усуулларига риоя қилинмагандан хар хил ноxушликлар келиб чиқади. Шунинг учун уларни қабул қилишни қуйидаги усууллари тавсия этилади:

1. Бутунлигича қабул қилинадиган таблеткалар. Буларга усти қобиқли таблеткалар, кичик массали, ноxуш хид ва мазали таблеткалар, оғиз бўшлиғида сўрилиб таъсир қилувчи, таъсири узайтирилган ва маълум аъзога таъсир этишга мўлжалланган хамда тери остига ишлатиладиган таблеткалар.

2. Олдиндан майдалаб ёки эритиб ичиладиган таблеткалар.

Таблетка тайёрланадиган машиналар. Таблетка тайёрланадиган машиналар ишлаш жараёни бўйича эксцентрик ёки зарб билан ишловчи ва ротацион ёки револьвер гурухларга бўлинади. Улар учта асосий қисмдан: характеристикувчи, узатувчи ва иш бажарувчи қисмлардан ташкил топган бўлади. Машинанинг бошқа қисмлари юқоридагиларнинг мақсадга мувофиқ равишда автоматик ишлашини таъминлайди.

Зарб билан ишлайдиган машиналар. Бу машиналар тузилиши содда бўлиб, иш бажарувчи қисм - қолип, остики ва устки пуансонлар ва хампадан иборат. Ҳампанинг иш жараёнига қараб, бу турдаги машиналар бошмоқли ва сирпанғичли бўлиши мумкин.

Колип маҳсус пўлатдан тайёрланган цилиндрисимон қисм бўлиб, унда бир ёки бир нечта ўта силлиқланган тешикчалар бўлади. Қолип тахтакачлаш лозим бўлган моддаларни ўлчашга ва шакл беришга

мўлжалланган. Қолип таблетка тайёрлайдиган машинанинг столига махсус бурама михлар ёрдамида маҳкамлаб қўйилади. Бунда қолип юзаси стол юзасига мос бўлиши ва хампа харакатига халақит бермаслиги керак.

Куйи пуансон бир ёки бир неча цилиндр шаклидаги ўта силлиқланган ясси ёки ботиқ юзага эга бўлиб, қолипнинг тубини ташкил этади. Иш жараёнида пастки пуансон қолипда юқорига ва пастга харакат қиласди. Қолип ичидағи тешикча хажми пуансоннинг тушиш даражасини мослаш билан белгиланади. Пуансон қолип ичидағи тешикча бўйича стол юзасигача кўтарилиб, тахтакачланган таблеткани итариб чиқаради, сўнгра бошмоқ таблеткани туртиб туширади ва қолип тешиги яна тахтакачланадиган модда билан тўлдирилади.

Юқори пунсон бир ёки бир неча цилиндр шаклидаги ўта силлиқланган ясси ёки ботиқ юзага эга бўлиб, машинанинг эксцентрик мосламасига уланган бўлади. Иш жараёнида у юқорига ва пастга харакат қиласди. Пастга харакат қилиш вақтида қолип ичига кириб, моддани тахтакачлайди. Таблетка тайёрлайдиган машиналарнинг босим кучи юқори пуансоннинг пастга (қолип ичига) қанчалик чуқур тушиш даражаси билан белгиланади. Бу эксцентрик ёрдамида амалга оширилади.

Хампа (бункер) - таблетка тайёрлаш учун мўлжалланган масса жойлаштирилган мослама. Зарб билан таблетка тайёрлайдиган машиналарда хампа машина танасига ўрнатилган бўлиб, икки қисмдан иборат: харакатсиз қисми (масса сақловчи) ва харакатли (массани қолипга узатувчи) қисми – бошмоқ. Сирпанчиқли таблетка машиналарида эса хампа стол бўйича сирпаниб олдинга ва орқага харакат қиласди.

Иш жараёнида хампа ичидағи масса қаватланиб қолмаслиги учун унинг ичига аралаштиргич жойлаштирилган бўлади. Машиналарнинг хамма қисмлари мослаштирилган ишлаш тезлигига биноан хампа қолип тешикчаси устига келиб, уни масса билан тўлдиради ва орқага қайтади. Сўнг тахтакачлаш ва тахтакачланган таблеткани итариб чиқариш жараёни рўй беради. Хампа навбати билан қолипни тўлдиришдан олдин таблеткани туртиб тўплагичга туширади. Бу жараён дақиқасига 80 мартадан ошмайди. Бу турдаги машиналар содда тузилган бўлганлиги учун оз миқдорда таблетка ишлаб чиқаришда лаборатория шароитида ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Камчилиги: ишлаб чиқариш унумдорлигининг юқори эмаслиги, шовқин билан ишлаши, босим бир томонлама зарб билан бўлганлиги туфайли таблетка сифатига путур етиши ва хавога чангнинг кўтарилиши.

Револьвер ёки ротацион таблетка машиналари мураккаб тузилишга эга бўлиб, қолиплар сони 10 дан 65 тагача бўлиши мумкин. Матрицалар столга доира бўлиб жойлаштирилади. Синхрон равишда қуйи ва юқори пуансонлар хам матрицалар билан харакатда бўлади. ҳампалар сони матрицалар миқдорига боғлиқ, улар битта, иккита ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин, лекин амалда кўпинча иккита бўлади ва улар машина танасига қимирилмайдиган қилиб, маҳкамлаб қўйилади. Ҳозирги вақтда 80 дан ортиқ хар хил тузилишга эга бўлган шу турдаги машиналар мавжуд. Улар

қаторига юкори унумдорлик билан ишловчи, электрон қурилмалари билан жихозланган, маълум дастур асосида ишлайдиган машиналар киради. Бундай қурилмалар ёрдамида машинанинг ишлаш жараёнини бошқариб туриш мумкин. Жумладан таблетканинг массаси, босим кучи ва сифати текшириб турилади.

Ишлаш жараёни: пуансонлар ғилдиракли пуансон ушлагичларга мустахкамланган бўлиб, юкори (копир) ва қуйи излари бўйлаб харакатланади.

Юқоридаги ролик босимни мослаштиришга пастки ролик матрица тешикчаси хажмини, чуқурлигини белгилашга хизмат қиласи. Пастки пуансон копирнинг энг қуйи нуқтасига юқоригиси энг баланд нуқтага келган вақтда қолип хампа остидан ўтиб, матрица тешиги масса билан тўлади. Шундан сўнг икки томонлама копир бўйича харакатланаётган пуансонлар аста секин массани тахтакачлайди. Сўнг пуансонлар секин аста кўтарила бошлайди. Шунда пастки пуансон тайёр таблеткани стол юзасига итариб чиқаради. Бу таблетка йигувчи мослама ёрдамида қабул идишига тушади. Иш жапраёнида массанинг бир меъёрида тушишини таъминлаш ва унинг қаватланиб қолмаслиги учун хампа аралаштиргичлар билан жихозланган бўлади.

Бу турдаги машинанинг афзалликлари юкори унум билан шовқинсиз ишлаши, босимнинг икки томонлама бир меъёрида берилиши, хампадан таблетка массаси тушишида қаватланиш “о” даражада бўлиши ва х.к.

Камчилиги: машинанинг мураккаблиги, уни созлаш, ишчи қисмларини алмаштириш, бир турдан бошқа турга ўтказиш учун мутахассис талаб қилиши.

Таблетка тайёрланадиган машинанинг тахтакачлаш жараёнида бевосита иштирок этадиган қисмлари олий навли пўлатдан тайёрланган бўлиши керак. Чунки бу жараён мураккаб шароитда ўтади: кучли ишқаланиш натижасида қолиплар исиб кетиб кенгайиши, емирилиши, занглаши, синиши мумкин. Керакли хусусиятга эга бўлган материал олиш учун пўлатнинг таркибига хар хил элементлар киритилади. Қайси элемент киритилганлигига қараб пўлат ёрлиқланади. У8, 9ХС, 12ХН2, ХВГ, ВК16, Х6ВФ, ТВК ва х.к. Бунда элементлар олдидағи сон углероднинг ўртача микдорини белгилайди, агар икки хонали сон бўлса углероднинг юздан бир улиши кўрсатилган бўлиб, бундай пўлат нави конструкцион пўлат деб юритилади. Бир хонали сон бўлса, углероднинг ўндан бир улишини кўрсатиб, бу нав инструментал пўлат дейилади. Элемент орқасига қўйилган сон унинг фоиз микдорини билдиради. Агар углерод микдори бир фоизгача бўлса, ёрлиқда кўрсатилмайди. Агар эмлементнинг ўзи кўрсатилиб, сон кўрсатилмаса шу элементлардан бир фоиздан сақлашини билдиради.

Мисол: 9ХС навли пўлат таркибида 0,9% углерод, 1% хром, 1% кремний бўлиб, инструментал пўлат дейилади. ХВГ - бу лигирланган пўлат бўлиб, таркибида хром, вольфрам ва марганец 1% дан бор. 12ХН2 - бу конструкцион пўлат бўлиб 0,12% углерод, 2% никель ва 1% хром сақлади.

ВК - қаттиқ қотишмали пўлат бўлиб, вольфрам ва кобальтдан 1% дан сақлайди. ТВК- қаттиқ қотишмали пўлат бўлиб, таркибида 1% титан, вольфрам ва кобальт бор.

Бир хил шароитда ХВГ навли пўлатдан тайёрланган пресс формалар ВК6 дан тайёрланганга нисбатан бир неча марта кам хизмат қиласи. X6BФ хром, вольфрам, ваннадий қотишмасидан тайёрлангани эса 10-15 баравар кўп хизмат қиласи.

Пресс формалар юзасининг ўта силлиқлиги пуансонлар ва қолип учун 12-13 синфга тўғри келиши керак.

Қаттиқлиги Роквеллер ёки Бринелл усуллари бўйича ўлчанади. Бунда металл қолип юзасига чиниктирилган маҳрутыйсимон пўлат ёки олмос билан босилади. Қаттиқлик металл юзасида қолган из чуқурлигига биноан хисоблаб чиқарилади ва НРВ индекси билан, пўлат золдир бўлса НРВ индекси билан ифодаланади. Металл қаттиқлиги пуансонлар учун НРВ - 54-58, қолип учун эса НРВ - 58 - 62 бўлиши керак.

Таблетка тайёрлайдиган машиналарнинг мақсадга мувофиқ, тўғри ва узоқ вақт ишлашини таъминлашда қолип диаметри билан пуансон диаметрлари ўртасидаги фарқ маълум даражада бўлиши керак. Smith нинг маълумоти бўйича, 8 - 12 мм диаметрли қолип тешикчалари учун пуансон диаметри ўртасидаги фарқ 0,05 мм ни ташкил қиласа мақсадга мувофиқ деб қаралади. Айрим мутахассислар эса бундай оралиқни 0,01 - 0,05 мм белгилайдилар. Демак, оралиқ фарқи катталиги дори моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятларидан ва таблетканинг катта-кичиликвидан келиб чиқиши керак. Ишлаш жараёнида вақти-вақти билан пуансон ва қолипнинг ишчи юзалари силлиқланиб турилади. Айрим холларда эса углерод, азот ва металл буғлари билан ишлов берилиб қайта тикланади.

Таблетка тайёрлаш ўртача 80-120 мПа босимда олиб борилади. Агар модда қайшқоқ бўлса камроқ, таранг бўлганда эса юқоририқ босимда олиб борилади. Бунда тахтакачланган таблеткани қолипдан итариб чиқариш кучи тахтакачлаш учун сарфланган кучнинг тахминан 10% ни ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Тахтакачлаш босимини белгилаш. Бунинг учун қуйи пуансонни қолипга асос қилган холда 0,3-0,5 г масса солинади. Кейин юқори пуансон кийгизилиб, тахтакачлаш асбобининг плунжерига жойлаштирилади. Сўнг ушлагич ёрдамида аста-секин маълум босим хосил қилинади. Масалан, натрий бромиднинг оғирлиги 0,5 г, диаметри 9 мм бўлган таблеткасини тайёрлаш учун 160 мПа ($1600 \text{ кг}/\text{см}^2$) босим етарли бўлади. У қуйидагича хисобланади:

$$P_{\text{прес.}} = \frac{P_{\text{ман.}} \cdot 26,4}{S_{\text{табл.}}}$$

бу ерда:

$P_{\text{ман.}}$ - манометр кўрсаткичи, атм.;

26,4 - гидратхтакачлаш плунжерининг юзаси, см^2 ;

$S_{\text{табл.}}$ - таблетка юзаси, см².

Тенгламага қийматларини қўйсак:

$$160 = \frac{P_{\text{ман.}} \cdot 26,4}{S_{\text{табл.}}} ;$$

$$P_{\text{ман.}} = \frac{1600 \cdot \pi r^2}{26,4} 38 \approx 40$$

Демак, оғирлиги 0,5 г, диаметри 9 мм бўлган натрий бромид таблеткасини ОСТ 64-7-170-75 талабига жавоб бериши учун 40 атмосфера босим кўрсаткичидан тахтакачлаш лозим, бу эса 160 мПа (1600 г/см² 52 0) га тўғри келади.

Колип тешикчасидаги таблеткани итариб чиқариш учун сарфланадиган кучни аниқлаш. Бу мақсадда қуйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$P = \frac{P_{\text{ман.}} \cdot 26,4}{S_{\text{ён.}}} ,$$

бу ерда:

$S_{\text{ён.}}$ - таблетканинг ён сатхи, яъни $\pi r h$;

$S_{\text{ён.}} = 2\pi r h$

r - таблетка радиуси, см;

h - таблетка баландлиги, см;

$\pi = 3,14$.

Хозирги замон талабига жавоб берадиган, юқори унум билан ишлайдиган таблетка машиналарини бир меъёрда ишлашини таъминлаш ва сифатли таблетка олишнинг асосий омилларидан бири ишлатиладиган ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини илмий жихатдан асослаб танлаш. Бунда ёрдамчи моддаларнинг фаоллиги биофаол моддаларга, фойдаланаётган асбоб ускуналарга нисбатан бефарқлигига, технологик жараёндаги майдалаш, элаш, аралаштириш, намлаш, қуритиш, донадорлаш ва хакозо каби жараёнларга боғлиқдир. Тегишли меъёрий техник хужжатлар талабига жавоб берадиган сифатли таблетка олишнинг шартларидан бири прессланадиган модданинг оғирлиги камида 0,050 г, яхши сочилувчан, таблетка машинаси имконияти даражасидаги босимда прессланадиган ва осонлик билан қолипдан чиқадиган бўлиши лозим.

Машинанинг тузилиши. Таблетка тайёрлайдиган машиналар қуйидаги асосий қисмлардан иборат:

1. Ҳаракатлантирувчи.

2. Узатувчи.

3. Иш бажарувчи.

Зарб билан ишлайдиган машинанинг иш бажарувчи созламаси қолип, остики ва устки пуансонлар ва хампадан иборат.

Қолип. У маҳсус пўлатдан тайёрланган цилиндрический шакли бўлиб, унда битта ёки бир нечта ўта силлиқланган тешикчалар бўлади. Қолип прессланиши лозим бўлган моддаларни ўлчашга ва шакл беришга мўлжалланган. Қолип таблетка тайёрлайдиган машинанинг столига маҳсус ўрама михлар ёрдамида маҳкамлаб қўйилади. Бунда қолип юзаси стол юзасига мос бўлиши ва ҳампа ҳаракатига ҳалақит бермаслиги керак.

Қуий пуансон. У бир ёки бир нечта цилиндр шаклидаги ўта силлиқланган ясси ёки ботик юзага эга бўлиб, қолипнинг тубини ташкил қиласи. Иш жараёнида пастки пуансон қолип ичида юқорига ва пастга ҳаракат қиласи. Қолип ҳажми пуансоннинг тушиш даражасини мослаш билан белгиланади. Пуансон қолип ичидаги тешикча бўйича стол юзасигача кўтарилиб, прессланган таблеткани итариб чиқаради. Сўнг бошмоқ ёки сирпангич таблеткани тутиб туширади ва қолипни пресслайдиган масса билан тўлдиради.

Юқори пуансон. У бир ёки бир нечта цилиндр шаклидаги ўта силлиқланган ясси ёки ботик юзага эга бўлиб, машинанинг эксцентрик мосламасига уланган бўлади. Юқори пуансон иш жараёнида юқорига ва пастга ҳаракат қиласи. Пастга ҳаракат қилиш вақтида қолип ичига кириб, массани пресслайди.

Таблетка тайёрлайдиган машинанинг босим кучи, юқори пуансонни пастга қанчалик чуқур тушиш даражаси билан белгиланади. Бу куч эксцентрик марказ ёрдамида амалга оширилади. Қолип ва пуансонлар ХВГ (ГОСТ 5950-73) ва X 12 М (ДСТ 5950-3) навли пўлат ва бошқа қаттиқ қотишмалардан тайёрланади. Пуансон юза қисмининг қаттиқлиги НКС 54-58, қолипники эса НРС 58-62 бўлиши керак.

Ҳампа. У таблетка тайёрлаш учун мўлжалланган масса жойлаштириладиган идиш. Машиналарда ҳампа машина танасига ўрнатилган бўлиб, у 2 қисмдан иборат бўлади: ҳаракатсиз (масса сақловчи) ва ҳаракатли (массани қолипга узатувчи) қисм.

Қолип ҳажмини белгилаш. Керакли миқдорда тортиб олинган масса қолип тешигига солинади. Бунда пуансон қолип тубини ташкил қилиб, у энг пастки нуқтада жойлашган бўлади. Сўнг масса қолипнинг юзаси билан тенг бўлгунча қуий пуансон кўтарилади ва шу нуқтада маҳкамлаб қўйилади.

Юқори пуансонни мослаштириш. Қолип ҳажмини мослаштириб бўлгач, юқори пуансон аста-секинлик билан қолип ичидағи қуий пуансон устига туширилади, натижада масса прессланади. Прессланган таблетка қуий пуансон ёрдамида итариб чиқарилади ва таблетка ташқи кўриниши, ҳамда синишга бўлган қаттиқлиги бўйича баҳоланади.

Агар таблетка тез уқаланувчан бўлиб, етарли қаттиқликка эга бўлмаса, босимни ошириш мақсадида юқори пуансон янада пастроққа туширилади. Агар таблетка қаттиқлиги ортиб кетиб, унинг сувда парчаланиши қийин бўлса, бу босим кучини ортиб кетганидан далолат беради. Бу ҳолда юқори пуансон бир оз юқорига кўтарилади. Шу тарзда олинган таблетка ДФ талабига жавоб берадиган бўлгунча юқори пуансон мосланади ва шу ҳолда маҳкамланади.

Биофаол моддалар хоссаларининг ўта хилма-хиллиги: гидрофоб, гидрофилл, гигроскопик, қайишқоқ, таранг, ҳар хил майдалик даражаси, аморф ёки ҳар хил кристалл шаклига эга эканлиги ҳар доим хам тўғридан-тўғри пресслаш билан сифатли таблетка олишга имкон бермайди. Шу сабабли биофаол моддаларга ишлов бериб керакли технологик хоссалар билан бойитиш лозим бўлади.

Таблетка ишлаб чиқариш технологиясида прессланадиган массанинг қолдиқ намлиги катта аҳамиятга эга. Агар массадаги қолдиқ намлик меъёридан кўп бўлса, прессланадиган массанинг сочиувчанлиги ёмонлашади, қолипга ёпишади ва таблетканинг сифати талаб даражасида бўлмайди. Агар қолдиқ намлик меъёридан кам бўлса, пресслаш учун юқори босим талаб этилади. Бу эса таблетка машиналарини меъёридан олдин емирилишига олиб келади, таблетканинг четлари уваланиб кетади. Ундан ташқари юқори босим остида заррачаларининг қайти тақсимланиши юз бериб, фаолликка эга бўлмаган янги полиморф модификациялар хосил бўлиши мумкин.

Ҳар бир прессланадиган масса учун мўътадил қолдиқ намлик тажриба йўли орқали топилади. Таркибида кристаллизацион сув сақлаган субстанциялар прессланадиган массаларининг қолдиқ намлиги кристаллогидратлар миқдорича бўлиши керак. Мўътадил қолдиқ намлик заррачалар орасида “кўприкча” вазифасини бажариб, заррачаларни бир-бирига мўътадил босим остида яқинлашишига ёрдам беради ва сифатли таблетка олиш имкониятини яратади. Шундай қилиб массадаги қолдиқ намлик асосий технологик кўрсаткичлардан бири бўлиб, сифатли таблетка ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Саноатда қолдиқ намлик асосан қуритгич жавонларида доимий оғирликкача қуритиш орқали аниқланиб, узоқ вақтни талаб қиласи. Шуларни инобатга олиб, кейинги йилларда қолдиқ намлик миқдорини

Германиянинг Sartorius ёки Япониянинг “Kett” фирмаси таклиф этган, намлик ўлчагич асбобида аниқланмоқда. Бу усулда бир марта тортма олиниб, унинг таркибидаги қолдиқ намлик фоиз ҳисобида топилади. Хорижий давлатларда қолдиқ намликни “Фишер” реактиви орқали аниқлаш кенг тарқалган. Ампициллин, амоксициллин ва амоксиклав гранулаларидағи қолдиқ намлик шу усулда аниқланади. Лекин “Фишер” реактиви ўта захарли бўлганлиги учун бизни мамлақатимизда амалда кам қўлланилади.

Прессланадиган массанинг фракцион таркиби XI ДФ да келтирилган усул ёрдамида аниқланади. Массадаги фракциялар ўлчами бир-бирига яқин бўлганлиги мақсадга мувофиқ. Фракциялар орасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, пресслаш жараёни бир меъёрида кечади, таблетканинг ўртача массаси талаб даражасида бўлади. Агар фракциялар орасидаги фарқ катта бўлса, таблетканинг ўртача массаси тез-тез ўзгариб туради. Бу эса машинани ишдан тўхтатиб, қолип ҳажмини ўзгартириб туришга тўғри келади ва олинган таблеткалар ташқи кўриниши бўйича талабга жавоб бермайди .

Фракцион таркиб рангли моддалардан таблетка олишда янада кўзга ташланади.

Прессланадиган массанинг технологик хоссалари кўп жиҳатдан субстанция заррачаларининг шакли ва ўлчамларига боғлиқ бўлиб, таблеткага қўшиладиган ёрдамчи модда тури, миқдори ва технологиясини белгилайди. Таблеткаларни пресслаш мураккаб жараён бўлиб, унда субстанциянинг кристаллик тузилиши катта аҳамиятга эга. Кристаллик тузилишига қараб моддалар учун технологик жараён танланади. Бу жиҳатдан прессланадиган моддалар 3 гурӯхга бўлинади: 1. Анизодиаметрик – бу гурӯхдаги заррачалар игнасимон, таёқчасимон, призма кристаллик шаклга эга бўлиб, уларнинг узунлиги баландлигидан ва энидан катта бўлади. Улар майда ва ғовак бўлиб, яхши зичланиш хоссасига эга. 2. Иккинчи гурӯхга кирувчи кристалл шаклидаги моддалар пластинка, қипиқсимон, тахтача, сочиувчан, зичланиши қийин ва кам ғовакли бўлади. 3. Учинчи гурӯхга кирувчи моддалар изодиаметрик. Бу гурӯх заррачалари думалоқ ёки кўп қиррали куб шаклида бўлиб, йириқ, зичланиши ва ғоваклиги кам бўлади. Моддаларнинг кристаллик шакли қанча мураккаб бўлса, уларнинг бир-бири билан ёпишиши шунча осон бўлади.

Умуман олганда моддаларни технологик хоссалари кўп жиҳатдан заррачаларини тузилишига боғлиқ бўлади. Е.Е.Борзуновни таснифи бўйича ҳамма моддалар заррачаларини шаклига қараб анизордиаметрик ва изодиаметрикларга бўлинади.

Анизодиаметрик гурухга мансуб бўлган моддаларни баландлиги энидан бирнеча марта катта, зичланиши кийин кечади. Заррача шакли таёқчасимон, ромбик, ғўла, пластинкасимон бўлиб, бу гурухдаги препаратларни тўғридан тўғри преслаш имконияти кам бўлади. Масалан: Анальгин, рутин, димедрол, фитин, эфедрин г/х ва х.з.о лар.

Изодиаметрик гурухига эса шарсимон, кубсимон шакдаги заррачалар кириб, одатта ижобий сочиувчанлик ва сочиувчан зичликни намоён этади. Ундаи препаратларга ёрдамчи моддалар қўшмасдан преслаш мумкин бўлади. Уларга юқорида номлари зикр этилган дори препаратлари киради. Кейинги йиллар бизни олиб борган тадқиқотларимиз анизодиаметрик гурухга мансуб бўлган препаратларга ёрдамчи моддалар қўшиб, намлик миқдорини меёрига келтириб тўғридан тўғри сифатли таблетка олиш мумкинлигини кўрсатди. Буларга ферамид, пахикарпин г/й, кофеин билан, гексаметилентетрамин, анестезин ва х.к.о мисол бўлади. Хозирги вақтда тўғридан тўғри преслашни 3 хил усули бор. Пресланадиган моддани сочиувчанлигини яхшиловчи ёрдамчи моддалар қўшиш, моддани қолипга мажбуран узатиш ва мақсадга мувофиқ заррачани синтез қилиш. Тўғридан-тўғри пресслаб таблетка олишда моддани заррачаларининг катталиги, сочиувчанлиги, қолдиқ намлик ва бошқа хоссалари катта ахамиятга эгадир.

Пресланадиган массанинг технологик хоссаларига фракцион таркиб, сочиувчанлик, сочиувчан зичлик, пресланувчанлик, зичланиш коэффициенти, қолдиқ намлик киради. Пресланадиган масса заррачаларининг катта-кичиклиги ҳар-хил бўлиб, улар таблетканинг доимий оғирлигига, айниқса кичик массали таблеткалар оғирлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек таблетканинг ташки кўринишига, парчаланишига, эришига, синишига таъсир қиласди.

Пресланадиган массанинг фракцион таркиби XI ДФ си бўйича аниқланади. Пресланадиган массадаги фракцияларнинг катта-кичиклиги бир хил ёки бир-бирига яқин бўлиши керак, шундагина масса қолипга бир меъёрда тушади ва таблетканинг ташки кўриниши бир хилда қониқарли бўлади. Агар фракциялар орасидаги фарқ катта бўлса, масса бир текисда тақсимланмайди, таблетканинг ташки кўриниши ҳолдор бўлиб қолади ва ўртача оғирлик ўзгариб туради.

Сочиувчанлик. Сочиувчанлик вақт бирлигига хампадан кукунларнинг оқиб тушиш тезлигидир. Кукунларнинг сочиувчанлик хусусияти қолипни тўлдиришни асосий омили бўлиб, бу таблетканинг доимий оғирлигини белгилайди. Кукунларнинг сочиувчанлиги бир қатор омилларга боғлиқ: гранулаларнинг катта-кичиклиги ва тузилишига, заррачаларнинг шаклига, зичланиш коэффициентига, қолдиқ намлика ва ҳоказо. Кукун заррачаларининг усти текис, бир ҳил катталикда, қолдиқ

намлик меъёрида бўлса, уларнинг сочилувчанлиги ижобий бўлади. Бу эса сифатли таблетка олишнинг гаровидир. Агарда қолдиқ намлик меъёридан кўп ва фракциялар орасидаги фарқ катта бўлса, бундай кукунларга ёрдамчи моддалар, шунингдек антифрикцион моддалар қўшиб, уларнинг сочилувчанлигини ижобий томонга ўзгариши керак.

Прессланувчанлик. Прессланувчанлик модда заррачаларининг ташки куч таъсирида бир-бирига бирикиб, керакли шаклга эга бўлишидир. Ҳар бир модда, ўзининг технологик хоссаларига кўра ҳар хил прессланувчанликка эга. Модда заррачаларининг шакли мураккаб, қолдиқ намлик меъёрида бўлса, ва молекулаларо куч таъсирида катта босим талаб этилмайди. Босим ортиши билан таблетканинг қаттиқлиги ортиб боради, бу эса таблетканинг парчаланиши ва синишига салбий таъсир кўрсатади.

Қолдиқ намлик. Прессланадиган массадаги қолдиқ намлик таблетка ишлаб чиқариш технологиясида катта аҳамиятга эга. Қолдиқ намлик меъёридан кўп бўлса, масса пуансон ва қолипларга ёпишади, қолипни бир текис тўлдирмайди ва кўп миқдорда сирпантирувчи модда қўшишни тақозо этади. Бу эса таблеткаларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бундай таблеткаларнинг ташки кўриниши қониқарсиз бўлиб, парчаланиши қийинлашади, қолидан итариб чиқаришга кўп куч сарфланади. Қолдиқ намлиги меъёридан кам бўлса, масса қийин прессланади, прессалаш учун катта босим талаб қиласи, бу эса таблетка машиналарини муддатидан олдин емирилишига олиб келади. Шунингдек таблеткаларнинг синишига ва ишқаланишига бўлган қаттиқлиги камайиб, четлари уваланиб кетади. Шунинг учун прессланадиган массани меъёригача қуритиш ва мўътадил қолдиқ намлики танлаб олиш керак бўлади. Ҳар хил моддалар учун қолдиқ намлик ҳар хил кўрсатгичга эга бўлиб, у модданинг табиатига боғлиқ бўлади. Ҳар хил прессланадиган масса учун мўътадил қолдиқ намлик тажриба орқали топилади.

Маълумки таблетка дори турлари таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш фаол моддаларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларига асосланади. Биз томонимиздан тадқиқотлар учун олинган фаол моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ушбу субстанцияларнинг сифатини белгиловчи меъёрий техник хужжатлардан олинган бўлиб, бу кўрсаткичлар умумий фармакопея мақолаларида келтирилган усуулар ёрдамида аниқлангандир. Таблетка дори турлари технологиясини яратишда нафақат унинг физик-кимёвий хусусиятлари, балки фаол моддаларнинг технологик хоссаларини ўрганиш хам муҳим аҳамият касб этади.

Прессланадиган массанинг технологик хоссаларини ўрганиш, ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини илмий асосда танлаш, пресслаш

жараёнини белгилашда мухим ахамиятга эга. Таблеткаларнинг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш учун дори модда заррачаларининг шакли ва ўлчами, зичлиги, фракцион таркиби, сочилувчанлиги, сочилувчан зичлиги, қолдиқ намлиги, табиий оғиши бурчаги, прессланувчанлиги, зичланиш коэффициенти, қолдиқ намлик ва таблеткани қолипдан итариб чиқариш кучи каби кўрсаткичлар адабиётларда келтирилган усуллар ва асбоблар ёрдамида ўрганилди.

Тадқиқотлар давомида фаол моддаларнинг технологик хусусиятлари ўрганилган бўлиб, улар қуида келтирилган усуллар ёрдамида амалга оширилди.

3.4. Капсуалар ва уларнинг яратилиши цикли

Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган юқори биосамарадор, турғун ва сифатли дори воситаларини уларнинг сифатига таъсир этмаган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқариш амалиётига мослаштириш ва шу йўл билан Ўзбекистон Республикаси ички бозорини сифатли, арzon ва керакли дори воситалари билан қисман бўлсада таъминлаш фармацевт технологларнинг олдида турган мухим ва долзарб вазифалардан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситалари ахолини дори воситаларига бўлган эҳтиёжини 16% қондира олади холос. Бундан қўринадики, ахоли учун зарур бўлган дори воситаларининг асосий қисми хорижий давлатлардан валюта ҳисобига импорт қилинмоқда. Жумладан, биргина 2010 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикасида дори воситалари импортига сарфланган маблағ ҳажми 536,7 млн. АҚШ долларини ташкил қиласди. Бу эса дори воситаларининг таннархига салбий таъсир қўрсатибгина қолмай, улардан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари” номли асарида таъкидлаб ўтилганидек, “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг энг ишончли йўлидир”.

Бугунги кунда саноат миқиёсида ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситалар орасида капсула дори турлари етакчи ўринларда туради. Бунга асосий сабаб капсула дори турининг бир қатор афзалликлари: аниқ дозалангандиги, организмга тез таъсир қўрсатиши ва юқори биосамарадорлиги ҳамда фаол модда таъсирини узайтириш ва уни бошқариш имкониятларига эга эканлигидир.

Ўзбекистон Республикасида капсула дори турлари ишлаб чиқариш кўлами ва сифатини ошириш, бу дори турини ишлаб чиқариш учун чет эл инвестицияси ва технологиясини жалб қилиш, дори воситаларини сифатли ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) қоидалари бўйича ташкил қилиш бугунги кунда маҳаллий фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Капсулалар – қаттиқ ёки юмшоқ желатина қобиқларига бир ёки бир нечта биологик фаол моддалар ёки уларни ёрдамичи моддалар билан хосил қилган аралашмаси жойлашган, дозаланган, қаттиқ дори тури. Капсула лотинча – “capsula” сўзидан олинган бўлиб, “қобиқ”, “қути” деган маънони англатади.

Капсулалар тўғрисидаги маълумотлар эрамиздан аввалги 1500 йилларда “Эберс папирусларида” қайд этилганлиги, Георг Эберт томонидан аниқланган. 1730 йилда Венециялик фармацевт Де Паули тоза терпенни нохуш ҳиди ва таъмини қобиқлаш орқали йўқотишга эришган. 1833 йилда фармацевтик мақсадларда қўллаш учун желатина капсулаларини тайёрлашга биринчи патент Парижда, француз фармацевт талабаси François Achille Barnabé Mothes (Моте) ва доришунос Joseph Gérard Auguste Dublanc (Дюблан) томонидан олинган.

Биринчи капсулалар симоб билан тўлдирилган чарм қопчани суюқ желатина массасига ботириб олиш усулида олинган. Чарм қопчага ёпишган юпқа қатламли желатина маълум вақт қуриб қотгандан сўнг, симоб олиб ташланган, хосил бўлган капсула чарм қопчадан осон ажратиб олинган. Капсулаларга дори моддалар жойлаштирилиб (ўша даврларда фақатгина доривор суюқ мойлар ҳамда мойли эритмалар пипетка ёрдамида тўлдирилган) тиркиш суюқ желатина томизиб, беркитилган. Ўша йили Моте симоб тўлдирилган чарм қопчани зайдун меваси шаклидаги металлга алмаштириб, қўшимча патент олади. Бу усул замонавийлашган кўринишида бугунги кунга қадар лаборатория шароитида юмшоқ желатина капсулаларини тайёрлашда қўлланилиб келинмоқда.

1846 йилда француз Жюль Леуби “доривор қобиқларни тайёрлаш усули” номи билан патент олди. У биринчи бор харакатланувчи дискга маҳкамланган маталл бўлакчаларни суюқ желатинага тушириб, икки қисимли капсулаларни олишга мувоффақ бўлди. Иккиала қисим бир-бири билан бирикиб, “ипак пилласи” кўринишидаги, цилиндрик шакли қутичани хосил қиласи. Бу капсулаларга шифокор рецептига мувофиқ доришунослар қукун ёки уларнинг аралашмаларини жойлаб, ичиш учун қулай бўлган дори воситаларини олишган. Айнан шу усулни замонавийлашган кўриниши бугунги кунда саноат миқёсида қаттиқ (икки қисмли) желатина капсулаларини ишлаб чиқаришда қўлланилади.

1872 йилда француз ихтирочиси Лимузин икки қисмли капсулаларни түлдириш ва ишлаб чиқаришда қўлланадиган аппаратни ихтиро қилади.

Кейинчалик, Америкаликлар томонидан капсулаларни ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшилди.

1874 йилда Дейтройтлик фармацевт Hubel (Хьюбел) ботириб олиш усулида капслалаш аппаратни кашф қилди ва биринчи маротаба катта миқдордаги капсулаларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Шунингдек, у капсулаларни сифими бўйича фарқлаб, рақамлар билан белгилашни таклиф этди. Капсулалар аввалига дорихоналарда кейинчалик эса фармацевтик корхоналарда “Капсулаланган дори шакллари” номи билан ишлаб чиқарила бошланди.

Кейинчалик, 1888 йилда Америкалик муҳандис John Russel (Джон Рассел) саноат миқёсида икки қисмли желатина капсулаларни ишлаб чиқаришни қулай усулини патентлади. Бу усул 1895 йилда машхур Parke, Davis & Co компанияси мутахасиси Colton (Артур Колтон) томонидан такомиллаштирилди. Унинг қурулмаси соатига 6 000 дан 10 000 донагача капсула ишлаб чиқарган. “Colton” фирмаси биринчи бўлиб, икки қисмли капсулаларни тўлдириш ва ёпишни автоматлаштиришни йўлга қўйган. Фирманинг ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган, замонавилашган ҳамда автоматлашган дасгоҳлари бугунги кунда ҳам желатинали капсулаларни ишлаб чиқаришда қўлланилиб келинмоқда.

Капсулаларни сифими бўйича фарқлаб, рақамлар билан белгилашни таклиф этган Хьюбел таснифи, 1904 йилда Германияда нашр этилган “Умумий фармация энциклопедияси”да ўз аксини топади. Бунда, энг катта капсула – 00 ва энг кичик капсула – 5 деб белгиланган, ўша даврда Европада эса энг кичик капсулалар – 0, энг катта капсулалар – 5 рақамлари билан белгилан.

Американинг Parke, Davis & Co фирмаси илк бор юмшоқ капсулаларни қолиплаш усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу усул 1933 йилда Америкалик муҳандис Sherer (Роберт Шерер “R.P. Sherer” – компаниясининг асосчиси) томонидан такомиллаштирилган. У горизонтал пресслаш усулини ўзгартириб, айланма харакатланувчи икки вертикал қолипни пичноқча билан таъминлаган, капсулалар тўлгандан сўнг кесилган ва бир вақтнинг ўзида понасимон ускуна ёрдамида тешикча кавшарлаб беркитилган.

Антибиотиклар кашф этилганидан сўнг, барча мана шу амалий-илмий манбадан, капсулаланган дори шаклларини ишлаб чиқаришда, дунё бўйича кенг фойдаланилган. Ўша даврларда антибиотиклар тиббиётда кенг фойдаланилганлиги сабабли, уларнинг аччиқ таъмини капсулалаш ёрдамида

йўқотила бошланганлиги, бу дори турини оммавийлашишига туртки бўлди. Желатина капсулаларни катта миқдорда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, ушбу дори турини бошқа дори турлариdek танилишига сабаб бўлди.

Хозирги кунда капсулаланган дори препаратини катта миқдорда ишлаб чиқарувчи давлатларга “Катта еттилик” давлатлари, ҳамда Бельгия, Жанубий Корея, Швецария, Мексика киради. Ўзбекистонда эса бу дори турини ишлаб чиқариш эндинга ривожланаётган босқичда бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг муҳим муаммоси ҳисобланади.

Бу дори турини ишлаб чиқарувчилар, bemorlar ва шифокорлар орасида муҳим саналишига куйида келтирилган бир қанча ижобий томонлари ва афзалликларининг борлигидадир.

Тайёрланиш технологиясига кўра желатина капсулалари қаттиқ – икки қисимли (*capsulae dure or operculate*), ажralадиган асос ва қопқоқдан ташкил топган, ҳамда юмшоқ (*capsulae molles*) – яхлит ўзаро ажralмайдиган бўлиб, олиниш усулига кўра улар ҳам чокли (иккита бир хил бўлакни ёпиштирилишидан ҳосил бўлган бўйлама чокли) ёки чоксиз бўлади.

Желатина капсулаларини қаттиқ ва юмшоқ турларга ажратиш шартли бўлиб, қаттиқ капсула – қаттиқ, юмшоқ капсула эса юмшоқ қобиқли бўлиши керак деган фикр нотўғридир. Юмшоқ капсулаларни юмшоқ деб юритилишига сабаб шундаки, капсулалаш вақтида фармацевтик фаол модда капсулаларга юмшоқлигига солинади, шакл бериш жараёнида ва вақт ўтиши натижасида у қаттиқлашиб, ҳатто қотиб, қаттиқ ҳолатга келиб қолиши ҳам мумкин.

Капсулаларнинг афзалликлари ва камчиликлари

| Афзаликлари | Камчиликлари |
|---|---|
| Аниқ дозаланганлиги | Желатин гигроскопик модда бўлганлиги учун ишлаб чиқариш ва сақлаш жараёнида ташки муҳитдан намликни ўзига ютиши |
| Дори моддаси ёруғлик, намлик, ҳаво таъсиридан химояланганлиги, тургунлиги таъминланганлиги | Тўғридан-тўғри желатин ва глицерин билан реакцияга киришадиган моддаларни капсулага жойлаш имконияти йўқлиги |
| Дори моддасини нохуш ҳиди ва маъзаси маскировка қилинганлиги | Бехуш беморларга бериш имкониятини чегараланганлиги |
| Эстетиклиги, ташки кўриниши турлича эканлиги | Капсула ишлаб чиқаришда маҳсус автоматлашган ва механизациялашган тизимларни зарурлиги |
| Қабул қилиш осонлиги | Микроорганизмлар яшаси ва кўпайиши учун қулай муҳит яратилганлиги |
| Меъда-ичак тизимида бўкиши, эриши ва сўрилишини бошқариш мумкинлиги | |
| Ишлаб чиқариш жараёнида дори моддаси таблеткалар каби ташки физик-кимёвий таъсиirlарга учрамаслиги (намлик, харорат, босим ва б.) | |
| Антибиотиклардан тайёр дори воситалари ишлаб чиқариш қулайлиги | |
| Бўёвчи ва ҳаво ҳаракатида осон чангланадиган моддаларни ишлатиш мумкинлиги | |
| Юкори биосамарадорликка эга эканлиги | |
| Ишлаб чиқаришни тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш мумкинлиги | |
| Дори воситаси таъсирини узайтириш имконияти борлиги | |

Юмшоқ капсула қобиғи таркибидаги компонентлар миқдорига қараб, юмшоқлик даражаси уч хил бўлади. Юмшоқ желатинали капсулалар асосан суюқ ёки пастасимон дори моддалар билан тўлдирилади. Баъзан юмшоқ капсула қобиғининг таркибига таъсир этувчи моддалар ҳам киритилади.

Юмшоқ капсула қобиғи таркибидаги компонентлар миқдори

| Капсула қобиғининг компонентлари | Юмшоқ (capsulae gelatinosae molles) | Ярим юмшоқ (capsulae gelatinosae perlae) | Ярим қаттиқ (capsulae gelatinosae durae elasticae) |
|----------------------------------|-------------------------------------|--|--|
| Желатин | 41,1 | 43,5 | 47,6 |
| Глицерин | 30,1 | 24,6 | 17,5 |
| Сув | 28,8 | 31,9 | 34,9 |

Юқори самарали технологиялар имкониятларидан фойдаланиб, капсулаларни беморга бериш йўлларини кенгайтиришга эришилмоқда. Қабул қилиш усулига кўра асосан энтераль (ичиш учун мўлжанланган) капсулалардан ташқари, бугунги кунда капсулаланган дори шакллари маҳаллий қўллаш учун ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ректаль, вагиналь, сублингваль, чайнашга мўлжанланган капсулаларни ишлаб чиқиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда, шу билан бирга қулоқ ва қўз томчиларини ўзида сақлаган капсулалар ҳам мавжуд.

Булардан ташқари дори моддасини ажralадиган жойига қараб ҳам энтераль капсулаларни *ошқозонда парчаланадиган* ва *ичакда парчаланадиган* турларга ажратилади. Ичакда парчаланадиган капсулалар модификацияланган ажралиб чиқувчи воситалар қаторига кириб, улар меъда ширасига турғун, таъсири этувчи моддани ичак муҳитида тез парчалананиши – ажралишини таъминлайди. Улар қаттиқ ёки юмшоқ капсулаларни кислотали муҳитга турғун бўлган плёнкалар билан қопланган, ёки кислотали муҳитга турғун бўлган плёнкалар билан қопланган гранулалар ёки кукунлар тўлдирилган капсулалардир.

Таъсири узайтирилган капсулалар (ретард капсулалар) капсулаларнинг алоҳида гурухи бўлиб, таркибидаги дори моддасини ажралиш тезлиги ва миқдорини ҳамда ажралиб чиқиш жойини бошқариш мумкин бўлган пролонгиранган капсулалардир. Бу мақсадда маҳсус ёрдамчи моддалардан фойдаланилади, бу моддалар капсула қобиғининг таркибида ёки ичидаги дори моддаси билан бирга ёки ҳар икки ҳолатда ҳам бўлиши мумкин.

Ретард технологиясининг турли модификациялари

| № | Технология номи | Таъсири |
|---|------------------------|--|
| 1 | IR (Immediate Release) | ДВ ажралиши тезлаштирилган (Немедленное высвобождение ЛС) |

| | | |
|----|--|--|
| 2 | ER, XL (Extended Release) | ДВ ажралиши узайтирилган (Длительное высвобождение ЛС) |
| 3 | SR (Sustained Release) | ДВ доимий ажралиши (Постепенное высвобождение ЛС) |
| 4 | CR (Controlled Release) | ДВ ажралиши бошқарилган (Контролируемое высвобождение ЛС) |
| 5 | CD/ERT (Controlled Delivery/ Extended Release Tabelets) | ДВ ажралиши бошқарилган ҳамда узайтирилган (Контролируемое и длительное высвобождение ЛС) |
| 6 | CD (Controlled Delivery) | ДВ керакли миқдорини таъминловчи (Контролируемая доставка ЛС) |
| 7 | Durules (Durules) | ДВ доимий ажралиши ва қонда маълум миқдорда бўлиши (Постепенное высвобождение ЛС с равномерным поступлением в кровь) |
| 8 | GITS (Gastrointestinal Therapeutic System) | Гастроинтестинал терапевтик система (Гастроинтестинальная терапевтическая система) |
| 9 | OROS (Oral Osmotic) | Гастроинтестинал терапевтик система (Гастроинтестинальная терапевтическая система) |
| 10 | ZOK (Zero-Order-Kinetics) | Кинетикани нолдаги тартиби (Кинетика нулевого порядка) |

Спансулалар – қаттиқ капсулалар турига кириб, унинг таркибидаги дори моддаси турли хил вақтларда эришини таъминловчи мойли қобиқлар билан қопланган микрокапсулалар ёки микродражелар аралашмасидан иборат.

Медулалар – қаттиқ желатина капсулалари бўлиб, таркибида плёнка билан қопланган микрокапсулалардан иборат.

Спансула ва медулаларнинг таркибига 3, 4 ҳатто 5 турдаги, ҳар хил қобиқ билан қопланган микрокапсулаларни жойлаштириш мумкин. Бу ядрони эриш вақтини узайтириши билан дори моддасининг таъсирини узайтиради.

Микрокапсулалар – капсулаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, полимер ёки бошқа материаллардан тайёрланган юпқа қобиқдан иборат, шарсимон ёки геометрик шаклга эга бўлмаган, ўлчами 1 мкм дан 500 мкм гача бўлган фармацевтик таъсир этувчи қаттиқ, суюқ ёки газсимон моддаларнинг ёрдамчи моддалар билан ёки ёрдамчи моддаларсиз сақдайдиган капсулалар

хисобланади. Бугунги кунда микрокапсулалар спансулалар, медулалар, суспензиялар, “ретард” типидаги таблеткалар, терапевтик системалар, брикетлар ҳамда ректал типидаги капсула дори турлари күринишида қабул қилинади.

Пеллетлар – бир ёки бир нечта фармацевтик фаол моддаларнинг ёрдамчи моддалар билан ёки ёрдамчи моддаларсиз сақлаган, қобиқ билан қопланган, ўлчами 2000 мкм дан 5000 мкм гача бўлган, шарсимон шаклдаги қаттиқ заррачалардир.

Бугунги кунда фармацевтик ишлаб чиқаришда нанотехнология асосида дори моддасини янги *нанокапсулалар* шаклида ишлаб чиқариш амалга оширилмоқда. Нанокапсулалар – сунъий яратилган “дори моддаси учун контейнерлардир”. Улар 100-600 нанометр ўлчамларда бўлади.

Дунё бўйича қаттиқ желатина капсулалар (Standart, Snap-Fit, Coni-Snap) 8 ўлчамда ишлаб чиқарилади. №5 (энг кичик) дан №000 (энг катта) гача. Чет элда айрим ишлаб чиқаручи фирмалар томонидан қўшимча тўққизинчи №0el ўлчамдаги капсулаларни (0 elongated, яъни №0 ўлчамдаги капсулаларнинг узун шаклдагиси) ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилган. Булардан ташқари беш хил стандартда Supro туридаги А дан Е гача белгиланган капсулалар кўп ишлатилади. Юқоридаги икки турдаги капсулаларнинг ўртacha сифими қўйида келтирилган.


A) STANDART, SNAP-FITTM, CONI-SNAPTM

қаттиқ желатина капсулалари ва уларнинг баъзи кўрсаткичлари

| капсула ўлчамлари: | | узунлиги, Мм | ташки диаметри, мм | тўлик ёпилган холатдаги капсулаларнинг узунлиги, мм | капсулаларнинг ўртacha сифими, мг кукун зичлиги: | | | | капсула- нинг ўртacha оғирлиги, мг | тўлик ёпилган холатдаги капсулалар- нинг 14,79 см ³ ҳажмдаги сони, капс. | блистерла- ниш кўрсаткичи* | | |
|--------------------|----------|-----------------|--------------------------|--|--|-------------|-------------|-------------|--|--|----------------------------------|----------|-----------|
| код | название | | | | 0,6 г/мл | 0,8 г/мл | 1,0 г/мл | 1,2 г/мл | | | h, мм | L/ мм | d', мм |
| 5 | қопқоғи | 6,20±0,46 | 4,91±0,06 | 11,1±0,4 | 78 | 104 | 130 | 156 | 28±2 | 90 | 5,4 | 12,4 | 6,1 |
| | асоси | 9,30±0,46 | 4,68±0,06 | | | | | | | | | | |
| 4 | қопқоғи | 7,21±0,46 | 5,32±0,06 | 14,3±0,3 | 126 | 168 | 210 | 252 | 38±3 | 74 | 5,8 | 15,3 | 6,5 |
| | асоси | 12,19±0,46 | 5,05±0,06 | | | | | | | | | | |
| 3 | қопқоғи | 8,08±0,46 | 5,82±0,06 | 15,9±0,3 | 180 | 240 | 300 | 360 | 48±3 | 55 | 6,3 | 16,9 | 7,0 |
| | асоси | 13,59±0,46 | 5,57±0,06 | | | | | | | | | | |
| 2 | қопқоғи | 8,94±0,46 | 6,35±0,06 | 18,0±0,3 | 222 | 296 | 370 | 444 | 61±4 | 40 | 6,9 | 18,9 | 7,6 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|-----|---------|------------|-----------|----------|-----|------|------|------|--------|----|------|------|------|
| | асоси | 15,27±0,46 | 6,07±0,06 | | | | | | | | | | |
| 1 | қопқоғи | 9,78±0,46 | 6,91±0,06 | 19,4±0,3 | 300 | 400 | 500 | 600 | 76±5 | 31 | 7,4 | 20,4 | 8,1 |
| | асоси | 16,61±0,46 | 6,63±0,06 | | | | | | | | | | |
| 0 | қопқоғи | 10,72±0,46 | 7,64±0,06 | 21,7±0,3 | 408 | 544 | 680 | 816 | 96±6 | 22 | 8,1 | 22,6 | 8,8 |
| | асоси | 18,44±0,46 | 7,34±0,06 | | | | | | | | | | |
| 0el | қопқоғи | 11,68±0,46 | 7,65±0,06 | 23,1±0,3 | 468 | 624 | 780 | 936 | 107±7 | 19 | 8,2 | 25,3 | 8,9 |
| | асоси | 20,19±0,46 | 7,34±0,06 | | | | | | | | | | |
| 00 | қопқоғи | 11,74±0,46 | 8,53±0,06 | 23,3±0,3 | 570 | 760 | 950 | 1140 | 118±7 | 16 | 9,1 | 24,8 | 9,8 |
| | асоси | 20,22±0,46 | 8,18±0,06 | | | | | | | | | | |
| 000 | қопқоғи | 12,95±0,46 | 9,91±0,06 | 26,1±0,3 | 822 | 1096 | 1370 | 1644 | 163±10 | 11 | 10,4 | 27,2 | 11,1 |
| | асоси | 22,20±0,46 | 9,55±0,06 | | | | | | | | | | |

*Капсулаларни блистерлашда блистер чукурчасининг минимум ўлчамлари (Minimum die-roll cavity dimensions for blister packaging)



h - чукурлиги (depth of cavity of blister die-roll);

L'- узунлиги (length of cavity of blister die-roll measured at h/2 and along the axis to the capsule);

d'- көнглиги (width of cavity of blister die-roll measured at h/2 and along the perpendicular axis of the capsule)


Б) CONI-SNAP SUPRO™ капсуласининг ўртача сиғими

| Ўлчам тури: | A | B | C | D | E |
|------------------|------|------|------|------|------|
| Ўртача ҳажми, мл | 0,68 | 0,50 | 0,37 | 0,30 | 0,21 |

Қаттиқ желатина капсулалари иккита цилиндрик қисмдан ташкил топган: туби яримшарсимон бўлган асосий қобиқ – асос ва худди шундай шаклдаги, лекин узунлиги бўйича калтароқ қопқоқдан иборат. Қопқоқнинг ички диаметри асоснинг ташки диаметрига teng бўлиб, уларнинг ўзаро ичига киришидан стандарт ўлчамли контейнер ҳосил бўлади.

Асос ва қопқоқни мустаҳкам ҳамда ишончли ёпилишини таъминлаш мақсадида 60-йилларда етакчи ишлаб чиқарувчилар томонидан Snap-Fit капсуласини ишлаб чиқариш йўлга қўйиди. Бу капсулалар стандарт ўлчамларда (5 дан 00 гача) бўлиб, асосий қобиқ учиди ва қопқоқнинг тубига яқин қисмида махсус бирикадиган ботик ҳамда қавариқ ҳалқали бўртмалар билан таъминланган. Улар ёрдамида капсула қисмлари “кулфланган”, бу эса кейинги босқичларда қадоқлаш ҳамда ташишда капсулаларни очилиб кетишини олдини олган.

Coni-Snap™ қаттиқ желатинали капсула қобиғининг тузилиши




камайтиради ҳамда нұқсонсиз бўлишини таъминлади.

Coni-Snap капсулаларининг янги вакили “чуқурчали” Coni-Snap капсуласидир. У икки кетма-кет паралел ҳалқали бўртмалардан ташқари 4 та думалоқ ёки оваль чуқурчалар билан тамилланган. Бу янги кўриниш капсуланинг аниқ, шу билан бирга тўлиқ ёпилишини тамиллайди.

Капсулаларни тасодифий очилиб кетишидан турли ёшдаги беморларни ҳимоялаш мақсадида, такомиллаш-тирилган капсула кўриниши – Coni-Snap SUPRO ишлаб чиқилган. Бу юқорида келтирилган капсула кўринишининг ўзи бўлиб, унинг қопқоғи асосий қобиқни деярли тўлиқ ёпади (капсула шундай ёпиладики, фақат асосий қобиқни юмалоқ туби кўриниб туради). Бундай капсулаларни амалий жиҳатдан очиб бўлмайди.

Юмшоқ капсулалар ҳам сифимиға кўра фарқланади, лекин улар қаттиқ капсулалардек аниқ стандартланмаган. Чокли юмшоқ капсулаларнинг сифими 7,5 мл гача бўлади. Капсулаларни тўдирадиган ва чок ҳосил қилиб ёпиширадиган шакл берувчи қолиплар minim ўлчов бирлигига ўлчанади.

Қаттиқ желатина капсулаларининг турлари




1 – STANDART; 2 – SNAP-FIT™; 3 – CONI-SNAP™; 4 – CONI-SNAP™

(кўшимча 4 томонлама чуқурчали); 5 – CONI-SNAP SUPRO™

1 minim 0,062 мл га тенглашиб, кўпинча валлардаги шакллар сифими 2 дан 80 minim оралиғида бўлади. Катта сифимдаги (120 minim гача) капсулалар парфюмерия саноатида ишлатилади.

Шарсимон шаклдаги чоксиз капсулалардан фарқли равишда чокли капсулалар шаклига қўра турлича бўлади: шарсимон (round), узунчоқ (oblong), оваль (oval), ректаль шамча шаклида (suppositories) ва тубатиналар (tubes). Заруратга қўра чокли юмшоқ капсулаларга бошқа шаклларни ҳам бериш мумкин.

Юмшоқ желатина капсулаларининг турлари



Дурлар (*Perlae gelatinosae*) – ҳажми 0,1-0,2 мл бўлган, асосан мойли эритмалар билан тўлдирилган юмшоқ капсулалардир.

Тубатиналар (*Capsulae gelatinosae tubatinae*) – махсус болалар амалиётида қўлланиладиган, бўйни чўзинчоқ ёки бошқа турли хил кўринишлардаги юмшоқ капсулалардир.


Ректал капсулалар – тўғри ичак шиллиқ қаватида юқори сўрилиш даражасига эга бўлиб, дори моддасини бошқа таъсирларга учрамасдан

юкори биосмарадорликка эришишига олиб келади. Бу капсулалар ичак шиллиқ қаватига ҳеч қандай заарли таъсир қўрсатмайди.

Капсулаланадиган масса консистенцияга кўра ҳам капсулалар фарқланади. Улар қўйидагича бўлиши мумкин:

- қаттиқ капсулаларни тўлдиришга мўлжалланган сочилувчан қаттиқ моддалар (куқунлар ва уларнинг аралашмалари, гранулалар, пеллетлар, микрокапсулалар, таблеткалар);
- юмшоқ капсулаларни тўлдиришга мўлжалланган суюқликлар (мой ва мойли эритмалар, айрим сувсиз эритмалар ва оқувчан суспензиялар);
- замонавий дастгоҳлар ёрдамида қаттиқ ва юмшоқ капсулаларни тўлдиришга мўлжанланган пастасимон моддалар.

Замонавий автоматлашган капсула тўлдирувчи машиналар ёрдамида ўлчами катта бўлмаган таблеткаларни ёки дражеларни ҳамда уларни турли сочилувчан тўлдирувчилар билан комбинациясини қаттиқ желатина капсулаларга жойлаш – тўлдириш мумкин.



Капсулалар тайёр дори воситалари орасида алоҳида ўрин тутади. Улар фармацевтик ишлаб чиқаришда таблеткалар ва инъекцион дори воситаларидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси 2010 йил реестрида жами 5808 та номдаги тайёр дори воситалари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 500 таси (8,6%) капсула дори шаклига тўғри келади. Агар рўйхатдан ўтган капсула дори

шаклларини фармацевтик ишлаб чиқарувчилар бўйича таҳлил қилсак, 47 таси (9,4%) маҳаллий, 129 таси (25,8%) МДҲ давлатлари ва 324 таси (64,8%) ҳорижий давлатлар фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида рўйҳатдан ўтган умумий капсула дори шаклларини фармакотерапевтик гурухлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, антибиотиклар, витаминлар ва меъда-ичак ярасига қарши ишлатиладиган дори моддалардан тайёрланган капсуалар етакчи ўринларни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасида тайёр дори воситаларини ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхоналар 115 тани ташкил қилиб, улар томонидан ишлаб чиқарадиган тайёр дори воситаларининг номенклатураси 873 тага етган. Бу корхоналардан фақатгина 9 тасида, 47 номдаги капсууланган дори шаклини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Капсула қобиқларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёлар


Капсуалар ишлаб чиқариш технологиясининг бা�ъзи жиҳатлари капсула қобиқларини тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёлар ҳамда дори моддасининг компазициясига боғлиқ.

Капсула қобиғини ишлаб чиқаришда эластик плёнка (пўст) ҳосил қилувчи ЮМБ лардан фойдаланилади, уларни маълум даражада механик мустахкам бўлиши талаб этилади. Бу синф моддаларга казеин, зеин, парафин, ёғлар ва мумсимон моддалар, метилцеллюлоза, этилцеллюлоза, полиэтилен, поливинилхлорид, натрий альгинат, акрил кислотасини тузлари, айрим синтетик полимерлар: сополмер, метакрилат ва матақрил кислотаси ва б. киради. Лекин бу моддалардан бугунги кунда капсуалар ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланилмайди. Бугунги кунда саноат миқёсида дори воситаларини капсула шаклида ишлаб чиқаришда ишлатилиб келинаётган асосий хом ашё желатина (желатинали капсуулалар) ҳисобланади.

Желатина – CAS № 9000-70-8. Желатина (лотинча “*gelare*” – “қотмоқ, қотиб қолмоқ”) коллагеннинг қисман гидролизидан ҳосил бўлган маҳсулот, у оқсил табиатга эга, боғловчи тўқималарнинг асосий қисмини ташкил этади. Ҳайвонларнинг тери, пай, шох, суюк ҳамда тоуёқларида кўп миқдорда учрайди. Дунё миқёсида желатина хом ашёси асосан Ғарбий Европада ишлаб чиқарилади.

Желатинанинг асосини инсон организми учун зарур бўлган, алмаштириб бўлмайдиган, 19 та аминокислотадан ташкил топган полипептид занжир; glycine 21,5 - 30% гача, proline 12%, hydroxyproline 12%, glutam. acid 10%, alanine 9%, arginine 8%, aspartic acid 6%, lysine 4%, serine 4%, leucine 3%, valyne 2%, phenylalanine 2%, threonine 2%, isoleucine 1%, hydroxylysine 1%, methionine ва histidine <1% ҳамда tyrosine <0.5% ташкил қилади.

Дунё миқёсида желатина хом ашёсини ишлаб чиқарилиши ва фойдаланиладиган асосий хом ашёлар (а) ҳамда желатина хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар (б)



Желатина безарар, ҳаттоқи меъда-ичак трактида оғир бузилиш ҳолаларида ҳам тез ва осон ўзлаштирилувчанлик хусусиятига эга.

Суяк ва теридан кислота ва/ёки ишқор иштироки билан мацерация усулида коллаген ажратиб олинади. Кислота ва/ёки ишқор коллагенни занжир ҳосил қилмаган (шохланмаган) аминокислоталарга парчалайди. Занжирининг узунлигига қараб желатинанинг оғирлиги 40 000 дан 100 000 гача бўлади.

“Желатин. Тиббиёт саноатида ишлатиш учун хом ашё” асосий кўрсаткичлари келтирилган ДСТ 11293-89 билан тасдиқланган.

Желатина парчаланиш усулига кўра Желатин А (кислотали мухитда эрийдиган) ва Желатин В (ишқорий мухитда эрийдиган)га бўлинади. Бу икки тур бир биридан физик-кимёвий хоссалари билан фарқланади. Капсула қобиқларини ҳосил қилдиша желатинадан бошқа яна бир қанча моддалардан фойдаланилади.

Пластификаторлар – капсуланинг механик мустахкамлигини яхшилаш, талаб даражасида эластиклигини ҳамда қаттиқлигини таъминлаш,

шунингдек, мўртлигини йўқотиш мақсадида желатина массасига қўшилади. Бу мақсадда энг кенг қўлланиладиган моддалар: глицерин (CAS № 56-81-5), сорбит (ТШ 64-5-17-80), ПЭО-400, полиэтиленглюкол, полипропилен, полиэтиленсорбит (3-15%) ва оксиэтилен (4-40%) аралашмаси, гексантропол ва бошқа моддалар ёки уларнинг аралашмаларири.

Пластификаторларнинг миқдори қаттиқ желатинали капсула қобигини умумий оғирлигини 0,3 - 1,0%, юмшоқ желатинали капсула қобиклари умумий оғирлигини 20 - 45% ни ташкил қилиши мумкин.

Стабилизаторлар – желатинанинг ишлаб чиқарилган вақтидан бошлаб, маълум вақтга қадар сақланилишида унинг физик-кимёвий турғунлигини тамиnlайди. Бу мақсадда: физик-кимёвий (дисперс) системалар (МЦ ҳосиллари, ПВП, бентонитлар, твин-80 (ФМ 42-2540-88) ва б.) ҳамда кимёвий моддалар (гидролитик жараёнларни тўхтатувчи моддалар (кислоталар, ишқорлар, буфер системалар); оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини тўхтатувчи моддалар (натрий метабисульфит, тиомочевина, трилон Б ва б.)) ишлатилади.

Консервантлар – (E200 - E299). Маълумки, желатина массаси микроорганизмларнинг яшиши ва кўпайиши учун энг қўлай муҳитdir. Желатинанинг микробиологик турғунлигини таъминлаш мақсадида унга консервантлар қўшилади. Бу мақсадда асосан салицил кислотаси (0,12% гача) ва калий (натрий) метабилульфит (0,2% гача) аралашмаси, бензой кислотаси ва натрий бензоат (0,05 - 0,1%), метилпарабена (напагин, 0,1 - 0,5%, CAS № 99-76-3, E218) ва этилпарабена (напазол, CAS № 12047-8, E214) ҳамда сорбин кислотаси ишлатилиши мумкин.

Тозаланган сув – (CAS № 7732-18-5, ФМ 42Уз-0511-2002).

Ёрдамчи хом ашёлар – желатинанинг ҳосил бўлиши ёки бошқа мақсадлар учун қўшиладиган моддалар. Айрим четланишлардан ташқари деярли барча желатина капсулаларининг эстетиклигини таъминлаш мақсадида ҳамда ҳар хил номдаги дориларни ишлаб чиқаришда уларни ранги бўйича фарқлашда **ранг берувчи моддалар** (Е100-Е199) қўшилади. Ранг берувчилар капсулада 50 мкг дан ошмаслиги талаб этилади. Бўёвчи моддалар сифатида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган: эозин, эритрозин, қизил 2С кислотаси, тропеолин 00, индиготин, индиго, бўялган шакар (руберозум, flavорозум, церулезум) ва уларнинг турли нисбатдаги аралашмалари қўшилади. Асосан **табиий махсулотлар** (карбин кислотаси,



хлорофил (Е140), β-каротин (Е160а) ва бошқалар), ноорганик моддалар темир оксидлари, органик бўёвчилардан фойдаланилади.

Хирадаширувчилар – бу моддалар ношаффоф капсулалар олишда ишлатилиб, улар желатина массасида майда дисперс суспензия ҳосил қиласди. Бу мақсадда асосан титан оксиди ишлатилади, камдан-кам ҳолларда алюминий оксиди ва кальций карбонат (CAS № 471-34-1)дан фойдаланилади.

Сув ютувчи моддалар – бу моддалар карсулани гигроскопик моддалар билан тўлдирилганда капсуладаги намликини шимиб олишни олдини олади. Бу мақсадда асосан полипептиidlар, олигосахаридлар, крахмал (CAS № 9005-25-8) ва бошқа сув шимувчи моддалар ишлатилади.

Дезинтегрантлар – бу моддалар желатина капсулаларини узоқ вақт сақлагандан ҳам уларнинг парчаланишини таъминлайди (желатина коллагендан олингандан сўнг эскириш хусусиятига эга). Бундан ташқари дезинтегрантлар яна дори моддани тез ажралишини таъминлайди. Капсулаларга пресс slab солинган кукун одатдаги вақтдан икки баравар узоқ муддатда парчаланади. Дезинтегрантлар тўлдирувчи модданинг агрегат ҳолатини ўзгаришига йўл қўймайди. Бу мақсадда аминокислоталар, протеинлар, казеин, кроскармеллоза, твинлар, натрий гидрокарбонат ишлатилади.

Бундан ташқари капсула қобигини (*тез*) парчаланишини таъминлаши учун айрим газлардан фойдаланилади. Бу мақсадда кислород, азот, углерод (II) оксиди, аргон ва бошқа газлар ишлатилади. Япон олимлари томонидан таклиф қилинган желатинани янтар ангдриди билан ишлов бериш усули бу борада диққатга сазовордир.

Сирпантирувчи агентлар – капсулаларни ёпишиб қолишдан сақлайди. Буларга D-маннит, D-сорбит (ТШ 64-5-17-80), ксилит киради.

Ароматизаторлар – Капсулаларга ҳушбўй ҳид бериш мақсадида, баъзи ҳолларда желатинали асосга эфир мойлари, эссенция, этил-ванилин 0,1% каби ароматизаторлар қўшилиши мумкин. Таъмини яхшилаш мақсадида эса шакар қиёми, сахароза, глюкоза ва б. ёрдамчи моддалар ишлатилади.

Дори воситаларини капсула дори шаклида ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёрдамчи моддалар

Бир ёки бир нечта фаол фармацевтик таъсирга эга бўлган моддани тиббиётда қўллашга рухсат этилган ёрдамчи моддалар билан ёки ёрдамчи моддаларсиз кукун, гранула, пеллет, микродраже, суюқ ёки газсимон ядроли микрокапсула, паста, таблеткалар, желатин капсулалар ёки уларнинг

турли хил комбинациялари билан капсулага жойлаш учун түлдириувчининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли хил ёрдамчи моддалардан фойдаланиш мумкин. Фойдаланиладиган ёрдамчи моддаларни индифферент бўлиши мақсадга мувофиқдир. Одатда керакли оғирликга етказиш учун *тўлдириувчилар* ёки *эритувчилардан* фойдаланилади. Қаттиқ капсулалар учун бу мақсадда сут қанди, МКЦ, кальций дигидрофосфат ва бошқа моддалар ишлатилади. Булар керакли миқдорда оғирлик ҳосил бўлиши, дори модданинг бир хил сепилувчанлиги ва/ёки оқиб тушишини таъминлаб беради. МКЦ эса дори моддасининг секин сўрилиши ҳамда таъсирини узайтирилишини таъминлайди.

Юмшоқ желатина капсулаларига индифферент тўлдириувчи сифатида ўсимлик мойлари, полиэтиленоксид аралашмалари камдан-кам ҳолларда силикон мойлари ва мураккаб таркиблilарига эса юқоридагилардан ташқари глицерин, пропилэтиленгликол, твин-80 ва бошқа ёрдамчи моддалар ишлатилади.

Сирпанирувчи агентлар – массанинг сепилувчанлигини ва сирпанишини таъминлаб беради. Бу мақсадда кальций стеарат, магний стеарат, стеарин кислота, тальк ва б. фойдаланилади. Дори моддасининг таркибида уларнинг миқдори одатда 0,5-2,0% бўлади.

Дезинтегрантлар – капсулаларга пресслаб солинган кукун одатдаги вақтдан икки баравар узоқ муддатда парчаланади. Дезинтегрантлар тўлдириувчи модданинг агрегат ҳолатини ўзгаришига йўл қўймайди. Бу мақсадда асосан аэросил (кремний (IV) оксидининг коллоиди), тальк, кальций карбонатдан фойдаланилади.

Тиксотроплар – бу моддалар дори моддасининг оқувчанлигини таъминлайди: маълум ҳароратгача қиздирилганда пастасимон модданинг қовушқоқлиги камаяди (бу мақсадда этил спирти ишлатилиши мумкин). Тез оқувчи модданинг қовушқоқлигини ошириш мақсадида ПЭГ, воски (шам), сояли лецитин ва зарурият туғилганда бошқа моддалар ҳам ишлатилиши мумкин.

Дори модданинг ошқозонда эриб концентрациясининг камайиши ёки ошқозон ширасининг нейтралланишиб қолишини олдини олиш ва б. мақсадларда ичакда эрийдиган капсулалар – ретард капсулалар (пронгирланган - таъсири узайтирилган ажралиш билан) ишлаб чиқарилада.

Ичакда эрийдиган капсулаларни бир неча хил усулда олиш мумкин.

1. Капсула қобиги таркибига қотирувчи моддалар қўшиши.

Бу мақсадда альдегидлар, натрий альгинат ва бошқа кимёвий моддалардан фойдаланилади.

2. Ноананавий (кенг тарқалмаган) усул.

Капсулаларни парчаланиш даврини узайтириш ва уни ингичка ичакда секинлик билан эриб боришини таъминлаш учун дори моддси билан тўлдирилган тайёр капсулаларни қобиғига қаттиқлик бериш мақсадида маълум моддалар билан ишлов берилади. Масалан: фармальдегид. Бу усул ҳозирги вақтда ишлаб чиқарувчи ходимларга заарли таъсир қилганлиги учун камдан-кам ҳоллларда фойдаланилади.

3. Ананавий (кенг тарқалган) усул.

Капсулаларни қоплаш учун махсус таркибдаги асосан шеллак, целлюлоза ҳосилалари, оддий ва мураккаб эфирлар, полиметилакрилат, сополимерлар (стирол ва малеин кислотаси ва б.), табиий мумлар, натрий альгенат ва б. кенг миқёсида қўлланилади.

Дори моддасини ичакда эришини таминлаш учун эса ичакда эрийдиган пленка билан гранула ёки микрокапсулалар қопланади. Олдинги усулга қараганда бу усул бугунги қунда фармацевтика саноатида кенг миқёсида ишлатилиб келинмоқда.

Капсулаланган дори моддаларини таъсир доирасини кенгайтириш мақсадида махсус ингдрентлар қўшилади. Булар инсон организми учун индеферент бўлган метакрил ҳосилаларидир. Улар таъсир этувчи моддаларнинг (парчаланиши) эришини су сайтиради. Бундай моддалар қаторига асосан целлюлоза ҳосилалари (МКЦ, оксипропилметилцеллюлоза, метилцеллюлоза) ва бошқа моддалар киради.

Ҳар бир дори моддаси(субстанция)нинг ўзига хос физик-кимёвий, фармакологик ва фармакокинетик хоссаларига асосланган ҳолда унга хос дори тури танланади ва яратилади. Капсула шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқаришда юқоридаги кўрсатиб ўтилган хусусиятларни инобатга олиш лозим.

КАПСУЛА ҚОБИҒИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УНДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСБОБ УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАР

Желатина капсулалари ишлаб чиқаришнинг бир қанча усуллари мавжуд. Жумладан, чўқтириш усули (“макания”), қолиплаш усули ҳамда томчилаш усуллари асосий ҳисобланади.

1. Чўқтириш усули (“макания”) – бу махсус ушлагичлар билан жиҳозланган макал ромларда ипак пилласи кўринишидаги капсула қобиқларини ишлаб чиқаришга мослашган. Ушлагичлар желатина массасига тушурилади ва желатина массаси металга юпқа қатlam ҳосил қилиб ёпишади. Қобиқлар қолипдан ажратиб олинади ва қобиқларни

қуритишда маълум параметрларда шакиллантирилади ёки капсуланинг қаттиқ ёки юмшоқлигига қараб олдин тўлдирилади кейин шакиллантирилади.

Агар юмшоқ капсулаларни томчили кавшарлаш усулида олинадиган бўлса, жараён кўп меҳнат талаб қиласи ва ишлаб чиқариш самарадорлиги паст бўлади. Бу усулдан ҳозирги кунда факат лаборатория шароитида фойдаланилмоқда.

Қаттиқ капсулалаш усули бугунги кундаги кенг тарқалган усул бўлиб, саноат миқёсида капсулалар ишлаб чиқаришда асосан шу усулдан фойдаланилмоқда. Бугунги кунга келиб саноат миқёсида 400 дан ортиқ қаттиқ желатина капсулар тайёрловчи автоматлар тури мавжуд. Буларга: Американинг “Elanco”, “Parke-davis”, “Colton”; Канаданинг “Capsule Technology International”; Германиянинг “Hofliger und Karg”, “R.P. Scherer GmbH & Co. KG”; Беларуссиянинг “Минскинтеркапс ПРУП”; Хиндистоннинг “Associated Capsules Limited”; Хорватиянинг “Razvitak DD Ludbrek-PC Lukaps”; Италиянинг “Capsugel” ва бошқа ишлаб чиқарувчиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилигига қарамасдан уларнинг автоматлари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Металлар сони ва ушлагич шакли ҳамда ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 36 000 дан 200 000 гача капсулла.

2. Қолиплаш усули – бу усул саноат миқёсида юмшоқ капсулалар ишлаб чиқаришнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Капсулалар ишлаб чиқаришнинг бу усулда биринчи бўлиб желатина лентаси ҳосил қилинади, сўнгра, лента капсулатор ёрдамида ярим капсула қобиқ шаклига келтирилади ва дори моддаси солиниб, иккинчи томони пресслагич ёки вал билан қолипланади. Бу усулда ишлайдиган капсулаторлар юқори аниқлик даражасига (хатолик даражаси $\pm 3\%$) эга. Ишлаб чиқариш даражаси соатига 3 000 – 76 000 дона ва турли хил шаклдаги капсулалар ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Капсулаларнинг сиғими катта ва ҳар хил консистенциядаги (суюқ, пастасимон) дори моддалар билан тўлдирилиши мумкин.

Бугунги кунда фармацевтика соҳасида 400 га яқин ротацион матрицали усулда ишлайдиган автоматлардан фойдаланилмоқда. Масалан: Илалиянинг “Pharmagel”, Канаданинг “Capsule Technology International”, Кореянинг “Lucky Gold Star” ва б.

3. Томчилаш усули – 1960 йилда Голландиянинг “Interfarm Biussum” фирмаси томонидан асос солинган усул ҳисобланади. Бу усулда шарсимон шаклдаги чоксиз юмшоқ капсулаларни ишлаб чиқариш мумкин.

Бу усул концентрик трубали форсункадан бир вақтнинг ўзида қобиқ ва суюқ дори моддасини – икки фазани концентрик оқим билан, сиқиб чиқариб капсула ҳосил қилишга асосланган. Капсула қобигининг ёпилиши желатина массасини сирт таранглик кучига асосланади. Бу усулнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлиб, соатига 60 000 дона капсулага тенг. Дозаларга бўлиш аниқлик даражаси $\pm 3\%$. Бу усулда факат осон эрувчи таркибида сув миқдори кам бўлган дори моддалардан капсулалар ишлаб чиқариш мумкин.

Маълумки капсулаларнинг дори моддалари ҳар хил консистенцияга эга бўлиши мумкин. Бунда юмшоқ капсулаларнинг ичига осон оқувчи ёки пастасимон ёғлар, мойлар, сувсиз эритмалар, суспензиялар, пастасимон, мазсимон ёки гельсимон дори моддалар жойлаб ишлаб чиқариш мумкин. Айрим чет эл фирмалари юмшоқ капсулаларга қаттиқ дори моддалари солиб чиқариш устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Бугунги кунда бу изланиш натижалари капсула ишлаб чиқариш амалиётида муҳим ўрин эгаллагани йўқ. Лекин ҳозирда суюқ дори моддалари билан тўлдирилган қаттиқ капсулалардан тиббиёт амалиётида кенг миқёсида фойдаланилмоқда. Буларга турли хил витаминлар ва витаминли дори моддаларни мисол қилишимиз мумкин.

Юмшоқ желатина капсуларини томчилаш усулида ишлаб чиқариш жараёнида капсула қобиқини ҳосил қилиш, уни тўлдириш, кавшарлаш ва капсула юзасини пленка билан қоплаш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Капсула тайёрлаш жараёнида дори моддасини ички қаватдан тез оқиб кетишини олдини олиш мақсадида корпус ва қопқоқни бирлашган жойи махкам ёпилишини таъминлаш учун механик ва термик ултратовуш кавшарлаш усулида қуий молекулали термик герметиклаш амалга оширилади.

Қаттиқ желатина капсулалари ишлаб чиқаришда эса бу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида амалга оширилади: биринчи қапсула қобиқлари ҳосил қилинади, кейин эса бошқа асбобда дори моддаси билан тўлдирилади. Қаттиқ желатина капсулаларини дори моддаси билан тўлдирувчи қурилмалар дозалаш усулига кўра турли хил бўлади.

Бундан ташқари саралаш асбобида сараланади, яроқсизлар ажратиб олинади ва қайта ишланади.

Қаттиқ желатина капсулаларини тўлдирувчи ускуна (дозатор)лар қўл меҳнатига асосланган, ярим автомат ёки тўлиқ автоматлаштирилган бўлиши


мумкин. Қўл меҳнатиша асосланган ва ярим автомат типдагилари асосан лабораторида ишлатишга мўлжалланган. Ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 6 000 дона капсула. Бу учулда капсула қобиғини тўлдириш пресслаб жойлай усулида амалга оширилади. Бунда дори модда ҳажмга нисбатан тўғри пропорционал бўлиши керак.

Капсула қобиқларига пеллет ёки микрокапсалалар жойлаш доналаб, икки қаватли тўсик оралиғи, поршендан фойдаланиш усулида дозаларга бўлувчи цилиндр ва дозаловчи найдан фойдаланиш усулида амалга оширилади.

Капсула қобиқларини таблетка (микротаблетка) ёки драже (ёки уларнинг турли нисбатдаги аралашмалари) билан тўлдириш қават оралиғида дозалаш усулидан фойдаланиш бўйича олиб борилади. Агар қаттиқ капсулаларни суюқ ёки пастасимон дори моддалари билан тўлдириш керак бўлса, турли хилдаги насослардан фойдаланилади.

ДОРИ МОДДАСИННИ ҚАТТИҚ ЖЕЛАТИНА КАПСУЛАГА ЖОЙЛАШ УСУЛЛАРИ

Бир ёки бир нечта фаол фармацевтик таъсирга эга бўлган моддани ёрдамчи моддалар билан ёки ёрдамчи моддаларсиз кукун, гранула, пеллет, микродраже, суюқ ёки газсимон ядроли микрокапсула, паста, таблеткалар, желатин капсулалар ёки уларнинг турли хил комбинациялари билан капсулага жойлаш учун тўлдирилувчининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли хил усуллар ҳамда асбоб ускуна ва жиҳозлардан фойдаланиш мумкин.







Бугунги кунда саноат миқёсида дори моддасини капсулаларга жойлашда қўл меҳнатига асосланган, яримавтомат ҳамда ишлаб чиқариш унумдорилиги юқори бўлган автомат усуллардан ($\geq 150\,000$ капсула/соат) фойдаланилмоқда.



Дори моддасини автоматлаштирилган тарзда қаттиқ желатина капсуласига жойлашнинг умумий принцип қўйида келтирилган:

1. Капсулаларни мўлжал олиниши иаъминлангандан сўнг бўш капсула қобиқларини дозатор ячейкалари (ини)га жойлаштириш ва қобиқларни вакуум ёрдамида очилади
2. Барча капсулалар қобиқларини тўлиқ очилиши учун капсулалар яна бир марта очилади.





3. Очилмаган капсулалар ва яроқсиз капсулалар махсус контейнерга ташлаб юборилади.


- 4 ва 5. Капсула асосини пеллетлар, гранулалар ёки таблеткалар билан тўлдириш станцияси



6. Дозатор кукунга тушурлади, керакли дозани олиб уни пресслайди. Сүнг дозатор поршен ёрдамида капсулани асосини дори модда билан түлдиради




8. Дори модасига түлган асосни қопқоқ билан юқори ва пастки поршенилар ёрдамида ёпилади




7. Агарда тегишли жойда капсула бўлмаса кукун махсус коллекторга жойлаширилади. Ушбу усулда кукун йўқотилмайди, уни қайта капсулага жойлаш имкони мавжуд

9. Тўлдирилган тайёр капсулаларни ийғичга жўнатилади



10. Ячейкаларни кукун қолдиқлари ва синган яроқсиз қапсулалардан тозалаш (сўриб олиш усулида)




Тұлдириш (дозалаш) усуллари:

Босим ёрдамида тұлдириш. Асосан қўл мәхнатига асосланган капсула тұлдиришда ҳамда яrimавтомат усулга асосланган капсула тұлдиришда бу усулдан фойдаланилади.


Дозалашнинг дискли усул, дозалашнинг поршинли усули, дозалашнинг найли усули, икки маротаба сирғантириб дозалаш усули, дозировкалашнинг цилинрлар усул, дозировкалашнинг трубкалар усул, капсулаларни қаттиқ формалар билан тұлдириш усули ва б. усуллар мавжуд бўлиб бу усуллар тўлиқ автоматлаштирилгандир.

Желатин капсулаларининг тұлдириш усуллари


а) босим ёрдамида тұлдириши




б) дозалашининг дискли усули




в) дозалашининг поршинли усули




г) дозалашининг поршинли усули




д) икки маротаба сирғантириб дозалаши усули




е) дозировкалашнинг цилинрлар усули




з) дозировкалашнинг трубкалар усули



ж) дозалашининг найли усули



и) капсулаларни қаттиқ формалар билан тўлдириши усули



Назорат саволлари:

1. Фармацевтика сўзининг маънасини айтинг.
2. Фармацевтик ишлаб чиқаришнинг асослари.
3. Фармацевтик ишлаб чиқаришнинг бугунги кундаги холати
4. Маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчиларни сананг.
5. Дори моддаси нима? Унга қўйилган талабларни айтинг.
6. Ёрдамчи модда нима? Унга қўйилган талабларни айтинг.
7. Дори тури нима?
8. Дори шаклларини сананг.

9. Технология нима?
10. Технологик жараёнлар кетма-кетлиги қандай?

4-мавзу: Юмшоқ дори шаклларининг яратилиш цикли

Режа:

Кириш

- 4.1. Суртмалар, кремлар, геллар, пасталар ва линиментлар ва уларнинг яратилиш цикли
- 4.2. Суртмаларни тайёрлашда ишлатиладиган суртма асослари ва ёрдамчи моддалар
- 4.3. Суртмаларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш.
- 4.4. Шамчалар ва уларни яратилиш цикли

Таянч иборалар: *суртмалар, кремлар, геллар, пасталар ва линиментлар, шамчалар, ректал, вагинал, асос*

Суртмалар (Unguenta) – юмшоқ дори шакллари бўлиб, асосан маҳаллий ишлатиш учун мўлжалланган. Уларнинг дисперс муҳитлари шундай реологик (етарли қовушқоқлик, пластиклик ва псевдопластик) кўрсаткичларга эгаки, бу кўрсаткичлар натижасида суртмалар белгиланган ҳароратда ҳам ўзининг турғулитигини етарли даражада сақлаб қола олади.

Суртмалар тегишли фармакопеяларда расмий дори воситалари кўринишида киритилган бўлиб, терига, яраларга ва силлиқ қаватларга суртиш учун мўлжалланган.

Бугунги кунда барча фармакологик гурухларга мансуб бўлган дори моддаларидан суртмалар тайёрлаш имконияти мавжуд бўлиб, айниқса антисептик воситалар, сульфаниламиidlар, гормонал препаратлар ва уларнинг аналоглари, антибиотиклар, витаминалар, антисептик моддалар, замбуруғларни даволашда ишлатиладиган дори моддаларидан суртмалар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бу дори моддалари ҳам органик ҳам ноорганик моддалар бўлиб, улар турлича физик-кимёвий ва агрегат хоссаларни номоён қиласди (металл оксидлар ёки уларнинг тузлари, асослар, эфирлар ва бошқалар). Агрегат хоссаларига қараб асосан қуруқ ва қаттиқ моддалар, баъзан ҳар хил қовушқоқликка эга бўлган суюқ консистенцияли (Буров суюқлиги, эфир мойи, қора мой, винилин ва бошқалар) дори моддалари ҳам суртмалар технологиясида кенг кўламда ишлатилади.

Суртмалар асосан қўйидаги мақсадларда ишлатилади:

- тери ва силлиқ қаватларни ташқи мұхит таъсиридан ҳимоя қилиш;
- күйганды ва совуқ уриш натижасыда ҳосил бўлган яраларни юзасига дори моддасини суртиш;
 - тери касалликларида уларни маҳаллий даволаш ёки дори моддасини лимфа томирлари орқали қонга сўрилиб, ҳар хил патологик жараёнларга умумий таъсири қилишини таъминлаш;
 - организмнинг ҳар хил бўшлиқларида юзага келадиган касалликларни даволашда ва хомилани олдини олувчи воситалар тайёрлаш;
 - тўғри ичак касалликларини даволашда ва шиллик қават орқали дори моддаларининг организмга резорбтив таъсирини таъминлаш;
 - кўз ва бурун касалликларида дори моддасини шиллик қават орқали таъсирини юзага келтириш;
 - соч касалликларини даволаш ёки сочни олиш;
 - терининг тук билан қопланган майдонларида инсектицид таъсирни амалга ошириш;
 - косметик мақсадлар (терини юмшатиш, пигментатив доғлардан тозалаш ва озиқлантириш) учун;

Суртмалар нафақат бирон-бир касалликни даволаш балки, касалликни олдини олиш, ташхис қўйиш, терини ишлаб чиқариш ва майший ҳизмат чиқиндиларидан ҳимоя қилишда ҳам қўлланилади. Бу суртмаларнинг асосини терини парвариш қилиш ва юмшатиш учун мўлжалланган кремлар ташкил қиласиди. Улар нафақат гигиеник, балки бирон бир касалликни даволаш ва олдини олиш шунингдек, декоратив мақсадлар учун ҳам ишлатилиади. Уларнинг таркибида гормонлар ва витаминаларнинг бўлиши, бу кремларни даволавчи хоссаси борлигини билдиради.

Суртмалар асосан қуйидагича таснифланади:

1. Суртмалар дори ва ёрдамчи модда – асосдан ташкил топган бўлганлиги учун, уларнинг таркибидаги дори моддасини сонига қараб оддий ёки мураккаб суртмалар.
2. Ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларига қараб бир, икки ёки кўп фазали суртмалар.
3. “Электрод” суртмалар ва пасталар, биотокларнинг ҳаракатини стимуллайди. Бундай суртмалар ва пасталардан электрокардиография, энцефалография, электромиография ва бошқаларда фойдаланилади. Улар, терининг силлиқ қавати билан электродларнинг мулоқотини яхшилади.
4. Дисперс тизимиға кўра суртмалар гомоген (қотишмалар ва эритмалар) ва гетероген (суспензион, эмульсион ва аралаш).
5. Консистенциясига кўра суртмалар, пасталар, кремлар, геллар ва линиментлар.
6. Қўлланилишига қараб суртмалар дерматологик, уретраль, бурун, кўз, ректал ва вагинал суртмалар.

Суртмаларни бундай тарзда таснифланиши уларни технологик ва биофармацевтик нуқтаи-назаридан баҳолаш учун асос бўлиб ҳизмат қиласиди, қайсики бунда, яраларни сиртини қоплаш учун мўлжалланган суртмаларни

асептик шароитда, кўз учун мўлжалланган суспензион типдаги суртмаларни эса дори ва ёрдамчи моддаларни максимал даражада дисперслигини оширган ҳолда тайёрлаш талаб этилади. Шунингдек, танланган технологик жараён биофармацевтик нуқтаи назаридан ҳам тўғри бўлиши керак.

Суртмалар. Бу дори турлари бошқа маҳаллий ишлатиладиган дори воситаларига нисбатан юқори қулайлик ва имкониятларга эга бўлиб, улар ўз навбатида гидрофоб, адсорбцион ва гидрофиль суртмаларга бўлинади.

Гидрофоб суртмалар. Бу суртмалар углеводородли асослар (вазелин, вазелин мойи, парафин) ёрдамида тайёрланиб, таркибида бошқа турдаги лиофиль хоссали ёрдамчи моддаларни ҳам сақлаши мумкин (ўсимлик ва ҳайвон мойлари, мумлар, синтетик глицеридлар ва суюқ полиалкилсилоксанлар). Шунингдек, уларни таркибида жуда кам миқдорда сув ёки дори моддаларнинг сувли эритмалари ҳам бўлиши мумкин. Гидрофоб суртмалар ишлатилиш даврида ютилиш (ҳаво билан мулоқотни тўхтатиш), сув билан қийин ювилиш, эксудатлар билан қийин аралashiш ва терини бўшаштириш хоссаларига эгадир.

Адсорбцион суртмалар. Бу суртмалар ҳам гидрофоб хоссали бўлиб, улар терига суртилиш давомида эксудатни ўзига абсорбциялаш (эмульгирлаш) хоссасига эга бўлади.

Гидрофоб ва абсорбцион суртмалар учун ишлатиладиган асослар

1. Гидрофоб асослар: улар таркибида жуда кам миқдордаги сув ёки дори моддаларининг сувли эритмаларини сувнинг мойдаги эмульсияси кўринишида сақлаган углеводородлар ёки сувнинг мойдаги эмульсиялари бўлиши мумкин (вазелин, ланолин ёки жунли мумли спиртлар)

2. Гидрофил асослар: улар таркибида кўшимча равища эмульгирланган сув ёки дори моддаларининг сувли эритмаларини сақлаган сувнинг мойдаги ёки мой-сув-мой кўринишидаги эмульсиялардан иборат (вазелин ва сувли ланолин).

Гидрофиль суртмалар. Бу суртмалар гиперосмоляр хоссали бўлиб, улар катта миқдордаги эксудатларни абсорбция қилиш имкониятига эгадир.

Гидрофиль суртмалар учун ишлатиладиган асослар

1. Сувда эрувчан асослар - улар ўз таркибида гидрофил хоссага эга бўлган сувсиз эритувчиларни сақлайди (полиэтиленгликоль 400, пропиленгликол ва бошқ.), шунингдек катта концентрацияли сувда эрувчан полимерлар (полиэтиленгликоль 1500, проксанол 268 ва бошқ.) ҳам бўлиши мумкин.

2. Сувни шимувчи асослар, улар ўз таркибида сувда эрувчан полимерлар ва сувсиз гидрофиль эритувчилардан ташқари лиофиль моддаларни ҳам сақлайди (юқори молекулали ёғ спиртлари, вазелин, вазелин мойи, ланолин, мум ва бошқ.). Бу асослар ўз навбатида мойни сувдаги эмульсиялари хисобланиб, таркибида мойнинг сувдаги эмульгаторларини сақлайди.

Пасталар. Бу дори турлари маҳаллий ишлатиш учун мўлжалланган юмшоқ дори шакллари бўлиб, улар ўз таркибида суспензияларни сақлаган (умумий оғирликка нисбатан 20% дан кўп), асос таркибида тенг тақсимланган қаттиқ дисперс фазадан иборат. Пасталарни тайёрлашда суртмалар, геллар ва кремларни тайёрлашда ишлатилган асослардан тўлалигича фойдаланиш мумкин.

Линиментлар. Бу дори турлари ҳам маҳаллий ишлатиш учун мўлжалланган юмшоқ дори шакллари бўлиб, улар тана ҳароратида эриш хоссасига эга. Бу дори турларига суртмалар, кремлар, геллар ва пасталарнинг хоссаларини номоён этган дори воситалари ҳам кириши мумкин.

Кремлар. Булар ҳам маҳаллий ишлатиш учун мўлжалланган юмшоқ дори турлари бўлиб, улар ўз таркибида икки ёки ундан ортиқ дисперс тизимларни сақлайди. Танланган дисперс тизимлар белгиланган сақланиш ҳароратида маълум бир чўкиш тезлигига ва паст реологик қўрсаткичларга эга. Уларни ассоан қуидаги турлари мавжуд:

- гидрофоб кремлар, улар сувни мойдаги ёки мой-сув-мой типидаги эмульсион асослар ёрдамида тайёрланиб, керакли эмульгаторлар билан турғунлаштирилади;

- гидрофиль кремлар, улар мойни сувдаги ёки сув-мой-сув типидаги эмульсион асослар ёрдамида тайёрланиб, зарурий эмульгаторлар билан турғунлаштирилади. Уларга шунингдек, сувда ёки сув-гликол аралашмасида эритилган юқори молекулали ёғ спиртлари ёки кислоталарининг диспергирланган дисперс коллоид тизимлари ҳам киради. Бу кремлар сирт фаол моддалари ёрдамида турғунлаштирилади.

Геллар. Бу дори турлари ҳам маҳаллий ишлатиш учун мўлжалланган юмшоқ дори шакллари бўлиб, улар ўз таркибида суюқ дисперс мухитида бир, икки ёки кўп фазали дисперс тизимларни сақлайди. Уларнинг реологик хоссалари нисбатан кам концентрациядаги гел ҳосил қилувчилар ёрдамида меъёрига етказилади. Бу дори турларидаги гел ҳосил қилувчилар қўшимча тарзда дисперс тизимдаги суспензиялар ёки эмульсияларда турғунлаштирувчилар вазифасини ҳам ўтайди. Шунинг учун ҳам улар суспензион геллар ёки эмульсион геллар деб аталади. Улар қуидаги таснифланади:

- гидрофоб геллар (олеогеллар), улар гидрофоб эритувчилардан ташкил топган асосларда (вазелин мойи ёки ўсимлик мойлари ва бошқ.) ва лиофил гел ҳосил қилувчилар (полиэтилен, кремний (II) оксиди коллоиди, алюмин ёки рухли совунлар ва бошқ.) ёрдамида тайёрланади;

- гидрофиль геллар (гидрогели), улар сув, аралаш гидрофиль ёки сувсиз эритувчилар (глицерин, пропиленглюколь, этил спирти, изопропил спирти) ва гидрофиль гел ҳосил қилувчилардан (карбомерлар, целялюзоза ҳосиллари, трагакант ва бошқ.) ташкил топган асослар ёрдамида тайёрланади

4.2. Суртмаларни тайёрлашда ишлатиладиган суртма асослари ва ёрдамчи моддалар

Суртмаларга қўйилган талаблардан яна бири уларни тайёрлаш, сақлаш ва қўллаш давомида бир хиллигини (дори ва ёрдамчи моддаларни бегона қўшимчаларсиз бир хил аралашганлиги ва физик жиҳатдан турғунлиги) таъминлашдир. Агар технологик жараён давомида суртмаларни бир хиллиги бузилган бўлса маҳсус намуна олиш йўли орқали танланган суртмалар таркибидаги асосий таъсир этувчи модда миқдори аниқланади.

Дори ва ёрдамчи моддаларни дисперслигини ошириш билан тайёрланадиган суртмаларда, модда заррачаларининг ўлчамлари алоҳида назоратга олиб борилади.

Суртма таркиби ва технологияси учун ишлатиладиган асослар ва тегишли ёрдамчи моддалар суртманинг самарадорлигига, заарасизлигига, дори моддаси билан мос келишилигига ва дори ва ёрдамчи моддаларнинг биологик самарадорлигига путур етказмаслигига, суртмаларнинг реологик, физик-кимёвий хоссаларига, микробиологик турғунлигига ва сақланиш муддатига таъсир этмаслигига қараб танланади.

Суртмалар учун танланган асослар дори моддасини ташувчи ва суртмага етарли физик кўрсаткичларни таъминловчи вазифаларини ўтайди. Асослар дори моддасининг физик-кимёвий хоссаларига ва суртманинг умумий хоссасига қараб танланади. Суртмага максимал даражадаги терапевтик самарадорликни таъминлаб берувчи асосларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- зарурий тузилиш-механик ва яхши суртилиш хоссаларига эга бўлиши;
- дори моддаси билан яхши келиша олиши ва яхши абсорбциялаш хоссасига эга бўлиши;
- ташқи муҳит таъсиридан ўзгармаслиги ва дори моддаларининг сувдаги эритмаларини яхши қабул қилиши;
- фармакологик нуқтаи назаридан безарар, терини қитиқламаслиги ва сезувчанлигига, шунингдек терининг бошланғич pH кўрсаткичига (3,10-4,70) таъсир қилмаслиги;
- микроорганизмлар яшаси ва кўпайиши учун шароит туғдирмаслиги;
- қўллаш учун кўзда тутилган мақсадга тўғри келиши керак.


Бугунги кунга келиб, суртмалар учун алоҳида моддалардан ташқари бир неча хилдаги асослардан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Улар мураккаб тизимли физик-кимёвий тузилишларга эга бўлиб, уларнинг катта миқдордаги ассортименти суртмаларни турли йўналишлар бўйича турлича таснифланишига сабаб бўлмоқда.

Баъзи ёрдамчи моддалар бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифани ҳам бажариши мумкин, шунингдек юмшатувчи, намловчи, кўпик ҳосил қилувчи ва аралаштирувчи бўлиб ҳам ҳизмат қиласи. Корхона шароитида суртмалар

ишлиб чиқаришнинг 10% ташкил қиласди. Улар дерматологик, офтальмологик, оталорингологик, жарроҳлик, акушерлик, гинекологик, проктологик ва бошқа касалликларни даволашда кенг кўламда ишлатилади.

Суртмаларни таркиби ва технологиясини ишилб чиқишида, қадоқлашда, сақлашда, ташишда ва қўлланилишида доимо уларнинг микробиологик тозалигини саклаб қолиш чоралари кўрилиши шарт. Уларнинг бу кўрсаткичи қўшимча тарзда суртма таркибига консервантларнинг киритилиши ёки ишилб чиқаришни тўғри ташкил этиш билан таъминланади. Очик яраларни даволаш ёки терининг кучли заарланган майдонлари учун мўлжалланган суртмалар таркибига киритилган консервантлар албатта стерил бўлиши керак

Суртма асосларининг таснифи



Суртмалар технологиясида ишлатиладиган ёрдамчи моддаларни бајсарадиган функциясига қараб таснифланиши

- юмшоқ асослар (вазелин, ланолин ва бошк.)
- асоснинг суюқланиш ҳарорати ва қовушқоқлигини оширувчи моддалар (парафин, спермацет, гидрогенланган ўсимлик мойлари, мумлар, юқори молекуляр массага эга бўлган полиэтиленгликол ва бошк.)
- гидрофоб эритувчилар (минерал ва ўсимлик мойлари, изопропилпальмитат, изопропилмиристат, полиалкилсилоксанлар, бензилбензоат ва бошк.)
- сув ва гидрофиль эритувчилар (этил ва изопропил спиртлари, полиэтиленгликол 200-600, пропиленгликоль, пропиленкарбонат, глицерин, димексид ва бошк.)
- мой-сув типидаги эмульгаторлар (натрий лаурилсульфат, 1-рақамли эмульгатор, твинлар, юқори молекуляр массали спиртларнинг полиоксиэтиленгликолли эфирлари, цетилпиридин хлорид, юқори ёғ кислоталарининг тузлари, оксиэтилланган канакунжут мойи, стеарин кислотасининг полиоксиэтиленгликолли эфири ва бошк.)
- сув-мой типидаги эмульгаторлар (юқори молекуляр массали ёғ спиртлари, ҳолестерин, шерст мумли спиртлар, кўпиклар, глицерилмоноолеат, глицерилмоностеарат ва бошк.)
- гел ҳосил қилувчилар (карбомерлар, альгин кислотаси ва унинг тузлари, целлюлоза ҳосиллари, полиэтилен, полоксамерлар ёки проксаноллар, полиэтиленгликол 1500-8000, бентонит, каолин, кремний (II) оксидининг коллоиди, араб туганаги, трагакант, желатин ва бошк.)
- антимикроб консерванлар (бензалконий хлорид, мирамистин, цетримид, цетилпиридин хлорид, хлоргексидин, бензой ва сорбин кислоталари ва уларнинг тузлари, парабенлар, бензил спирти, крезол, хлоркрезол, имидомочевина, феноксиэтанол, пропиленгликоль, этил спирти ва бошк.)
- антиоксидантлар (α -токоферол, аскорбин кислотаси ва унинг ҳосиллари, бутилгидроксианизол ва бутилгидрокситалуол, этилендиаминтетрасирка кислотаси ва унинг тузлари, лимон кислотаси, пропилгаллат, натрий метабисульфит ва бошк.)
- солюбилизаторлар (β -циклогексстрин, гидрофил хоссалари сирт фаол моддалар ва бошк.)
- ҳушбўй ҳид берувчи моддалар (ментол, эфир мойи, фенилэтил спирти ва бошк.)
- pH муҳитининг регуляторлари (лимон кислотаси, натрийни нордон фосфат кислотали тузи ва бошк.)

Гидрофоб асослар.

Суртмалар тайёрлашда ишлатиладиган гидрофоб асосларга лиофиль, углеводородли ва силиконли асослар киради.

Липофиль асослар. Бу асослар мойли ва мумли асослар бўлиб, улар ўз таркибида липид гурухларини сақлайди. Улар хоссалари бўйича теридан ажралиб чиқадиган мойсимон суюқликка ўхшаш бўлиб, терига суртилганда мойнинг сезувчанлигини билдиради ва мой қолдиқларини қолдиради.

1. Мойлар. Улар ёғ кислоталарининг триглицеридлари бўлиб, асосан юмшоқ мойлар (чўчқа мойи ва бир қатор гидрогенланган мойлар), қаттиқ мойлар (мол ёғи), суюқ мойлар (бир қатор ўсимлик мойлари) кўришида бўлади. Бу мойлар сувда эrimайди, спиртда кам эрийди, эфир ва хлораформда осон эрийди.

Чўчқа мойи (*Adeps suillus depuratus*) – оқ рангли бўлиб, у янги бўлиши керак. Шунингдек унинг эриш ҳарорати $34\text{-}36^{\circ}\text{C}$, кислота сони 2 ва ундан кичик бўлиб, таркибида 62-68% триолеин ($\text{C}_{17}\text{H}_{33}\text{COOH}$), 35% тирпальмитин ($\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COOH}$) ва тристеарин ($\text{C}_{17}\text{H}_{35}\text{C}_0\text{OH}$) сақлайди. У суртмалар технологиясида ишлатиладиган энг яхши асослардан биридир. У терига осон суртилади, терини қитиқламайди, деярли барча дори моддалари билан яхши келиша олади, уларни тери орқали сўрилишига монелик қилмайди. Шунингдек сув ва совун билан яхши ювилади.

Фоз ёғи (*Adeps anserinum*) – чўчқа ёғига нисбатан ҳам юмшоқроқ бўлиб, асосан совуқ урган терини даволашда ишлатиладиган суртмаларни тайёрлашда самарали ҳисобланади.

Мол ёғи (*Sebum bovinum*) – оқ рангли, у ҳам янги бўлиши керак. Суюқланиш ҳарорати $42\text{-}50^{\circ}\text{C}$, таркибида 55% трипальмитин ва тристеарин, 45% триолеин сақлайди. Суюқланиш ҳарорати юқори бўлганлиги учун у терига чўчқа мойига нисбатан ёмон суртилади.

Кўй ёғи. Унинг эриш ҳарорати $44\text{-}51^{\circ}\text{C}$ бўлиб бошқа кўрсаткичлари бўйича мол ёғи билан бир хил.

Гидрогенланган мойлар – юмшоқ асослар бўлиб, улар асосан юмшоқ суртмасимон маҳсулотларни тайёрлашда кенг қўлланилади. Улар: саломас ёки гидромойлар – *Adeps hydrogenisatum*, ўсимликлардан олинган сало – *Axungia vegetabilis* (88-90% гидромой ва 10-12% ўсимлик мойининг қотишмаси), аралашган мой (комбижир) – *Adeps compositus* (55% саломас, 30% ўсимлик мойи ва 15% мол, чўчқа ёки гидрогенланган кит ёғи).

Ўсимлик мойлари. Кунгабоқар мойи (*Oleum Helianthi*), ўрик мойи (*Oleum Persicorum*) ва бошқа бир қатор ўсимлик мойлари асосан мол ёғи ва мумлар билан биргаликда ишлатилади. Натижада бир қатор хоссалари билан чўчқа мойига яқин бўлган қотишмалар ҳосил бўлади. Бу мойларда кислота сони 2,25-2,5 дан ортмаслиги керак.

Мойларнинг асосий камчилиги бу ҳавода айниқса сув иштирокида тез бузилиши бўлиб, фармакологик безараарлик уларнинг янгилигига боғлиқ. Мойлардан оғир металл оксидлари ва тузлари шунингдек, перекислар ва озонидлардан иборат бўлган суртмаларни тайёрлашда асос сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Сабаби улар мойларнинг структурасини

ўзгартириб, асос сифатидаги хоссаларига путур етказади. Бу мақсадда бир қатор табиий ва синтетик антиоксидантлар синтез қилинган бўлиб, уларнинг баъзилари табиий ҳолда масалан, ўсимликларда ҳам учраши мумкин. (токофероллар). Синтетик антиоксидантлардан юқори фаолликка эга бўлган ва физиологик нуқтаи назаридан безарари бу - бутилоксианизол (БОА) ва бутилокситолуолдир (БОТ). Уларнинг ҳар иккисидан ҳам мойларнинг турғунлигини оширишда 0,02% гача ишлатишга рухсат этилган. Ўсимлик ва ҳайвон мойлари уларнинг таркибидаги табиий токоферолларнинг микдорига қараб белгиланади. Мойлардаги оксидланиш жараёни уларнинг таркибидаги йоднинг микдорига боғлиқ бўлиб, йод асосан водород пероксидини парчалаш учун сарфланади. Янги чўчқа ва мол ёғида перекис сони 0,03 дан ортмаслиги керак.

2. Мумлар. Улар ўз таркибида ёғ кислоталари ва юқори молекуляр массали, бир атомли спиртларнинг мураккаб эфирларини сақлади. Суртма асоси сифатида мумлардан ланолин, спермацет ва асалари муми ишлатилади.

Ланолин (Lanolinum) – эфир, спирт ва эркин ёғ кислоталарининг мураккаб, табиий бирикмаси бўлиб, у совунланганида тенг микдордаги кислота ва спиртни ҳосил қиласди. Ланолиннинг совунланмайдиган қисми 50% ни ташкил қиласди. Унинг таркибидаги моддаларни умумий микдори 70% дан ортади.

Тозаланган ланолин – қўнғир сариқ рангли, қуюқ, қовушқоқ, ўзига хос ҳидли масса. Суюқланиш ҳарорати 36-42⁰C, сувда эримайди, лекин уни 150% микдоридаги сув билан эмульгирлаш мумкин. Шунинг учун, айниқса суртмалар технологиясида сувсиз ланолин (Lanolinum anhydricum) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ланолин билан таркибида кўп микдорда сувли эритмалар сакловчи суртмаларни ҳам тайёрлаш мумкин. Сувсиз ланолин таркибидаги сувнинг микдори 1% дан, кислота сони эса 1 дан ортмаслиги лозим. Ланолин спиртда қийин эрийди, 100 қисм сувсиз ланолин, 40 қисм 70% спирт билан дағал дисперс система ҳосил қиласди. Глицерин билан сувсиз ланолин яхши келишади (100 қисм сувсиз ланолин 120-140 қисм глицерин) билан яхши аралашади. Эфир ва хлороформда яхши эрийди, тери орқали яхши сўрилади. У ўз таркиби билан одам терисидаги мойсимон моддаларга яқин, тери ва шиллик қаватларни одатда қитиқламади. Гарчанд унинг юзасида оксидланиш жараёни содир бўлиши билан рангининг ўзгариши кузатилса ҳам кимёвий жиҳатдан анча турғун. У юқори қовушқоқликка ва ёпишқоқликка эга бўлганлиги учун ҳам кўпроқ бошқа асослар билан биргаликда ишлатилади. Сувли ланолин (Lanolinum hydricum) – 7 қисм сувсиз ланолин ва 3 қисм сувдан иборат. Сувли ланолин таркибидаги сувнинг микдори 32% ташкил қиласди. Уни қиздириш билан эмульсияни парчалаш мумкин.

Спермацет (Cetaceum) – қаттиқ, оқ рангли, пластик кристалл тузилишга эга бўлган, мойсимон, ҳидсиз масса. Суюқланиш ҳарорати 45-

54⁰C. Таркиби цетил спирти ($C_{16}H_{33}OH$) ва пальмитин кислотасидан иборат бўлган мураккаб эфир бўлиб, сақланиш давомида турғун. Асосан суртма асосларининг таркибига юқори зичлик ва қовушқоқлик, дағал эмульсиялар ҳосил қилиш ҳисобига асос таркибидаги сувни ўзиги шимиб олиш учун қўшилади. Ўзидан мойсимон доғ қолдирмайди. Кислота сони 2 дан катта эмас. У сувда ҳам спиртда ҳам эримайди. Қайноқ 95% спирт, эфир ва хлороформда эрийди.

Мум (Cera) – асалари муми қўнғир-сариқ (Cera flava) ёки оқ, оқиш рангли (Cera alba) 63-65⁰C ҳароратда суюқланадиган донсимон масса. Оқ мум сариқ мумни қуёш нурлари таъсирида оқартириш билан олинади. Сариқ мумнинг кислота сони 17-20,5, оқ мумники эса 18,7-22,4 бўлиши керак. Сув ва спиртда эримайди. Қайноқ спирт, эфир ва хлороформда, ёғ ва эфир мойларида қисман эрийди. Алоҳида ўзи суртмалар технологиясида асос сифатида ишлатилмайди, асосан асосларга етарли зичлик ва қовушқоқликни беришда ишлатилади. Кимёвий агентларга нисбатан турғун.

Углеводородли асослар. Бу асослар суртмалар технологиясида алоҳида асос сифатида ёки қуйида келтирилган шу гурӯҳдаги асосий асослар билан биргаликда ишлатилади: вазелин, петролат, парафин, церезин, вазелин мойи, сунъий вазелин ва нафталин нефти.

Вазелин (Vaselinum) – суюқ, ярим суюқ ва қаттиқ, таркиби 7 тадан 35 тагача углерод атомини сақлаган углеводородлар аралашмаси бўлиб, унинг умумий таркиби 20-50% ён занжирида микрокристаллик углеводородларни сақлайдиган изопарафинлар, циклик парафинлар ва алифатик бирикмалардан, 10% эса нормал парафинлардан иборат. Вазелиннинг қаттиқ структурали элементлари углеводородларни суюқ фракцияларини ушлаб қолувчи уч қаватли тўрдан иборат. Вазелин ташқи кўриниши билан бир жинсли, ипсимон чўзилувчан, гел ҳосил қилувчи масса бўлиб, ҳидсиз, оқ рангли (Vaselinum album) ёки сариқ рангли (Vaselinum flavum), 37-50⁰C ҳароратда суюқланади. Буюм ойначасига суртиб кўрилганда бир хил қалинликдаги текис плёнкани ҳосил қиласи. Ҳар икки вазелин ҳам фармацевтик ва тиббий нуқтаи-назаридан бир хил. Оқ вазелин тўлалигича турли ранг берувчи моддаларда ҳоли. Сувда эримайди, спиртда кам эрийди, эфир ва хлороформда эрийди, мойлар, ёғлар ва мумлар билан ҳохлаган нисбатларда аралаша олади (канакунжут мойидан ташқари). Вазелин олинган хом ашё нефтнинг хилига қараб, турли хилдаги суюқланиш ҳарорати ва тузилиш-реологик хоссаларини номоён қиласи. Суртма асоси сифатида минимал суюқланиш ҳароратига яқин бўлган вазелиндан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Вазелин кўз суртмаларини тайёрлашда безарарлиги ва турғунлиги учун айниқса кенг қўлланилади. Оддий вазелиндан ташқари амалиётда унинг модификацияси - петролат (суюқланиш ҳарорати 60⁰C) юмшоқ асос сифатида ишлатилади.

Қаттиқ парафин (Paraffinum solidum) – оқ рангли кристалл масса бўлиб, юқори молекулали углеводородлардан ташкил топган. 50-57⁰C ҳароратда суюқланади. Сувда ва спиртда эримайди, эфир, хлороформ, ёғлар ва эфир мойларида осон эрийди. Асосларга, уларни консистенциясини мустаҳкамлаш ва суюқланиш ҳароратини кўтариш учун 10% гача қўшилади.

Церезин (Ceresinum) – рафинирланган озокерит бўлиб, аморф, рангиз, мўрт масса. 68-72⁰C ҳароратда суюқланади. Таркибида юқори молекулали углеводородлар ёки икки, уч циклик нафтенлар сақлайди. Парафинга нисбатан мустаҳкамлаш хоссаси юқори, бироқ кристалл бўлмаган қотишмалар ҳосил қиласи.

Вазелин мойи ёки суюқ парафин (Oleum Vaselini Paraffinum liquidum) – нефтнинг қайта ишланган фракцияси бўлиб, керосинни ҳайдаш орқали олинади. Бу рангиз, мойсимон суюқлик ҳидсиз ва таъмсиз. Сувда эримайди, спиртда ҳам деярли эримайди. Эфир, хлороформ ва ўсимлик мойлари (канакунжут мойидан ташқари) билан ҳохлаган нисбатда аралаша олади. Сувда ва мойда эримайдиган моддалардан суртмалар тайёрлашда уларни суспензиялашда ишлатилиади.

Сунъий вазелин (Vaselinum articiale) – бу қаттиқ ёки суюқ парафин, церезин ёки мумсизлантирилган озокерит ва петролатдан ташкил топган ҳар хил мураккаб қотишмалардан иборат. Бу қотишманинг энг оддийси 1 қисм парафин ва 4 қисм вазелин мойидан ташкил топган. Бу қотишмаларнинг ранги сақланиш давомида буғдойрангга ўтади. Фақат таркибида церезин (озокерит) ёки петролат сақлаган қотишмалар бундай камчиликлардан ҳоли.

Нафталан нефти (Naphthalanum Liquidum raffinatum. Naphtha naphthalani) – биринчи марта Озарбайжонда, нефт билан тўлган ҳовузларда, айрим касалликлар билан касалланган беморлар даволанглар. Эндиликда санаторияларда, маҳсус нафт билан тўлдирилган ванналар ташкил қилинган бўлиб, нафталан нефтидан даво мақсадида кенг қўлланилиб келинмоқда. Нафталан нефти қуюқ, асалсимон масса бўлиб, қора рангли, яшил флюоресценцияланувчи ўзига хос ҳидли. Сув билан аралашмайди, спиртда кам эрийди. Глицерин, ёғ ва мойлар билан ҳохлаган нисбатда аралашади. Нафталан нефти дезинфекцияловчи ва оғриқ қолдирувчи таъсирга эга. 1 ва 2 даражали куйишларда самарали таъсир кўрсатади. Суртма асоси сифатида ишлатилганда парафин ёки вазелин билан мустаҳкамланади. Экзема, тери яллиғланиш касалликлари, артрит, миальгия, радикулит ва бошқа касалликларни даволашда ишлатиладиган суртмалар таркибига киритилади.

Силиконли полимерлар. Бу полимерлар силиконли ёки яримсиликонли бирикмалар - юқори молекулали кремний сақловчи органик бирикмалардир. Бу бирикмалар кремний ва кислород атомларидан шунингдек, кремнийни эркин валентликларига метил, этил ва фенил радикаллари бириккан занжирдан иборат бўлиб, уларнинг яъни силиконларнинг (силоксанлар)

молекуласи чизиқли ёки тармоқланган тузилишга эга. Силиконли полимерлар рангсиз, мойсимон суюқлик бўлиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида кенг қўламда ишлатилади. Фармацияга эса уларнинг бир қанчаси физиологик заарсизлиги, кимёвий индифферентлиги, кам юза тарангликка эга эканлиги, гидрофоблиги, қовушқоқлигининг ҳароратга кам боғлиқлиги каби бир қатор ижобий хоссалари билан кириб келди. Силиконли суюқликлар терига суртилганда ҳеч қандай қитиқловчи, зарарловчи, сенсибилловчи, аллергия чақирувчи каби таъсирларни намоён этмайди. Улар ҳам худди мойлар каби теридаги газ ва иссиқлик алмашинув жараёнларига таъсир қилиши мумкин. Бу жиҳатдан ҳатто вазелин ва углеводородли асослардан ҳам устунликка эга. Faқатгина кўз конъюнктивасига қитиқловчи таъсир қилганлиги сабабли, кўз сурмаларини тайёрлашда улардан фойдаланиш мумкин эмас. Полидиэтилсилоксанлар бошқа силиконли полимерларга нисбатан дори моддалари ва суртма таркибиға кирган бошқа ёрдамчи моддалар билан яхши келиша олади. Конденсация даражаси 5 га teng бўлган полимер - “Эсилон - 4” номини олган бўлиб, у 4-рақамли полидиэтилсилоксанли суюқлик ҳам дейилади. Конденсация даражаси 15 га teng бўлган полимер “Эсилон-5” дейилади. “Эсилон-4” ва “Эсилон-5” суртма асосининг компоненти сифатида ишлатилади. Улар вазелин ва ўсимлик мойлари (канакунжут мойидан ташқари) билан яхши аралашади, вазелин, парафин, церезин, хайвон ва ўсимлик мойлари, ланолин (сувсиз), спермацет, мум ва бошқалар билан бир жинсли қотишма ҳосил қиласи. Faқат бир қатор моддалар билан аралаштиришда (балиқ мойи, олеин кислотаси, скапидар, метилсалицилат) белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш лозим, яъни маҳсус аралаштиргичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Полидиэтилсиликонларда ментол, камфора, фенол, фенилсалицилат, қорамой ва бошқа қутубсиз ва семиполяр дори моддалари яхши эрийди. Оддий эмульгаторлар ёрдамида улар сув, спирт ва глицерин билан эмульгирланади.

Гидрофиль асослар.

Бу гурухга мансуб бўлган суртма асослари терига суртилганда ўзларидан ҳеч қандай из ёки доғ қолдирмайди. Улар терига суртилгандан сўнг ҳар хил вақт оралиғида куриб, бир неча вақт оралиғида терида ушланиб турилиб, сўнг бирданига сўрилади. Сувнинг буғланиши терининг ҳароратига боғлиқ экан, бу гурух асослари хўл боғламларга ўхшаш совутувчи таъсирга ҳам эга. Улар кўплаб дори моддалари билан мос келадиган асослар бўлиб, ташқи сувли фазаларидағи дори моддаларини организмнинг тўқималарига осон ўтказади. Улар физик-кимёвий хусусиятлари билан сувда эrimайдиган, лекин сувда бўқадиган юқори молекулали брикмалар (ЮМБ), коллоид геллар (ярим коллоидлар) ва дисперс коллоид моддаларга ўхшашдир.

Совунли асослар. Бу асослар асосан ихтиол, қора мой ва бошқа моддалардан суртмалар тайёрлашда кенг қўлланилади. Совунли асослар совунни сувда қиздириш йўли билан эритиш орқали ёки уларни сувни глицерин билан аралашмаси, стеарин кислотасини поташ билан ёки кальцийли сода билан аралашмасида эритиш орқали олинади. Натижада ҳар хил қовушқоқликдаги гидротроп ҳоссали бўлганлиги учун мойли асослар билан яхши аралашиб, эмульсион асослар ҳосил қиласи. Совунли асослар ишқорий шароитга эга бўлганлиги учун ҳам уларни бутунлай индифферент деб бўлмайди.

Желатин-глицеринли асослар. Бу асослар таркибида турли хил миқдорларда желатин (1-3%) ва глицерин (10-30%) сақлайди. Бу асосни тайёрлаш учун бўлакларга бўлинган желатин белгиланган миқдордаги сув билан аралаштирилиб, 3-4 соатга бўктириш учун қолдирилади. Сўнг глицерин қўшилиб, сув ҳамомида қиздириш билан бир жинсли масса ҳосил бўлгунга қадар аралаштирилади. Натижада терига осон суртиладиган ва теридан тез ювиладиган масса ҳосил бўлади. Бироқ улар тез бузилади.

Табиий полисахариd эритмалари.

Крахмал-глицеринли асос ёки глицеринли асос (*Unguentum Glycerini*) – 7 қисм буғдой крахмали тенг миқдордаги сув билан аралаштирилиб, унга 93 қисм глицерин қўшилади. Масса сув ҳамомида бир хил масса ҳосил бўлгунча қиздириш орқали аралаштирилади. Натижада оқ рангли, бир хил консистенцияли юмшоқ масса ҳосил бўлади. Бу асос шиллиқ қаватларга яхши суртилади, лекин секин сўрилади. Бу асослар асосан кўз суртмаларини тайёрлашда ишлатилади. Асос микробларга нисбатан анча турғун, бироқ тузилиш-механик кўрсаткичлари бўйича сақланиш давомида турғун эмас. В.М.Грецкий ва И.С.Ажихинларнинг таъкидлашларича 5-6% крахмал эритмалари суртма асоси консистенциясига эга бўлсада, нисбатан секин сўрилади. Яна шу асос каби хоссани декстрин ҳам намоён этади, фақат ундан 50% эритма тайёрлаш лозим бўлади.

Трагакант-глицеринли асос – таркибида 3% трагакант ва 40% гача глицерин сақлайди. Майдаланган трагакант кам миқдордаги юқори концентрацияли спирт билан аралаштирилиб, сув-глицеринли аралашма билан бўктириш учун қолдирилади. Олдиндан спирт билан аралаштиришдан мақсад трагакантни комокланиб қолишини олдини олишdir. Бу асосдан ҳомилани олдини олувчи пасталар ва косметик кремларни тайёрлашда ишлатилади. Чет эл фармацевтик амалиётида бугунги кунда бу турдаги асослардан пектинли (пектин 7,5 г, глицерин 18 г, бензой кислотаси 0,2 г ва тозаланган сув 100 г гача), альгинли (натрий альгинат 2,5 г, кальций цитрат 0,2 г, глицерин 15 г, тозаланган сув 100 г гача), муцинли (льнян уруғининг шилимшиғи) асослар ва яна бир қанча

ўсимликлардан олинган юқори молекулали брикмалар асосида олинган асослар ишлатилиб келинмоқда.

Микроблардан олинган полимер - полисаҳаридлар. Суртмалар технологиясида гидрофиль асос сифатида юқори молекуляр массали полисаҳарид – декстрон ҳаётий зарур микроорганизмлар *Leuconostok mesenteroides* ва *L. dextranicus* асосида олинади. Бу полимер асосан глюкозадан ташкил топган бўлиб, молекуляр массаси 150000. Декстраннинг эритмалари суртмасимон қовушқоқликка эга бўлиб, юқори индифферентликни номоён қиласди. Улар рангиз ва ҳидсиз, pH 4,5-6,5. Н.П.Елинова ва И.Я.Гуревичлар ачитқисимон замбуруғдан *Aureobasidium (Pullularia) pullulaus* замбуруғли глюкан – пуллулан олишга муваффақ бўлганлар. У юқори қовушқоқликка эга бўлган суюқлик бўлиб, хлортетрациклин ва гелиомицин суртмаларини тайёрлашда асос бўлиб ҳизмат қилган. Фақат бу суртмалар узоқ вақт сақланганда сифатини бузилиши ҳисобига уларга консервант қўшиш лозим бўлган (1:100000 нисбатда мертиолат).

Целлюлозанинг ярим синтетик ҳосилалари. Суртмалар технологиясида целлюлоза ҳосилаларидан метилцеллюлоза (МЦ) ва натрий карбоксиметилцеллюлозалардан (Na-КМЦ) асос сифатида фойдаланиш мумкин.

МЦ – оддий эфир бўлиб, целлюлоза молекуласига киритилган метил гурухининг сонига қараб, 150 дан 700 гача полимеризация даражасидаги эфирларни ҳосил қилиш мумкин. Уларнинг молекуляр массаси мос равишда 30000 дан 140000 гача. МЦ эритмаларининг асосий хосаси уларнинг қовушқоқлигидир. Бу эса уларни таркибидаги метокси гурухларининг алмашиниш даражасига, уларни бир хил тарқалганлигига ва полимеризация даражасига боғлиқ. Фармацевтик технологияда ишлатиладиган МЦ ўз таркибида 26-33% метокси гурухларини сақлайди. МЦ оч сарик рангли, толасимон ёки паҳтасимон кўринишли, ҳидсиз ва мазасиз, узоқ вақт сақланиши мумкин. Тайёрлаш учун керакли миқдорда тортиб олинган МЦ умумий олниши лозим бўлган, 80-90°C гача иситилган сувнинг 25% билан аралаштирилиб, сўнг қолган сув (совук сув) билан бир хил масса ҳосил бўлгунга қадар аралаштирилади. МЦ эритмалари микроорганизмларга турғун, заҳарлилиги йўқ, физиологик жаҳатдан инерт. Улар юқори қовушқоқликка, диспергирлашга, намлаш ва адгеззион хоссаларига эга. МЦ сувнинг юза таранглигини камайтиради, сабаби МЦ юқори эмульгирлаш хосасига эга. Шунинг учун ҳам МЦ фармацевтик амалиётда нафақат суртмалар технологиясида, балки бошқа турдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришда ҳам кенг ишлатилади. МЦ эритмаларининг қуриши натижасида тиник, рангиз, мустаҳкам, микроорганизмлар, органик эритувчилар ва ёғмойларга нисбатан турғун бўлган плёнка ҳосил бўлади.

Na-КМЦ – целлюлоза ва гликол кислотаси (карбоксиметилцеллюлоза) оддий эфирининг натрийли тузи бўлиб,

полимеризация даражаси 300 дан 3000 гача, молекуляр массаси 75000 дан 750000 гача. Оқ ёки кулранг рангли, толасимон модда, сувда яхши эрийди.

МЦ ва Na-КМЦ ларнинг асос сифатида ишлатиладиган асосий таркиблари қуйидагилар:

1. МЦ 6 г; глицерин 20 г; тозаланган сув 74 г.
2. Na-КМЦ 6 г, глицерин 10 г, тозаланган сув 84 г.

Фитостеаринли асослар. Бу асослар сувда эримайдиган оқ ёки сариқ рангли кристалл қуқунлар бўлиб, А.М.Халецкийнинг фикрича улар бета ситостеаринлар (40% дан кўп) ва лигноцерин спирти $C_{24}H_{49}OH$ (30% атрофида), лигносерин кислотаси $C_{23}H_{47}COOH$ (20% гача), ноорганик моддалар (5%), сув (5% гача) ва кўпроқ тўйинмаган стеаринлардан иборат. Бу асослар ўсимликлардан 1938 йилда Ф.Г.Солодкин томонидан таклиф қилинган усул бўйича олинади. Фитостериннинг энг асосий хоссаси унинг юқори сув шимиш кўрсаткичига эга эканлигидадир. У осон ва мустаҳкам тарзда сувни 12 марта кўп миқдорда ҳам юта олади. Агар колбага 92 мл сув солиниб, устига аралаштирилмаган ҳолда 8 г фитостерин сепиб қўйилиб, сув ҳаммомида $80^{\circ}C$ ҳароратгача қиздирилса, 1 дақиқа давомида бир жинсли, қаймоқсимон масса ҳосил бўлади. Бу масса бир неча хафта давомида сақланиши мумкин. А.М.Халецкий ҳам худди шундай асосни 1:6-1:10 нисбатда олишга мувоффақ бўлди ва бу асосдан бир қатор тери касалликларини даволашда ишлатиладиган суртмаларнинг таркиби ва технологиясини таклиф қилди. Бу турдаги асослар сақланиш давомида қуриб қолади, бироқ улар сув билан $50-60^{\circ}C$ ҳароратда қиздирилса бошланғич хоссаларини намоён этган ҳолда, дастлабки ҳолатига қайтади. Бу асослардан қуруқ, қуқунсимон суртма-концентратларини олиш мақсадга мувофиқдир. Улар тери орқали яхши сўрилади. Уларнинг таркибига турли хил дори моддаларини киритиш мумкин, ҳаттоқи ёруғликка жуда сезувчан бўлган препаратларни ҳам (салол, хинин, танин).

Полиэтиленгликолли асослар. Бу асослар қаттиқ ва суюқ полиэтиленгликолларни эритиш билан олинади. Полиэтиленгликоллар (ПЭГ) ёки полиэтиленоксидлар (ПЭО) синтетик моддалар бўлиб, этиленгликол ёки оксиэтиленни сув ёки калий ишқори билан полимеризация қилиш йўли орқали олинади. Сувда эрийдиган бундай асослар хорижий давлатларда XX асрнинг 40 йилларидан бошлаб, асосий ўринга чиқиб олди. Бу уларнинг қуйидаги афзалликлари билан тушунирилади:

1. Сувда яхши эрувчанлиги ва таркибida ҳаттоқи молекуляр массаси 1 000 000 гача бўлган полимер гомологларини сақлаши. Бундай асослардан тайёрланган суртмалар сув билан яхши ювилади, айниқса терини зарарламаслик учун ювиб ташлаш лозим бўлганда, шунингдек соч учун мўлжалланган суртмаларда улар қўлланилгандан сўнг ювиб ташлаш мумкин.

2. Ҳам гидрофил, ҳам гидрофоб хоссага эга бўлган моддаларни эрита олиш хоссасига эга эканлиги.

3. Спиртда яхши эриши ва сувли эритмаларда электролитларни ҳеч қандай диссосацияга учратмаслиги.

4. Парафин ва глицеридлар билан яхши аралашиш ҳисобига турғун, ҳар икки турдаги псевдоэмульсияларни ҳосил қила олиши. Мойни сувдаги эмульсиясига ҳохлаган миқдорда полимер қўшиш мумкинлиги.

5. Терига яхши суртилиш ва унда бир хилда тарқалиши. ПЭГ терида газ алмашишига ва безлар фаолиятига ҳеч қандай салбий таъсир қилмайди. Қўлланилгандан сўнг ҳам тери ёки шиллик қаватнинг дастлабки ҳолатини сақлаб қолади.

6. Таркибида бирламчи гидроқсил гурухини сақлаганлиги учун кучсиз бактереоцид таъсирга эга бўлиб, шунинг учун ҳам бу асосларда тайёрланган суртмалар микроорганизмларга нисбатан турғун ва уларни кўпроқ муддат ҳар қандай ҳароратда ҳам сақлаш мумкин.

7. Бу асосларнинг осмотик фаоллиги заарланган яраларни тозалашда қўл келади. Бундай ҳолатларда ПЭГ ҳам юувучи, ҳам тозаловчи вазифасини ўтайди. Уларнинг осмотик фаоллиги эса дори моддаларини пенетрациясини оширади. Натижада суртма таркибидан суюқликка ўтган дори моддаси тўқималардан осон ўтади.

ПЭГ деярли жаҳоннинг барча давлатларини фармакопеяларига киритилган бўлиб, бу асослардан биринчи бўлиб 1956 йилда суртмалар технологиясида М.Х.Глузман ва Б.И.Дашевскийлар фойдаланганлар.

Минерал гиллардан олинадиган асослар.

Монтмориллонит ёки бентонит. Фармацевтик амалийтда монтмориллонит ёки бентонитли гиллар кенг кўламда ишлатилади. Улар 1 қисм глинозем (кристалл панжарали структурага эга бўлган) ва 2 қисм кремнеземдан ташкил топган. Монтмориллонит мустаҳкамлиги паст бўлган, юқори ҳажм алмашишига эга бўлган аралаш боғлардан иборат. Минерал гиллар ўзига кўп миқдордаги сувни шимиш хоссаси билан эътиборлидир. Бу билан уларнинг ҳажми ҳам етарли даражада ортади. Масалан бентонитларнинг натрийли хиллари сув билан осон хўлланиб, бўкади. Натижада уларнинг ҳажми 15-18 мартача ортади. Ҳосил бўлган юмшоқ асос терига яхши суртилади ва терида яхши тарқалади, шунингдек кўпгина дори моддалари билан яхши келиша олади. Минерал гиллар шунингдек, кимёвий жиҳатдан индифферент, уларнинг таркибига ҳатто фаоллиги юқори бўлган моддалар калий перманганат, хлорамин ва бошқа моддаларни ҳам киритиш мумкин. Бентонитлар ва бошқа минерал гилларни фармацевтик амалийтда ишлатиш учун, дағал аралашмалар ва қумлардан юқори даражада тозаланган бўлиши лозим. Бу аввал минералларни ювиш, қўшимчаларни чўктириш ва қуритиш, бир вақтнинг ўзида стериллаш орқали амалга оширилади. Таркибидаги темир тузлари ёки бошқа

аралашмаларнинг миқдорига қараб, минерал гилларнинг ранги оч ёки тўқ рангли бўлиши мумкин. Бентонитли (монтмориллонитли) асоснинг энг оддий таркиби 13-20% минералнинг натрийли формаси, 10% глицерин ва 70-77% сувдан иборат.

Оқсил гели. Оқсил – аморф тузилишли кремний икки оксиди бўлиб, хорижий давлатларда айниқса Германияда аэросил номи билан машхур. Яна айрим мамлакатларда карузол, АҚШ ларида эса кэбосил номи билан юритилади. Оқсил (аэросил) оқ рангли, ғоваксиз аморф кукун бўлиб, деярли сферик тузилишли, заррачаларининг ўлчами 4 дан 40 мкм гача. Аэросил ўз сочиливчанлигини йўқотмаган ҳолда 15 дан 60% гача турли хил суюқликларни сақлаб қолиши мумкин. Унинг 10-12% сувли эритмаси кам қовушқоқликка эга бўлган суспензия бўлиб, эритмадаги аэросилнинг миқдорини 17% гача қўтариш билан унинг ярим қаттиқ, 20% гача қўтариш билан эса йирик-йирик бўлакли массасини олиш мумкин. Бироқ бу массаларни аралаштириш билан яна гомоген суртма асосини олиш мумкин бўлади. Шунингдек, аэросил яна бир қатор эритувчилар шунингдек, эфир мойлари билан ҳам худди шундай гелларни ҳосил қилиши мумкин. М.П.Алюшин ва М.М.Астрахановалар эсилон-аэросилли асосни таклиф қилдилар. Бу асос “Эсилон 5” ва 16% аэросилдан иборат. Бу юқори қовушқоқликка эга бўлган оқ рангли, тиниқ гел pH кўрсаткичи бўйича терининг pH кўрсаткичига яқин (7,0-5,0). Асос умуман заҳарли эмас, маҳаллий қитиқловчи таъсирга ҳам эга эмас, шунингдек таркибдаги дори моддалар билан яхши келиша олади. Аввал аэросил юқори фаолликка эга модда сифатида дори моддаларини ўзига адсорбциялаб, сўнг таркибидаги сувнинг ҳисобига дори моддаларини тўлалигича десорбциялаб, терапевтик самарадорликни намоён қиласди. Бу асос сақланиш давомида ҳар қандай ҳароратда ҳам қаватланиб қолмайди.

Эмульсион асослар.

Бу асослар дори моддаларини ҳам сувли, ҳам мойли фазада асос таркибига киришига имкон беради. Бу турдаги асослар ёрдамида аралаш типдаги суртмалар қолаверса, хал хил мураккаб таркибли суртмаларни ҳам тайёрлаш имконияти мавжуд.

Сувнинг мойдаги (с/м) эмульсияси типидаги асослар. Эмульсион суртмаларни с/м эмульсияси типидаги асосларда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонлари уларни тугалланган эмульсия ҳосил қилишида, яъни сувли фаза эмульгиранган ҳолатда ёки мойли фазада эмульгатор билан биргаликда эриш босқичида бўлади.

Эмульгаторлар.

Ярим валентли совунлар. Кўп валентли металл совунлар с/м типидаги юқори дисперс хоссали эмульсиялар ҳосил қилишга мойил бўлиб, дисперс фаза сифатида 70% гача сув чақлайди. Кўп валентли металл совунларнинг бу хоссаси кўплаб эмульсион суртма асослари бўйича олиб

борилган таджқиқотларда ўз исботини топган. Масалан 1-рақамли эмульгатор ўсимлик мойлари ва ёғ кислоталарини рухли совун билан ҳосил қилган комплекси ҳисобланади. Шунингдек, 2-рақамли эмульгаторда рухли совун ўрнига кальцийли совун ишлатилади. Ўсимлик мойнинг ўрнига елимли кислоталар (канифоль) ишлатилса 3-рақамли эмульгатор ҳосил бўлади.

Кўпроқ эмульсион суртма асосларини тайёрлашда ноионоген характерга эга бўлган эмульгаторлардан фойдаланилади. Бу мақсадда юқори молекуляр алифатик спиртлар ва уларнинг ҳосилалари, юқори молекуляр циклик спиртлар ва уларнинг ҳосилалари, шунингдек кўп атомли спиртлардан ҳосил бўлган эфирлар ишлатилиши мумкин.

Юқори молекулали спиртлар ва уларнинг ҳосилалари.

Спермацетни совунланишидан ҳосил бўлган қимматбаҳо суртма асослари: цетил спирти $C_{16}H_{33}OH$ стеарил (октадецил) спирти $C_{18}H_{37}OH$ ҳисобланади. Цетил спирти $50^{\circ}C$ ҳароратда, стеарил спирти эса $59^{\circ}C$ ҳароратда суюқланади. Ҳар иккиси ҳам жуда яхши эмульгатор ҳисобланиб, 50% гача сув сақлаган мухитларда 5-10% миқдорида с/м типидаги турғун эмульсияни ҳосил қила олади. Улар тиши ўткир йиртқич китни ёғидан (70-90%) олинади.

1951 йилда П.С.Угрюмова ва В.И.Федоровлар 15 қисм сульфат кислотаси эфирларининг натрийли тузи ва тиши ўткир йиртқич кит ёғидан олинган юқори молекуляр спиртлар қотишмасини 85 қисм тиши ўткир йиртқич кит ёғидан олинган эркин ёғ кислоталари (лаурин, миристин, олеин ва миристоолеин) билан биргалиқдаги эмульгаторини таклиф қилдилар. Бу эмульгатор расмий ҳисобланиб, у 10-20% ишлатилиши мумкин.

Косметик суртмаларни тайёрлашда КО эмульгаторидан фойдаланилади. Унинг таркиби юқори молекуляр спирт эфирларини (цетил спирти фракциялари билан тўйинтирилган) калийли тузи ва фосфор кислотасидан иборат.

Шунингдек, КО эмульгаторидан 30%, тиши ўткир йиртқич кит ёғидан олинган юқори молекуляр спиртдан 70% қўшиб тайёрланган эмульгатор эмульсион мум номи билан аталади. Бу қаттиқ бир жинсли масса бўлиб, ёрқин крем рангли, pH 5,8-7,0 га teng, ҳар хил ёғлар, мойлар ва углеводородлар билан яхши келишади, 5% эмульсион мум вазелин таркибидаги 28% сувни эмульгирлайди.

Юқори молекулали циклик спиртлар ва уларнинг ҳосилалари.

Таркибida циклик спирт сақлаган табиий маҳсулот бу ланолин. Унга ёғ ва углеводородлар қўшиш билан кўп миқдордаги сув ва спиртли суюқликларни ўзига абсорбция қилиб олувчи (эмульгирловчи) бир қатор эмульгаторлар синтез қилинди. Фақат бу бирикмаларни табиий ланолиндан (ёпишқоқлиги хиди ва б.) фарки, улар аллергик таъсирлар келтириб

чиқаргани учун улардан фақат ланолинни қайта ишлашда фойдаланила бошланди.

Гидролан – гидриланган ланолин бўлиб, юмшоқ шароитда (200°C ҳароратда, 150 атмосфера босим остида) гидриглаш орқали олинади. Натижада рангизлантирилган ва хидсизлантирилган, юқори эмульгирлаш хоссасини сақлаб қолган ланолин маҳсулоти олинади.

Толали мум спиртлари – ланолинни концентриланган ишқор эритмалари (сувли ёки спиртли) билан совунлаш орқали олинади. Бу усул билан спирт аралашмасида қўпроқ микдорда ҳолестеринни сақлаб қолиш мумкин бўлади. Унинг таркиби: 30% ҳолестеринлар (ҳолестеринга нисбатан), 25% тритерпенлар, 15% ациклик диоллар ва 25-30% бошқа ҳар хил турдаги моддалар. Хорижий давлатларда толали мум спиртларидан таркибидаги қўп микдорда сув сақлаган эмульсион асосларни синтез қилишда ишлатилади. Масалан мураккаб сувли суртма – *Unguentum aquosum compositum* Буюк Британия фармакопеясида келтирилган бўлиб (1963), уни тайёрлаш учун олдин 3 г толали мум спирти, 12 г парафин, 5 г вазелин ва 30 г вазелин мойидан иборат қотишина – *Unguentum alcoholum lanae* суртма асоси тайёрланиб, 50 мл сув билан аралаштирилади. ХФИТИ (1968) парафин ва церезинни ўрнига толали мум спиртидан фойдаланишини тавсия қилди. Чунки у кўпгина дори моддалари билан яхши келишади, сақланиш давомида турғун, уларга хеч қанда антиоксидантларни қўшишни хожати йўқ

Ҳолестерин – толали мум спиртининг асосий компоненти бўлиб, юқори эмульгирлаш хоссасига эга, шунингдек тери орқали яхши сўрилади. Уни чўчқа ёғига 10% микдорида қўшиш билан гидрофилловчи хоссасини 218% гача, вазеллин билан эса 235% гача ошириш мумкин.

Ацетилланган ланолин – ланилинни сирка ангидриди билан қайта ишлаш орқали олинади. Унинг когезион хоссаси (ёпишқоқлиги) жуда кичик, ёғнинг нохуш ҳидидан ҳоли, вазелин мойида яхши эрийди (10% гача). 1 дан 5% гача бўлган микдорда паст ҳароратда ҳам ўзининг суртмасимон консистенциясини сақлаб қолган ҳолда, турғун эмульсион хоссани номоён этади.

Полиоксиэтилланган ланолин – оксиэтиленни ланолин эфирининг оксигурухига бириктириш орқали олинади. Сувда эрийдиган ланолинни бугунги кунда 2 та маркаси мавжуд бўлиб, улар рН қиймати 8,0 тенг бўлган “Водлан-45” ва рН қиймати 7,1 тенг бўлган “Водлан-60”. Полиоксиэтилланган ланолин суюлтирилган этил спиртида эрийди, кремлар ишлаб чиқаришда ундан 3% гача фойдаланилса, юмшоқ суртма асосини ҳосил қиласи.

Глицеринни полимерланган ҳосилалари – қаттиқ эмульгаторлар Т-1 ва Т-2 билан тайёрланган суртма асослари бўлиб, улар қўпроқ маргарин ишлаб чиқаришда ишлатилади. Уларнинг типик вакили (Т-1), диглицеринни

стеарин кислотаси билан ҳосил қилган, тўлиқ бўлмаган, моно ва диэфирларининг аралашмаси бўлиб, Т-2 эса худди ўша дистеаратларнинг триглицериди ҳисобланади. Т-2 дан Е.Н.Кутумова (1956) асос сифатида фойдаланишни таклиф қилди. Унинг таркибини (30%) сув ва (6 қисм) вазелинни (1 қисм) эмульгатордаги қотишмаси билан ҳосил қилган эмульсияси ташкил қилиб, у оқ рангли, суртмасимон масса.

Спанлар – Spans сорбитанни юқори молекулали ёғ кислоталари билан ҳосил қилган тўлиқ бўлмаган эфири ҳисобланади. Сорбитан б атомли сорбитол спиртидан (сорбит) ҳосил бўлади. Шунингдек жараённинг айланишида тетрагидропиран бирикмалари билан биргаликда тетрагидрофуран тузилишлари ҳам ҳосил бўлади. Сорбитанни фуранли тузилиши дигдитратланиб, бициклик ангидрид – сорбит ҳосил бўлади, қайсики у ҳам ёғ кислоталари билан этерификацияланади. Сорбитанни ҳосил бўлишида иштирок этадиган кислотага қараб, спанлар турлича аталади, яъни спан – 20, спан – 40, спан – 60 ва бошқалар. Улар липофиль бирикмалар бўлиб, бироқ улар мойда кам, спирт, ацетон ва хлороформда яхши эрийди, с/м типидаги эмульсиясини ҳосил қиласди. Уларни ионланиш хоссаси бўлмаганлиги учун улардан суртмалар тайёрлашда ҳар турдаги дори моддаларидан кенг қамровли тарзда фойдаланиш мумкин.

Пентол – тўрт атомли пентаэритрит спирти ва олеин кислотасининг ҳосил қилган моно – (19%), ди – (55% дан кўп) ва тетраэфирли (17%) аралашмаси бўлиб, БИФИТИ синтетик ва табиий хушбўй моддаларни синтез қилиш бўлимида синтез қилинган. Уни фармацияда биринчи бўлиб В.М.Грецкий (1964) суртмалар технологиясида қўллади. Вазелинни 5% пентол билан ҳосил қилган турғун, юқори дисперсликка эга с/м типидаги эмульсион тизими 50-60% сув билан, хеч қандай қўшимча таъсирларсиз юқори фаолликни номоён қиласди. Асос сақланиш давомида, музлатилганда ва қиздирилганда жуда турғун.

Қанд-мойлар - саҳарозанинг юқори молекулали ёғ кислоталари билан ҳосил қилган нотўлиқ мураккаб эфирлари бўлиб, уларни олишда бошлангич материал бўлиб, саҳароза ва индивидуал ёғ кислоталари (стеарин, пальмитин, лаурин ва бошқалар) ёки кокос, пальма ва бошқа ўсимлик мойларининг аралашмалари ҳизмат қиласди. Саҳарозанинг молекуласида саккизта ОН гурухи бўлганлиги учун, уни этерификация қилиш ҳисобига турли хил сирт фаолликка эга бўлган моддаларни синтез қилиш мумкин бўлади. Қанд-мойлар ўз хоссалари бўйича СФМ бўлиб, Ф.А.Жогло саҳарозадан бир қатор моно ва диэфирларини синтез қилди ва уларни суртмалар технологиясида эмульгатор сифатида фойдаланишга тавсия этди. Унинг таклифига кўра пальмитин ва стеарин кислоталарининг диэфирларининг 2% миқдори, вазелин мойи (47%), сув (45%), метилцеллюлоза (1%) ва церезин (5%) билан с/м типидаги эмульсияни ҳосил қилишда мустаҳкам консистенцияни пайдо қиласди (ГЛБ-7). Метилцеллюлоза ва церезин бу ерда сувни ўзига шимиб олевчи, қуритувчи

вазифасини ўтайди. Салицил кислотаси, сульфацил натрий каби бир қатор моддалардан суртма тайёрлашда ушбу эмульгатор вазелин-ланолинли асосларга нисбатан бир қанча афзалликларни номоён этган. Қанд-мой тоза ҳолатда ҳидсиз, таъмсиз ва рангиз кристалл бўлиб, 100⁰C ҳароратга турғун, лекин 120⁰C ҳароратда парчаланади. Организмда ёғ кислоталари, глюкоза ва фруктозага парчаланади. Терига хеч қандай аллергик ва сенсибилизацияловчи таъсир кўрсатмайди, pH кўрсаткичи ва сув балансининг доимийлигини таъминлайди.

Мойни сувдаги эмульсиясини ҳосил қилувчи эмульсион асослар.

Бу мақсадда ҳам ионоген, ҳам ноионоген СФМ фойдаланилади. Анионфаол эмульгаторлар совун ва алкилсульфатлар бўлиши мумкин.

Ишқорий металллар билан ҳосил қилинган совунлар – ёғ кислоталарини натрийли, калийли ва аммонийли тузлари ҳисобланаб, улар ўсимлик ва гидрогенланган ёғларни яхши эмульгирлайди.

Триэтаноламин билан ҳосил қилинган совунлар - ўзларининг анионлари билан мойли фазанинг юза адсорбцион қаватини ҳосил қилиши ҳисобига эмульсион асосларни турғунлаштириш хусусиятига эга.

Алкилсульфатлар – юқори спиртларни сульфат кислотаси билан ҳосил қилган эфиirlари ҳисобланаб $\text{CH}_3(\text{CH}_2)_n$ ва OSO_3X , бу бирикмада OSO_3X асосий грух ҳисобланади. Уларнинг алкил занжири 9-18 углерод атомини сақлаши мумкин. Энг кўп ишлатиладиган алкилсульфат м/с типидаги эмульсияларни турғунлигини таъминловчи унинг натрийли тузидир. $\text{CH}_3(\text{H}_2)_{10}\text{CH}_2-\text{O}-\text{SO}_3\text{Na}$ натрийлаурилсульфат (Техарон Z); $\text{CH}_3(\text{H}_2)_{14}\text{CH}_2-\text{O}-\text{SO}_3\text{Na}$ натрийлаурилсульфат Lanett E; $\text{CH}_3(\text{H}_2)_{16}\text{CH}_2-\text{O}-\text{SO}_3\text{Na}$ натрийстеарилсульфат. Натрийлаурилсульфат 1965 йилда АҚШ фармакопеясининг таркибиға киритилган.

Алкилсульфатлар қаторида м/с типли эмульсиялари учун эмульгатор сифатида бир қатор натрийцетилсульфонатлар $\text{CH}_3(\text{H}_2)_{14}\text{CH}_2-\text{SO}_3\text{Na}$ ҳам ишлатилиши мумкин.

Фармацевтик амалиётда м/с типли эмульсияларини турғунлигини таъминлаш учун кўпроқ ноионоген эмульгаторлар ишлатилади. Улар гидрофил ҳоссаси ҳисобига кескин оксиэтилланиш жараёнини кучайтиради. 10-20 ва ундан ортиқ окиэтилланган звеноларни киритилиши СФМ сувда тўлиқ ва осон эришини таъминлайди.

Твинлар (Tweens) – кўпикларни этилен оксид билан катализатор сифатида натрий ишқоридан фойдаланган ҳолда қайта ишлаш орқали олинади. Этерификация жараёни эркин гидроксил ўринлари ҳисобига кетади.

Этерификация жараёнида иштирок этаётган күпикларга боғлиқ равища шунингдек, этилен оксидини полимеризация даражасига қараб, твинлар турлича бўлади.

Фармацевтик амалиётда ишлатиладиган твинлар

| т/р | Сотувдаги номи | Кимёвий таркиби | ГЛБ (±) | n | Консистенцияси |
|------------|-----------------------|---|----------------|----------|-----------------------|
| 1. | Твин – 20 | Полиоксиэтилен-(20)-сорбитанмонолаурат | 16,7 | 6 | Суюқ |
| 2. | Твин – 40 | Полиоксиэтилен-(20)-сорбитанмонопальмитат | 15,6 | 6 | Суюқ |
| 3. | Твин – 60 | Полиоксиэтилен-(20)-сорбитанмоностеарат | 14,9 | 6 | Суюқ |
| 4. | Твин – 61 | Полиоксиэтилен-(4)-сорбитанмоностеарат | 9,6 | 2 | Қаттиқ |
| 5. | Твин – 65 | Полиоксиэтилен-(20)-сорбитантристеарат | 10,5 | 6 | Қаттиқ |
| 6. | Твин – 80 | Полиоксиэтилен-(20)-сорбитанмоноолеат | 15,0 | 6 | Суюқ |
| 7. | Твин – 81 | Полиоксиэтилен-(5)-сорбитанмоноолеат | 10,0 | 2 | Суюқ |
| 8. | Твин – 85 | Полиоксиэтилен-(20)-сорбитантриолеат | 11,0 | 6 | Суюқ |

Твинлар сувда ва органик эритувчиларда яхши эрийди.

Мири эмульгаторлари (Myri) – полиоксиэтиленгликол ва юқори ёғ кислоталарини мураккаб эфирлари ҳисобланади.

Брии эмульгаторлари (Brij) – полиэтиленгликол ва юқори спиртлар ва шерст мумли спиртларни мураккаб эфиридир.

4.3. Суртмаларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш

Фармацевтик ишлаб чиқаришда сувда ёки асосда эрийдиган ёки эримайдиган аралаш типли суртмаларни ишлаб чиқариш тез-тез учраб туради. Шундай экан бундай ҳолатларда суртмалар ишлаб чиқариш технологияси ва ишлатиладиган асбоб-ускуналарни тўғри танлаш лозим бўлади. Суртмаларни корхона шароитида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонлари, уларни тайёрлашда, меъёрий техник хужжатлар томонидан белгиланган, камида 2 йиллик сақланиш муддатидаги турғунлигини таъминловчи алоҳида цехларда, мураккаб технологик жараён ва асбоб-ускуналарни тўғри танлашдадир.

Суртмаларни ишлаб чиқариш технологиясида қуйидагилар асосий омил бўлиб ҳизмат қиласди:

- дори моддасининг дисперслик даражаси;
- дори моддасини асос таркибига киритиш усули;
- вақт;
- таркиби кирган компонентлар шунингдек, аралаштириш тартиби ва тезлиги,
- ҳарорат режими ва бошқалар.

Бу омиллар суртмаларнинг консистенцияси, реологик хоссалари, бир хиллиги, сақланиш давомидаги турғунлиги ва фармакотерапевтик самараадорилигига бевосита таъсир кўрсатади.

Кимё-фармацевтика корхоналарида суртмаларни ишлаб чиқариш қуйидаги асосий жараёнлардан иборат бўлади:

- ишлаб чиқаришни санитар қайта ишлаш,
- хом ашё ва материалларни тайёрлаш (дори моддаси, асос, қадоқловчи материал, идишлар ва бошқ),
- дори моддасини асос таркибига киритиш,
- суртмаларни гомогенизациялаш,
- тайёр маҳсулотни стандартлаш,
- тайёр маҳсулотни қадоқлаш, ўраш ва жиҳозлаш.

Бу жараёнлардан ташқари суртмаларни муракқаб таркибли технологияларида яна бошқа қўшимча жараёнлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин шунга қарамай бутун содир бўладиган технологик жараён бошидан-охиригача қаттиқ назоратга олинади.

“Ишлаб чиқаришни қайта ишлаш” жараёни ходимларни соғлиқларини сақлаш, самарали меҳнат қилиш шарт-шароитини яратиш, тайёр маҳсулотни сақлаш, ташиб давомида микробларга нисбатан турғунлигини таъминлашга қаратлигандир.

Асосни тайёрлаш жараёни асосни эритиш ва механик аралашмалардан тозалаш учун фильтрлашдан иборат. Асоснинг таркибий қисмлари (вазелин, ланолин, мум, эмульгатор №1, 2, эмульсион мум, полиэтиленоксид 1500 ва бошқалар) ЭК-40, ЭК-60, ЭК-125, ЭК-250 маркали ёки ПК-125 ва ПК-250 пар кўйлакли электр қозонларида эритилади. Улар тузилишига кўра цилиндр ёки сферик кўринишда бўлиши мумкин. Эриган асослар қозоннинг жўмраги орқали қуйиб олинади. Электр қозонлар мисдан ёки пўлатдан тайёрланиб, ички юзаси қалай ёки эмал билан қопланган бўлади. Бу қозонлар ишлаб чиқариш учун ёрдамчи асбоб-ускуналар ҳисобланади. Эритилган асос иссиқ ҳолатда ўтказувчи трубалар орқали суртма тайёрловчи реакторларга ўтказилади. Бу реакторларда асос ва дори моддасининг яхши аралашини таъминлаш учун турли хилдаги насос қурилмаларидан фойдаланилади. Юқори қовушқоқликка эга бўлган эритмаларни аралаштиришда шерстериали насослардан фойдаланилади.

Дори моддасини асос таркибига киритиш, агар дори моддаси суртма таркибига суспензия ҳолида киритиладиган бўлса, дори моддасини майдалаш ва элаш, агар эмульсия ҳолатида киритиладиган бўлса, дори моддасини сувда эритиш ёки суртма асосининг компонентларида эритиш орқали амалга оширилади. Агар суртма аралаш типли суртма тайёрлаш технологияси билан тайёрланса, юқоридаги ҳар икки жараён ҳам амалга оширилади.

Дори моддаси билан асосни ўзаро бир-бири билан аралаштиришда якорли, грабелли ёки планетарли яралаштиргичлардан фойдаланилади. Шунингдек, ТММ-1М маркали ҳамир аралаштиргичдан суртма тайёрлашда асос ва дори моддасини аралаштириш учун фойдаланилади.

Англияning “А.Джонсон и К°” фирмаси “Юнитрон” номи билан универсал аралаштиргични таклиф этган.

Бу аралаштиргичлар ёрдамида ҳар доим ҳам бир хил тақсимланган суртмаларни олиш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам, суртма тайёрлашда дори ва ёрдамчи моддалар олдинда дискли, валли ва тошли мазотёркаларда аралаштириб олинади.

Дискли мазотёрка иккита дискдан ташкил топган бўлиб, улар бир-бир билан ўъзаро устма-уст кўринишда, горизонтал тарзда жойлашган. Пастки диск айланувчан, юқориги диск эса суртмани узатиб терувчи воронкага махкамланган бўлиб, улар ҳаракатланмайди. Воронкага аралаштиргич ёки қистиргич ўрнатилган бўлиб, улар суртмани диск юзасига суртилиш давомийлигини таъминлайди. Дискли мазатёркани ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 50-60 кг га тенг.

Валли мазотёрка иккита ёки учта параллел ёки горизонтал жойлашган айланувчи юпқа юзали валдан иборат. Улар форфор, вулқонлардан чиқкан қаттиқ шишиасимон тоф жинси, ёки металлдан ташкил топган. Суртмаларга оптимал ҳароратни яратиш учун валнинг ички қисмига трубалар орқали иссиқ сув юборилади. Валлар ҳар хил айланиш тезлигига ҳаракат қиласи (6,5 – 16 ва 38 ай/дақ.) Вал жараён ниҳоясида тебранма ҳаракат қиласи. Валларнинг айланиш тезликлари маҳсус шестерна орқали бошқариб турилади.

Майдалаш жараёни учта асосий жараёндан иборат:

- қаттиқ заррачаларни валлар орасида уриш ёки сиқиш жараёни,
- янчиш орқали доимий куч давомийлигига, вални катта айланиш тезлигига эзиз, майдалаш жараёни;
- учинчи вални ўз ўқи атрофида айланиши ҳисобига валлар орасидаги бўшлиқни кенгайиб торайишини таъминлаш жараёни,

Бу мазотёрка ҳимоя қурилмасига эга бўлиб, валлар орасига бирон бир жисм ташқаридан тушганда у автоматик тарзда тўхтайди. Унинг ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 50 кг ни ташкил қиласи.

Аморф моддалардан суртмалар тайёрлашда (олтингугут, рух оксиidi, крахмал ва бошқ.) РПА қурилмасидан фойдаланилади. Бунда юқоридаги дори моддасини олдиндан майдалаш жараёни бажарилмайди. Мустаҳкам кристалл панжарадан ташкил топган дори моддаларидан суртмалар тайёрлашда (борат кислотаси, стрептоцид), улар олдиндан қисман майдаланиб сўнг, РПА қурилмасига солинади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам бу қурилма орқали суртмаларни тайёрлашда вакт, электр энергияси сезиларли тарзда тежалади. Шунингдек, суртмаларни анъанавий усул бўйича тайёрлашга нисбатан ёрдамчи моддалар миқдори анча камаяди.

Суртмаларни тайёрлаш жараёни даврий ёки узлуксиз бўлиши мумкин. Даврий жараён кўп босқичли бўлиб, у асбоб-ускуналарнинг сони ва ишлаш кетма-кетлигига боғлиқ.

Корхона шароитида суртмаларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш

Суртмалар ишлаб чиқаришни хозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, суртмаларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, янги техник асбоб-ускуна ва аппаратларни фармацевтик ишлаб чиқариш амалиётига олиб киришни тақозо этади. XX аср охирларига келиб суртмалар номенклатуроси 20-30% га ортди.

Эндиликда, стероид гормонал препаратлар, антибиотиклар ва қсимлик экстрактларидан суртмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Вирусли инфекциялар, рак касалликлари ва юрак қон томир касалликларини, шунингдек марказий нерв сисистемаси ва бошқа касалликларни даволаш ва олдини олишга қаратилган суртмаларнинг янги-янги таркиблари ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш борасида тадқиқотлар давом этмоқда.

Суртмаларнинг максимал даражада терапевтик самарадорлигини сақлаб қола оладиган ёрдамчи моддаларни синтез қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада биринчи ўринда юкори молекуляр бирикмалар, шунингдек мономер синтетик моддалар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ёрдамчи моддаларни тўғри танланиши суртмалар, линиментлар ва пасталарни -50C дан +40C гача бўлган ҳароратга чидамли бўлишини таъминламоқда. Суртмаларнинг фармакокинетик фаоллигига дори моддасининг дисперсли даражаси, танланган асоснинг табиати, таркибидаги сирт фаол модданинг миқдори ва кўпик ҳосил қилувчиларнинг (пенетратов) тўғри таъсир қилиши тажрибалар орқали исботланган.

Трансдермал тизимлар сақловчи суртмалар технологиясини ишлаб чиқиши, ҳозиргача суртмалар технологиясида долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Шунингдек, куруқ асослар ёрдамида куруқ суртмалар технологиясини ишлаб чиқариш ҳам суртмалар ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Яна касб касалликларида аллергенлар

фаолиятини тұхтатадиган ёки йүк қиласынан селектив моддалардан суртмалар технологиясина ишлаб чиқиши масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Суртмалардан фойдаланиб организмни вакцинация қилиш ҳам мумкин (диагностик суртмалар). Францияда оспага қарши суртма дори орқали вакцинация қилиш патентланган бўлиб, у ўз таркибида лиофилизацияланган вирусни, юўори қовушқоқликка эга бўлган силиконли мойдаги дисперсиясини сақлайди. Туберкулин суртмаси ёрдамида касални перкуссия қилиб (бармоқ билан уриб) ташхис қўйиш мумкин бўлади. Ана шунда суртма суртилган майдонда уч хил даражадаги реакцияни кузатиш орқали туберкулёзга ташхис қўйилади.

Суртма қўринишидаги дори шакллари, бошқа турдаги дори шаклларига нисбатан самаралироқ таъсир кўрсатади. Масалан ректал суртма қўринишида организмга киритилган тетурам, кукун ҳолида, оғиз орқали қабул қилинган тетурамга нисбатан 2 марта тез қонга сўрилади. Шунингдек, кўзнинг ички босимини оширишда ишлатиладиган 1% ли фетанол-пилокарпин суртмаси унинг 3-5% ли эритмаларига нисбатан самаралироқ.

Шундай бўлсада, суртмаларни бир қатор физик-кимёвий ва биологик тизимлар ҳамда микроорганизмлар билан мос келмаслиги ечимини топмаган масала бўлиб қолмоқда.

Йирингли яралар, жарроҳлик инфекциялари, аутодермопластик касалликларда ишлатиладиган суртмали боғламларни ишлаб чиқариш сурталар технологиясида долзарб масалалардан биридир. Бундай боғламлар гигиеник бўлиб, яралардаги эксудатларни тез ва тўлиқ бартараф этишга ёрдам беради.

“Красная звезда” номидаги Ҳарьков кимё фармацевтика ишлаб чиқариш корхонасида, этиленгликолнниг полимеризация ҳосилалари – суюқ ва қаттиқ полиэтиленоксидлар синтез қилинган бўлиб, улар суртмалар, суспезиялар, шамчалар ва пасталар технологиясида кенг кўламда ишлатиш мумкин бўлган гидрофиль асос компонентлари сувсиз эритмалар ва солюбилизаторлардан иборат.

Украина ишлаб чиқариш саноатини ривржалантириш ва тўғри ташкил қилиш учун, полидиэтил ва полидиметилсилоксанли эритмалар, кремнийнинг органик бирикмалари, фтал кислотаси ва юқори молекулали ёғ спиртлари, шунингдек оксиэтилланган ҳосилаларидан, суртмалар технологиясида, гидрофоб асос сифатида фойдаланишга рухсат этилган.

Саноатда суртмалар ишлаб чиқариш маълум бир мақсад учун мўлжалланган, аниқ бир суртма учун тайёрланган регламент асосида, қуйидаги тартибда олиб борилади:

Ишлаб чиқариш сўнгидаги ҳосил бўладиган тайёр маҳсулотининг тавсифи

Бунда қуидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- дори воситасини ўзбек, рус ва лотин тилларидаги номланиши;
- ишлаб чиқарувчи корхона номи;
- дори воситасининг фармакопея мақоласини регистрация рақами;
- ишлатилиши;
- ташқи кўриниши;
- эрувчанлиги;
- суюқланиш ҳарорати;
- ишқорий ёки кислоталилиги;
- кислота сони;
- қадоқ ичидаги масса;
- микробиологик тозалик;
- қадоқлаш;
- ёрлиқлаш;
- ташиш;
- сақлаш;
- яроқлилик муддати

Ишлаб чиқаришнинг кимёвий чизмаси

Суртмаларни саноат миёсида ишлаб чиқаришда аксарият ҳолатларда бу бўлим бўш қолади.

Корхона шароитида суртмаларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

Суртмалар ишлаб чиқаришни хозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, суртмаларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, янги техник асбоб-ускуна ва аппаратларни фармацевтик ишлаб чиқариш амалиётига олиб киришни тақозо этади. XX аср охирларига келиб суртмалар номенклатураси 20-30% га ортди.

Эндиликда, стероид гормонал препаратлар, антибиотиклар ва қсимлик экстрактларидан суртмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Вирусли инфекциялар, рак касалликлари ва юрак қон томир касалликларини, шунингдек марказий нерв системаси ва бошқа касалликларни даволаш ва олдини олишга қаратилган суртмаларнинг янги-янги таркиблари ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш борасида тадқиқотлар давом этмоқда.

Суртмаларнинг максимал даражада терапевтик самарадорлигини сақлаб қола оладиган ёрдамчи моддаларни синтез қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада биринчи ўринда юкори молекуляр бирикмалар, шунингдек мономер синтетик моддалар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ёрдамчи моддаларни тўғри танланиши суртмалар, линиментлар ва пасталарни -50C дан +40C гача бўлган ҳароратга чидамли

бўлишини таъминламоқда. Суртмаларнинг фармакокинетик фаоллигига дори моддасининг дисперсли даражаси, танланган асоснинг табиати, таркибидаги сирт фаол модданинг миқдори ва кўпик хосил қилувчиларнинг (пенетратов) тўғри таъсир қилиши тажрибалар орқали исботланган.

4.4. Шамчалар ва уларни яратилиш цикли

Шамчалар (лотинча – *suppositoria* сўзидан олинган бўлиб, подставлять, подкладывать деган маъноларни) дори моддаси ва шамча асосидан ташкил топган қаттиқ дори шакли бўлиб, эрамиздан олдинги 2600 йилдан бошлаб, Миср ва Месопатия халқлари томонидан ўсимлик ва хайвон ёғларидан шунингдек, асал, ўсимлик, шарбатлари ва мумлардан шамча сифатида фойдаланиб келинганлиги хақидаги маълумотлар қадимий ёзувларда ўз аксини топган.

Шамчалар хона ҳароратида қаттиқ, тана ҳароратида суюқланувчи ёки эрувчи, таркибида бир ёки икки, баъзан ундан кўп дори моддаси ва ёрдамчи моддалар сақлаган, дозаларга бўлинган дори шакли бўлиб, асосан тананинг бўшлиқларига қўллаш учун мўлжалланган.

Шамчалар ишлатилишига қараб таснифланиши:

- ректал шамчалар (*Suppositoria rectalia*) тўғри ичак учун мўлжалланган;
- вагинал шамчалар (*Suppositoria vaginalia*) бўшлиқларга ишлатиш учун мўлжалланган;
- таёқчалар (*Bacilli*) сийдик чиқариш йўллари, бачадон бўйин каналлари ва бошқа яралар оқибатида пайдо бўлган танадаги тешик-йўлларга қўллаш учун мўлжалланган.

Таъсир қилиш механизмига кўра шамчалар махаллий (локал) ва резорбтив (тизимли) таъсирга эга бўлган шамчаларга бўлинади.

Кейинги йилларда шамчаларни корхона шароитида ишлаб чиқарилиш кўлами бошқа дори шаклларига қараганда бир мунча ортди. Сабаби бу дори шаклини оғиз орқали қабул қилинадиган дори шаклларига қараганда фармакологик таъсирини тезроқ юзага чиқиши яъни тўғри ичак орқали дори шакли таркибидан дори моддасини тезроқ сўрилиш ва қон таркибига ўтишидадир. Бу дори шаклининг таъсир қилиш тезлиги инъекцион дори шаклининг сўриши тезлигига яқинлашмоқда. Шунингдек, оғиз орқали қабул қилинадиган дори шаклларига ўхшаб, ошқозон ичак трактида ва жигарда хеч қандай ферментатив таъсирларга учрамаслиги бу дори шаклининг асосий ютуғидир.

Ректал дори шаклларининг диаметри 1,5 см гача бўлиб, шакли конус, цилиндр, торпедо ёки сигаретсимон, битта шамчанинг ўртача оғирлиги 1,1 г

дан 4 г гача бўлади. Узунлиги эса 2,5 см дан 4 см гача, шунингдек болалар учун мўлжалланган шамчаларнинг ўртacha оғирилиги 0,5-1,5 г оралифида бўлади.

Вагинал шамчалар сферик (globuli), тухумсимон (ovula) ва тилсимон (pessaria) бўлиб, битта вагинал шамчаларнинг ўртacha оғирилиги 1,5-6 г оралифида бўлади.

Таёқчалар ўткир учли, цилиндрический шаклли бўлиб, унинг диаметир 2-5 мм, узунлиги эса 10 см гача бўлиши мумкин.

Шамчалар физик-кимёвий тузилиши жиҳатидан дисперс тизимли бўлиб, диспер мухит (асос) ва дисперс фаза (дори моддаси) дан иборат. Дори моддасининг физик-кимёвий хусусиятларига кўра шамчалар хар хил дисперс тизимларни хосил қилиши мумкин.

Агар дори моддаси асосда эриса гомоген тизимли, агар эримаса гетероген тизимли (эмульсион ёки суспензион) шамчалар хосил бўлади.


Шамчаларни корхона шароитида ишлаб чиқариш технологиясида асосларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- хона ҳароратида етарли қаттиқликка эга бўлиши керак;
- эриш ва суюқланиш ҳарорати тана ҳароратига яқин бўлиши керак;
- тўғри ичак шиллиқ қаватини қитиқламаслиги, шунингдек бошқа ноқулай холатларни келтириб чиқармаслиги, умуман инсон организми учун физиологик индефферент бўлиши лозим;
- дори моддасининг дори шакли таркибидан ажralиб чиқишига ва терапевтик самарадорлигига тўсқинлик қилмаслиги керак;
- дори моддаси билан шамча массаси таркибида тўғри мносабатда бўла олиши лозим.

Технологик жараён учун асослар қўйидаги афзалликларга эга бўлиши даркор:

- шамчаларни ишлаб чиқариш ва сақлаш жараёнида кимёвий ва физик турғунликка эга бўлиши;
- биз хоҳлаган шаклга осон кира олиши, сақланиш ва қўллаш жараёнида етарлича қаттиқликни сақлай олиши;
- керакли миқдордаги эритмаларни этарлича эмульгиrlай олиши;
- этарлича пластик, қовушқоқлик, деформация вақти ва структура-механик хоссасига эга бўлиши лозим.

Шамчалар технологиясида шлатиладиган асослар



Липофил асослар. XI ДФ бүйича липофиль асос сифатида какао мойи, унинг парафин билан биргаликдаги қотишмалари ва гидрогенизация қилинган мойлар, қаттиқ мой, ланоль, гидрогенизация қилинган мойларни мумлар билан биргаликдаги қотишмалари, шунингдек қаттиқ парафиндан фойдаланиш мумкин.

Липофил асосларга қуидаги талаблар қўйилган;

- тўғри ичакда осон эриши керак;
- суюқланиш ҳарорати 37°C дан ортмаслиги лозим;
- етарлича қаттиқликка ва суюқланиш ҳароратида унча катта бўлмаган интервалга эга бўлиши керак;
- етарли қовушқоқликка эга бўлиши лозим;
- суюқликни яхши ютиши керак;
- сақлаш давомида турғун бўлмоғи лозим.

Какао мойи триглицеридлар аралашмасидан иборат бўлиб, таркибида тристеарин, трипальметин, триолеин, трилаурин, триарахин сақлайди. Суюқланиш ҳарорати 36°C , 10°C дан юқори ҳароратда сақланиши натижасида $23\text{-}24^{\circ}\text{C}$ да суюқланиш ҳароратига эга бўлган модификацияга айланади. Шунингдек унинг таркибидаги олеин кислотасининг миқдорини ортиши билан (30% ва ундан юқори) унинг эритмаларни эмульгирлаш хаоссаси пасаяди.

Какао мойининг тузилиш-механик хоссаларини яхшилаш ва ўз таркибидан дори моддасини осон ажralишини таъминлаш учун унинг

таркибиға лецитин, оқ мум, крахмал, микрокристаллик целлюлоза, аэросил ва пальма мойи құшилади.

Гидрогенланган мойлар. Бу мойлар хоссалари билан какао мойига яқин турсада бир қанча камчиликтарга эга. 1934 йилда А.Г.Босин гидрогенланган мойларни парафин билан биргалиқдаги қотишмаси – бутиrolни шамча асоси сифатида фойдаланишни таклиф этди. Шунингдек бугунги кунда какао мойининг ўрнини босувчи гидрогенланган мойларни хар хил мойсимон моддалар билан хосил қылган қотишмалари, эмульгаторлар ёки углеводород махсулотларидан шамчаларни корхона шароитида ишлаб чиқаришда кенг құламда фойдаланилмоқда.

Мисол тарикасида Нижнийновгород кимё фармацевтика ишлаб чиқариш корхонасида шамча тайёрлашда ишлатилаёттан бир нечта асосни келтиришимиз мүмкін.

Бириңчи асос. Таркибіда 30% какао мойи, 49-60% гидрогенланган қунгабоқар мойи ва 10-21% парафин.

Иккінчи асос. Таркибіда 60-80% ланоль (фталь кислотасининг юқори молекулали спиртлар билан хосил қылган мураккаб эфири), 10-20% кулнария мойи ва 10-20% парафин.

Корхона шароитида шамчаларни ишлаб чиқаришда асосий эътибор пальмаядроси ёки пластификацияланган саломас асосидаги қаттық қандолатчилик мойларидан фойдаланишга қаратилған. Бу асослар майда кристаллик тузилишга эга бўлиб, улар какао мойи ва бошқа шамча асосларига қараганда эриш хароратида қисқа интервалга эга. Бундай қотишмаларнинг суюқланиш ҳароратини ошириш мақсадида уларга мум, парафин, озокерит ва спермацетлар қўшилади. Ланолин, лецитин, холестеринлар эса эритмаларни эмульгирлаш учун қўшилади.

Ёғли ва ёғга ўхшаш асослар ўзига хос қовушқоқлик ва пластикликка эга бўлганлиги учун улардан фойдаланишга қараб шамчаларнинг тури ва тайёрланиш технологияси танланади.

Витепсол – (имхаузен. Герматния) чет элларда ишлаб чиқарилаёттан асос бўлиб, у ўз таркибидан лаурин ва стеарин кислоталарининг триглицеридларини, эмульгатор сифатида эса лаурин кислотасининг моноглицеридли эфирини саклайди. Суюқланиш ҳарорати $33,5-35,5^{\circ}\text{C}$. Асосни деформация вақти 15 дақиқа. Витепсолни физик-кимёвий хоссалари бўйича фарқланувчи H, V, S ва E турлари мавжуд.

Эстаринум – чет элларда ишлаб чиқарилаёттан асос бўлиб, физик-кимёвий жиҳати бўйича фарқ қилувчи бир нечта модификациялардан

иборат. Кимёвий жиҳатдан бу асос тўйинган ёғ кислоталарининг моно-, ди- ва триглицеридларири.

Лазупол – бу ҳам чет элларда ишлаб чиқарилаётган асос. Таркибида юқори молекулали спиртларни фтал кислотаси билан хосил қилган эфириларини сақлайди (масалан, цетил ёки стеарил). Лазуполни суюқланиши ҳарорати бир биридан фарқ қиласиган бир қанча модификациялари ҳам мавжуд бўлиб, улар сувли эритмаларни яхши эмульгирилаш хоссасига эга.

Гидрофиль асослар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- шиллиқ қават секреция безларда тез ва тўлиқ эриши;
- шиллиқ қаватни қитиқламаслиги;
- гидрофоб хоссага эга бўлган дори моддалари билан яхши аралashiши;
- кимёвий ва фармакологик нуктаи назардан индифферент бўлиши лозим.

Гидрофиль асосларнинг аксариятини этиленоксид ва сувнинг полимер конденсатлари - полиэтиленгликоллар ташкил этади. Бугунги кунда полиэтиленгликолларнинг молекуляр массасига қараб қуйидаги турлари мавжуд: ПЭГ-400, 1500, 2000, 4000 ва 6000. Чет элларда полиэтиленгликол асосида синтез қилинган қуйидаги асослар шамчалар технолгиясида кенг кўламда ишлатилиб келинмоқда: “Карбовакс” (США), “Скурол” (Франция), “Постонал”, “Суппофарм” (Германия).

Желатин глицеринли ва совун глицеринли асослар. Бу асослар гарчанд ДФ таркибида киритилган бўлсада, улар шамчаларни корхона шароитида ишлаб чиқаришда камдан кам холатларда ишлатилади.

Шамча асослари етарли тузилиш-механик хоссаларга эга бўлиши учун уларнинг таркибида алюминий стеарат, магний стеарат ва бошқа ёғ кислоталарининг тузлари, шунингдек твинлар, Т-2, №1 эмульгаторлар, бентонит, глюкоза, крахмал ва аэросил қўшилади.

Корхона шароитида шамчалар керакли тузилиш ва ўлчамга эга бўлган қолипларга қўиши ва пресслаш усуслари орқали тайёрланади (кўпроқ қўиши усулида). Бунинг учун қўиши усулида шамча тайёрлаш учун зарур бўлган бино, асбоб-ускуна ва персоналлар санитария гигиеник қоидаларга риоя қилинган холда тозаланади ва қайта ишланади. Асос $60-70^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 40 дақика давомида ректорда яхшилаш аралаштирилиб, латун тўр ёки белътингдан иборат друк фильтр орқали фильтрланади. Сўнг суюқланиш ҳарорати ва тўлиқ деформация вақти аниқланиб, сиқилган хаво ёрдамида реакторга ўтказилади.

Сувда эрийдиган дори моддаларидан шамча тайёрлашда дори моддаси сувли эритма кўринишида, ёғда эрийдиган дори моддаларидан шамчалар тайёрлашда дори моддаларининг ёғдаги эритмалари, сувда ҳам

ёғда ҳам эримайдиган дори моддаларидан шамчалар тайёрлашда эса дори моддалари суспензия қўринишида асос таркибига киритилади. Бу сувли, ёғли эритмалар ёки суспензиялар шартли равишда концентратлар деб аталади.

Сувда эрийдиган моддалардан шамчалар тайёрлашда 45°C ҳароратгача қиздирилган сувда дори моддаси эритилса, ёғда эрийдиган моддалардан шамчалар тайёрлашда эса суюқ холатгача суюлтирилган ёғларда дори моддалари эритилади. Хосил бўлган концентратлар бязъ фильтри орқали фильтранади ва асос билан аралаштирилади.

Сувда ҳам, ёғда ҳам эримайдиган дори моддаларидан шамчалар тайёрлашда олдиндан майдалангандори моддаси реакторда 1:1 нисбатдаги, $40\text{-}50^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача қиздирилган асос билан яхшилаб аралаштирилади ва коллоид тегирмонда туулади. Термолябил моддалардан шамча тайёрлашда эса учваликли мазатеркадан фойдаланилади. Шунингдек, сифатли суспензия олиш учун роторли-пульсацион аппарат ёки тишли-ротацион насосдан фойдаланилади. Бу жараён 2-4 соат давом этиши мумкин.

Тайёр бўлган концентрат насос ёрдамида, капрон сеткали шланг орқали якорли аралаштиргичга эга реакторга ўтказилади ва асос билан яхшилаб аралаштирилади. Шамча массасини тайёрлаш жараёни доимий равишда аралаштирилган холда, $45\text{-}50^{\circ}\text{C}$ ҳароратда олиб борилади. Тайёр массанинг сифат кўрсаткичлари яъни таркибдаги компонентларнинг бир хилда аралашганлиги, қотиш ва суюқланиш ҳарорати ва тўлиқ деформация вақтлари ўрганилиб, ижобий натижаларга эришилгандан сўнг, шамча массаси қолипларга қуиши учун ўтказилади.

Шамчаларни корхона шароитида, қуиши усули бўйича тайёрлашда, “Sarong 200 S” линиясидан фойдаланилади. Бу линия бир вақтнинг ўзида поливинилхлорид пленкасидан иборат ячейкага шамчаларни қадоқлайди ва ўрамларга жойлаштиради. Поливинилхлорид пленкасидан иборат ячейканинг ташқи томони полипропилен пленкаси билан қопланган бўлиб, қалинлиги 40 мкм, узунлиги 12,5 мкм дан иборат. Линиянинг ишлаб чиқариш самарадорлиги соатига 16000-20000 донагача.

Шунингдек, қуиши усули бўйича шамча тайёрлашда Италиянинг “Farmo Dui FD 22/U” линиясидан ҳам фойдаланилади. Бу линиянинг ҳам таркибий қисмлари ваишлаш механизми юқоридаги “Sarong 200 S” линияникига ўхшашиб бўлиб, ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 22000-25000 дона шамчани ташкил қиласади.

Баъзи холларда шамчаларни қуиши ҳамда қадоқлаш ва ўраш жараёнлари алохида-алохида линияли аппаратлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан “Франко-Креспи” ярим автомати ёрдамида шамчалар

қуиилиб, сўнг бошқа қурилма ёрдамида қадоқланади ва ўрамларга ўралади. “Франко-Креспи” қурилмаси қуидаги ишчи қисмлардан иборат:

- шамча массасини иссиқ пар ёрдамида узатиб турувчи, соатига 70-600 марта айланиш тезлигига эга куракчали аралаштиргичи бўлган иккита бункер,
- қабул қилувчи – дозатор,
- дозаларга бўлувчи насос,
- учта синхрон тарзда айланувчи дисклар,
- шакл берувчи металл юлдузчалар (36 та шакл айланувчи дискнинг икки қиррасида жойлашган),
- совутиш қурилмаси,
- қолдиқ массани қириб олувчи иссиқ пичноқ,
- шамчаларни жувалаб теккизлайдиган ва қабул қилгичга узатиб берадиган қурилма.

Шакл берилган шамчалар ташқи кўриниши бўйича органолептик таҳлилдан ўтказилиб, бошқа кўрсаткичлари ҳам аниқланилади ва $10-15^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 2-3 соат давомида қўшимча равишда хаво ёрдамида мойловчи ва совитувчи компонентлардан тозаланади.

Тайёр шамчалар ярим автомат ёрдамида қадоқлаш ва ўраш учун ўтказилади.

Шамчалар 5 донадан қадоқланади ва 2 қадоқ яъни 10 тадан қилиб қутиларга жойлаштирилади. Кутининг ичига қўллашга доир кўрсатма солинади, этикеткасига эса серия номери ва яроқлилик муддати кўрсатилади. Тайёр маҳсулот қуруқ ва салқин жойда, ёруғликдан химоя қилинган холда, 20°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақланади.

Қуииш усули бўйича шамчалар тайёрлашда, дори моддаси шамча асосининг ҳажмини ошириш кўрсаткичи инобатга олинади. Агар дори моддаси асоснинг умумий ҳажмини 5%дан кам қисмини ташкил этса ёки дори моддаси асосда яхши эриса, бу кўрсаткични инобатга олмаса ҳам бўлади. Акс холда “ўрин олиш коэффициенти” ёки “тескари ўрин олиш коэффициенти” орқали дори моддаси ва асоснинг аниқ микдорини хисоблаб топиш зарур.

Ўрин олиш коэффициенти ($E_{ж}$) бир қисм шамча асосига тўғри келадиган дори моддасининг грамм микдори бўлиб, у $0,95$ га teng. Тескари ўрин олиш коэффициенти эса ($1/E_{ж}$), бир қисм дори моддасига тўғри келадиган шамча асосининг грамм микдори бўлиб, бу кўрсаткич тажриба орқали топилади. Дори моддаларининг ўрин олиш ва тескари ўрин олиш коэффициентлари қуидаги жадвалда келтирилган.

Дори моддаларини мойли ва желатин-глицеринли асослардаги коэффициентлари

| | Дори моддаларининг номи | E _Ж | 1/E _Ж | E _{Ж-Г} | 1/E _{Ж-Г} |
|-----|----------------------------------|----------------|------------------|------------------|--------------------|
| 1. | Ампиокс | 1,14 | 0,88 | 0,94 | 1,06 |
| 2. | Ампициллин | 1,0 | 1,0 | 0,826 | 1,21 |
| 3. | Анальгин | 1,27 | 0,79 | 1,05 | 0,95 |
| 4. | Аnestезин | 1,33 | 0,75 | 1,1 | 0,91 |
| 5. | Антиpirин | 1,25 | 0,8 | 1,03 | 0,97 |
| 6. | Апилак | 1,48 | 0,68 | 1,22 | 0,82 |
| 7. | Барбамил | 1,81 | 0,55 | 1,55 | 0,67 |
| 8. | Барбитал | 1,06 | 0,94 | 0,875 | 1,14 |
| 9. | Барбитал натрий | 1,81 | 0,55 | 1,5 | 0,67 |
| 10. | Бензилпенициллинни натрийли тузи | 1,2 | 0,83 | 0,99 | 1,01 |
| 11. | Висмут нитрат (асосли) | 4,8 | 0,21 | 3,96 | 0,25 |
| 12. | Глюкоза | 1,23 | 0,81 | 1,02 | 0,98 |
| 13. | Дерматол | 2,6 | 0,38 | 2,15 | 0,465 |
| 14. | Диклоксациклин | 1,1 | 0,91 | 0,91 | 1,1 |
| 15. | Темир лактат | 1,59 | 0,63 | 1,31 | 0,76 |
| 16. | Ихтиол | 1,1 | 0,91 | 0,91 | 1,1 |
| 17. | Кальций глюконат | 2,01 | 0,5 | 1,66 | 0,6 |
| 18. | Кальций лактат | 1,53 | 0,65 | 1,26 | 0,7 |
| 19. | Камфора | 0,98 | 1,02 | 0,81 | 1,23 |
| 20. | Квасцлар (алюмокалийли) | 1,8 | 0,56 | 0,49 | 0,67 |
| 21. | Аскорбин кислотаси | 1,73 | 0,58 | 1,43 | 0,7 |
| 22. | Борат кислотаси | 1,6 | 0,625 | 1,32 | 0,76 |
| 23. | Узум кислотаси | 1,03 | 0,97 | 0,85 | 1,17 |
| 24. | Лимон кислотаси | 1,27 | 0,79 | 1,05 | 0,95 |


| | | | | | |
|-----|-------------------------------|-------|------|-------|-------|
| 25. | Кокаин гидрохлорид | 1,18 | 0,85 | 0,975 | 1,25 |
| 26. | Ксероформ | 4,8 | 0,21 | 3,96 | 0,25 |
| 27. | Левомицетин | 1,59 | 0,63 | 1,31 | 0,76 |
| 28. | Линкомицин | 1,2 | 0,83 | 0,99 | 1,01 |
| 29. | Ангишвонагул барглари (кукни) | 1,81 | 0,55 | 1,5 | 0,67 |
| 30. | Канакунжут мойи | 1,0 | 1,0 | 0,826 | 1,21 |
| 31. | Ментол | 1,09 | 0,92 | 0,9 | 1,11 |
| 32. | Метациклин | 1,14 | 0,88 | 0,94 | 1,06 |
| 33. | Морфин гидрохлорид | 1,18 | 0,85 | 0,97 | 1,03 |
| 34. | Натрий бромид | 2,22 | 0,45 | 1,83 | 0,546 |
| 35. | Натрий гидрокарбонат | 2,12 | 0,47 | 1,73 | 0,57 |
| 36. | Натрий салицилат | 2,5 | 0,4 | 2,06 | 0,48 |
| 37. | Новобиоцин натрий | 1,2 | 0,83 | 0,99 | 1,01 |
| 38. | Новокайн | 1,4 | 0,71 | 1,156 | 0,865 |
| 39. | Оксациллин | 1,04 | 0,96 | 0,86 | 1,16 |
| 40. | Осарсол | 1,45 | 0,69 | 1,2 | 0,83 |
| 41. | Папаверин гидрохлорид | 1,59 | 0,63 | 1,31 | 0,76 |
| 42. | Парафин | 1,0 | 1,0 | 0,826 | 1,21 |
| 43. | Протаргол | 1,4 | 0,71 | 1,156 | 0,865 |
| 44. | Резорцин | 1,41 | 0,71 | 1,165 | 0,858 |
| 45. | Олтингугут | 1,141 | 0,71 | 1,165 | 0,858 |
| 46. | Стрептоцид | 1,61 | 0,62 | 1,33 | 0,75 |
| 47. | Танин | 0,9 | 1,1 | 0,74 | 1,35 |
| 48. | Теофиллин | 1,23 | 0,81 | 1,02 | 0,98 |
| 49. | Фенилсалицилат | 1,4 | 0,72 | 1,16 | 0,86 |
| 50. | Фенобарбитал | 1,4 | 0,72 | 1,16 | 086 |

| | | | | | |
|-----|-------------------|------|------|------|------|
| 51. | Фенол | 1,1 | 0,91 | 0,91 | 1,1 |
| 52. | Фуразолидон | 1,81 | 0,55 | 1,5 | 0,67 |
| 53. | Хинин гидрохлорид | 1,2 | 0,83 | 0,99 | 1,01 |
| 54. | Хинозол | 1,36 | 0,74 | 1,12 | 0,89 |
| 55. | Хлоралгидрат | 1,2 | 0,83 | 0,99 | 1,01 |
| 56. | Рух оксида | 4,0 | 0,25 | 3,3 | 0,3 |
| 57. | Рух сульфат | 2,0 | 0,5 | 1,65 | 0,61 |
| 58. | Этакридин лактат | 1,5 | 0,63 | 1,31 | 0,76 |
| 59. | Эуфиллин | 1,25 | 0,8 | 1,03 | 0,87 |

Шамчалар технологиясини такомиллиштиришда иссиқлик жараёнларисиз шамчалар тайёрлаш мухим ўрин тутади. Шу жумладан, корхона шароитида пресслаш усулида шамчалар тайёрлаш алоҳида эътиборга моликдир.

Бунинг учун эксцентрик типда ишлайдиган таблетка машиналаридан фойдаланилади. Машинанинг пуансон ва қолиплари совутилади, шамча массаси ҳам 3-5⁰C ҳароратгача совутгич камерасида совутилиб, майдаланилади ва эланади. Гранулят таркибига лактоза, сахароза, аэросил ва крахмал технологик жараённи корректировкалаш учун киритилади. Тайёр масса таблетка машиналари ёрдамида прессланади.

Бу усул бўйича шамчалар тайёрлаш термолабиль ва гормонал препаратлардан, биоген стимуляторлардан, шунингдек юрак гликозидларидан шамчалар тайёрлашда қўл келади, шунингдек пластик хусусиятга эга бўлган асослар ёрдамида шамчалар тайёрлашда ҳам. Бу усулнинг самарадорлиги соатига 40000-100000 дона шамча тайёрлашга тенг.



Ректал дори шаклларини қуидаги бир неча йўналишлар бўйича ривожлантириш мумкин:

1. Лиофилизацияланган шамчалар. Бундай шамчалар катта ташқи юзага ва юқори ғовакликка эга бўлганлиги сабабли тўғри ичак шиллиқ қаватидаги жуда кам миқдордаги секреция хисобига ҳам осон парчаланади ва эрийди. Натижада шамча таркибидаги асосий таъсир этувчи модда шунча тез ва кўп миқдорда қонга сўрилади. Қолаверса, бундай шамчалар тайёрлашда дори ва ёрдамчи моддалардан тайёрланган сувли суспензиялар ва эмульсиялар қолипларга қуилгандан сўнг, чукур музлатиш учун қолдирилади (лиофилизация).

2. Ғовак шамчалар. Шамчалар билан тўғи ичак шиллиқ қаватини мулоқотини яхшилаш ва бунинг натижасида шамча таркибидаги дори моддасини шамча таркибидан ажралиб чиқишини осонлаштириш учун – ғовак шамчалар таклиф қилинди, бунда 600 мм.с.у. га teng босим остида суюлтирилган шамча массаси қолипларга қуилади.

3. Ковак ёки ичи бўш шамчалар. Шамча таркибидаги асосий таъсир этувчи моддани шамча таркибидан тезроқ ва тўлиқроқ ажралиб чиқиши учун ковак ёки ичи бўш шамаларга дори моддасининг эритмаси, суспензияси ёки эмульсиясини қуийиш орқали ковак ёки ичи бўш шамчаларни олиш мумкин.

4. Кўп қаватли шамчалар. Бир қанча давлатларда икки ёки кўп қаватли шамчалар технологияси бўйича патентлар олинган бўлиб, бу шамчаларнинг қобиқлари паст суюқланиш ҳароратига эга бўлган, ўз таркибида махаллий таъсир этиш хоссасига эга блган дори моддасини сақлаган (анестезин, белладонна экстракти) асослардан тайёрланади. Ўзагига эса организмга резорбтив таъсир кўрсатадиган дори моддаси киритилади. Ўзак сифатида эса юқори суюқланиш ҳароратига эга бўлган асослардан фойдаланилади.

5. Плёнка билан қопланган шамчалар. Дори моддасини ректал йўл билан организмга киритишда уни керакли орган ва тўқималарга етказиб берилишини таъминлаш ва назорат қилиш учун, шамчаларни юпқа пленка билан қоплаш мумкин бўлади. Натижада фаол компонент диффузияси бирмунча секинлашсада, керакли орган ва тўқимага тўлароқ етиб боради. Шамчаларни капсулага ўраш орқали ҳам худди шундай натижаларга эришиш мумкин.

6. Бўялган шамчалар. Хар хил фармакологик гурухларга мансуб бўлган дори моддаларини алохида-алохида рангларга бўяш орқали уларни оксидланишига, шунингдек таркибдаги компонентларни структурасини бузилишига (деструкция) сабаб бўладиган ёруғлик нурларининг маълум бир спектрларидан сақлаш имконияти пайдо бўлади.

Ректал суртмалар, капсуалар, аэрозоллар, тампонлар ва ректиолалар ишлаб чиқариш

Ректал суртмалар. Бу дори шакллари гидрофоб ва гидрофил асосли ректал суртмаларга бўлинади, улар кейинги пайтларда тиббиёт амалиётида кенг кўламда ишлатилмоқда. Гидрофиль асос сифатида биринчи туркум гидрофиль асослар ПЭГ ва метилцеллюлоза хосиллари ишлатилмоқда. Бу дори шакллари дозаларга бўлинган бўлиб, шприц-тюбикларда, маҳсус апликаторлрда чиқарилмоқда.

Ректал желатина капсуалари. Бу дори шакллари истиқболи бор бўлган дори шаклларидан бири хисобланади. Улар биринчи марта 1937 йилда “Шерер” фирмаси томонидан сурги воситаси сифатида қўлланиладиган шамчаларни капсула билан қоплашни таклиф этганлар. 1980 йилга келиб эса бу дори шакллари Британия фармакопеясининг таркибига алохида фармакопея мақоласи сифатида “Ректал капсуалар” номи билан киритилди. Унга кўра ректал дори шакллари торпедо шаклида бўлиши лозим.

Бугунги кунга келиб, ректал капсуаларни терапевтик таъсирига кўра қўйидаги турлари ишлаб чиқарилмоқда: яллигланишга қарши, яраларга қарши, силга қарши, гармонал ва бошқалар. Олиб борилган илмий излаиш натижалари желатин капсуласи асосида яратилган ректал капсуалар бошқа турдаги ректал дори турларига қараганда нисбатан

технологик, биофармацевтик ва иқтисодий нұқтаи назаридан мақсадда мувофиқ әканлиги күрсатған.

Ректал капсулалар “чүзилған” томчи шаклида бўлиб, 0,6 мл дан 1,8 мл гача бўлиши мумкин. Улар ташқи томонидан сув билан мулоқотда осон сир-анадиган юпқа желатин қавати билан қопланган бўлади. Бу ректал капсулаларини қабул қилиш ва бир хил дозаларга бўлиш имкон яратади.

Ректал капсулалар бошқа турдаги ректал дори шаклларига қараганда юқори ҳароратга чидамлилиги ($45\text{-}50^{\circ}\text{C}$), тўғи ичак шиллик қаватини қитиқламаслиги ва таркибидаги асосий таъсири туви мөддани тез ва осон ажратиб чиқариши билан, қолаверса желатин қобиги билан қопланганлиги унинг дори мөддасини ташқи омиллар таъсиридан сақлаши билан бошқа ректал дори шаклларига нисбатан устунликка эга әканлигини күрсатади. Ректал капсулаларда хатто линиментларни, суртмаларни, суспензия ва эритмаларни ҳам капсулалаш мумкин.

Ректал капсулалар таркибидаги асосий таъсири туви мөдданинг ажралиб чиқиши, бошқа ректал дори турлариникига қараганда тезроқ. Бунда тўғри ичак деворидаги кучсиз ишқори мухит ($\text{pH } 7,3\text{-}7,6$) таъсирида желатин қавати бўкиб, ичак силлик қаватининг кучсиз қисқариши натижасида қобиқнинг ёрилиши ва дори мөддасининг ташқарига чиқиши кузатилади.

Ректал желатин капсулалари ҳам шамчаларга қўйилған барча талабларга жавоб бериши лозим, улар тибиётда асосан проктологик касалликларни даволашда қўлланилади. Олимларнинг изланишлари шуни кўрсатдик, ректал капсула таркибидаги терапевтик самарадорлик бошқа турдаги ректал дори шаклларига нисбатан икки бараварига юқори әкан. Шунингдек, бу дори шаклларини ишлаб чиқариш, қимматбахо биологик фаол мөддалар ва ингредиентларни тежаб қолиш хисобига, кўпгина дори препаратларини тан нархини камайишига олиб келмоқда.

Ректал желатин капсулаларини ишлаб чиқариш тўлалигича автоматлаштирилган, қолаверса чет эллардан импорт хисобига олиб келинадиган, шамча асоси сифатида ишлатиладиган какао мойни желатин массасига алмаштирилиши юқори иқтисодий самарадорликка эга әканлигини кўрсатмоқда. Бу дори шаклларини ишлаб чиқариш, пресслаш асосида ишлайдиган, юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эга бўлган автоматик линияларда олиб борилади.

Ректиолалар. Маълумки, сувли эритмаларни тўғри ичак таркибига хуқна (клизма) қилиш тарзида киритилиши, дори мөддасини тўғри ичак орқали жуда тез ва осон сўрилишига олиб келади, биргина эритманинг бир қисми фақат ташқи мақсад учун сарфланади. Бундай холатларда дори

моддасининг эритмасини эластик баллон ва унинг учига ўрнатилган найчадан иборат ректал пипеткалар – ректиолалар ёрдамида критиш мақсадга мувофиқ бўлади. Эластик баллоннинг ҳажми 1,5-5 мл бўлиб, у букламаланган контейнердан иборат. Найча эса унга махкамланган бўлиб, асосан полиэтилендан ташкил топган бўлади. Ректиолалар нафақат сувли эритмалар, балки олеогеллар, линиментлар ва суртмалар билан ҳам тўлдирилигши ва қўлланилиши мумкин. Уларнинг бундай қўлланиш усуллари проктологик дори шаклларининг ассортиментини кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ректал тампонлар. Бу дори шакллари дори моддаси шимдирилган пахта ўралган ўқдан иборат бўлиб, пахта юпқа қават альгинат билан қопланган. Ишлатишдан аввал тампон бир неча вақтга сувга ботириб қўйилади, сабаби юпқа қават альгинат сувга бўкади натижада, дори моддасининг диффузияланишига халақит бермайди. Тампон тўғри ичакка, 2 соат мобайнида қўйилади. Асосан бавосилни (гемморой) даволаш учун ишлатилади.

Аэрозол қадоғидаги кўпик хосил қилувчи препаратлар. Бу дори шакллари хозирги кунга келиб жуда ривожланиб кетди. Кўпиклар проктология амалиётида қўлланиладиган бошқа дори шаклларига қараганда қулайроқ ва оддийроқ. Суртмалар ва кремлар ичак шиллиқ қаватларига юзаки кириб бориши билан етарли терапевтик самарадорликни бермайди. Шамчалар эса анал каналчаларини етарли даражада даволаш имкониятига эга емас. Шунинг учун қисқа муддатли, лекин юқори терапевтик самарадорликка эга бўлган кўпик шаклидаги дори шаклларига асос солинди.

Кўпиклар аэрозол қадоғидан чиқиши вақтида, таркибидаги кўпик хосил қилувчилар (сирт фаол моддалар) ва эритилган ёки эмульгиранган пропеллент (юқори босим остида сиқилган газлар) лар хисобига хосил бўлади. Аэрозол баллоннинг пуркагич клапан тизими орқали чиқсан пропеллент буғланади ва хаво пуфакчаларига айланиб унинг ҳажмини ортиши хисобига кўпик – эмульсион ёки бошқа тизимдаги пропеллент буғларининг турғун дисперсияси хосил бўлади.

Кўпиклар катта ҳажмда, кичик оғирлик бирлигига эга бўлишига қарамай, улар кам миқдордаги эмульсияларни ҳам, катта ҳажмдаги юзаларга ишлов бериш ва уларни тўлдириш имкониятига эга. Кўпиклар заарланган майдонларга осон ва безараар етиб боради ва иссиқлик ва газ алмашинувини таъминлаши хисобига ярани ташқи касалликлар билан ўртасида тўсиқ пайдо қиласи.

СФМ яхши адгеззия хоссасининг хисобига некрозга учраган тўқималар билан ифлосланган юзаларни тозалайди, кўпикларни кенгайиши

хисобига ярадан пайдо бўлган чукурлар ва бўшлиқлар юзаси қопланади. Кўпик учун тўғри танланган ёрдамчи моддалар, унинг узоқ вақт турғун бўлиб қолишини, натижада дори моддасининг узоқ вақт таъсир этишини таъминлайди. Дори моддасининг кўпик таркибига киритишида у катта ҳажмни эгаллайди, шунинг учун ҳам дори моддасиниг бир қисми эритманинг пленка қаватининг орасида қолиб кетади.

Кўпикнинг таркиби турли хил дисперс тизимларни киритиш мумкин. Масалан, эритмалар, эмульсиялар ва суспензиялар. Булар уларнинг биргаликдаги дори препаратларини ишлаб чиқаришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Аэрозол қадоғидаги кўпик препаратлари проктология амалиётида антисептик ва анестетик восита сифатида кенг қўлланилади. Шунингдек, ностероид тузилишга эга бўлган яллиғланишга қарши препартлар ва кортикостероидлардан кўпик холида аэрозол қадоғидаги дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Назорат саволлари:

1. Фармацевтик ривожланишнинг устувор йўналишлари.
2. Фармацевтикада инновация.
3. Ишлаб чиқаришнинг бош плани.
4. Бинога қўйилган талаблар.
5. “Тоза хона”лар нима?
6. Ёритиш тизимиға қўйилган талаблар.
7. Сув таъминотига қўйилган талаблар
8. Канализацияги қўйилган талаблар.
9. Оқава сувга қўйилган талаблар.
10. Санитария талаблари ва нормаларини айтинг.

5-мавзу: Суюқ дори шаклларининг яратилиш цикли

Режа:

Кириш

- 5.1. Этил спирти хақидаги умумий маълумотлар
- 5.2. Этил спиртини қувватини аниқлаш усуллари
- 5.3. Этил спиртини суюлтириш усуллари
- 5.4. Сарфланган спиртни хисобга олиш

Таянч иборалар: этил спирти, эритма, эритувчи, суюлтириши, жавдал, зичлик, ареометр, пикнометр, спиртометр, шиша, металл

5.1. Этил спирти хақидаги умумий маълумотлар

Этил спирти фармацияда дори турларини тайёрлашда консервант сифатида, ўта соф гален ва органопрепаратларни олишда ажратувчи сифатида ва ажратмаларни ёт моддалардан тозалашда ишлатилади. Баъзан ошқозон яллиғланганда ичишга берилади. Этил спиртининг 33% ли эфитмаси қон заҳарланганда венага юборилади. XI ДФ бўйича этил спиртини 95%, 90%, 70%, 40% ли эритмалари расмий препаратлар ҳисобланади. Этил спиртининг сифати XI ДФ бўйича текширилади. Бу учувчан, кўзғалувчан, ачиштирадиган мазали суюқликдир. Этил спирти сув, эфир, ацетон, глицеринлар билан хоҳлаган нисбатда аралашади. Зичлиги $p=0,8060—0,8054$ бўлиб, бу 96,2- 96,5% C_2H_5OH га тўғри келади. Сувсиз спиртнинг зичлиги (абсолют спиртнинг) $p=0,78927$ бўлиб, 100% этил спиртига туғри келади, Дорихоналарда асосан 96,2 0,7% ли спирт бўлади. Этил спирти $+78,3^{\circ}C$ хароратда қайнайди ва $-144^{\circ}C$ хароратда музлайди. Этил спиртининг қуввати оғирлик ва хажмий бирликларда (фо^кБодаланади).

Массада ифодалнган иувват оудса, 100 г спирт-сувли аралашмадаги абсолют (сувсиз) спиртнинг грамм миқдори тушунилади. Масалан: 70% (масса бўйича) спирт ёзилган бўлса, 100 г аралайшада 70 г абсолют спирт бор деб тушунилади.

Хажм билан ифодаланган қуввати бўлса. 100 мл спирт-сувли аралашмадаги абсолют (сувсиз) спиртнинг мл миқдори тушунилади. Мисол: 96,5% (фоиз белгисидан кейии хеч нарса ёзилмайди) спирт дейилса, 100 мл аралашмада 96,5 мл абсолют спирт борлиги тушунилади.

5.2. Этил спиртини қувватини аниқлаш усуллари

Этил спиртининг қуввати спиртомерлар ёрдамида, зичлили бўйича ва рефрактометрик усулларда аниқланади.

Этил спиртининг қувватини спиртомерлар ёрдамида аниқлаш.

Спиртомерлар шиша ва металлдан ясалган бўлади. Улар аниқлик даражасига қараб 4 синфга бўлинади. Булардан энг кўп ишлатиладигани 1 га 0,1 синфларидир. Шиша спиртомерлар 2 к нем дан ташкил топган. Юқоридаги найча диоми даражаларга бўлинган (инппща қофоз бўлакчасига даражалар ёзиб, найча ичига жойлаштирилган) ва пастки кенгайган (тана) қисми бўлиб, унинг тубига аниқ миқдордаги қўрғошин зўлдирчалари солинган бўлиб, усти рангли органик елим билан мустаҳкамланиб

қўйилади, бу юк спиртомерга маълум оғирлик беради ва уни тик ҳолатда ушлаб турди. Спиртомерлар тўплам ҳолида чиқарилади.

1. 0—60% ва 60—100% гача пастки қисмида термометр хам бўлади.
2. 0-70% ва 70-100%.
3. 0-40%, 40—70% ва 70—100%.

Булар «Синф 1» тўпламига киради.

«Синф 0,1» тўпламига 11 спиртомер киради: 0-10%, 10-20%,.. 20-30% 30-40%, 40-50%, 50-60%, 60-70%, 70-80%, 80-90%, 90-100%, 95-105% оҳиргиси энг енгилидир.

Энг оғир спиртомер 0-10% гача, чунки спиртнинг қуввати қанча юқоря бўлса, зичлиги шунча кам бўлади.

Куруқ цилиндрга текишириладиган спирт солинади. Кейин спиртомер туширилади. Агар спиртнинг қуввати ноъмалум бўлса, энг енгил яъни 95-105% кўрсаткичли спиртомер туширилади. Агар қуввати тахминан маълум бўлса, тегишли спиртомер туширилади.

Спиртомер цилиндрнинг туб ива деворига тегмаслиги керак. 3—4 дақиқадан сўнг спиртомер курсатгичи пастки мениск буйича курнлади. Шиша спиртомерларни 20°C ҳароратдаги кўрсатгичи ҳажмий фоизга тўғри келади.

Масалан: шиша спиртомер 20°C да 96,4 курсатди, демак, бу 96,40% спиртдир.

Агар аниқлаш вақтида спиртнинг, ҳарорати 20°C дан фарқ қиласа, ДСТ (ГОСТ) стандартлаш ва ўлчов асбоблари Давлат қўмитаси чоп этган Спирт-сувли аралашмалардаги этил спирти микдорини аниқлаш» деган жадваллар тўпламининг 3-жадвали ёрдамида 20°C даги кўрсатгич топилади. 3-жадвалнинг чап ва ўнг томонидаги тик устунчаларда ҳарорат $+40^{\circ}\text{C}$ дан -25°C гача берилган. Горизонтал устунчада эса сииртомернинг кўрсатгичи келтирилган. Ҳарорат билан спиртомер кўрсатгичи кесишган жойидаги сон спиртнинг 20°C қувватини кўрсатади. Мисол: шиша спиртомернинг кўрсатгичи 84, ҳарорат 35°C . Жадвал бўйича бу 20°C да 79,54% ли спиртга тўғри келади.

Спиртнинг қуввати (концентрацияси)ни металл спиртомер ёрдамида аниқлаш.

Бу спиртомер анча ихчам, мустахкам, кўрсатгичи аниқдир. Спиртомер латундан тайёрланиб, юқориги ва пастки ўсимта (стержен)

хамда танадан ташкил топган бўлиб, устига олтин югуртирилган. Юқориги ўсимта 10 та даражага, ўз навбатида хар бир даража 10 га бўлинган бўлади.

Пастки стержен юқоридан пастга йўғонлашиб боради ва юқориги ингичка қисмидан тошлар осилади. Тошларнинг рақами рақамлари: 00, 10, 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90. Агар металл спиртомер тошсиз эритмага ботмаса, тош осилади. Бунда тош рақамига даража курсаткичини қўшиб, кейин жадвалдан ҳажмий фоизи топилади. Спиртомер спирт-сувли аралашмага тошсиз ботса, даража курсаткичига 100 рақами қўшилажи. Масалан:

1) тошнинг рақами 90, даража кўрсаткичи 8, зарорат 20°C булса спиртнинг 20°C даги қуввати ГОСТ нинг 4-жадвалига биноан 94,2% га teng.

2) металл спиртомер тошсиз 20°C кўрсаткичи хароратда даража кўрсаткичи 5 рақамгача ботди. Бунда спиртнинг кўрсаткичи 105 (100+5,0) га, 20°C даги қуввати эса ГОСТ нинг 4 - жадвалига биноан 97,1% га teng булади

Металл спиртомерларнинг 20°C даги курсаткичи ҳам ҳажмий фоизга тўғри келмайди, у фақат шартлн қувватдир.

Ҳажмий фоиз ГОСТ нинг 4-жадвали ёрдамида топилади. Бу жадвалнинг тузилиши ҳам 3-жадвалга ўхшащдир.

СПИРТНИНГ ҚУВВАТИНИ ЗИЧЛИГИ БЎЙИЧА АНИҚЛАШ

Зичлик:

$$\rho_{20} = \frac{m}{V} \text{ кг/м}^3 ;$$

Зичлик пикнометр ва ареометрлар ёрдамида аниқланади. Пикнометр ёрдамида спиртнинг қувватини аниқ ўлчаш мумкин. Бунда зичлик куйидаги тенглама билан аниқланади:

$$\rho = \frac{(m_2 - m_1) \cdot 0,997032}{m_1 - m} + 0,0012$$

бу ерда: m – бўш пикнометр массаси, г

m_1 – пикнометрнинг сув билан массаси, г

m_2 – пикнометрнинг спирт билан массаси, г.

$0,997032 - 20^{\circ}\text{C}$ даги сувнинг зичлиги (ҳаво зичлигини
хисобга олганда)

$0,0012$ – мўътадил шароитдаги ҳавонинг зичлиги (1m^3)

Агар спиртнинг зичлиги маълум бўлса, масса буйича ёки ҳажмий фоизда XI ДФ нинг 1-жадвалидан фойдаланиб топилади.

Зичликни ареометр ёрдамида аниклаш. Ареометрлар якка ёки тўплам ҳолда чиқариладп. Тўпламда 19 та ареометр бўлиб, энг енгилининг даражаси 0,700, энг оғириники 1,8400 билан тугалланади.

Аниқлашни 20°C хароратда спиртга энг енгилини туширишдан бошлиш керак. Агар харорат 20°C дан фарқ қилса, 20°C даги спиртнинг қувватини ГОСТ нинг 1-жадвали (масса буйича) ёки 2-жадвали (ҳажм буйича) асосида топиш хам мумкин.

Рефрактометрик усулда спиртнииг қувватини аниклаш. Тоза сувнинг нур синдириш кўрсатгичи 1,3330 га teng, абсолют спиртники эса 1,36242 га teng. Шу кўрсатгичлар асосида тузилган жадвалдан фойдаланиб, спиртнинг ҳажмий қуввати топиладп.

Этил спиртш суюлтириш. Спиртни масса ва буйича суюлтириш мумкин. Масса буйича суюлтирилганда сув ва спирт хароратининг аҳамияти йўқ, чунки спирт ва сув тарозида тортиб олинади.

Спиртни масса буйича суюлтиришда хисоблаш усуллари:

1. XI ДФ нинг 2-жадвали.

Бу жадвал да 1 кг керакли қувватдаги спирт тайёрлаш учун қанча грамм суюлтириладиган спирт ва сув кераклиги кўрсатилган. Бунинг камчилиги шуки, дориконаларга 96,2 — 96,7% спирт келади, бу жадвалда эса энг юкорий қувватли суюлтириладиган спирт — 96%.

Мисол: 1000 г 30% спирт тайёрлаш учун 96% спирт ва сувдан қанчадан олиш керак.

XI ДФ 2 жадвалига мувофиқ: 262 г 96% спирт ва 738 г сув олинади.

2. Биз таклиф қилган 4-жадвал. Бу жадвал XI ДФ нииг 2-жадвалига ўхшаш, лекин касрли сонлар хисобга олинган.

3. Тенглама ёки «юлдузча» усули. Бу мақсадда қуидаги тенгламалардан фондаланиш мумкин:

$$X = P \frac{b}{a} \quad \text{ёки} \quad X = P \frac{b}{a}$$

б у ерда: X — суюлтириладиган спиртнинг оғирлик, г;

P — керакли қувватдаги спиртнинг оғирлик миқдори, г;

a — суюлтириладиган спиртнинг оғирлик фоизи;

b — суюлтирилган спиртнинг оғирлик фоизи;

c — суюлтирувчининг (паст қувватли спиртнинг) оғирлик фоизи.

Мисол: 1000 г 70% спирт тайёрлаш учун 96,5% ли спирт ва сувдан қанчадан олиш керак.

Бу масалани хар хил усуллар билан ечиш мумкин.

1. 4-жадвалга биноан, 659,80 г 96,5% ли спирт ва 340,20 г сув олинади.

2. Юқорида келтирилган тенглама билан ечилади, лекин бунда ўлчов бирликларига эътибор бериш керак. Бизнинг мисолимиздаги 70% ва 96,5% ҳажмий фоизларни XI ДФ нинг 1-жадвали ёрдамида оғирлик (масса) фоизга ўтказсак:

70%-62,4% (м); 96,5%-94,5% (м) ларга тўғри келади.

5.3. Этил спиртини суюлтириш усуллари

Спирт сув билан аралаштирилганда, аралашма исийди ва эритманинг ҳажми назарий ҳисобга қараганда камаяди.

Шунинг учун спиртни ҳажм бўйича суюлтиришда доимо 20°C да сув билан керакли ҳажмгача етказиладп. Биринчи марта Д. И. Менделеев аниқлаган бу ҳодиса контракция деб аталади. Бунда спирт билан сув молекулаларининг бир-бирига шимилиши ҳисобига ҳажм камаяди, молекулалар орасидаги ишқаланиш ҳисобига эса иссиклик ажralиб чиқади. Спиртни ҳажм бўйича суюлтиришда қуйидаги ҳисоблаш усуллари мавжуд:

1. XI ДФ 3-жадвали.

Бу жадвалда 20°C хароратда керакли қувватдаги спирт тайёрлаш учун суюлтириладиган 1 л спиртга қўшиладиган сувнинг ҳажмий

миқдори келтирилган. Бу жадвалда контракция ходисаси ҳисобга олинган. *Мисол:* 1000 мл 95% ли спиртга қанча сув қўшилса, 40%, спирт ҳосил булади?

XI ДФ 3-жадвалига биноан, 1000 мл 95% ли спиртга 1443 мл сув қўшилса, 40% спирт ҳосил булади. Ҳосил булган спиртнинг ҳажми бизни кизиқтирамайди.

2. XI ДФ 4-жадвали.

Жадвалда 1 л керакли қувватдаги спирт тайёрлаш учун суюлтириладиган спирт ва сувнинг мл миқдори келтирилган. Бу жадвалда хам контракция ходисаси ҳисобга олинган.

Мисол: 1000 мл 90% ли спирт тайёрлаш учун канча 95% спирт ва сув олиш лозим?

XI ДФ 4-жадвалига мувофиқ 947 мл 95% спирт ва 61 мл сув олиш керак?

3. XI ДФ 5-жадвали.

Бу ҳам 4-жадвалга ўхшаш, лекин бунда касрли сонлар ҳисобга олинган.

4. Тенглама ёрдамида

$$X = P \frac{b}{a} \quad \text{ёки} \quad X = P \frac{b-c}{a-c}$$

б у ерда: X — суюлтириладиган спиртнинг оғирлик, г;

P — керакли қувватдаги спиртнинг оғирлик миқдори, г;

a — суюлтириладиган спиртнинг оғирлик фоизи;

b — суюлтирилган спиртнинг оғирлик фоизи;

c — суюлтирувчининг (паст қувватли спиртнинг) оғирлик фоизи.

Мисол: 96,4% ли спиртдан 5 л 70% ли спирт тайёрлаш. масалани турли усуллар билан ечиш мумкин:

1. XI ДФ 5-жадвалига биноан, 3,6 л 96,4% ли спирт ва 1,5 сув олинади.

2. Тенглама ёрдамида 3,6 л 96,4% ли спирт олинади.

3. Юлдузча усулида.

Баъзан корхона шароитида юқори ва паст қувватли спиртларни аралаштириб, керакли қувватдаги спирт тайёрлашга түғри келади. Масалан, 96,2% ли ва 10% ли спиртлардан 4 л 60% ли спирт тайёрлаш.

1. Бу масалани қуидаги тенглама билан ечиш мумкин:

$$X = P \frac{b-c}{a-c}$$

2,32 л 96,2% ли спирт олиб, 20⁰C хароратда 10% ли спирт билан 4 л га етказлади

2. Юлдузча усулида.

5.4. Сарфланган спиртни хисобга олиш

Корхона шароитида ишлатилаган спиртнинг ҳисоби абсолют спирт бўйича ҳажм (литр ёки декалитр) да олиб борилади. Бунда агар харорат 20⁰C дан фарқ қилса ва спирт литрлар билан ўлчанса абсолют спиртга ГОСТ нинг 5-жадвали ёрдамида ўтказилади. Жадвалда чап ва ўнгдаги тик устунларда харорат +40⁰C дан -25⁰C оралиғида, горизонтал устунда эса спиртнинг қуввати белгиланди. Иккаласи кесишган жойда 20⁰C хароратда 1 л ишлатилган спиртнинг абсолют спиртнинг літр миқдори келтирилган. Мисол: 35⁰C хароратда 100 літр 80% ли спирт ишлатилган. Бунда 20⁰C да қанча літр абсолют спирт бор?

1 л 80% ли спиртда – 0,7879 л абсолют бор.

100 л 80% ли да – x- 78,79 л абсолют спирт бор экан.

Агар корхона спиртни кг билан ишлатса, унинг ҳисоби ГОСТ нинг 6-жадвали ёрдамида олиб борилади. Бунда харорат 20⁰C бўлиши керак. Бу жадвалнинг тик устунчасида ишлатилган спиртнинг бутун сонлар билан ифодаланган ҳажмий фоизи, горизонтал устунчасида эса, шу спиртнинг касрли улушлари берилган. Бутун сонлар билан касрли сонлар кесишган нуқтада 1 кг ишлатилган спиртдаги абсолют спиртнинг ҳажмий (л) миқдори келтирилган.

Мисол: 100 кг 96,2% ли спирт ишлатилди. Бунда қанча л абсолют спирт бор.

ГОСТ нинг 6-жадвали бўйича:

1 кг 96,2% спиртда - 1,1942 л 100% ли спирт бор.

100 кг спиртда - $x = 119,42$ л 100% ли спирт бор.

ДОРИХОНАЛАРДА СПИРНИНГ ҲИСОБИ.

Дорихоналарда ишлатилган спирт ҳисоби Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 16.09.69 йил 675- ва 23.05.72 йил 412-сон буйруқларига мувофиқ олиб борилади. 675-сон буйруқка мувофиқ сарфланган спиртнинг миқдори 95% ли спиртга ўтказилади ва масса бўйича ҳисоби олиб борилади. Мисол: 1000 г 70% ли спирт ишлатилди, унда қанча г 95% ли спирт бор. XI ДФ нинг 2-жадвалига мувофиқ 675 г 95% ли спирт бор. Бу жадвалда энг юқори қувватли спирт 96% ли бўлганлиги учун ҳсиобни мазкур дарсликнинг 4-жадвали бўйича олиб бориш мақсадга мувофиқдир, чунки бу жадвалда касрли сонлар ҳисобга олинган. 412-сон буйруқка мувофиқ дорихонада спирт ҳажмда ишлатилади, ҳисоби эса масса билан 95-96,7% ли спиртлар бўйича олиб борилади. Бу мақсадда бизнинг кафедрамиз таклиф қилган 5-жадвалдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жадвалнинг тик устунчасида дорихоналарга келадиган спиртнинг қуввати (95-96,7%) горизонтал устунчасида эса ишлатилган спиртнинг қуввати келтирган. Улар кесишиган жойда 100 мл ишлатилган спиртдаги юқори қувватли спиртнинг г миқдори келтирилган. Масалан: 100 мл 70% ли спирт ишлатилди, унда қанча грамм 96,7% ли спирт бор? 5-жадвалга мувофиқ, 100 мл 70% ли спиртда 58,24 г 96,7% спирт бўлади.

Давлат Стандартининг 1-жадвали зичлиги маълум бўлган спирт қувватини ҳарорат $+20^{\circ}\text{C}$ дан фарқ қилган холатларда масса бўйича аниқлашга асосланган.

| Ҳарорат | Масса бўйича спиртни қуввати (масса бўйича) | | | | | | Ҳарорат |
|---------|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | 100 | 99 | 98 | 97 | 96 | 95 | |
| | Сув-спиртли эритманинг зичлиги, г,мл | | | | | | |
| +40 | 0,77203 | 0,77506 | 0,77803 | 0,78096 | 0,78384 | 0,78667 | +40 |
| +39 | 0,77294 | 0,77592 | 0,77891 | 0,78184 | 0,78473 | 0,78757 | +39 |
| +38 | 0,77382 | 0,77679 | 0,77978 | 0,78272 | 0,78561 | 0,78845 | +38 |
| ... | | | | | | | |
| -23 | 0,8253 | 0,8284 | 0,8315 | 0,8345 | 0,8374 | 0,8402 | -23 |
| -24 | 0,8261 | 0,8292 | 0,8323 | 0,8353 | 0,8382 | 0,8410 | -24 |
| -25 | 0,8269 | 0,8300 | 0,8331 | 0,8361 | 0,8390 | 0,8418 | -25 |

Давлат Стандартининг 2-жадвали зичлиги маълум бўлган спирт қувватини ҳарорат $+20^{\circ}\text{C}$ дан фарқ қилган холатларда ҳажм бўйича аниқлашга асосланган.

| Ҳарорат | Масса бўйича спиртни қуввати (ҳажм бўйича) | | | | | | Ҳарорат |
|---------|--|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | 100 | 99 | 98 | 97 | 96 | 95 | |
| | Сув-спиртли эритманинг зичлиги, г,мл | | | | | | |
| +40 | 0,77204 | 0,77690 | 0,78150 | 0,78582 | 0,78993 | 0,79386 | +40 |
| +39 | 0,77294 | 0,77780 | 0,78238 | 0,78671 | 0,79083 | 0,79477 | +39 |
| +38 | 0,77382 | 0,77867 | 0,78327 | 0,78760 | 0,79172 | 0,79566 | +38 |
| ... | | | | | | | |
| -23 | 0,8253 | 0,8303 | 0,8350 | 0,8393 | 0,8435 | 0,8474 | -23 |
| -24 | 0,8261 | 0,8311 | 0,8358 | 0,8402 | 0,8443 | 0,8483 | -24 |
| -25 | 0,8269 | 0,8319 | 0,8366 | 0,8410 | 0,8451 | 0,8491 | -25 |

Давлат Стандартининг 3-жадвали шиша спиртомер ёрдамида спирт қувватини, ҳарорат $+20^{\circ}\text{C}$ дан фарқ қилган холатларда ҳажм бўйича аниқлашга асосланган.

| Ҳарорат | Шиша спиртомернинг кўрсаткичи | | | | | | | | Ҳарорат |
|---------|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|---------|
| | 72,0 | 71,5 | 71,0 | 70,5 | 70,0 | 69,5 | 69,0 | 68,5 | |
| | Этил спиртини $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги қуввати | | | | | | | | |
| +40 | 65,32 | 64,80 | 64,28 | 63,75 | 63,23 | 62,71 | 62,18 | 61,66 | +40 |
| +39 | 65,66 | 65,15 | 64,63 | 64,11 | 63,59 | 63,06 | 62,54 | 62,02 | +39 |
| +38 | 66,01 | 65,50 | 64,98 | 64,46 | 63,94 | 63,42 | 62,89 | 62,37 | +38 |
| ... | | | | | | | | | ... |
| -23 | 84,6 | 84,2 | 83,7 | 83,3 | 82,8 | 82,4 | 82,0 | 81,5 | -23 |
| -24 | 84,9 | 84,4 | 84,0 | 83,6 | 83,1 | 82,6 | 82,2 | 81,8 | -24 |
| -25 | 85,1 | 84,7 | 84,3 | 83,8 | 83,4 | 82,9 | 82,5 | 82,1 | -25 |

Давлат Стандартининг 4-жадвали металл спиртомер ёрдамида спирт қувватини, ҳажм бўйича аниқлашга асосланган.

| Ҳарорат | Металл спиртомернинг кўрсаткичи % | | | | | | | | | | Ҳарорат |
|---------|--|------|------|------|------|------|------|------|------|------|---------|
| | 72,0 | 71,8 | 71,6 | 71,4 | 71,2 | 71,0 | 70,8 | 70,6 | 70,4 | 70,2 | |
| | Этил спиртини +20 ⁰ С ҳароратдаги қуввати | | | | | | | | | | |
| +40 | 84,0 | 83,9 | 83,7 | 83,6 | 83,5 | 83,3 | 83,2 | 83,1 | 83,0 | 82,8 | +40 |
| +39,5 | 84,1 | 84,0 | 83,9 | 83,7 | 83,6 | 83,5 | 83,4 | 83,2 | 83,1 | 83,0 | +39,5 |
| +39 | 84,2 | 84,1 | 84,0 | 83,9 | 83,7 | 83,6 | 83,5 | 83,4 | 83,2 | 83,1 | +39 |
| ... | | | | | | | | | | | ... |
| -24 | 91,1 | 91,0 | 90,9 | 90,8 | 90,7 | 90,6 | 90,4 | 90,3 | 90,2 | 90,1 | -24 |
| -24,5 | 91,2 | 91,1 | 91,0 | 90,9 | 90,8 | 90,7 | 90,6 | 90,4 | 90,3 | 90,2 | -24,5 |
| -25 | 91,3 | 91,2 | 91,1 | 91,0 | 90,9 | 90,8 | 90,7 | 90,6 | 90,4 | 90,3 | -25 |

Давлат Стандартининг 5-жадвали +20⁰С ҳароратда сув-спиртли эритма таркибидағи этил спиртининг ҳажмий миқдорини аниқлашга асосланган.

| Ҳарорат | Этил спиртининг +20 ⁰ С ҳароратдаги ҳажмий миқдори | | | | | Ҳарорат |
|---------|---|--------|--------|--------|--------|---------|
| | 100 | 99 | 98 | 97 | 96 | |
| | Этил спиртининг ҳажмини аниқлаш учун кўпайтиргич | | | | | |
| +40 | 0,9782 | 0,9683 | 0,9586 | 0,9488 | 0,9391 | +40 |
| +39 | 0,9793 | 0,9694 | 0,9596 | 0,9499 | 0,9402 | +39 |
| +38 | 0,9804 | 0,9705 | 0,9607 | 0,9510 | 0,9413 | +38 |
| ... | | | | | | ... |
| -23 | 1,0457 | 1,0349 | 1,0242 | 1,0135 | 1,0028 | -23 |
| -24 | 1,0467 | 1,0359 | 1,0252 | 1,0145 | 1,0038 | -24 |
| -25 | 1,0477 | 1,0369 | 1,0262 | 1,0155 | 1,0047 | -25 |

Давлат Стандартининг 6-жадвали $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 1 кг сув-спиртли эритма таркибидаги этил спиртининг ҳажмий микдорини аниқлашга асосланган.

| $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги спиртининг ҳажмий микдори | $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги спирт концентрациясининг ўндан бирликлари | | | | | | | | | | $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги спиртининг ҳажмий микдори |
|---|---|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|---|
| | 0 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | |
| ... | | | | | | | | | | | |
| 96 | 1,1905 | 1,1924 | 1,1942 | 1,1961 | 1,1979 | 1,1998 | 1,2017 | 1,2035 | 1,2054 | 1,2072 | 96 |
| 97 | 1,2091 | 1,2110 | 1,2129 | 1,2148 | 1,2167 | 1,2186 | 1,2205 | 1,2225 | 1,2244 | 1,2263 | 97 |
| 98 | 1,2282 | 1,2302 | 1,2322 | 1,2342 | 1,2362 | 1,2382 | 1,2401 | 1,2421 | 1,2441 | 1,2461 | 98 |
| 99 | 1,2481 | 1,2502 | 1,2522 | 1,2543 | 1,2563 | 1,2584 | 1,2605 | 1,2625 | 1,2646 | 1,2666 | 99 |
| 100 | 1,2687 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 100 |

Давлат Фармакопеясининг 1-жадвали зичлиги маълум бўлган сув-спиртли эритмани $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги қувватини аниқлашга асосланган.

| Зичлик | Сув-спиртли эритмада сувсиз спирт микдори | | | | |
|--------|---|-------------|--|---|--------|
| | Фоизларда | | $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 100 мл спирт таркибидаги г микдори | Ҳавода тортилганда, 100 г да мл микдори | |
| | Масса бўйича | Ҳажм бўйича | | | |
| 0,7968 | 97,54 | 98,47 | 77,73 | | 123,76 |
| 0,7966 | 97,61 | 98,51 | 77,76 | | 123,84 |
| 0,7964 | 97,67 | 98,55 | 77,79 | | 123,92 |
| 0,7962 | 97,74 | 98,59 | 77,83 | | 123,99 |
| 0,7960 | 97,81 | 98,64 | 77,86 | | 124,09 |

Давлат Фармакопеясининг 2-жадвали масса бўйича 1 кг спирт тайёрлаш учун зарур бўлган суюлтириладиган спирт ва сувнинг г микдорини ифодалайди

| Суюлтирилиши лозим бўлган спирт куввати | 30% | | 40% | | 50% | | 60% | | 70% | | 80% | | 90% | |
|---|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|
| | Спирт | Сув |
| 96 | 262 | 738 | 355 | 645 | 452 | 548 | 555 | 445 | 665 | 335 | 783 | 217 | 913 | 87 |
| 95 | 266 | 734 | 360 | 640 | 459 | 541 | 564 | 436 | 675 | 325 | 795 | 205 | 927 | 73 |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|----|
| 94 | 270 | 730 | 366 | 634 | 466 | 534 | 572 | 428 | 686 | 314 | 807 | 193 | 941 | 59 |
| 93 | 275 | 725 | 371 | 629 | 473 | 527 | 681 | 419 | 696 | 304 | 820 | 180 | 956 | 44 |
| 92 | 279 | 721 | 377 | 623 | 481 | 519 | 590 | 410 | 707 | 293 | 832 | 168 | 970 | 30 |
| ... | | | | | | | | | | | | | | |

Давлат Фармакопеясининг 4-жадвали ҳажм бўйича 1 л спирт тайёрлаш учун зарур бўлган суюлтириладиган спирт ва сувнинг мл миқдорини ифодалайди

(бутун сонлар учун)

| Суюлтирилиши лозим бўлган спирт куввати | 30% | | 35% | | 40% | | 45% | | 50% | | 55% | | 60% | |
|--|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|
| | Спирт | Сув |
| 95 | 316 | 707 | 368 | 658 | 421 | 607 | 474 | 556 | 526 | 504 | 579 | 451 | 632 | 397 |
| 90 | 333 | 687 | 389 | 634 | 444 | 581 | 500 | 526 | 556 | 470 | 611 | 414 | 667 | 357 |
| 85 | 353 | 665 | 412 | 609 | 471 | 551 | 529 | 493 | 588 | 434 | 647 | 374 | 706 | 313 |
| 80 | 375 | 641 | 438 | 581 | 500 | 519 | 562 | 457 | 625 | 394 | 688 | 330 | 750 | 265 |
| 75 | 400 | 614 | 467 | 549 | 533 | 483 | 600 | 417 | 667 | 349 | 733 | 280 | 800 | 211 |
| ... | | | | | | | | | | | | | | |

**Давлат Фармакопеясининг 3-жадвали ҳажм бўйича 1 л суюлтириладиган спиртга
қўшиладиган сув микдори**

| Суюлтирилиши лозим бўлган спирт куввати | 30% | 35% | 40% | 45% | 50% | 55% | 60% | 65% | 70% | 75% | 80% | 85% | 90% |
|--|------|------|------|------|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|
| ... | | | | | | | | | | | | | |
| 75 | 1535 | 1177 | 906 | 694 | 523 | 382 | 264 | 163 | 76 | - | - | - | - |
| 80 | 1709 | 1327 | 1039 | 812 | 630 | 480 | 353 | 246 | 153 | 72 | - | - | - |
| 85 | 1884 | 1478 | 1172 | 932 | 738 | 578 | 443 | 329 | 231 | 144 | 68 | - | - |
| 90 | 2061 | 1630 | 1306 | 1052 | 847 | 677 | 535 | 414 | 310 | 218 | 138 | 65 | - |
| 95 | 2239 | 1785 | 1443 | 1174 | 957 | 779 | 629 | 501 | 391 | 295 | 209 | 133 | 64 |

**Давлат Фармакопеясининг 5-жадвали ҳажм бўйича 1 л спирт тайёрлаш учун зарур бўлган
суюлтириладиган спирт ва сувнинг мл миқдорини ифодалайди**

(касрли сонлар учун)

| Суюлтирилиши лозим бўлган спирт куввати | 30% | | 35% | | 40% | | 45% | | 50% | | 55% | |
|--|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | Спирт | Сув |
| 96,5 | 310,9 | 713,1 | 362,7 | 664,7 | 414,5 | 615,3 | 466,3 | 565,0 | 518,1 | 513,8 | 569,9 | 461,8 |
| 96,4 | 311,2 | 712,7 | 363,1 | 664,2 | 414,9 | 614,8 | 466,8 | 564,4 | 518,7 | 513,1 | 570,5 | 461,1 |
| 96,3 | 311,5 | 712,3 | 363,4 | 663,8 | 415,4 | 614,3 | 467,3 | 563,8 | 519,2 | 512,5 | 571,1 | 460,4 |
| 96,2 | 311,9 | 712,0 | 363,8 | 663,3 | 415,8 | 613,7 | 467,8 | 563,2 | 519,8 | 511,8 | 571,7 | 459,7 |
| 96,1 | 312,2 | 711,6 | 364,2 | 662,9 | 416,2 | 613,2 | 468,2 | 562,6 | 520,3 | 511,2 | 572,3 | 458,9 |
| ... | | | | | | | | | | | | |

ТДТТ кафедраси профессори М.У.Усуббаев таклиф этган 3-илова масса бўйича 1 кг спирт тайёрлаш учун зарур бўлган суюлтириладиган спирт ва сувнинг г миқдорини ифодалайди

(касрли сонлар учун)

| Суюлтирилиши лозим бўлган спирт қуввати | 20% | | 30% | | 40% | | 50% | | 60% | | 70% | |
|--|------------|--------|------------|--------|------------|--------|------------|--------|------------|--------|------------|--------|
| | Спирт | Сув |
| 96,00 | 173,90 | 827,00 | 262,30 | 737,70 | 355,00 | 645,00 | 452,20 | 547,80 | 555,00 | 445,00 | 665,00 | 335,00 |
| 96,10 | 172,40 | 827,60 | 262,00 | 738,00 | 354,20 | 645,80 | 451,50 | 548,50 | 554,30 | 445,70 | 663,90 | 336,10 |
| 96,20 | 172,20 | 827,80 | 261,40 | 738,60 | 353,60 | 646,40 | 450,70 | 549,30 | 553,30 | 446,70 | 662,80 | 337,20 |
| 96,30 | 171,90 | 828,10 | 261,00 | 739,00 | 353,00 | 647,00 | 450,00 | 550,00 | 552,50 | 447,50 | 661,80 | 338,20 |
| 96,35 | 171,80 | 828,20 | 260,80 | 739,20 | 352,80 | 647,20 | 449,70 | 586,30 | 552,10 | 447,90 | 661,40 | 338,60 |
| ... | | | | | | | | | | | | |

Назорат саволлари:

1. Этил спиртининг умумий тавсифи
2. Этил спиртини қувватини аниқлаш усууллари
3. Зичлик бўйича спиртини қувватини аниқлаш
4. Спиртомерлар ёрдамида спиртини қувватини аниқлаш
5. Нур синдириш кўрсаткичи бўйича спиртини қувватини аниқлаш
6. Этил спиртини суюлтириш усууллари
7. Масса бўйича суюлтириш
8. Ҳажм бўйича суюлтириш
9. Сарфланган спиртни хисобга олиш
10. ДСТ нинг 5 жадвали бўйича спиртни хисобга олиш
11. ДСТ нинг 6 жадвали бўйича спиртни хисобга олиш

6-мавзу: Доривор ўсимлик хомашёларидан олинадиган дори воситаларининг яратилиш цикли

Режа:

Кириш

- 6.1. Настойкалар ва уларни яратилиш цикли
- 6.2. Суюқ экстрактлар ва уларни яратилиш цикли
- 6.3. Қуюқ экстрактлар ва уларни яратилиш цикли. Буғлатиш
- 6.4. Қуруқ экстрактлар ва уларни яратилиш цикли. Қуритиш

Таянч иборалар: Гален, препарат, ажратма олиш, ҳодиса, молекуляр диффузия, конвектив диффузия, масса алмашиниш, жараён, настойка, усул, технологик босқичлар, расмий усул, мацерация, касрли мацерация, мацерацион циркуляция, гирдоб, перколяция, норасмий усул, ВНИИФ, ультратровуш, марказдан қочиши куч.

Кириш

Бу гурӯҳ препаратларга экстрактлар, настойкалар, ўта тозаланган (новогален) препаратлар, фитонцидлар, биоген стимуляторлар, янги йиғиб олинган ўсимликлардан тайёрланадиган, ҳайвон органларидан олинадиган препаратлар киради. Буларга эрамиздан олдин 201—131 йилларда Римда яшаб ижод этган шифокор ва доришунос олим: Клавдий Гален асос солғанлиги учун Гален препаратлари дейилади. Унинг таълимотяга биноан, ўсимлик ва ҳайвон хом ашёларида таъсир этувчи моддалардан ташқари, кераксиз ёт моддадар ҳам бўлганлиги сабабли улардан ажратма олиш лозимлиги таъкидланган. Бу фиқр ўз даврининг катта ютуқларидан бири бўлди. Бу таълимотни кейинчалик тиббиёт илми билимдони Абу Али ибн Сино ривожлантириди ва давом эттириди. Амалиётда бу гурӯҳ препаратларини олиш усуллари ва ишлатиладиган ажратувчилар у даврдагидан бутунлай фарқ қиласди, лекин уларни олишда Гален таълимотига амал қилинганлиги учун уларнинг номи шартли равища сақланиб қолган. фитопрепаратлар ёки кимёфармацевтика препаратлари деб ҳам юритилади.

Ўсимликлардан тайёрланган препаратларга хозир ҳалқ табобати ва илмий тиббиётда қизиқиши ортиб бормоқда.

Фитопрепаратлар таркибида турли синфга мансуб бўлган кимёвий бирикмалар бўлади (юрак гликозидлари, стеоритлар, антрахинон, пектин,

фенол ва х.к.). Саноат миқиёсида улар сунъий усулда олинмайды. Фитопрепаратларнинг афзалиги улар таркибида маълум биофаол моддалар борлигидадир. Улар танада осон заарсизлантирилади, шунинг учун захарли ҳисобланмайды. Модда алмашиш жараёнида фаол иштирок этади, аллнргенлик хусусияти сунъий препаратларнидан бир неча маротаба кам бўлади. Бу хоссаси хозирги вақтда аллергия кассаллиги кенг тарқалган давр учун айниқса муҳимдир. Шунга қарамай фитопрепаратлар ишлаб чиқариш ўзига хос камчиликлардан холи эмас.

- биофаол модданинг фақат 50-60% гина ажратиб олинади.
 - 40% дан кўпроқ фитопрепаратларнинг ҳаққоний баҳолаш усуллари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун улар улар сон кўрсаткичлари билан баҳоланиб келинмоқда.
 - баъзи доривор ўсимлик турлари камайиб кетган (Кавказ диоскереяси-диоспонин олинади, кенг баргли крестовник-платифиллин ва бошқ.)
 - технологик жараёнларни такомиллаштириш, сирт фаолл моддалар, суюлтирилган карбонат ангидридини ишлатиш, хом ашёнинг майдалик даражасини ошириш
 - халқ тиббиётидаги ишлатиладин доривор ўсимликларни илмий асосда ўрганиш, уларни маданийлаштириш ва етиштиришда агротехника қоидаларига амал қилиш
 - маҳсулот сифатини баҳолашнинг ҳаққоний усулларини ишлаб чиқиши ва чиқиндисиз технологик жараёнларни йўлга қўйиши.
- Ажратувчилар (экстрагентлар). Саноат миқиёсида фитипрепаратлар ишлаб чиқаришда уларнинг турғунлигини таъминловчи ажратувчиларни танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.
- Фитопрепаратлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ажратувчиларга қуйидаги талаблар қўйилади.
- таъсир этувчи моддани яхши ажратиб олиш (дифузион қобилияти юқори бўлиши)
 - таъсир этувчи модда ва асбоб ускуналарга салбий таъсир этмаслиги
 - захарли ва осон алангаланувчан бўлмаслиги, хидсиз, рангсиз, мазасиз ва арzon бўлиши керак.
 - нисбатан паст хароратда осон учувчан, лекин турғун бўлиши керак.

Фармацевтика саноатида ишлатиладиган ажратувчилар юқоридаги талабалрнинг хаммасига жавоб бера олмайди. Шу сабабли муайян шароитда у ёки бу ажратувчи баъзан уларнинг хар хил аралашмалари ишлатилади. Лекин фитопрепаратлар ишлаб чиқаришда асосий ажратувчи бўлиб, хар хил кувватли этил спирти ишлатилади. Ўсимлик хом ашёларидан ажратма олишда ишлатиладиган асосий ажратувчиларнинг хоссалари жадвалда келтирилган.

Корхона шароитида ажратма олиш учун хом ашё таркибида қайси гурух таъсир этувчи моддалари борлиги, ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа жихатлар хисобга олииган холда ажратувчи танланади.

Ажратма олишнинг назарий асослари. Ажратма олиш мураккаб физик-кимёвий жараён бўлиб, эриш, диффузия, осмос, диализ, масса алмасиши каби ходисалар юз беради. Буларнинг механизмини битта назария билан тушунтириш қийин. Бу соҳоани назарий томондан бойитишда И. А. Муравьев, В. Д. Пономарев, Ю. Г. Пшуков каби олимлар ўз хиссаларини қўшганлар. Ажратма олишнинг назарий жихатдаи асослашда молекуляр ва конвектив диффузия хамда масса алмасиши жараёнларига асосий омиллар бўлиб хисобланади.

Молекуляр диффузия молекулаларнинг тартибсиз харакати натижасида бир-бирининг ичига ўтишини таъминловчи жараёндир. Диффузиянинг тезлиги молекулаларнинг кинетик энергиясига боғлиқ. Диффузия жараёнининг харакатлантирувчи кучи бир-бирига тегиб турган қатламлардаги эриган моддалар концентрациялари фарқидир. Бу жараён бир катор омилларга боғлиқ бўлиб, ФИК тенгламаси бўйича ифодаланади.

Конвектив диффузия — аралаштириш ёки аралаштиришга сабаб бўладиган, ҳарорат ўзгариши ва бошқа сабаблар туфайли вужудга келадиган жараён. Конвектив диффузия туфайли моддалар эриган холда бир қатламдан бошқа катламга ўтади. Ўтаётган қатлам ичидаги молекуляр диффузия ҳам содир бўлади. Конвектив диффузия тенглама ифодаланади:

Демак, ажralиб чиққан модда микдори конвектив диффузия коэффициентига, қатлам юзасига, концентрация фарқи ва жараён давом этган вақтга тўғри мутаносиб экан. «Ички» диффузия хом ашё хужайраларидаи моддаларни ташқарига олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни қамраб олади. Бунда харакатлантирувчи куч молекуляр диффузиянинг «ички» коэффициентидир.

Ажратма олиш жараёни уч босқичдан иборат: Хом ашё тўқималари ва уларнинг юзаси ўртасидаги молекуляр диффузия (ички диффузия). Диффузия кечадиган юзалар оралиғидан моддаларнинг ўтиши. Бунда асосий, омил диффузия коэффициентидир. Харакатдаги ажратувчи

оқимида моддаларни оқиб ўтиши тезлашади. Бунда асосий омил конвектив диффузия коэффициентидир.

Умумий ажралиб чиқкан модда миқдори масса алмашиниш деб аталади

Масса алмашиниш коэффициенти (K) 1 м^2 юзадаги кон-центрациялар фарқи 1kg/m^3 бўлганда 1 сонияда ажралиб чиқкан модда миқдорини ифодалайди. Вақт бирлигига бир фазадан иккинчисига ўтган модда миқдори масса алмашиниш коэффициенти, қатlam юзаси, жараён давом этган вақт ва концентрациялар фарқига тўғри мутаносибдир.

Демак, диффузия жараёнининг асосий омили концентрациялар фарқи бўлиб, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил килиш, асбобускуналарни танлаш шунга асосланади.

6.1. Настойкалар ва уларни яратилиш цикли

Настойкалар тиниқ, спиртли, спирт-сувлли ажратмалар бўлиб, доривор ўсимлпк ва ҳайвон органлари хом ашёсидан қиздирмасдан тайёрланади. Настойкалар қучли таъсир этувчи хом ашёлардан 1:10, қолганларидан эса 1:5 (оғирлик-ҳажм) нисбатда тайёрланади.

Қалампир ялпиз (1:20) ва япон софораси (1:2) настойкалари бундан мустаснодир. Настойкалар олишда ажратувчи сифатида хар хил қувватли (40%, 60%, 70%, баъзан 30%, 90%, 95%) этил спирти ишлатилади.

X ДФ да настойкалар бўйича 10 та модда келтирилган. Ундан ташқари, вақтинча фармакопея моддалари бўйича 50 дан ортиқ настойка ишлаб чиқарилади.

Настойка олиш хом ашё ва ажратувчини тайёрлаш, ажратма олиш, ёт моддалардан тозалаш, баҳолаш ва қадоқлаш босқичларидан иборат.

XI ДФ бўйича настойкалар расмий мацерация, касрли мацерация, ажратувчини мажбуран айланишини таъминловчи мацерация (мацерация-циркуляция), перколяция (сиқиб чиқариш), гирдоб, норасмий замонавий тезлаштирилган усуллар (ультратовуш, Фармация илмий текшириш олийгоҳи (ВНИИФ), марказдан қочиш кучига асосланган) билан олинади.

Мацерация — намлаш сўзидан олинган. Ғалвирсимон туб устига майдалангандан хом ашё (1—8 мм), кўрсатилган миқдордаги ажратувчи солиниб, $15—20^\circ\text{C}$ хароратда, вақти кўрсатилмаган бўлса, 7 кунга қолдириллади хамда вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Кўрсатилган вақт ўтгандан сўнг ажратма қуйиб олинади. Қолдиқ сиқилади. Хом ашё оз-роқ тоза ажратувчи билан чайиб олинниб, яна сиқиб олинади.

Ажратмалар бирлаштирилди ва тоза ажратувчи билан керакли ҳажмга етказилади.

Бу оддий усул бўлиб, мураккаб асбоб-ускуна талаб этмайди. Камчилиги: ўсимлик хом ашёсидан таъсир этувчи модда тўлиқ ажралиб чиқмайди. Жараён узоқ давом этади.

Мацерация идиши занглағайдиган пўлат ёки алюминийдан ясалган бўлиб, аралаштиргичи, остки тубида ғалвирсимон туби ва жўмраги бўлади.

Касрли мацерация ёрдамида хужайралардаги биологик фаол моддаларни тез ва тўлиқроқ ажратиб олиш учун ажратувчини икки ёки уч кисмга бўлиб, хар сафар хом ашёга тоза ажратувчи билан ишлов берилади ва ажратма қўйиб олинади.

Мацерация-циркуляция усулида ажратувчининг айланма харакатини сўрғич (насос) ёрдамида ошириш мумкин. Бунда ажратувчи қайта-қайта сўрғич билан сўриб олинниб, асбобнинг идишига қайтариб солинади.

Бу иккала усулда хам концентрациялар фарқи хисобига жараён тезлашади.

Перколияция — рангизлантириш, сиқиб чиқариш сўзидан олинган бўлиб, хар хил тузилишга эга бўлгай маҳсус идишлар — перколяторларда олиб борилади. Перколяторнинг тубида ғалвирсимон туби бўлиб, устига мато қўйилади. Хом ашё (1—8 мм) 50—100% микдоридаги ажратувчи билан бўктириш учун қолдирилади. Сўнг бўккан хом ашё жўмраги очиқ перколяторга ўтказилади. Устига «ойнасимон юза» (3—4 см кават) хосил бўлгунча ажратувчи қўйилади, оқиб чиқсан ажратма қайтиб перколяторга қўйилади ва маълум вақтга қолидирилади. Сўнгра жўмракдан маълум тезликда ажратма қўйиб олинади. Ажратма олиш тезлиги соатига перколятор ҳажмининг 1/24 ёки 1/48 қисмини ташкил этиб литрда хисобланади.

Худди шу тезликда перколяторнинг ютқори қисмидан ажратувчи қўйиб турилади. Бу жараён перколятордаги хом ашё таркибида таъсир этувчи моддаси тугагунча (1:5 ёки 1:10 нисбатдан ошмаслик шарти билан) давом этади. Таъсир этувчи модда тугаганини оқиб тушаётган ажратманинг рангизланганлигидан ёки сифат реакциясидан билиб олиш мумкин. Хом ашё олдиндан намлаб қўйилса, перколяторга хом ашё бир текис жойлашади ва ажратма олиш жараёни бир меъёрда бўлиши таъминланади, акс холда хом ашё «ойнасимон юза» дан чиқиб кетиши мумкин. Бу эса жараённинг узоқ давом этиши ва ажратувчини кўп сарфланишига олиб келади. Перколияция усулининг мацерациядан афзаллиги: жараён нисбатан тез кетади, биофаол моддалар тўлароқ

ажралади, ажратувчи камроқ сарфланади. Шунинг учун корхона шароитида қўпроқ, шу усул қўлланилади. I

Гирдоб усули. Бу усул ажратма олиш жараёнини тезлаштириш мақсадида Чехословакиялик олим Мелвхар ва бошқалар томонидан таклиф қилинган. Камчилиги ажратма лойқа бўлади, уни тиндириш маълум шароит ва қўшимча вақт талаб қилади. Саноат миқёсида бу усул кенг қўлланилиши керак. Замонавий тезлаштирилган усуллар. Москвадаги илмий-текшириш фармация олийгоҳи усули. Бу усулда муайян микдордаги хом ашё перколяторга солинади, устига «ойнасимои юза» хосил бўлгунча ажратувчи қўйилади ва 24 соатга қолдирилади. Сўнг тайёр маҳсулотнинг тўртдан бир қисм микдорида ажратма қўйиб олинади. Перколяторга «ойнасимон юза» хосил бўлгунча ажратувчи қўйиб 1; 1,5; 2 ёки 4 соатга қолдирилади ва яна тайёр маҳсулотнинг тўртдан бир қисмича ажратма қўйиб олинади. Бу жараён яна уч марта тақорланади. Ажратмалар жамланиб, ёт моддалардан тозалаш учун салқин жойга қўйилади.

Марказдан кочувчи куч таъсирида (мажбуран) ажратма олиш. Бу усуни А. И. Генгринович ва Н. Н. Нишоновлар таклиф қилган бўлиб, хом ашё 0,1—0,25 мм катталикда майдаланади, устига хисобланган микдордаги ажратувчини қўйиб аралаштирилади ва маълум вақтга қолдирилади. Бу муддат хом ашёнинг хусусиятига боғлиқ бўлиб, белладонна, қизилпойча, эрмон учун 5 дакиқа, арслонқуйруқ учун 20 дақиқани ташкил этади. Кўрсатилган вақт ўтгандаи сўнг хом ашё шарбат ажратгич асбоб (соковижималка) нинг элаксимон идишига жойлаштирилади. Идишга олдиндан сузгич материал сифатида 1 қават бельтинг жойлаштирилган бўлиши керак. Асбоб ротори айланганда тебранмаслиги (зирилламаслиги) учун сузгич материаллар ва хом ашё бир текис жойлаштирилиши лозим. Асбобнинг айланиш тезлиги дақиқасига 3000—8000 марта бўлиши мумкин. Иш жараёнида айланиш тезлиги дақиқасига 3000 марта бўлганда 60 сония 8000 марта бўлганда 30 сония давом этади. Бунда марказдан қочиш кучи таъсирида хом ашё асбоб девори юзаси томон харакатланиб, сикиласди. Натижада ажратма сузгичлар ва асбоб девори тешикчаларидан ўтиб, жўмрак орқали тўплагичга ўтади (42-расм).

Бу усулда ажратма олиш жараёнининг тез кетиши хом ашё ўта майдаланганилиги туфайли парчаланган хужайралардан биологик фаол моддаларнинг ювилиб чиқишига асосланган. Бунда диализ, осмос, диффузия каби ходисалар асосий омил хисобланмайди. Бу усул техника хавфизлиги томонидан ноқулай, жараён узлуксиз ҳамда кўп қўл кучи талаб этадиган бўлганлиги учун ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмаган.

Ультратовуш ёрдамида ажратма олиш. Ультратовуш усулида настойкалар шарбат ажратгич ёрдамида олинади.

Бу усулда ажратма олиш жараёни тезлашади. Бунда ультратовуш тўлқинлари тезлигига мос равишида бутун идиш ҳажмида хатто хужайралар ичида ҳам галма-галдан сиқилиши (босим) юзага келади.

Саноат микёсида бу усул Харьковда плантаглюцид олишга тадбиқ, этилган. Бу усул ишлаётган ходимлар соғлигига салбий таъсир этиши, хом ашёдаги айрим биофаол моддаларни ультратовуш таъсирида парчаланишига олиб келиши мумкнин. Шу сабабли ха:р бир хом ашё учун ўзига хос алоҳида технология ишлаб чиқиш керак бўлади.

РПА ёрдамида ажратма олиш. РПА — танага жойлаштирилган ротор ва статордан ташкил топтан бўлиб, тешикчаларга, концентрик холда жойлашган тишларга эга. Роторнинг ички қисмида майдалашга ва аралаштиришга мўлжалланган пичноқчалари ёки куракчалари бўлиши мумкин.

РПА нинг фаол ишлаши — тешикчалар катталигига, роторнинг айланиш тезлигига боғлиқ. РПА ёрдамида қисқа вақт ичида (60—90 дақиқа) юкори сифатли ажратма олиш имкони мавжуд. Аппарат танин, облениха ёғи, настойкалар олишда синовдан яхши ўтган.

Мисол: календула настойкасини 70% спирт билан олиш учун 20 мм катталикдаги хом ашё ишлатилади. Бунда хом ашё билан экстрагент нисбати 0,13 ни ташкил қиласи. Экстракция 2 марта қайтарилади, сўнгра ажратмалар бирлаштирилиб тиндирилади ва баҳоланади. Олинган настожалар мавжуд технология бўйича 4 марта ажратма олишга асослангаи настойкага нисбатан қуруқ қолдик, спирт, биофаол моддалар миқдори бўйича бирмунча юқори бўлади. Худди шу холат валериана настойкасини олишда ҳам босқичлар ихчамланиб, қисқа вақт ичида талабга жавоб берадиган тайёр маҳсулот олиш мумкинлигини кўрсатади.

РПА ни ажратма олиш жараёнида кенг кўламда тадбиқ қилиш келажакда катта иқтисодий фойда беради.

Ажратма олиш тезлиги. Ажратма олишда у ёки бу усулнинг мақсадга мувофиқлиги вақт бирлигига ажralган модда миқдори билан белгиланади.

Ажратма олиш жараёнида биологик фаол моддаларнинг ажralиб чикиш тезлиги ажратма олиш вақтини белгилайди. Кўпинча биологик фаол моддалар ажратма олишнинг биринчи соатлариданоқ тез ажralиб чиқади, сўнг маълум миқдордаги ажратувчи ишлатилишига қарамай

ажратма олиш жараёни сусайиб, ажратма олиш узоқ вақт давом этади. Бу ўсимлик тўқимасидаги моддаларнинг молекуляр массаси хар хил бўлганлнги учун, тўқималар холати, майдалик даражаси, майдалаш вақтида хом ашё шаклининг ўзгариш-ўзгармаслиги ва бошқалар билан изохланади. Ажратма олиш кинетикасини ўрганиш шу жараённи муддатини камайтиради. Ишлатиладиган спиртни тўғри танланиши ҳам муҳим ахамиятга эга. Шунга асосланиб ДФ ва бошқа норматив техник ҳужжатларда айрим настойкалар учун белгилаб қўйилган спирт қувватига тузатиш киритиш мумкин.

Настойкалар қайси усул билан олйнганлигидан қатъий назар 10°C ҳароратда 2 кун давомида тиндирилади, сўнgra сузилади. Хозирги вақтда настойка номи билан юритиладиган препаратлар олиниши ва таркиби бўйича бир хил эмас. Уларнинг айримлари фақат ташқи кўриниши тўқ рангда бўялганлиги билан настойкага ўхшаса ҳам аслида настойка эмас. Бунга йоднинг 5% ва 10% ли настойкалари мисол.

Оддий настойкалар. Буларга саноат миқёсида ишлаб чиқарилаётган кўпчилик настойкалар мисол бўла олади.

Экстрактив моддалар 13—17%, спирт 14% дан кам бўлмаслиги, зичлиги 1,021 —1,050 бўлиши керак. Юмшатувчи дори сифатида ишлатилади.

Настойкаларни баҳолаш. Настойкалар сифати давлат фармакопеяси ва норматив техник ҳужжатлар асосида текширилади. Настойкаларнинг ташқи кўриниши, спирт қуввати ёки зичлиги, қуруқ қолдиқ, оғир металлар ва таъсир этувчи модда миқдори текширилади. Настойкалар хиди ва мазаси хом ашё билан бир хил ва тиник бўлиши керак. Настойкалар таркибида спирт қуввати расмий усулда қайнаш ҳарорати бўйича, ҳайдаш усулида (дистилляция усули) ва норасмий —рефрактометрик, қуруқ қолдиқ бўйича ва хлороформ ёрдамида аниқланади.

Настойкадаги спирт қувватини қайнаш ҳарорати бўйича аниқлаш. Бу усул маълум қувватли спирт-сувли аралашманинг қайнаш ҳарорати билан, шу қувватдаги спиртда тайёрланган настойканинг қайнаш ҳароратининг мос келишига асосланган.

Настойкадаги қуруқ қолдиқ миқдори. Қуруқ қолдиқни аниқлаш учун 5 мл настойка доимий оғирликкача келтирилган бюксга солинади ва сув ҳаммомида буғлатилади, сўнг $102,5\pm2,5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 2 соат давомида қуритилади. Қуруқ қолдиқ торозида тортилиб, 100 мл настойкадаги қуруқ қолдиқ миқдори хисобланади.

Оғир металл тузларини миқдорини аниқлаш — 5 мл настойка қуруқ холига келтирилиб, қолдиққа 1 мл кучли сульфат кислотаси қўшиб, эҳтиётлик билан ёндирилади ва куйдирилади. Хосил бўлган кул аммоний ацетатнинг 5 мл тўйинган эритмаси билан қиздирилиб ишлов берилади, кул сувгич орқали сузилади, сувгичдаги қолдиқ 5 мл сув билан ювиб олиниб, суюклика сув қўшиб, 100 мл га етказилади. Шунча миқдор (эталон) суюклидан оғир металлар сақламаслиги керак, яъни 0T001% (ДФ I 1жуз, 165-бет).

Таъсир этувчи модда миқдори — НТХ кўрсатмасига биноан маълум усуулларда аниқланилади. Шиша идишларда салқин, коронғи жойда сақланади. Сакланиш жараёнида настойкаларда чўкма хосил бўлиши мумкин, бунда уни хона ҳароратига келтириб чайқатилади ва баҳоланади.

6.2. Суюқ экстрактлар ва уларнинг яратилиш цикли.

Экстрактлар деб ўсимлик хом ашёсидан биологик фаол моддалари сув, спирт, эфир ёки бошқа ажратувчилар ёрдамида ажратмб олинган ва ажратувчиси қисман, баъзан бутунлай буғлатилган ажратмаларга айтилади. Экстрактлар — куюқ-суюқлигига (консистенция) қараб таснифланади.

Куюқ экстрактлар — концентранган ажратмалар бўлиб, 50% дан кўп намлик сақлайди, ажратувчи сифатида ҳар хил қувватдаги этил спирти ишлатилади.

Куюқ экстрактлар - ўта қовушқоқ бўлиб, идишдан тўкилмайдиган, асалсимон чўзиладиган масса бўлиб, 25% гача намлик сақлайди, улар 3:1, 4:1, 5:1, 6:1) нисбатларда тайёрланади.

Қуруқ экстрактлар толқон бўлиб, 5% гача намлик сақлайди.

Суюқ экстрактлар осон қўзғалувчан спирт-сувли ажратмалар бўлиб, 1:1 нисбатда, яъни бир оғирлик қисм хом ашёдан бир хажмий қисм махсулот олиниади. Суюқ экстрактлар тайёрланиши нисбатай осонлиги, таъсир қилувчи моддалар мажмуасининг табиийлиги, хом ашё ва тайёр махсулот нисбатининг оддийлиги билан тиббиётда кенг кўламда ишлатишга имконият беради. Шу билан бирга улар экстрактив моддаларга тўйинган бўлиб, сақ лаш ҳарорати пасайиши ёки спиртнинг бир қисмини учиб кетиши билан чўкма хосил қиласди, бу эса суюқ экстрактларни ташиш ва сақлашни анча чегаралаб қўяди. Суюқ экстрактлар перколоция, реперколоция ва Босин усууларида олиниши мумкин.

1. Экстракциялаш хақида умумий тушунча

Эритмалар ёки қаттиқ моддалар таркибидан бир ёки бир неча компонентларни эритувчилар ёрдамида ажратиб олиш жараёни экстракциялаш деб аталади. Бу жараён 2 турға бўлинади.

1. Суюқликларни экстракциялаш.
2. Қаттиқ материалларни экстракциялаш.

Эритмалар таркибидан бир ёки бир неча компонентларни танлаб таъсир қилувчи эритувчилар – экстрактлар ёрдамида ажратиб олиш жараёни суюқликларни экстракциялаш деб юритилади. Суюқ аралашма билан эритувчи ўзаро аралаштирилганда эритувчидаги фақат керакли компонентлар яхши эрийди, қолган компонентлар эса жуда ёмон ёки бутунлай эримайди.

Экстракциялаш жараёни ҳам асосан ректификациялаш каби суюқлик аралашмаларини ажратиш учун ишлатилади. Бу усулларнинг қайси бирини танлаш аралашмалар таркибидаги моддаларнинг хоссаларига боғлиқ. Ректификациялаш жараёни одатда иссиқлик таъсирида боради. Экстракциялашни амалга ошириш учун иссиқлик талаб этилмайди. Ректификациялаш аралашма компонентларининг ҳар хил учувчанликларига асосланади. Агар аралашма компонентларининг қайнаш ҳароратлари бир бирига яқин ёки улар юқори ҳароратларга бекарор бўлса, бундай холларда экстракциялаш жараёни қўлланилади. Танлаб олинган эритувчининг зичлиги экстракцияланиши лозим бўлган суюқлик зичлигидан кам бўлиши шарт.

Дастлабки эритма ва эритувчи ўзаро таъсир эттирилганда иккита фаза (экстракт ва рафинат) хосил бўлади. Ажратиб олинган модданинг эритувчидаги эритмаси экстракт, дастлабки эритманинг қолдиги эса рафинат деб юритилади. Рафинат таркибида бироз миқдорда эритувчи ҳам бўлади. Олингган иккита суюқлик фазаси (экстракт ва рафинат) бир-биридан тиндириш, центрафугалаш ёки бошқа механик усуллар ёрдамида ажратилади. Сўнгра экстракт таркибидан тегишли маҳсулот ажратиб олинади. Рафинатдан эса эритувчи регенерация қилинади.

Суюқликларни экстракциялаш бошқа усуллар (ректификациялаш, буғлатиш ва х.к.) га нисбатан бир мунча афзалликларга эга, жараён паст ҳароратда олиб борилади, эритманинг буғланиши учун иссиқлик талаб қилинмайди, юқори танловчанлик хусусиятига эга бўлган исталган эритувчини ишлатиш имкони бор. Бу усул камчиликдан холи эмас, қўшимча компонент (эритувчи)ни ишлатиш ва уни регенерация қилишни ташкил қилиш аппаратлар схемасини мураккаблаштиради ва экстракциялаш жараёнини қимматлаштиради.

Суюқлик – суюқлик системаларини экстракциялаш жараёнлари кимё фармацевтика саноатида кенг ишлатилади.

2. Экстракциялашнинг асосий усуллари

Суюқликларни экстракциялаш жараёни икки босқичдан иборат:

1. Дастребаки аралашма билан эритувчининг контактлашуви учун уларни аралаштириш.

2. Хосил бўлган рафинат ва экстракт эритмаларини бир-биридан ажратиш.

Шу сабабли экстракциялашнинг битта поғонаси аралаштиргич ва тиндиришдан ташкил топган бўлади. Аралаштиргич ва тиндириш аппаратлари турли конструктив тузилишда бўлиши мумкин.

Экстракциялаш жараёнини олиб боришнинг схемалари қўйидагича:

1. Бир поғонали экстракциялаш. Бунда дастребаки аралашма ва хом ашё эритувчи билан бир марта аралаштирилади. Сўнгра рафинат ва экстракт эритмалари ажратилади.

2. Кўп поғонали экстракциялаш. Бунда хар бир поғонада хом ашё ва рафинат эритмаси эритувчининг тегишли миқдори билан қайта ишланади.

3. Қарама-қарши оқим билан экстракциялаш. Бу усул аралаштиргич-тиндириш типидаги аппаратларда ва колоннали аппаратларда олиб борилади.

4. Бир поғонали экстракциялаш аралашмаларни бирламчи ажратиш учун ишлатилади. Қарама-қарши оқим билан экстракциялашда аралашма яхши ажратилади, бунда рафинатнинг чиқиши юқори бўлади. Кўп поғонали экстракциялаш жараёнида эса юқори сифатли рафинатнинг чиқиш миқдори кам бўлади.

Экстракциялаш жараёнининг тезлиги

Суюқликларни экстракциялашда иккита суюқ фаза ўртасида модда алмасиниш жараёни юз беради, ажратиб олиниши лозим бўлган компонент битта суюқликдан иккинчисига ўтади. Фазалар ўртасида контакт юзасини кўпайтириш учун суюқликлардан бири маълум ўлчамли майда томчиларга ажратилади. Бунда битта суюқлик аппаратнинг ҳажми бўйича (ёки контакт қурилмасининг устида) узлуксиз ёки яхлит жойлашган бўлади. Иккинчи суюқлик эса томчи холида бўлади. Биринчи суюқлик яхлит ёки дисперсион фаза деб, томчи холидаги суюқлик эса дисперс фаза деб юритилади.


Шундай қилиб, ажратилиши лозим бўлган компонент хлит фазанинг ичида томчининг юзасига сўнгра унинг таркибига ёки тегишли компонент томчининг ичидан ажратувчи юза орқали яхлит фаза оқимига ўтади. Жараёнинг тезлиги бир фазадан иккинчи фазага ўтган модданинг миқдори билан белгиланади.

Яхлит ва дисперс фазаларнинг диффузион қаршиликларини нисбатига кўра жараёнинг тезлиги турлича аниқланади. Бунда 3 хил юз бериши мумкин.

1. Томчи ичидаги диффузион қаршилик фазанинг диффузион қаршилигига нисбатан анча кам. Бунда модда ўтказиш фақат тарқалган фазадаги диффузион қаршилик орқали аниқланилади. Модда ўтказиш коэффициенти модда бериш коэффициентига тенг деб олинади.

2. Яхлит фазанинг диффузион қаршилиги томчи ичидаги диффузион қаршилиги томчи ичидаги диффузион қаршиликка нисбатан анча кам. Бунда модда ўтказиш тезлиги томчи ичидаги диффузион қаршилик орқали топилади. Модда ўтказиш коэффициенти модда бериш коэффициентига тенг деб олинади.

3. Яхлит ва дисперс фазалардаги диффузион қаршиликларни хисобга олмаслик мумкин эмас, бунда модданинг иккала фаза бўйлаб тарқалиши эътиборга олинади. Модда бериш коэффициентларини хисоблашда тенгламадан фойдаланилади.




6.3. Куюқ экстрактлар ва уларнинг яратилиш цикли.

Буғлатгичлар

Куюқ ва қуруқ экотрактлар турли синфларга мансуб бўлгак ва таркибида биофаол моддалар бўлган ўсимликс хом -шёларидағ олиниб, мчхсус гурухчи ташкил қиласади. Уларни олишда ажратувчи сифатида ҳар хил қувватли этил спирти, диэтил сттирти, хлорэтан, сув, хлороформ, аммиак, нордонлаштирилган сувлар, метилен хлорид ва хладонларни ишлатиш мумкин. Чунки тайёр маҳсулот таркибида ажратувчи деярли бўлмайди. Куюқ экстракт-ларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, нам жойда суюла-ди ва могорайди, қуруқда эса намлигики йўқотиб, қат-тиқ бўлаклар ҳосил қиласади. Куюқ экстрактлар ишлаб чиқариш кўлами тез суръ-атлар

билан ўсмокда, чунки уларни ишлатиш анча қулай-дир. Лекин қуруқ экстрактлар ишлаб чиқаришда ҳам баъзи муаммолар мавжуд. Кўпчилик қуруқ экстрактлар сочи-лувчан толқон бўлиб, идиш оғзи очилиши билан намликни шимиб олиб, қотиб қолади, бу эса ишлатишни ғоят қий-инлаштиради. Бу қийинчиликни бартараф этиш учун шундай ажратувчи ва ажратма олиш усулини танлаш ломки, у қуруқ экстракт намланишга сабаб бўладиган экстрактив моддаларни хом ашёданж деярли ажратмасин, лекин биофаол моддаларни иложш борича тўла ажрат-син. Бундан ташқари мақсадга мувюфик, тўлдирувчилар-ни илмий асосда танлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Одатда қуюқ ва қуруқ экстрактла^р таркибида хом ашёга нисбатан бир неча марта кўп миқдаорда биологик фаол моддалар бўлади. Улар саноат корхшналари ва дорихона-ларда тиндирмалар, суюқ экстракглиар, мураккаб толқон-лар, эритмалар, шамчалар, таблеткгалар, қиёмлар ишлаб чиқаришда, айримлари эса ҳаб дорилчар тайёрлашда тўлди-рувчи бўлиб хизмат қиласиди. Қуюқ ва қуруқ экстрактлар ишлаб «аш^риши ажратма олиш, ёт моддалардан тозалаш, буғлатиш ёкш қуритиш, баҳолаш ва қадокдаш каби технологик босқичларэидан иборат. Ажратма олишда тиндирма ва с^юқ экстрактлар тай-ёрлашдаги ҳамма усуллардан фойдхаланиш мумкин. Шу билан бирга қуюқ ва қуруқ экстрактлар ишлаб чиқариш-да ўзига хос ажратма олиш усуллар^{*}и \ам мавжуд. Қарши оқимда ва айланма (циркуляцион) усулда аж-ратма олиш шу жумлага киради. Ку усулларни қўллаш-дан мақсад, иложи борича оз миқцюрда ажратувчи сарф-лаб, узлуксиз концентрланган ажрлтма олишдир. Бу эса кагга иқгисодий аҳамиятга эга. Қа^рши оқимда ажратма олиш ўз навбатида иккига бўлинади:: биринчи усулга асос-ланган асбоб-ускуналарда хом ашё[^]аракатланмайди, аж-ратувчи эса перколяторнинг пастки томонидан қарши оқим б[^]айича ҳаракат қиласиди, натижада хом ашё бир те-кис намланади ва ҳавони сиқиб чикаради. Бу мақсадда 5 тадан 16 тагача перколяторлар найлар ёрдамида ўзаро бирлаштирилиб, бир бутун курилгма хосил қилинади. Масалан, агар батареяда бешта персолятор бўлса, унинг тўртгасига хом ашё жойлаштирилади ша биринчисига паст-ки томондан перколяторнинг юқориги ҳаво жўмрагидан бир неча томчи ажратувчи оқиб чиждунга қадар ажратув-чи юборилади ва маълум вақтгача ивitiш учун қолдири-лади, сўнг ажратма нккинчи перкюляторга ён жўмраги орқали ўтказилади, биринчига эса яна пастдан тоза аж-ратувчи қуилиб турилади. Бу жараён шу тарзда ҳамма перколяторларда давом эттирилади ва тўртинчи перко-лятордан тайёр маҳсулот қуийиб одинади. Бу вақтда биринчи перколятордаги хом ашё тардсибида таъсир қилув-чи модда қолмайди, уни батареядан ажратиб, ўрнига бе-шинчи перколятор ишга туширилади. Энди тоза аж-ратувчи иккинчи перколятор орқали берилиб, ажратма бешинчидан қуийиб олинади. Бу вақтда биринчи перко-лятордаги таъсир қилувчи моддаси қолмаган хом ашё олиб ташланади ва янги хом ашё солиб, ишга тайёрлаб қўйи-лади (38-расм). Шундай қилиб, бу усулда навбат билан битга

перко-лятор тайёргарлик босқичида бўлиб, қолганларида узлук-сиз иш жараёни давом этади. Бу қурилмалар тузилиши-нинг мураккаблиги ва цех шароитида кўп жойни олиши унинг камчилиги ҳисобланади. Олим ва мутахассислар-нинг изланишлари натижасида хом ашё ва ажратувчи бир-бирига қарама қарши оқимда ҳаракат қилса, ишлаб чи-қариш унумдорлиги ошиши ва ўта концентрланган аж~ ратма олиш мумкинлиги исботланган. Бу усулда ишлашга асосланган асбоблар қандай тузилишга эга бўлишидан қатъий назар иш моҳияти бир хил бўлади.




Экстракторлар батареяси. 1-экстрактор; 2-ажратувчи солинадиган идиш; 3-йигич.

Асбобнинг бир томонидан узлуксиз равишда хом ашё, иккинчи томонидан ажратувчи тушиб туради. Улар бир-бирига қарама қарши йўналишда ҳаракатланиши нати-жасида диффузия жараёни тезлашади ва концентрация-лар фарқи ошиб боради. Қарама-қарши томондан кела-ётган ажратувчи хом ашёдаги таъсир этувчи модда билан тобора тўйиниб боради ва хом ашё тушадиган томондан концентрланган ажратма қўйиб олинади. Иккинчи то-монидан эса деярли таъсир қилувчи моддаси қолмаган хом ашё тушаётган тоза ажратувчи билан ювилади, сиқи-лади ва чиқариб ташланади. Бу усулнинг афзаллиги: жа-раён автоматлаштирилиши мумкин ва нисбатан кам аж-ратувчи сарфланиб тўйинган ажратма олинади. Ажратма олиш А. Г. Натрадзе, М. Р. Рязанцева, Г. А. Моциевс-кий, П. Т. Радионов асбобларида амалга оширилади.

Ликопчали диффузион асбоб. Бу асбобни А. Г. Натрадзе ва М. Д. Рязанцева таклиф қилган. У узунлиги 3,7 метр, диаметри 10,5 см, иккита найдан ташкил топган бўлиб, пастки камерада 30° бурчак ҳосил қилиб бирлашган ва икки қаватли девор билан таъминланган. Пастки каме-рада ва

юкорида найлар охирида учта юлдузча жойлаш-ган. Юлдузча ва найчалар орқали загламайдиган пўлат-дан тайёрланган тешикли ликопча ўрнатилган сим кий-гизиб қўйилади. Дисклар сим юлдузчалардан бирига ўрнатилган электр юргич ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Ишлаш тартиби: асбоб ажратувчи билан тўлдирилиб ликобчали сим ҳаракатга келтирилади, чап томондаги дозатордан маълум тезликда майдаланган хом ашё тушиб туради, Дисклар хом ашёни ажратувчи оқимга қарши ҳара-катга келтиради. Айни вақтда ўнг томондан маълум тезликда ажратувчи тушиб туради. Таъсир қилувчи моддаси қолмаган хом ашё тоза ажратувчи билан ювилиб, сики-либ, ўнг томондаги найнинг орқасида жойлашган идиш-га йифилади. Тайёр ажратма эса хом ашё тушаётган томонда йифилади.




Пружина қуракчали экстрактор. Бу ҳам узлуксиз иш-лайдиган экстрактор бўлиб, Г. А. Моциевский ва П. Т. Радионовлар таклиф қилган.

Асбоб 15 хоначадан иборат бўлиб, ҳар бир хоначага барабанга ўрнатилган икки қатор ёйсимон пружинали қуракчалар жойлашган. Хоначаларнинг пастки қисмида иситиш камераси, чап томонда ажратма йифиладиган идиш, дозатор, ўнг томонда эса пуркагич ва айланадиган тасма орқали таъсир қилувчи моддаси қолмаган хом ашё чиқариб юбориладиган мосламалар жойлашган.

Ишлаш тартиби: Хом ашё ажратувчиси бўлган биринчи хоначага тушади. Бу ерда хом ашё куракчалар ёрдамида суюқликка ботирилади ва аралаштирилади, сўнг хонача деворига сиқилади ва пружинали куракча ёрдамида иккинчи хоначага ўтказилади. Иккинчи хоначада ҳам биринчидаги жараёнлар такрорланади. Сўнг хом ашё кейинги хонага узатилади. Иккинчи хоначада ҳам биринчидаги жараёнлар такрорланади. Ажратувчи эса пуркагич орқали тасмадаги хом ашёни ювиб, охирги 15 хоначага тушади, ундан 14,13,12, 11 ва ниҳоят 1 хоначага ўтиб тўплагичга тушади.

Пружина куракчали асбоб эрмон, валериана, баҳорги адонис ва чучукмия илдизларидан ажратма олишда синаб кўрилган ва ижобий натижага олинган.



Қоқиўтнинг қуюқ экстракти (*Extractum Taraxasi spissum*).

Қоқиўтнинг илдизидан хлороформли сув ёрдамида касрли мацерация усулида ажратма олинади. Биринчи марта ивitiш учун икки кунга, иккинчи марта бир кунга қолдирилади. Ёт моддалардан тозалаш учун ажратмага 3-5% каолин қўшилади, тиндирилади, сузилади ва қуруқ ҳолга келгунча буғлатилади. Қоқиўтнинг қуюқ экстракти ҳаб дори тайёрлашда асоссифатида ишлатилади.

Эркак қирққулоги экстракти (*Extractum Filicis maris*). Ажратма олишда ажратувчининг айланма ҳаракатига асосланган Сокслет асбобидан фойдаланилади. Ажратув-чи сифатида диэтил эфири, дихлорэтан ёки углерод (IV) - хлорид ишлатиш мумкин. Тайёр маҳсулот таркибида 25- 28% филицин бўлади. Агар ундан ортиқ бўлса, вазелин мойи ёки таркибида камроқтаъсир этувчи моддаси бўлган экстракт билан аралаштирилади. Тайёр маҳсулот тарки-бида ажратувчи бутунлай қолмаслиги ва унинг ҳиди бўлмаслиги керак. Кўнғир рангта ўтган экстракт ишлатишга яроқсиз деб ҳисобланади. Сақланиш вақтида филицин кристалл ҳолида чўкиб қолиши мумкин. Шунинг учун ишлатишдан олдин экстракт яхшилаб аралаштирилиши лозим. Тайёр маҳсулотнинг асалга ўхшаш консис-тенцияси бўлишига сабаб, ажратувчида таъсир этувчи модда билан бир қаторда ўсимлик тўқималаридан мум-симон моддалар ҳам ажралиб чиқишидир. Экстракт

чувалчангсимон гижжаларни ҳайдашда иш-латилади, кунлик бериладиган миқдори -8 грамм. Эҳтиётлик билан "А" рўйхатида сақланади.

Фан ва техника тараққиёти мисли кўрилмаган даражада ривожланган хозирги даврда, ахолини саломатлигини сақлаш, уларни юқори самарали турғун ва арzon дори-дармон билан таъминлаш фаннинг устивор йуналишларидан бири хисобланади. Бу масалани хал қилиш учун маҳаллий, синтетик ва доривор ўсимликлардан олинган биофаол моддалар асосидаги дори воситаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Тайёр дори воситаларини тайёрлашда замонавий асбоб-ускуналар, юқори аниқлик даражасида ишлайдиган аппаратлар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган дори воситасини сифати, юқори биосамарадорлиги ва турғунлиги хақида олдиндан хулоса беришга хизмат қиласди.

Кимё фармацевтика саноатида суюқлик ва газларни иситиш ва совутиш, буғларни конденсациялаш каби жараёнлар кенг тарқалган. Бундай жараёнлар иссиқлик алмашиниш аппаратларида амалга оширилади.

Иссиқлик алмашиниш жараёнларида иштирок этувчи моддалар иссиқлик ташувчи агентлар деб юритилади. Юқори ҳароратга эга бўлиб, ўзидан иссиқликни иситилаётган муҳитга берувчи моддалар иситувчи агентлар деб юритилади. Совутилаётган муҳитга нисбатан паст ҳароратга эга бўлган ва ўзига муҳитдан иссиқликни оловчи моддалар совитувчи агентлар деб аталади.

Учувчан бўлмаган моддалар эритмаларини унинг таркибидаги эритувчини қайнатиш пайтида чиқариб юбориш йўли билан қуюқлаштириш жараёни буғлатиш деб юритилади. Агар буғланиш жараёни қайнаш ҳароратидан паст ҳароратларда суюқликнинг юзасида рўй берса, буғланиш жараёнида буғ эритманинг бутун ҳажмидан ажралиб чиқади.

1. Умумий тушунчалар.

Кимё фармацевтика саноатида ишқор, туз ва бошқа моддаларнинг сувли эритмалари, айрим минерал ва органик кислоталар, қўп атомли спиртлар ҳамда шу каби бир қатор суюқ эритмалар буғлатилади. Айрим вақтда буғлатиш ёрдамида тоза эритувчилар ҳам олинади. Баъзи шароитларда қуюқлаштирилган эритма кристалланиш жараёнини амалга ошириш учун маҳсус буғлатиш аппаратларига юборилади.

Қуюқлаштирилган эритмалар ва буғлатиш натижасида хосил бўлган қаттиқ моддаларни осон ҳамда арzon қайта ишлаш, сақлаш ва бошқа жойларга жўнатиш мумкин.


Буғлатиш жараёнида иситувчи агент сифатида асосан сув буғи ишлатилади. Бундай буғ бирламчи буғ деб аталади. Қайнаётган эритмани буғлатиш пайтида хосил бўлган буғ иккиламчи буғ деб аталади. Эритмани буғлатиш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори девор орқали берилади. Фақат айрим холлардагина, эритмаларни қуолтириш учун керак бўлган иссиқлик тутун газлари ёки бошқа газсимон иссиқлик ташувчи агентларнинг суюқлик билан ўзаро контакти орқали берилади.

Буғлатиш жараёни вакуум остида, атмосфера ва юқори босимларда олиб борилиши мумкин. Эритмаларниң хоссалари ва иккиламчи буғнинг иссиқлигидан фойдаланиш заруриятига қўра хар хил босимлар ишлатилади.

Кимё фармацевтика саноатида буғлатиш жараёни бир ва кўп аппаратли қурилмаларда амалга оширилади. Кўп аппаратли, яъни бир неча аппаратлардан ташкил топган буғлатиш қурилмалари кенг ишлатилади. Кўп аппаратли қурилмаларнинг фақат биринчи аппаратига иситувчи (бирламчи) буғ берилади. Кейинги аппаратларни иситиш учун эса олдинги аппаратлардан чиккан буғ ишлатилади. Натижада иситувчи буғнинг умумий сарфи камаяди.

Ишлаш режимига қўра буғлатиш аппаратлари даврий ва узлуксиз бўлади. Кичик масштабдаги ишлаб чиқаришларда ва айрим вақтда, эритмаларни юқори концентрацияларгача буғлатишда даврий ишлайдиган буғлатиш аппаратлари ишлатилади. Кимё ва фармацевтика саноатида асосан узлуксиз ишлайдиган буғлатиш аппаратлари кенг ишлатилади. Замонавий буғлатиш аппаратлари анча катта иситиш юзасига эга, айрим пайтда битта аппаратнинг иситиш юзаси 2000 m^2 дан ортиб кетади.

2. Буғлатгич турлари.



3. Буғлатгичларнинг махсус турлари.

Бундай аппаратлар қаторига иссиқлик насосига эга бўлган ва барботажли буғлаткичлар киради.


Иссиқлик насосига эга бўлган буғлатиши аппаратлари саноатда хар хил мева шарбатларини, юқори температуралар таъсирига мойил эритмаларни буғлатиши учун ишлатилади. Бундай аппаратларда хосил бўлган иккиласми буғ босими иситувчи буғнинг босимига тенг бўлгунча сиқилади. Сиқилган буғ аппаратни иситиш учун ишлатилади. Иккиласми буғни сиқиш учун компрессорлар ва буғ оқимли инжекторлар ишлатилади. Иссиқлик насосига эга бўлган буғлатиши аппаратларида ташқаридан сарфланган энергия иккиласми буғ ҳароратини ошириш учун ҳизмат қилади. Аппаратни дастлаб ишга туширишда янги буғ берилади. Бу буғ билан эритма қайнагунча иситилади. Кейнчалик буғлатиши иккиласми буғ хисобига боради. Иш пайтида назарий жиҳатдан ташқаридан буғ талаб қилинмайди. Амалий жиҳатдан эса ташқаридан бир оз буғ береб туриш керак бўлади. Чунки эритмани иситиш ва иссиқлик йўқолишларини қоплаш учун қўшимча буғ талаб қилинади.

Иссиқлик насосли буғлатиши аппаратлари эритма билан эритувчининг қайнаш ҳароратларининг фарқи паст бўлган вактда ишлатилади. Эритманинг қайнаш ҳарорати юқори бўлса, бу усул

қўлланилмайди. Чунки иккиламчи буғни сиқиш учун кўп энергия сарф бўлади.


6.4. Қуруқ экстрактлар ва уларнинг яратилиш цикли. Қуритгичлар

Айланма (циркуляцион) усулда ажратма олиш. Бу усулда ажратма олиш ажратувчининг узлуксиз айланма харакатига асосланган. Ажратма олинадиган қурилма узлуксиз ва автоматик тарзда Сокслет асбобига ўхшаш ишлайди. Қурилма бир-бири билан ўзаро боғланган куб (1), ажратма олинадиган идиш (экстрактор) (4), конденсатор (3) ва тўплагичлардан (2) ташкил топган.



Ишлиш тартиби: майдалангандан хом ашё ажратма оладиган идашга жойлаштирилади, устига букик (сифон) найчадан пастроқ сатҳгача ажратувчи солинади ва ивitiш учун 24 соатга қолдирилади. Айни вақтда озроқ ажратувчи куб ва тўплагичга ҳам солинади. Ивitiш вақти тўғагандан сўнг тўплагич жумрагини очиб, ажратма оладиган идишнинг букик найча сатҳгача ажратувчи қўйилади, бунда ажратманинг хаммаси кубга тушади. Куб қизиб турганлиги учун ажратувчи буғланиб, тўплагичга, сўнгра эса маълум тезлик билан ажратма оладиган идишга тушади.

Суюқлик сатҳи букик найча билан тенглашганда яна ажратма кубга тушади ва жараён шу тарзда давом этади.



Ҳар гал таъсир қилувчи модда куб қолади, ажратувчи эса буғ ҳолига ўтиб, у конденсатордя суюқликка айланади ва яна ажратма олинадиган идишга тушади. Хом ашёда таъсир қилувчи модда тугагач, куб-дан ажратма тўплагичга ҳайдалади, хом ашё идишдан олиб ташланади ва ажратма олинадиган идишга янги хом ашё жойлаштирилади. Бу қурилмада қирққулоқнинг қуюқ экстракти диэтил ёрдамида олинган.

Хладонлар ёрдамида ажратма олиш. Хладонларнинг диффузия қобилияти катта бўлиб, осонликча хом ашё хужайраларига кириб биофаол моддаларни эритиб, таш-қи фазага олиб ўтади. Кўпчилик хладонлар танлаб (се-лектив) эритиш қобилиятига эга бўлиб, нисбатан барқа-рор ва сифатли экстракт олишга имкон беради. Олинган ажратмадан хладонлар хона ҳароратида буғланиб кетади ва энергая сарфлашга ҳожат қолмайди. Хладонларнинг бу хоссалари экстракт ишлаб чиқаришда ажратувчи сифатида кенг кўламда ишлатиш имкониятини яратади. Хладонлардан ажратувчи сифатида фреон (11, 12, 114, 22) лар, суюлтирилган карбонат ангидрид ишлатилади. Булар ёрдамида ажратма олиш зич (герметик) беркитил-ган юқори босимга (55-65 атм) бардош бера оладиган маҳсус асбобларда, 20-25° ҳароратда олиб борилади.

Суюлтирилган карбонат ангидрид газидан экстракт олишда фойдаланиш. Бунинг учун маҳсус пўлатдан ясал-ган учта экстрактор, суюқ карбонат ангидрид гази сақла-надиган идиш, тўплагич, буғлатгич ва конденсатордан ташкил топган ва ўзаро зич беркитилган қурилмадан фойдаланилади (42-расм). Ишлаш жараёни: экстракторларга майдаланганд үсимлик хом ашёси жойлаштирилади, устига "ойнасимон юза ҳосил бўлгунча суюлтирилган карбонат ангидрид юбори-лади ва ивitiш учун маълум вактга қолдирилади. Сўнғ пастки жўмракларни очиб, ажратма тўплагичга қўйио олинади, сузилади, ажратувчи буғлатгичга ўтказилганда 20-25° ҳароратда буғланади ва тайёр маҳсулот қуйиб оли-нади. Ажратувчи буғлари

конденсаторда суюқ ҳолга у ди ва яна хом ашёдан ажратма олиш учун ишлатилади.

Ажратмаларни ёт моддалардан тозалаш. Ажратма оли вакгида хом ашё ва ажратувчи табиатига, олиниш усулл рига қараб маълум миқдорда ҳар хил ёт моддалар (пею33042-расм, Суюлтариңлган газлар ёрдамнда ажратма олниш асбоби. 1, 2, 3, экстракторлар; 4-суюлтирилган газ; 5-ийғич; 6-буғлатгич; 7-совитгич.шилимшиқ, оқсили) ажралиб чиқади. Ажратмани қуюлти-ришдан олдин улар-дан тозалаш лозим. Ёт моддалар табиа-тига ва миқцорига қараб ҳар хил тозалаш усуллари қўлла-нилади. Масалан, ажратмани салқин жойда бир неча кун-га қолдириб, кейин сузилади, маълум вақт қайнатиб, тин-дирилади, баъзан маълум миқдорда (2-20%) адсорбент-лар билан ишлов бериб тиндириб қуйилади, сўнг сузилади ёки центрифугаланади. Ажратмалардаги ёт моддалар-ни спирт ёрдамида чўқтириб тозалаш ҳам кенг қўлланила-ди. Ажратмани хом ашё миқцорининг ярми қолгунча буғ-латилади, совитилади, сўнг қолдик&a nisбатан икки марта ортиқ (ёки хом ашё билан бир хил) миқдорда 95% ли спирт билан қўшиб аралаштирилади, 8° ҳароратда 5-6 кунга қолдирилади, сўнг сузилади.

Ажратмани қуюлтириш. Ёт моддалардан тозаланган ажратмалар тегишли вакуум буғлатгич қурилмаларида 50- 60°C да қуюлтирилади. Агар ажратма спиртли эритма ёки спирт ёрдамида тозаланган бўлса, мўътадил босимда (ва-куумсиз) спирт ҳайдаб олинади, сўнг сувли қисми вакуум остида буғлатиб қуюлтирилади. Куритиш. Агар қуюқ экстрактни қуритиш лозим бўлса, вакуум қуритгич жавонларидан фойдаланилади. Куюлтирилмаган ажратмалар жўвали ёки вакумли қуритгичларда қуритилади. Куритилган экстракт лозим бўлса те-гишли тегирмонда майдаланади. Баҳолаш. Қуюқ ва қуруқ экстрактлар қолдик намлик, отиреталдар ва таъсир этувчи миқцори бўйича баҳоланади.

Сақланиши. Қуюқ ва қуруқ экстраклар таркибидаги биологик фаол моддалари, экстрактив моддалари ва аж-ратувчисининг табиатига биноан гигроскопик хусусиятга эга. Шу ^уфайли 30, 50 ва 100 г ли оғзи кенг бурама қоп-қоқли шиша идишларда қопқоқ устидан парафинланган ҳолда сақланади. Ўзига хос технологик жараёнга эга бўлган қуюқва қуруқ экстрактлар. Белладоннанинг қуюқ экстракти (Extractum Belladonnae spissum). Ажратма белладонна баргидан ре-перколяция усулида 20% ли спирт ёрдамида олинади ва ёт моддалардан тозаланади. Сўнг буғлатгич асбобларда 50-60°C да қуюлтирилиб, таъсир этувчи модда миқцори текширилади. Агар алкалоид миқдори 1,5% дан ортиқ бўлса, крахмал қанди (патока), декстрин ёки қандлар қўшиб меъёрига келтирилади, кам бўлганда алкалоиди меъёридан кўп бўлган қуюқ экстракт билан аралаштирилади. Тайёр экстрактда алкалоидлар миқдори (гиосциа-минга хисоблаганди) 1,4%

дан кам ва 1,6% кўп бўлмаслиги керак. Эҳтиётлик билан "Б" рўйхат бўйича сақланади. Мушаклар таранглигини бўшаштирувчи (спазмолитик) восита сифатида ишлатилади. Белладоннанинг қуруқ экстракти (*Extractum Belladonnae siccum*). Ажратма олиш ва ет моддалардан тозалаш қуюқ экстрактнига ўхшаш. Тозаланган ажратма тортилади. Эк-стректив моддалар ва алкалоидлар микдори аниқданади. Сўнг ажратма вакуум буғлаттич асбобида қуюқ ҳолатгача буғлатилади. Тайёр маҳсулотда 0,7—0,8% алкалоид бўлгун-ча декстрин қўшиб аралаштирилади, қуритилади, майдаланади, баҳоланади ва қадоқланади. Тайёр маҳсулот тар-кибида гиосциаминга ҳисоблаганда 0,7—0,8% алкалоид бўлиши керак. Эҳтиётлик билан "Б" рўйхатида сакданади. Белладоннанинг қуруқ экстракти қуюқ экстрактга нис-батан икки баробар кўп микдорда ишлатилади. Унинг ёрлиғида "Белладоннанинг қуруқ экстракти 1:2" деб езил-ган бўлиши керак.

Чучукмия қуюқ экстракти (*Extractum Glycyrbiz spissum*). Ажратувчи сифатида 0,25 ёки 1% ли амМИ[^] сув ишлатилиб, ажратма касрли мацерация усулида нади. Хом ашё таркибида сув ва кислоталарда эримайди-ган глицирризин кислота, аммиак билан сувда яхши эрий-диган аммонийли туз ҳолига ўтади. Бунинг учун майда-ланган хом ашё 5 баравар ортиқ олинган ажратувчи би-лан 2 кун қолдирилади. Ажратма қуйиб олинади ва хом ашё устига 3 баравар микдорда ажратувчи қуйиб, яна бир кунга қолдирилади. Иккинчи ажратма қуйиб олиниб, биринчиси билан бирлаштирилади, 3 соат қайнатилган-дан сўнг 5% микдорида бентонит (каолин, тальк) қўшиб чайқатилади ва бир неча кунга қолдирилади, сўнг сузи-лади. Ёт моддалардан тозаланган ажратма вакуум асбо-бида қуюқ ҳолга келгунча буғлатилади. Тайёр маҳсулотда глицирризин кислотанинг миқдори 14% дан кам бўлмаолиги керак. Чучукмия қиёми ва хаб дорилар тайёрлашда ишлати-лади.

Чучукмиянинг қуруқ экстракти (*Extractum Glycyrrhizaesiccum*). Чучукмиянинг қуруқ экстракти қуритиш йўли билан тайёрланади. Таркибида 17% глицирризин кислотаси бўлиши керак. Қуюқ экстрактига ўхшаш ишлатилади.

Қаттиқ ва пастасимон материалларни қуритувчи агент ёрдамида сувсизлантириш жараёни қуритиш дейилади. Бу жараёнда намлик қаттиқ фаза таркибидан газ (ёки буғ) фазасига ўтади.

Нам материалларни қуритиш жараёнини саноатда ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Қуритилган материалларни транспорт воситасида узатиш арzonлашади. Уларнинг тегишли хоссалари яхшиланади. Аппарат ва трубаларнинг коррозияга учраши камаяди.

Материалларни уч хил усулда механик, физик-кимёвий ва иссиқлик ёрдамида сувсизлантириш мумкин.

Механик усул билан сувсизлантириш таркибидан күп миқдорда сувтутган материалларни қуритиш учун ишлатилади. Бу усул билан сувсизлантиришда намликтарни сиқишиң ва центрафугаларда марказдан қочма күч ёрдамида ажратылған олинади. Одатта механик йўл билан намликтарни ажратыш материалларни сувсизлантиришда биринчи босқич хисобланади. Механик сувсизлантиришдан сўнг материалда яна бир қисм намликтар қолади. Бу қолган намликтарни иссиқлик ёрдамида яъни қуритиш йўли билан ажратылған оширади.

Физик кимёвий усул билан материалларни сувсизлантириш лаборатория шароитида ишлатилади. Бу усул сувни ўзига тортувчи моддалар (масалан сульфат кислота, кальций хлорид) дан фойдаланишга асосланган. Ёпиқ идиш ичида сувни тортувчи модда устига нам материал жойлаштириш йўли билан уни сувсизлантириш мумкин.

Иссиқлик таъсирида сувсизлантириш кимё фармацевтика саноатида кенг ишлатилади. Қуритиш кўпчилик ишлаб чиқаришларнинг охирги, яъни тайёр маҳсулот олишдан олдинги жараён хисобланади. Айрим ишлаб чиқаришларда материалларни сувсизлантириш икки босқичдан иборат бўлади. Намликтар аввал арzon жараён хисобланган механик усул билан, сўнгра қолган намликтар эса қуритиш йўли билан ажратилади. Материал таркибидан намликтарни бундай мураккаб йўл билан ажратиш усули процесснинг самарадорлигини оширади.

1. Қуритиш хақида умумий тушунча.

Қуритиш икки хил (табиий ва сунъий) йўл билан олиб борилади. Материалларни очиқ хавода сувсизлантириш табиий қуритиш дейилади. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Кимё фармацевтика саноатида материалларни сувсизлантириш учун сунъий қуритиш усули ишлатилади. Бу жараён маҳсус қурилкич қурилмаларида олиб борилади.

Иссиқлик ташувчи агентнинг қуритилаётган материал билан ўзаро таъсиrlашув усулига кўра қуртиш қуйидаги турларга бўлинади:


- конвектив қуритиш – нам материал билан қуритувчи агент тўғридан тўғри ўзаро аралашади.
- контактли қуритиш – иссиқлик ташувчи агент ва нам материал ўртасида уларни ажратыб турувчи девор бўлади.
- радиацияли қуритиш – иссиқлик инфрақизил нурлар орқали тарқалади.
- диэлектрик қуритиш – материал юқори частотали ток майдонида қиздирилади.
- сублимацияли қуритиш – материал музлаган холда юқори вакуум остида сувсизлантирилади.


Охириги учта усул саноатда нисбатан кам ишлатилади ва одатда қуритишнинг маҳсус усуслари деб юритилади.

Қуритишнинг турларидан қатъий назар жараён давомида материал нам газ (кўпинча хаво) билан ўзаро таъсирилашиб туради. Конвектив қуритиш усули саноатда кенг ишлатилади. Бу жараённи амалга ошириш учун материалга нам хаво таъсирининг аҳамияти катта. Шу сабабли нам хавонинг асосий параметрларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

2. Қуриткичларни турлари ва ишлаш механизми.

Кимё фармацевтика саноатида турли типдаги қуритиш аппаратлари ишлатилади. Қуриткичлар бир биридан турли белгилари билан фарқ қиласи. Нам материалга иссиқлик бериш усулига кўра аппаратлар конвектив, контактли ва бошқа турдаги қуриткичларга бўлинади. Иссиқлик ташувчи сифатида хаво, газ ёки буғ ишлатилиши мумкин. Қуритиш камерасидаги босимнинг қийматига кўра атмосферали ва вакуумли қуриткичлар бўлади. Жараённи ташкил қилиш бўйича даврий ва узлуксиз ишлайдиган аппаратлар бўлади. Конвектив қуриткичларда материал ва қуритувчи агент бир бирига нисбатан тўғри, қарама қарши ёки перпендикуляр харакат қилиши мумкин. Қуритилиш лозим бўлган материал донасимо, чангга ўхшаш пастасимон ёки суюқ холда бўлади. Қуритувчи агентнинг босимини хосил қилиш учун табиий ёки мажбурий циркуляция ишлатилади. Донасимон материал ишлатилганда қатlam зич, кенгайтирилган, мавхум қайнаш, фонтан хосил бўлиш каби холатларда бўлади. Қуритувчи агент буғ, иссиқ сув, олов билан ишлайдиган колориферларда ёки электр токи ёрдамида иситилади. Қуритиш жараёнининг хар хил варианларидан кенг фойдаланилади: ишлатилган қуритувчи агентни аппаратдан чиқариб юбориш, қуритувчи агентдан такрор фойдаланиш, қуритувчи агентни қуртиш камералари оралиғида қиздириш, қуритувчи агентни қуртиш камераларига бўлиб бериш, қуритувчи агентни қуртиш камерасида қўшимча равишда қиздириш, ўзгарувчан иссиқлик майдонидан фойдаланиш (иссиқ ва совуқ хавони материал қатламига кетма кет алмаштириб бериш) ва хакозо.





Назорат саволлари:

1. Гален препаратларини келиб чиқиш тарихи.
2. Ажратма олишда юз берадиган ҳодисалар.
3. Молекуляр диффузия нима?
4. Конвектив диффузия нима?
5. Масса алмашини什 жараёни нима?
6. Настойкалар ифодаси.
7. Настойкалар олиш усуллари, технологик босқичлари.
8. Расмий усулда настойка олиш усуллари.
9. Мацерация усули қандай амалга оширилади?
10. Касрли мацерация қандай амалга оширилади?
11. Мацерация циркуляция қандай амалга оширилади?
12. Гирдоб қандай амалга оширилади?
13. Перколация усули қандай амалга оширилади?
14. Норасмий усулда ажратма олиш қандай амалга оширилади?
15. ВНИИФ усули қандай амалга оширилади?
16. Ультратовуш ёрдамида настойка олиш.
17. Марказдан қочиш кучига асосланган настойка олиш.

IV АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Амалий машғулот: Табиий ва синтетик усулда олинган дори моддалари ва уларнинг меъёрий хужжатлари

Амалий машғулот мақсади: Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ серияли ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичлари бўйича ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Амалий машғулот вазифалари: Дори воситаларини ва тиббий буюмларни йўқ қилиб ташлаш уларнинг эгалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Юқори табиий-хомашёвий ва шаклланган ишлаб чиқариш салоҳияти мавжудлиги саноат маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқаришни, импортнинг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ва кооперация алоқаларини ривожлантиришни таъминлаши мумкин. Республикада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг муҳим манбалари бўлиб хизмат қиласидиган аграр секторни ва қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш учун яхши шарт-шароитлар мавжуд.

Педагогик технология ёки интерактив усул: “Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” услубида мустақил тайёрлаш учун саволларини муҳокамасини ўтказиш бўйича қўрсатма:

Мустақил тайёрлаш учун саволлар тингловчиларга муаммоли вазият тартибида берилади. Вазиятли масала билан танишган тингловчи вазият тури, сабаби ва ҳал қилиш йўлларини келтирилган жадвалга баён этади. Жавоблар таҳлил қилиб, баҳоланади.

“Муаммоли вазият”

| “Муаммоли” вазият тури | “Муаммоли” вазият сабаблари | Вазиятдан чиқиб кетиш харакатлари |
|------------------------|-----------------------------|-----------------------------------|
| | | |

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш

орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда қасбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Доривор ўсимликлар кимёвий таркибининг фармакологик фаоллигига таъсири”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланиллади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч иборалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Кўшимча маълумот |
|----------------------|--|------------------|
| Муаммоли ўқитиши | мантиқий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) хисобга олинган ўргатиши ва дарс бериш усулларини қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиши ва талаб...) тизими | |
| Кейс-стади | «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши | |
| Педагогик технология | ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳа | |
| Фармацевтик кимё | Дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари, олиниши, таҳлили, таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, | |

| | | |
|--|-----------------------------|--|
| | стандартлаш тұғрисидаги фан | |
|--|-----------------------------|--|

Изох: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қүшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Амалий машғулот учун топшириқ.

Дори моддалари ва уларнинг таснифланиши

Хар қандай тасниф шартли равища қилинади. Уни кейинчалик түғрилаш, түлдириш ёки ривожлантириш мумкин.

Бугунги кунга келиб, дори моддаларини иккита асосий қуйидаги таснифлаш тури тафовут қилинади:

3. Дори моддаларини келиб чиқишига кўра.
4. Дори моддаларини фармакологик фаоллигига кўра.

Дори моддаларини келиб чиқишига кўра таснифлаш. Бу иккита асосий катта гурухга бўлинади:

1. Бирламчи ишлов бериш жараёнидан ўтган(аралашмалардан тозалаш, қуритиш, саралаш ва бошқ.), келиб чиқиши минерал, ўсимлик ва ҳайвон табиатига эга бўлган моддалар:

- минерал дори моддалари (ичимлик содаси, фаоллаштирилган кўмир, доривор балчиқ ва бошқ.);
- доривор ўсимлик хом ашёлари (йиғмалар, барглар, ўтлар (ер устки қисмлари), гуллар, мевалар, уруғлар, илдизлар, илдизпоялар, пўстлоқ ва бошқ.);
- ҳайвонлардан олинадиган дори моддалари (уй ҳайвонларининг ички секреция безларидан олидиган дори моддалари).

2. Мақсадли йўналтирилган синтез орқали ёки таббий хом ашёларни қайта ишлаш орқали олинган синтетик ёки ярим синтетик дори моддалари.

Булар қуйидаги кичик гурухларга бўлинади:

8. Кимёвий моддалар. Бу турдаги дори моддалари табиати бўйича индивидуал кимёвий дори моддалар бўлиб, келиб чиқиши жиҳатидан табиий хом ашёларни синтез қилиш ёки тозалаш орқали олинади (натрий хлорид, натрий сульфат, кумуш нитрат, хлорид ва сульфат кислоталари, натрий гидрокарбонат, калийперманганат, натрий тиосульфат ва бошқ.);

9. Кимё-фармацевтик дори моддалари. Булар табиати жиҳатидан кимёвий индивидуал моддалар бўлиб, мураккаб синтез қилиш йўллари орқали олинади. Масалан, сульфаниламиidlар (стрептоцид, норсульфазол), силга қарши ишлатиладиган дори моддалари (фтивазид), ухлатувчи ва оғриқ қолдирувчи дори моддалари, безгакка қарши ишлатиладиган дори моддалари (бигумаль) ва бошқ. Шунингдек бу гурухга биологик фаол

моддалар келиб чиқиши бўйича ўсимлик ва ҳайвонлардан тоза ҳолда олинадиган моддалар ҳам киради. Масалан, алкалоидлар ва гликозидлар шунингдек, алоҳида гурух сифатида яна турли радиактив изотопларни (радиактив йод) ҳам келтириш мумкин.

10.Антибиотиклар. Улар турли хил микроорганизмлар хаёт фаолияти натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлар ҳисобланади, микроорганизмларни озуқа муҳитида ўстириш орқали, биологик синтез қилиш йўли билан олинади. Масалан микроорганизмлардан олинган пенициллин, стрептомицин, биомицин, грамицидин ва бошқ. Синтетик йўл билан олинган антибиотиклар метициллин, оксациллин, шунингдек кенг таъсир доирасига эга бўлган антибиотиклар цефалоспорин гуруҳига мансуб бўлган антибиотиклар ҳисобланади.

11.Витамилар. Буларга индивидуал синтетик кимёвий моддалар (аскорбин кислотаси, тиамин, никотин кислотаси, цианокоболамин ва бошқ.) ҳамда муракаб тузилишли комплекс моддалар (концентратлар, экстрактлар ва қиёмлар) киради.

12.Органопрепаратлар. Улар асосан ҳайвон органларидан олинадиган моддалар бўлиб, асосан ҳайвон органлари тўқималари ва суюқликларидан олинади. Органопрепаратлар биологик модда сифатида таркибида гормон табиатли моддаларни сақловчи мураккаб комплекс моддалар ҳисобланади. Уларнинг баъзиларини тоза ҳолда олиш икмони мавжуд (адреналин), баъзиларини эса синтетик йўл билан олиш имконияти бор (жинсий гормонлар). Органопрепаратларга шунингдек ферментлар ҳам киради (пепсин).

13.Вакцина ва зардоблар. Булар иммунобиологик дори моддалари бўлиб, вакцина ва зардоб, иммунологик, эпидемиологик, микробиологик ва гигиена институтлари ҳамда санитар-эпидемиологик станциялари томонидан ишлаб чиқарилади.

14.Доривор хом ашёларни бирламчи қайта ишлаш натижасида олинадиган моддалар (ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган эфир мойлари, ёғ ва мой маҳсулотлари)

Фармакологик таъсир доирасига кўра таснифлаш. Бу учта асосий катта гурухга бўлинади:

4. Захарли моддалар.
5. Кучли таъсир этувчи моддалар.
6. Кучсиз таъсир этувчи моддалар.

Захарли ва кучли таъсир қилувчи моддалар - терапевтик, заҳарли ва летал (ўлимга сабаб бўлувчи) дозаларга бўлинади. Терапевтик таъсир қилувчи моддалар бир мартали доза (минимал, ўртача, бир марталик энг юқори, зарбли, қўллаб-қувватловчи ва олдини олувчи), кунлик доза (терапевтик, максимал ўзлаштириш, токсик) ва даво дозаларига (даволаш курси давомида белгиланган) бўлинади.

Дори воситалари ва дори шакллари, уларнинг таснифланиши.

Дори воситалари самарадорлиги уларнинг дори шаклига боғлик. Шунинг учун ҳам дори шаклларига қўйидаги алоҳида талабалар қўйилади:

- даволаш усули билан дори шакли ўзаро мутаносиб бўлиши;
- дори моддасини айнин шу дори шаклида юқори биосамарадорликка эга бўлиши;
- мақсадга мувофиқ бўлган фармакокинетикани намоён қилиши;
- дори моддаларини ёрдамчи моддалар таркибида тенг тақсимланиши;
- аниқ дозаларга бўлиниши;
- сақлаш жараёнида юқорни турғунликни намоён қилиши;
- микроблар контаминацияси ва уларнинг меъёрларига тўғри келиши;
- керак бўлганда консервациялаш имкониятлари мавжуд бўлиши;
- қабул қилишдаги қулай бўлиши;
- дори моддасининг нохуш таъми ва ҳидини йўқотиш имконини бўлиши;
- ихчам ва қулай бўлиш керак.

Бугунги кунда турли ҳил қонун-қоидаларга асосланган дори воситаларини дори шакллари бўйича қўйидагича таснифлаш амалда мавжуд:

3. Дори шаклларини агрегат ҳолати бўйича
4. Юбориш йўлларига кўра

Агрегат ҳолатига кўра дори шаклларини таснифланиши. Барча дори шакллари агрегат ҳолатига кўра 4 групга бўлинади: қаттиқ, суюқ, юмшоқ ва газсимон.

- қаттиқ дори шаклларига йиғмалар, кукунлар, гранулалар, таблеткалар, дражелар, қаттиқ желатин капсулалар, пилюлалар, микросфера (пеллетлар);
 - юмшоқ дори шаклларига суртмалар, пасталар, кремлар, геллар, линиментлар, шамчалар, юмшоқ желатик капсулалари; суюқ дори шаклларига эритмалар, микстуралар, томчилар, малҳамлар (примочкалар), суспензиялар, эмульсиялар линиментлар;
 - газсимон дори шаклларига газлар, буғлар, аэрозоллар, спрейларлар киради.

Дори шаклларини юбориш йўлларига таснифланashi. Улар икки групга бўлинади: энтерал (овқат ҳазм қилиш тизими орақали) ва парентерал (овқат ҳазм қилиш тизимини четлаб ўтиб).

Энтерал юборишни турлари:

4. Оғиз орқали - перорал
5. Тил остига - сублингвал
6. Тўғри ичакка - ректал

Парентерал юбориш турлари:

5. Терига (ташқи мақсадлар учун мұлжалланған хантал қоғози, ҳар хил сепмалар, суртмалар ва бошқ.).
6. Осон юбориш мүмкін бўлган шиллиқ қаватларга (кўз, қулоқ, бурун ва қин ичига).
7. Инъекцион (махсус шприцлар орқали организмни жароҳатланиши ҳисобига дори моддасини организмга юбориш).
8. Ингаляцион (бевосита нафас йўллари орқали дори моддаларини юбориш).

Дори шаклларини тоифасига кўра таснифлаш

Барча турдаги дори шакллари ва дори воситалари тоифасига кўра оригинал (Brand) ва ўзлаштирилган (женерик) турларга бўлинади.

Оригинал (Brand) - биринчи марта синтез қилинган дори воситалари бўлиб, тўлик тадқиқот ишлари амалга оширилган ва белгиланган муддатгача (20-25 йил) патентланган бўлади.

Женерик (generic) - ўзлаштирилган дори воситалари бўлиб, оригинал дори воситаларининг патент муддати ўтгандан сўнг, уларга тенглаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилилган дори воситаларидир. Бу турдаги дори воситаларининг савдо номи, оригинал дори воситаларининг савдо номидан фарқ қилиши керак. Бироқ, асосий таъсир этувчи модданинг кимёвий номи билан ишлаб чиқариш мумкин. Улар таъсир кўлами бўйича оригинал дори воситалар билан бир хил, нарҳи жиҳатидан кескин фарқ қиласди. Сабаби, женерик дори воситаларини ишлаб чиқаришда илмий изланишларга (таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, клиник синовлар ва бошқалар) алоҳида сарф ҳаражатлар қилинмайди.

Топшириқни бажариш учун кўрсатма ва тавсиялар

Дори воситаларини корхона шароитида ишлаб чиқариш учун қуйидаги меъёрий ҳужжатлар керак бўлади: Фармакопеялар, Ташкилот фармакопея мақолалари (ТФМ), фармакопея мақолалари (ФМ), вақтинча фармакопея мақоласи (ВФМ), саноат регламенти (СР) ва бошқа тегишли ҳужжатлар.

Бу стандартлар таклиф этилаётган дори воситасининг муаллифлари, лаборатория ва корхонанинг техник бўлими ходимлари иштирокида тузилади. Стандартларда дори воситасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан ташқи кўриниши, чинлиги, тозалиги, миқдорий тахлил усули, қадоқланиши, сақланиши ва фармакологик таъсири келтирилган бўлади. Дори воситасининг таркиби ва технологияси ёзилмайди. ВФМ Дори

воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Хужжат пухта ишлаб чиқилган, тузилган, текширилган, тасдиқланган ва тарқатилган бўлиши керак. У ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни сотишга тегишли қоидаларга жавоб бериши лозим.

Ваколатли бўлган шахслар томонидан ҳамма хужжатлар санаси кўрсатилган ҳолда имзо қўйилган ва тасдиқланган бўлиши керак. Жавобгар шахс хужжатдаги ёзувга киритилган ҳар қандай тузатишга имзо (виза) қўйиши керак.

Хужжатнинг мазмуни бир маъноли бўлиб, иккинчи изоҳи бўлмаслиги керак. Улар ҳаммабоп ва осон текшириладиган бўлиши лозим. Хужжатлар нусхаси аниқ ва равshan бўлиши керак.

Ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга тегишли айрим хужжатларни қайта қўрилган санасини кўрсатган ҳолда доимий равища қайтадан қўриб чиқиши лозим. Агар хужжат қайтадан қўриб чиқилган бўлса, эски хатоларини йўқ қилиш зарур.

Хужжатлар қўл ёзма бўлмаслиги керак. Аммо, уларга қандайдир маълумотлар киритиш зарур бўлса, фақат уларни қонуний ҳуқуқга эга бўлган ходим виза қўйиш шарти билан қўлда ёзиш мумкин. Ёзувлар бир маъноли, равshan, аниқ ва учирilmайдиган бўлиши керак.

Иш натижаси маълумотларини электрон тизими (компьютерлар) ёрдамида, суратга олиш ёки бошқа бир ишончли услугуб билан ёзиб қўйиши мумкин. Фойдаланиладиган ёзиш тизимига тегишли қўлланмалар тушунарли, уларнинг тўғри ёзилишини эса жавобгар шахслар томонидан текшириб турилиши керак. Агар хужжатларни компьютердан фойдаланган ҳолда олиб борилса, маълумотларни компьютерга киритиш ёки уларни ўзгаришишни фақатгина ваколатли эга бўлган ходим бажариши мумкин.

Ёзувларни ўзгаририлиши ёки йўқ қилиниши хужжат билан расмийлаштирилиши керак. Компьютердаги маълумотга кира олиш парол (код) ёки бошқа йўл билан ҳимояланган бўлиб, асосий маълумотни киритиш эса мустақил равища текшириб туриш керак. Компьютер хотирасида сақланадиган ёзувлар қўшимча равища электрон ташувчиларга (CD, USB вабошқа) ва қоғозга ёзиб қўйилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичлари ёки текшириш синовларини олиб боришга тегишли ёзувлар ишлаб чиқариш жараёни ёки текширишни олиб бориш билан бир вақтда бажарилиши керак. Барча қайд ёзувлари маълум вақт давомида, лекин дори воситаларини сақлаш муддати ўтгач камида 1 йил сақланиши керак.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган асосий ҳужжатлар қуидагилардан иборат:

- саноат регламентлар;
- ишлаб чиқариш ёзув варақалари;
- аналитик услублар, сифат тафсилотлари ва бошқа корхона стандартлари.

Тасдиқланган саноат регламентга асосан ҳар бир дори воситасини ишлаб чиқариш жараёни маҳсус йўриқномаларда ёритилиши керак. Бу йўриқномалар энг камида қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- дори шаклининг кўриниши, номи ва дори воситасининг дозаси;
- ишлаб чиқаришнинг барча босқичида хом ашёнинг чинлиги ва миқдори;
- ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш бўйича операциялар баёни;
- ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида тайёр маҳсулот чиқаришнинг назарий миқдори ва ҳақиқатдан чиқарилаётган маҳсулотнинг руҳсат берилган миқдори;
- дори воситасини ўраш ва ёрлиқлаш усуллари баёни;
- ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичларида ўтказилиши лозим бўлган назорат таҳлиллари ва назорат ўтказувчи бўлимлар номининг баёни.

Ишлаб чиқаришни қайд қилиш ёзувлари (сериялар тўғрисида ҳисобот, маршрут ҳариталари, ёзиш журналлари), дори воситаларининг ҳар бир сериясини ишлаб чиқариш ҳамда назорат қилишнинг барча босқичлари бўйича қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши ва серия саноат регламентларга ҳамда ёзма йўриқномаларга мос равишда тайёрланганини кўрсатиб туриши керак:

- фармацевтик корхонанинг номи;
- дори воситасининг номи ва дозаси;
- серия тайёрланган сана;
- фаол модданинг тўла кимёвий формуласи;
- дори воситаси тайёрлашда фойдаланиладиган ҳар бир таркибий қисмнинг серия рақами (ёки таҳлилнинг назорат рақами);
- ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида тайёр маҳсулотнинг назарий чиқиш миқдорига нисбатан ҳақиқатдан амалдаги чиқиш миқдори;
- ишлаб чиқариш кетма кетлиги тузилган ва имзолангандан қайд ёзувлари, дори воситаси сериясини тайёрлашда кўрилган эҳтиёткорлик чоралари ва маҳсус чоралар;
- дори воситасини ишлаб чиқариш вақтида ўтказлиган барча таҳлиллар ва олинган натижаларнинг қайд ёзувлари;
- ушбу серияда фойдаланилаётган ёрликлар намунаси;
- бирламчи ўров материаллари серия рақами;

- технологик операциялар ўтказилишини ва имзо чекилган санани назорат қилувчи мутахассиснинг имзоси;
- сериядаги дори воситаларининг амалдаги меъёрий хужжатларга мослигини гувоҳлик берувчи паспорт (сифат сертификати);
- дори воситасининг яроқсизга чиқарилган сериясини қайта ишлаш ёки йўқ қилиш ҳақида кўрсатма.

Меъёрий ҳаволалар

9. ГОСТ 12.1.005-88 “Иш зонасидаги ҳавога нисбатан қўйиладиган умумий санитария-гиена талаблари”

10.ГОСТ Р 50766-95 “Тоза хоналар. Таснифлаш. Аттестация услуби. Асосий талаблар” М.Госстандарт России. 1995.

11.TSt 19-02:2003 “Тиббий ва микробиология саноати маҳсулоти. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”

12.ОСТ 42-505-96. “Табиий саноат маҳсулотлари. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш тартиби, келишиш, тасдиқлаш”

13.ОСТ 42-506-96. “Дори воситалари ва доривор ўсимлик хом ашёлари учун меъёрий хужжат ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”.

14.ОСТ 42-507-96. “Янги дори воситаларини яратиш ва саноатда қўллаш бўйича ишларни ташкил қилиш тартиби. Асосий қоидалар”.

15.ГОСТ 2874-82 “Истеъмол суви. Гигиена талаблари ва сифат назорати”.

16.ОСТ 42-504-96. “Саноат корхоналари ва ташкилотларда дори воситалари сифат назорати. Асосий қоидалари”.

Технологик регламент

Саноат регламенти дори воситаларини серияли ишлаб чиқаришда жараён босқичларини, бажариладиган вазифаларни, асбоб-ускуналарга бўлган талабларни, сифат назорати усулларини ва бошқаларни ўз ичига олган, ҳар бир технологик жараён батафсил баён қилинган хужжатдир.

Қўлланилиши бўйича технологик регламентлар қуйидаги турларига бўлинади:

- Лаборатория регламенти (ЛР);
- Тажриба-саноат регламенти (TCP);
- Ишга тушириш регламенти (ИТР);
- Саноат регламентлари (СР);
- Намунавий саноат регламент (НСР).

Ҳар қайси технологик регламентларни ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тегишли даражадаги ваколатли ва

малакали бўлган тасдиқлайдиган ёки келишадиган масъул шахс томонидан кўриб чиқилиши керак.

1. Лаборатория регламенти саноат регламентига мос равишдага қоидалар билан ишлаб чиқилади. Лаборатория регламенти ҳам ва худди саноат регламентидаги бўлимлардан иборат бўлиб, лаборатория шароитида ишлаб чиқаришни технологик жараёнларини турғун бўлишини таъминлаб берувчи маҳсулотни тайёрлаш усуллари, шароитлар ва техника хавфсизлигини ўз ичига олади. Техник-иктисодий меъёrlар (ТИМ) бўлимини ўрнига техник-иктисодий меъёrlар бўйича экспериментал маълумотлар келтирилган жадвалини киритиш рухсат этилади.

2. Тажриба-саноат регламенти дори воситасининг Фармакопея мақоласи билан бир вақтда янги маҳсулотга ишлаб чиқилади ва техник ҳужжатлар тўпламиининг ажралмас қисми ҳисобланади

Тажриба-саноат регламенти технологик ҳужжат бўлиб, унга биноан янги турдаги маҳсулот технологиясининг синовлари амалга оширилади ва янги (такомиллаштирилган) технологиянинг тажриба-технологик ишлари ўтказилади.

Тажриба-саноат регламенти норматив-техних ҳужжатларга киритиладиган сифат кўрсаткичларини синовдан ўтказиб, янги турдаги маҳсулотнинг тажриба намуналарини тайёрлаш ва янги саноат ишлаб чиқаришни лойиҳалаштиришда бошланғич маълумотларни киритиш мақсадида ишлатилади.

Серияли ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхоналарда амалга ошириладиган янги турдаги маҳсулотнинг тажриба-саноат регламенти ёки технологик жараён икки томонлама, яъни ишлаб чиқувчи ташкилот ва ишлаб чиқарувчи корхона томонидан тасдиқланиши керак.

3. Ишга тушириш регламенти технологик ҳужжат бўлиб, унга биноан янги яратилган маҳсулотни саноат миёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ўзлаштириш амалга оширилади.

Ишга тушириш регламенти лойиҳа ҳужжатлари ва тажриба-саноат регламенти асосида тузилади. Ёки амалдаги ишлаб чиқаришга қўшимча қувватларни қўшишни йўлга қўйишдалойиҳа ҳужжатлари ва тажриба-саноат регламенти асосида ёхуд бошқа корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ўзлаштиришда тузилади.

Ишга тушириш регламенти ҳам ишлаб чиқарувчи корхона раҳбари томонидан ишлаб чиқувчи ташкилот билан технологик жараёнларни, лойиҳалаштирувчи ташкилот билан (янги/реконструкция қилинаётган майдонлар ёки асбоб-ускуналар ишлатилган тақдирда) ва маҳсулотни

стандартлаштириш талаблари бўйича маъсул эксперт ташкилот билан келишгандан сўнг тасдиқланади.

4. Саноат регламенти – технологик ҳужжат бўлиб, унга асосан маҳсулот серияли ишлаб чиқарилади.

Саноат регламенти ишга тушириш регламенти ва ишга тушириш регламентига ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жараёнида унга киритилган ўзгартиришлар асосида тузилади.

Тегишли назорат қилувчи органлар назоратидаги портлаш хавфи бўлган ишлаб чиқаришда саноат регламенти - саноат ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфи, шунингдек санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш қисми бўйича қўшимча равишда ушбу ташкилотлар билан ҳам келишилиши керак.

Саноат регламенти TSt 19-02:2003 “Тиббий ва микробиология саноати маҳсулоти. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби” – Тармоқ стандартига асосан 14 та бўлим ва 28 та жадвалдан иборат.

15. Ишлаб чиқариш натижасидаги охирги маҳсулот тавсифи.
16. Ишлаб чиқаришнинг кимёвий схемаси.
17. Ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.
18. Ишлаб чиқаришнинг аппаратура схемаси ва асбоб-ускуналар спецификациялари.
19. Хом ашё, материаллар ва оралиқ маҳсулот тавсифи.
20. Технологик жараёнларнинг баён қилиниши.
21. Материаллар баланси.
22. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш ва зарарсизлантириш.
23. Ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва технологик жараёнларни бошқариш.
24. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси.
25. Атроф мухитни муҳофаза қилиш.
26. Ишлаб чиқариш йўриқномаларининг рўйхати.
27. Техник-иктисодий меъёрлар.
28. Ахборот материаллари.


Регламент ўз навбатида манфаатдор шахслар, кафедра, лаборатория ёки техник бўлим ходимлари томонидан тузилади. Бугунги кунга келиб лаборатория, тажриба, саноат ва ишлаб чиқариш регламентлари мавжуд.


Лаборатория регламентини лаборатория мудири, ишлаб чиқариш регламентини эса корхонанинг бош мухандиси тасдиқлайди.

Регламент тузишда корхонадаги асбоб ускуналар ва маҳаллий шартшароит ҳисобга олинади. Ҳар бир корхонани, ҳар бир дори воситаси учун

түзгөн регламенти бўлади, уни бошқа корхона тан олмаслиги мумкин. Регламент шу корхона учунгина мажбурий ҳужжат ҳисобланади.

Ижодий ишланма





2-Амалий машғулот: Ёрдамчи моддалар, мақсад ва меъёрлар

Амалий машғулот мақсади: Ёрдамчи моддалар дори шаклининг таркибий ва зарурий қисмидир. Замонавий дори воситаларини яратишида фақатгина дори модданинг хоссаларигина муҳим бўлмасдан, балки илмий асосда танланган ёрдамчи моддаларнинг хоссалари ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Ёрдамчи моддалар дори воситасига маълум бир терапевтик самарадорлик, барқарорлик ва шакл бериши лозим. Биофармацевтик нуқтаи-назаридан ёрдамчи моддалар дори воситаларининг фармакологик таъсирини, фармакокинетик хоссаларини таъминлаши зарур. Шунингдек, улар дори моддаларининг мазасини, рангини ва ҳидини яхшилаш учун ҳам ишлатилади. Бу айниқса болалар ва қариялар фармакотерапиясида муҳимдир.

Амалий машғулот вазифалари: Турли мақсадларда қўлланиладиган дори шаклларини яратишида ишлатиладиган одатдаги ёки янги ёрдамчи моддаларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, уларга қўйиладиган талаб бир хил. Улар заҳарсиз, организмда аллергия чақирмаслиги, дори моддасининг таъсирини таъминлаши, дори модда, бошқа ёрдамчи моддалар ва қадоқловчи материаллар билан реакцияга киришмаслиги, дори воситасининг органолептик хоссаларини бузмаслиги зарур. Ёрдамчи моддалар нафақат берилган дори шаклига маълум бир шакл, қаттиқлик ва деградацион хоссалар берибина қолмасдан, уларнинг сифатини барқарорлаштириши ва тегишли меъёрий ҳужжат талабига ҳам тўлиқ жавоб бериши керак. Бундан ташқари ностерил дори воситаларига қўйилган микробиологик тозалик талабларига ҳам жавоб бериши ва осон стерилланадиган бўлиши зарур.

Педагогик технология ёки интерактив усул:

“Тармоқлар усули (Кластер)”

“Тармоқлар усули (Кластер)” фикрларни тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради, тингловчиларни мавзуга таалукли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон бир мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларни фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун ҳизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда тингловчиларни шу мавзу бўйича тасавурларини чизма шаклида ифодалашга ундейди. Бу эса тингловчиларга ўз билимлари, тушунишлари

ва тасаввурлари даражасини аниқлашга ёрдам беради “Кластер” усули бўйича “ёрдамчи модда” сўзига мантиқий занжир тузинг (20 дақиқа ичидаги). Кластер усулидан фойдаланишда қуидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

| Кластер усули | |
|---|--|
| <p>Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қофозга ёзинг. Фикрингиз сифати тўғрисида ўйлаб ўтирамай, уларни шунчаки ёзиб боринг</p> | <p>Ёзувларингиз орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг</p> |
| <p>Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирон-бир гояни ўйлай олмасангиз, унда қофозга бирор нарсани расмини чизинг, токи бошқа ғоя пайдо бўлгунича давом этинг</p> | <p>Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ ғояларни илгари суриш ва мазкур ғоялар ўртасида алоқадорлигини кўрсатишга ҳаракат қилинг. Гоялар йиғинди-сининг сифати ва алоқадорлигини кўрсатишни чекламанг</p> |

Ақлий хужум усули

Ўқитувчи гурухга ташлаган саволга тингловчилар миясига келган биринчи фикрларни айтадилар. Ўқитувчи ёки ёрдамчи бу фикрларни доскага ёзиб боради. Тингловчиларни бошланғич билимини аниқлашда тингловчи томонидан фаоллик пасайганда бироз паузадан сўнг ўқитувчи ўзининг бир неча фикрларини ёздириши мумкин. Сўнгра доскадаги жавоблар 1 ва 2-даражали ёки шу каби гурухлаб чиқиб ўқитувчи томонидан хулосаланади. Мақсади: Муайян мавзу бўйича турли фикрларни йиғиши.

Усулнинг афзалликлари:

- Тингловчилар томонидан дарсни ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида қўллаш мумкин.
- Муаммоли вазиятларда, фикр алмашишда, янги фикрларни юзага келтириш имкониятини яратади.
- Тингловчиларни жалб қилиниши даражасини оширади.
- Машғулот бошида «энергетик» таъсир кўрсатади.
- Маълумотлар тўплашда ҳар бир тингловчи ўз хиссасини қўшади ва бундан қониқиши ҳиссини сезади.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|--------|--------|--------|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро қесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшигилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Мутахассислик фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқланиши бўйича



Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиллади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дори воситаларининг сифат кўрсаткичларини меъёрий хужжатларда келтирилиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

| Харакатлар мазмуни | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гурух баҳоси | Гурух хатоси |
|--------------------|-----------|-----------|-------------|--------------|--------------|
| Тасвирланиши | | | | | |
| Чинлиги | | | | | |
| Хлоридлар | | | | | |
| Эрувчанлиги | | | | | |
| Миқдорий таҳлили | | | | | |
| Сақланиши | | | | | |

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

3. Тақдимот қисми.
4. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Амалий машғулот учун топшириқ

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар асосан қуийдаги қисқартмалар бўйича юритилади:

АФЦ – ацетилфталилцеллюлоза.

АЦ – ацетилцеллюлоза.

ЮМБ – юқори молекуляр бирикмалар.

ГЛБ – гидрофиль-липофиль баланс.

КМЦ – карбоксиметилцеллюлоза.

МЦ – метилцеллюлоза.

СФМ – сирт фаол моддалар.

НСФМ – ноионоген сирт фаол моддалар.

ОПМЦ – оксипропилметилцеллюлоза

ПАА – полиакриламид.

ПВП – поливинилпирролидон.

ПВС – поливинил спирти.

ПЭГ – полиэтиленгликол.

ПЭО – полиэтиленоксид.

ЭЦ – этилцеллюлоза.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда фармацевтика амалиётида ишлатишга рухсат этилган ёрдамчи моддаларнинг тутган ўрни ниҳоятда катта. Камдан-кам ҳолатлардагина деярли ёрдамчи моддаларсиз тайёр дори воситаларини тайёрлаш мумкин бўлади. Масалан инъекция қилиш учун мўлжалланган кукунлар технологиясида (антибиотиклар), тўғридан-тўғри пресслаб олинган таблеткаларда (хлоридлар, бромидлар в.б.).

Ёрдамчи моддаларни тайёр дори воситаларининг таркиби учун танлашда албатта маълум бир қонун-коидаларгава меъёrlарга риоя этиш зарур.

Ёрдамчи моддалар ва уларнинг таснифи.

Дори шакли ўз таркибида бир ёки бир нечта дори моддалари ва ёрдамчи моддаларни сақлайди.

Ёрдамчи моддаларга қўйилган умумий талаблар:

- тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган бўлиши;
- дори моддасини фармакологик таъсирини унинг фармакокинетикасини таъминлаган ҳолда сақлаб қола олиши ва юзага чиқишига тўсқинлик қилмаслиги;
- дори моддасининг физик-кимёвий, технологик, фармакологик ҳоссаларига ва биосамардорлигига таъсир қўрсатмаслиги;
- керакли миқдорда ишлатилган ёрдамчи моддалар биологик жиҳатдан безарар бўлиши, организмнинг биотўқималарига зарар етказмаслиги, шунингдек аллергик ва токсик таъсирларни юзага чиқармаслиги;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва аппарат ёки қурилмаларга ёхуд уларнинг айрим ишчи қисмларига салбий таъсир қўрсатмаслиги;
- дори моддаларига дори шакллари талаб қиласидиган ҳоссаларни бера олиши (тузилиш-механик, физик-кимёвий, имкони бўлса биосамардорлик ва бошқ.);
- дори моддасининг ранги, хиди ва мазасига салбий таъсир қўрсатмаслиги;
- дори воситаларини сақлаш давомида дори моддалари билан кимёвий, физик-кимёвий жиҳатдан мос келиши, қадоқловчи материаллар, асбоб-ускуналар ва қурималарнинг ишчи қисмларига зарар етказмаслиги;
- турғун ва сақланиш муддати узоқ бўлиши;
- маҳаллий, иқтисодий жиҳатдан арzon бўлиши ва осон топилиши бўлиши керак.

Шу билан бирга ёрдамчи моддаларга қуйидаги хусусий талаблар ҳам қўйилади

- эритувчилар рангиз, тиник, юқори эритувчанлик хоссага эга бўлиши;
- ажратувчилар доривор ўсимлик хом ашёлари таркибидан биологик фаол моддаларни ажратмага максимал даражада ажартиб чиқариши, керакли даражада қўзғалувчан бўлиши;
- боғловчи моддалар заррачаларни ўзаро бир-бирлари билан юқори даражада боғлаш хусусиятига эга бўлиши;
- антифрикцион моддалар массага юқори сочиувчанлик ёки оқувчанлик хоссасини бера олиши;
- суртма асоси турига етарли қовушқоқлик, пластиклик ва псевдопластиклик каби реологик хоссаларни бера олиши;
- шамча дори тури асоси биринчи навбатда хона ҳароратида қаттиқ тана ҳароратида эрийдиган бўлиши;

Акс ҳолда дори моддаларининг самарадорлигига путур етиши, шунингдек дори воситаларини заҳарли таъсири кўрсатишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Топшириқни бажариш учун кўрсатма ва тавсиялар

Ёрдамчи моддалар дори турининг мақсадига мос келиши зарур.

Суртма дорилар учун асослар суртилиш хусусиятига эга бўлиб, суртилган аъзодан сирғалиб тушиб кетмаслиги керак. Шамчалар учун асосларнинг эриш ҳарорати 37°C ва хона ҳароратида қаттиқ бўлиши лозим. Эритувчилар дори препаратини фақат эритиши, у билан кимёвий реакцияга киришмаслиги керак.

Ёрдамчи моддалар дори препарати билан мутаносиб бўлиши шарт. Дори препаратларида номутаносиблик уч турга бўлинади.

1. Физик номутаносиблик, бунда дори турида ўзгариш - намланиб қолиш, эримаслик, аралашмаслик сингари ҳолатларда намоён бўлади.

2. Кимёвий номутаносиблик - дори препарат билан ёрдамчи модда ўртасида ёки дори препарат билан бошқа дори препарати ўртасида кимёвий реакция кетиши мумкин.

3. Фармакологик номутаносиблик- бунда бир дори турида бир неча таъсири, бир бирига зид бўлган дори препаратлари берилганда намоён бўлади. Ёрдамчи моддалар танлаб олинганда албатта номутаносиблик масаласи кўрилиши керак. Агар ёрдамчи модда дори препарати билан номутаносиб бўлса, унда ё дорисифатсиз тайёрланади, ё мўлжалланган дори тури ҳосил бўлмаслиги ёки энг хавфлиси заарли моддалар ҳосил бўлса, ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Ёрдамчи модда биологик нуктаи назардан заарсиз бўлиши керак.

Улар дори препаратига ҳам, инсон организмига ҳам заарсиз бўлиши керак. Шунинг учун ҳозирги кунда, хар бир янги ёрдамчи модда ёки ишлатилаётган ёрдамчи модда янги дори препарати билан биргаликда

куйидаги бандлар бўйича текширилгандан сўнг кўлланишга рухсат берилади:

- 1.Мутагенлик - ёрдамчи модданинг таъсири;
2. Тератогенлик - онкологик касалликларга сабаб бўлмаслиги;
3. Захарлилик - захарли бўлмаслиги;
4. Аллергия чақирмаслиги килмаслиги;

Ёрдамчи моддалар иктиносидий нуқтаи назардан арzon, етарли бўлиши керак.

Кўпинча ёрдамчи модда сифатида озиқ-овқат саноати чиқиндилари ёғ ишлаб чиқариш, ун ишлаб чиқариш, тери-кўнчилик, пахтани қайта ишлаш саноати чиқиндилари қайта ишлаб сўнг ишлатилади. Булар арзонга тушади. Нефтни қайта ишлаганда ҳам кўпгина чиқиндилар чиқади, буларни қайта ишлаш натижасида фармацевтика саноати учун зарур бўлган ёрдамчи моддалар олиш мумкин (вазелин, вазелин мойи ва х. к). Юқорида санаб ўтган чиқинди маҳсулотлар етарли миқдорда бор ва чиқинди бўлгани учун жуда арзонга тушади. Ҳозирги кунда озиқ-овқатмаҳсулотлари ўрнига уларнинг вазифасини бажарадиган бошқа маҳсулотлардан фойдаланиш кенг йўлга кўйилган. Масалан: ўсимлик мойлари, мол, кўй гўшти ва бошқа озиқ-овқатда ишлатилмайдиган ёғ-мой саноати чиқиндилари, синтетик моддалардан кенг фойдаланилмокда.

Ёрдамчи моддалар дори турининг турғунлигини таъминлаши керак.

Масалан: суспензиялар ва эмульсиялар ишлаб чиқаришда, албатта, ёрдамчи модда сифатида эмульгаторлар қўшилиши керак, агар қўшилмаса дори тури турғун бўлмай қолади. Кўз томчилари, инъекцион дори шаклларини ишлаб чиқаришда албатта консервант ёки стабилизатор қўшиб тайёрланиши зарур, акс ҳолда дори тури сифатсиз ва нотурғун бўлади.

Ёрдамчи моддаларнинг - дорининг биологик фаоллигига таъсири.

Биофармацевтик тадқиқотлар асосида ёрдамчи моддалар турлари ва уларнинг хоссалари дорининг биологик фаоллигига таъсири борлиги исботланган. Яқин кунларга кадар, ёрдамчи моддалар, дорига шакл берувчи инденферент модда ҳисобланар эди. Ёрдамчи моддаларга дориларга шакл беришда, истеъмол учун қулай бўлганоғириликка келтиришда, сақлашда, ташишда қулайлик яратиш учун кўлланиладиган моддалар деб қаралар эди. Сўнгги йиллардаги кашфиётлар, ёрдамчи моддаларнинг препаратни биологик таъсиридаги аҳамияти катта эканлигини кўрсатди. Биофармация нуқтаи назаридан ёрдамчи моддалар индифферент эмас, деган холосага келинди. Улар у ёки бу ҳолатда, дори препарatinинг фаоллигига таъсир этади. Ёрдамчи моддалар дори препарatinинг таъсирини кучайтириши ёки бирор сабаб билан таъсир характерини ҳам узайтириши мумкин (комплекс бирикмалар ҳосил килиш, молекулалараро реакция кетиши ва х/к).

Ёрдамчи моддаларни ишлатишдан мақсад: технологик параметрлардан ташқари, дори модданинг сўрилишига ёрдам бериш ва дори модданинг таъсирига шароит яратиб беришдан иборат.

Биофармацевтик назарияга кадар бўлган карашларда, масалан сут қанди индеферент ҳисобланар эди. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сут қанди айрим моддаларнинг сўрилишини кучайтиради (таркибида тестостерон бўлган имплантацион таблеткаларда) ва аксинча дори препарати сўрилишини сусайтириши мумкин(изониазид). Агар натрий салицилатдан дори шакли тайёрланганда ёрдамчи модда сифатида метилцеллюлоза ёки қанд ишлатилса, унинг организмга сўрилиши қийинлашади ва бу модданинг миқдори қанча кўп бўлса, сўрилиши шунча қийинлашади. Агар метилцеллюлоза ўрнига пектин ишлатилса, унинг (натрий салицилат) сўрилиши кескин кўпаяди.

Шунинг учун ёрдамчи моддалар умуман эмас, ҳар бир алоҳида ҳолатда кўлланилиши керак. Асосиз равишда ёрдамчи моддаларни қўшиш, бирини иккинчиси билан алмаштириш — таъсир қучининг пасайишига, айрим ҳолларда дори препаратнинг умуман таъсири йўқолишига олиб келиши мумкин.

Ёрдамчи моддаларнинг дори препарати таъсирига дахлдорлиги айниқса, суртма ва шамча дори шакллари кузатилади.

Ёрдамчи моддаларни табиати ва кимёвий тузилиши бўйича таснифланиши:

3. Табиатига кўра

- табиий (полисахаридлар: крахмал, альгинатлар, полисахаридлар ва бошқ; оқсиллар: желатин, желатоза, коллаген ва бошқ; ноорганик моддалар: бентонит, тальк, аэросил ва бошқ.)

- синтетик ва яримсинтетик (МКЦ, полиакриламин, аминобентонитлар, твинлар, ПВП, Т-2 эмульгатори).

4. Кимёвий тузилишига кўра

- катионли СФМ (этония хлорид, тиония хлорид);

- анионли СФМ (тиббиёт совуни);

- ноионоген СФМ (моноэфир сахарозалар, глицеридлар, ЮММ ёғ кислоталари, эфирлар, твин-80).

Ёрдамчи моддаларни физик-кимёвий тавсифи ва фармакокинетикаси бўйича таснифланиши

6. Шакл ҳосил қилувчи моддалар. Бу турдаги ёрдамчи моддалар суюқ дори шаклларини тайёрлаш технологиясида эритувчи сифатида (тозаланган сув, инъекцион сув ва бошқ.), қаттиқ дори шаклларини тайёрлаш технологиясида тўлдирувчи сифатида (сут қанди, крахмал, тальк ва бошқ.), юмшоқ дори шаклларини тайёрлаш технологиясида суртма асоси (вазелин, мой ва бошқ.) ва шамча асоси (какао мойи, желатин ва бошқ.) ҳисобланади. Улар дори моддаларига дори шаклларини беришга ҳизмат қилиб, маълум

бир геометрик шакл, оғирлик ва ҳажм каби бошқа талабларни намоён бўлишига ёрдам беради.

7. Дори моддасининг турғунлигини таъминловчи ёки оширувчи моддалар (стабилизаторлар). Турғунлик – дори моддасини дори шакли кўринишида ишлаб чиқарилган вақтидан бошлаб бутун сақланиш давомида физик-кимёвий ва микробиологик хоссаларини тўлиқ ўзида сақлаб қола олишидир. Уни қуидаги усуллар билан таъминлаш мумкин:

- дори шаклини турғунлигини таъминлаш;
- дори моддасини турғунлигини таъминлаш;
- микроблар контаминациясини таъминлаш.

Дори моддасининг турғунлигини таъминловчи ёки оширувчи моддалар қуидаги уч гурухга бўлинади:

- кимёвий тузилишга эга бўлган стабилизаторлар – дори воситаларини тайёрланиш жараёни ва сақлаш мобайнида ишлатилади, улар ҳар хил стерилазация жараёнини ўтайдиган (айниқса термик стерилазация) дори шакллари катта амалий аҳамиятга эга;
- физик-кимёвий тизимли (дисперс) стабилизаторлар – ишлатилиши бўйича ҳар хил жинсли тизимларда катта амалий аҳамитга эга;
- микробларга қарши ишлатиладиган стабилизаторлар (консерванлар) – дори воситаларида микроорганизмлари ривожланиши ва кўпайишини олдини олади.

8. Эрувчанликни оширувчи моддалар (солюбилизаторлар). Бу турдаги ёрдамчи моддалар амалда эrimайдиган ёки қийин эрийдиган дори моддаларини эришини оширади. Бу мақсадда ишлатиладиган ёрдамчи моддаларни асосини сирт фаол моддалар (СФМ) ташкил қиласи (твин-80, ўт кислотаси).

9. Дори моддасининг таъсирини узайтирувчи моддалар (пролангаторлар). Булар дори моддасини организмда ушланиб қолиш вақтини узайтириб, организмдан чиқарилишини секинлаштиради. Бунга асосан дори моддасини дори воситаси ёки шакли таркибидан ажралиб чиқишини секинлаштириш билан эришилади. Бу турдаги ёрдамчи моддаларга қуйилган хусусий талаблардан бири улар дори моддасининг қондаги максимум концентрациясини белгиланган вақтда ҳосил қилиши шарт. Шундагина керакли терапевтик самарадорлик ўз вақтида юзага чиқади. Дори моддаларини таъсирини узайтириш учун амалда кўпроқ юқори молекуляр бирикмалар (МЦ, КМЦ, натрий КМЦ, ПВП, коллаген ва бошқ.) ишлатилиши мумкин.

10. Дори моддасини ранги, ҳиди ва мазасини меъёрлаштирувчи моддалар (корригентлар). Бу мақсадда кўпроқ табиий ва синтетик моддалар ёки уларнинг эритмалари ишлатилади. Масалан оддий қанд қиёми, чучукмия, малина, олча қиёмлари ва бошқ. Шунингдек, сахароза, лактоза, фруктоза, сорбит, сахарин, эфир мойларидан ялпиз, апельсин ва анис каби корригентлардан ҳам бугунги кунда амалиётда кенг-кўламда фойдаланилмоқда.

Ёрдамчи моддаларнинг дори турига шакл беришини назарда тутиб, уларни қуидаги синфларга бўлиш мумкин.

- эритувчилар;
- суртма дорилар учун асослар;
- шамчалар учун асослар;
- кукундорилар тайёрлашда ишлатиладиган асослар;
- сирт фаол моддалар;
- стабилизаторлар;
- консервантлар;
- дорининг мазасини яхшилайдиган моддалар (коррегентлар);
- эмульгаторлар.

Иждий ишланма

Талькни майдалик даражаси унинг сирпантирувчаник хоссасига таъсири

| т/р | Прессланадиган масса | Талькни майдалик даражасини таблетканиқолипдан итарибчиқариш кучга боғликлиги, МПа | |
|-----|-----------------------|--|--------------|
| | | 100 мкг | 100 мкг гача |
| 1. | Аэрон | 5,3-0,64 | 4,8-0,41 |
| 2. | Бекарбон | 6,6-0,44 | 5,1-0,44 |
| 3. | Гефефитин | 8,1-0,31 | 5,8-0,53 |
| 4. | Папаверин гидрохлорид | 6,9-0,62 | 4,7-0,44 |
| 5. | Рутин | 5,5-0,53 | 4,4-0,38 |

Тальк ва кальций стеаратнинг бирга ишлатилгандағи нисбати

| Фармакопея кўрсатмасига жавоб берадиган майдалик даражасида | | Юқори даражада дисперсланган яъни майдаланган | |
|---|--------------------------------|---|----------------------|
| Тальк 100мкг гача | Кальций стеарат 10 мкг гача | Кальций стеарат 5мкг гача | Тальк 10 мкг гача |
| 3,0 | 0,0 | 0,0 | 1,5 |
| 2,0 | 0,33 | 0,17 | 1,0 |
| 1,0 | 0,66 | 0,33 | 0,50 |
| 0,0 | 1,0 | 0,50 | 0,00 |
| 0,75 | 0,75 | 0,37 | 0,37 |
| 0,50 | 0,50 | 0,25 | 0,75 |
| 2,25 | 0,25 | 0,13 | 1,13 |

3-амалий машғулот мавзуси:

“Кукунлар, гранулалар, таблеткалар, капсулалар ва дражелар”

Амалий машғулот мақсади: Саноат миқёсида дори воситаларини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган ташкилотлар “Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги” түғрисида, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда зарур бўлган МҲлар ва уларнинг тузилиши, дори ва ёрдамчи моддалар, уларни майдалаш, элаш ва аралаштириш жараёнлари ва бу жараёнларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган кукунлар таърифи, тавсифи ва таснифи, шунингдек уларни ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

Амалий машғулот вазифалари: Саноат миқёсида дори воситаларини ишлаб чиқаришда “Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги” алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, ишлаб чиқаришни түғри ва тўлиқ ташкил қилишда зарур бўлган МҲлар ва уларнинг тузилиши билиш маҳсулот сифатини кафолатлашда асосий ўрин тутади. Дори ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий шунингдек технологик хоссалари уларни майдалаш, элаш, аралаштириш ва бошқа жараёнларнинг параметрларини белгилашда, бу жараёнларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг узоқ муддат ва самарали ишлашида, уларнинг тури ва миқдорини түғри танлаш эса тайёр маҳсулотнинг сифати ва турғунлигини таъминлашда муҳим аҳамият қасб этади. Саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган кукунлар бошқа дори воситаларидан бир қатор афзалликларга эга эканлиги, уларни ичиш, ташқи мақсадлар учун, айниқса инъекция қилиш учун ҳам ишлатиши, бу дори турларининг ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришни тақозо этади.

Педагогик технология ёки интерактив усул: Лойиҳа” методи

“Лойиҳа” интерфаол таълим методи кичик гуруҳларда бир неча муаммоли саволларни ечишда қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинади (2-3 тадан);
2. Ҳар бир гуруҳга битта савол (муаммо) берилади;
3. Гуруҳларга, мустақил ишлаб, саволни эчишига 10 -20 дақиқа ажратилади.
 1. Саволлар муҳокамасини ўтказиш. Бунинг учун ҳар бир гуруҳдан вакиллар чиқиб, савол эчимини баён этади;
 2. Ўқитувчининг якунлаш сўзи. Ўқитувчи берилган жавобларни тахлил қилиб, тўлдиради ва керак бўлса баҳолайди.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш Босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|--|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none">якка тартибдаги аудио-визуал иш;кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);ахборотни умумлаштириш;ахборот таҳлили;муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none">индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none">индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none">якка ва гурӯҳда ишлаш;муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

Кейс. Лабораторияга янги юқори самарали хроматографи ўрнатилди. Аммо ишга туширишнинг имкони бўлмади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий

кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби: “Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 0,5 балл ёки 0,1-0,5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

- СФ усулида қандай кўрсаткич аниқнилади?
- А. Нур синдириш
- В. Нур ютиш
- С. Нурни буриш



- СФ усулидан фойдаланиш имкониятларини қиёсий таҳлил қилинг



Тушунча таҳлили

- Спектрофотометрия усулини изоҳланг...



- Спектрофотометрия усулида дори модданинг чинлиги, тозалиги ва миқдорини ўрганинг

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

| Фаолият тури | Иш шакли | |
|-------------------|---|--|
| | Индивидуал | Гурүхий |
| Таълимий фаолият | Талабалар портфолиоси, битиравчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ. | Талабалар гурухи, тингловчилар гурухи портфолиоси ва бошқ. |
| Педагогик фаолият | Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси | Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ. |

Амалий машғулот учун топширик

- Бир корхонанинг ишлаб чиқаришида сарфланиш коэффициенти 1,030 га, иккисида эса 1,060 га тенг. Қайси корхонада ишлаб чиқариш тўғри йўлга қўйилган?
- 20 дақиқа давомида 15 кг махсулотни майдалайдиган золдирли тегирмонни иш унумдорлигини хисобланг.
- 100 кг магний сульфат кукунини лаборатория шароитида золдирли тегирмонда майдалаш натижасида 98,0 кг майдаланган магний сульфат хосил бўлди. Эланганда сўнг 78,0 кг майдаланган магний сульфат элақдан ўтди, 16,6 кг майдаланмаган магний сульфат эса элакни устида қолди. Майдалаш, элаш ва умумий жараён учун кирим-чиқим нисбатини тузинг. Тайёр махсулот, йўқотиш ва сарфланиш коэффициентларини хисобланг.
- Ушбу расмдаги асбобнинг номини айтинг ва уни 8 соатлик иш унумдорлигини хисобланг.




Рис. 121. Дозатор ДП-2 для расфасовки порошков. Объяснение в тексте.

Топшириқни бажариш учун күрсатма ва тавсиялар

1. Майдалаш. Зўлдирли тегирмонга ёки М.Х.Исламгулов асбобига 250 г қанд солиниб, қопқоғи зич ёпилади ва асбоб 30 сония давомида ишлатилади. Юқорида күрсатилган вақт ўтгандан сўнг, тегирмон тўхтатилади. Майдалангандан қанд тортилади ва шу босқич учун кирим-чиқим нисбати қуйидаги тенглама бўйича хисобланади:

$$g_1 = g_2 + g_5$$

бу ерда g_1 - тегирмонга солинган қанд микдори, г;

g_2 - майдалангандан махсулот микдори, г;

g_5 - йўқотилган махсулот микдори, г.

$$\eta \% = \frac{g_2}{g_1} \cdot 100 , \quad \sum_{\text{йўқотиш}} \% = \frac{g_5}{g_1} \cdot 100 ,$$

$$K_{\text{сарф}} = \frac{g_1}{g_2} ,$$

бу ерда,

z - тайёр маҳсулот микдори, %.

$\sum_{\text{йўқотиш}}$ - тайёрлаш жараёнида йўқотилган махсулот микдори, %

$K_{\text{сарф}}$ - сарфланиш коэффициенти.

2. Элаш. Майдалангандан қанд диаметри 200 мкм ли элакка солиниб эланади. Сўнгра элакда қолган ва ундан ўтган махсулотлар олиниб, алоҳида-алоҳида тортилади. Элаш босқичи учун кирим-чиқим нисбати қуйидагича тузилади:

$$g_2 = (g_2^I + g_3) + g_5^I$$

бу ерда,

g_2 - элаш учун олинган махсулот микдори, г;

g_2^I - элақдан ўтган махсулот микдори, г;

g_3 - элакда қолган махсулот микдори, г;

g_5^I - элаш даврида йўқотилган махсулот микдори, г.

$$\eta \% = \frac{(g^I_2 + g_3)}{g_2} \cdot 100 , \quad \sum \text{йүқотиш \%} = \frac{g^I_5}{g_2} \cdot 100 ,$$

$$K_{cap\phi} = \frac{g_2}{(g^I_2 + g_3)}$$

3. Умумий кирим-чиқым нисбатини тузиш. Бу (майдалаш ва элаш жараёнлари учун) қуйидаги тенгламалар ёрдамида хисобланади:


$$g_1 = (g^I_2 + g_3) + (g_5 + g^I_5)$$

$$\eta \% = \frac{g^I_2}{(g_1 - g^I_3)} \cdot 100 , \quad \sum \text{йүқотиш \%} = \frac{(g_5 + g^I_5)}{(g_1 - g_3)} \cdot 100 ,$$

$$K_{cap\phi} = \frac{(g_1 - g_3)}{g^I_2} ,$$

Ижодий ишланма

Заррачалар ўлчамига қараб майдалик даражаларининг белгиланиши



4-амалий машғулот мавзуси:

“Суртмалар, кремлар, геллар, пасталар, линиментлар ва шамчалар”

Амалий машғулот мақсади: Саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган юмшоқ дори шакллари (ЮДШ) – суртмалар, кремлар, линиментлар, пасталар ва геллар ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлиш, уларни тайёрлашда ишлатилиладиган ёрдамчи моддалар (асослар), уларга қўйилган талаблар, шунингдек гомоген, эмульсион, суспензион ва аралаш турдаги ЮДШни тайёрлаш технологияси ва сифатини баҳолашни ўрганиш.

Амалий машғулот вазифалари:

ЮДШ корхона шароитида ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, улар тайёр дори воситаларининг орасида салмоқли ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни ўрганиш, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этишда катта амалий аҳамиятга эгадир.

Педагогик технология ёки интерактив усул: “ФСМУ”-методи

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишида қўлланилади, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишига, очик ҳолда баҳсласишишга ҳамда шу билан бирга баҳсласишиш маданиятини ўргатади. Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий коғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишига ёрдам беради.

Ўтказилиш тартиби:

1. Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади
 - Ф- фикрингизни баён этинг
 - С-фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
 - М- кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг
 - У- фикрингизни умумлаштиринг
2. Ўқувчилар билан баҳс мавзусини ёки муаммони белгилаб олинади;
3. Кичик групкаларга бўлиб, тарқатилган қоғозларга фикр ва мисоллар ёзилади;
4. Кичик групкаларни ёзган фикрларини ўқиб ҳимоя қилинади;
5. Ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиши йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: юқори самарали суюқлик хроматография усулиниңг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---|--|
| S | юқори самарали суюқлик хроматография усулиниңг кучли томонлари | Бир вақтнинг ўзида текширилувчи модданинг ҳам чинлиги, ҳам тозалаги ва ҳам миқдорини аниқлашга имкон беради. |
| W | юқори самарали суюқлик хроматография усулиниңг заиф томонлари | Асобоб маҳсус билим ва кўникма талаб этади. |
| O | юқори самарали суюқлик хроматография усулидан фойдаланишининг имкониятлари (ички) | Интернет билан боғланган. |
| T | Тўсиқлар (ташқи) | Электр бўлмаса ишламайди. |

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин кадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш

шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади

Намуна:

| Замонавий асбоблар | | | | | |
|--------------------|-----------|-------------|-----------|-----------|-----------|
| ЮССХ | | Хроматомасс | | ЯМР | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | | | |

Хулоса:


Амалий машғулот учун топширик,

- Ушбу таркиб бўйича бугунги қунда ишлаб чиқарилаётган

ЮДШнинг номини айтинг.

2. Таркибда келтирилган дори ва ёрдамчи моддаларнинг тури ва миқдорини, шунингдек аҳамиятини тўғри эканлигини аниqlанг.
3. Ушбу ЮДШни 40,0 г дан 10 000 қадоқ тайёрлаш учун умумий йўқотиши 3,2% бўлган холда сарфланиш коэффициентини хисобланг.
4. Расмда келтирилган асбобнинг номи, ишчи қисмлари ва ишлаш механизми шунингдек, юқоридаги шарт бўйича ЮДШни тайёрлаш учун асбобнинг умумий ишлаш вақтини топинг.

| т/р | Дори ва ёрдамчи моддаларнинг номи | Аҳамияти | Миқдори, г |
|-----|-----------------------------------|-----------------|--------------|
| 1. | Ибупрофен | Дори моддаси | 5,0 |
| 2. | Ўрта занжирли триглицеридлар | Эритувчи | 41,690 |
| 3. | Глицерол моностерат | Эмульгатор | 7,0 |
| 4. | Поли (оксиэтилен)-30-стеарат | Эмульгатор | 2,4 |
| 5. | Поли (окисэтилен)-100-стеарат | Эмульгатор | 4,2 |
| 6. | 1,2-пропандиол | Эритувчи | 5,0 |
| 7. | Метил-4-гидроксибензоат натрий | Стабилизатор | 0,150 |
| 8. | Гумми ксантан | Қуюқлаштирувчи | 0,540 |
| 9. | Тозаланган сув | Эритувчи | 33,850 |
| 10. | Лаванда мойи | Парфюмерия мойи | 0,110 |
| 11. | Цитрусли хид берувчи | Парфюмерия мойи | 0,060 |
| 12. | Жами | | 100,0 |



1-тарози;
2-автокар;
3-Крупин камераси;
4-пар кўрпали реактор;
5-реактор;
6-друк фильтр;
7-реактор;
8-элак;
9-гомогенизатор;
10-қодоқловчи қурилма;
11-ўровчи қурилма

**Топшириқни бажариш учун кўрсатма ва тавсиялар
Стрептоциднинг 10% ли суртмаси.**

Unguentum Ctreptocidi 10%.

Вазифа.

1. 100,0 г 10% ли стрептоцид суртмасини тайёрланг.
2. Тайёрлаш жараёни тасвирини чизинг.
3. Тайёр махсулотнинг сифатини текширинг.

Таркиби.

| | |
|------------|-----------|
| Стрептоцид | - 10,0 г. |
| Вазелин | - 90,0 г. |

Керакли асбоб-ускуналар ва ёрдамчи материаллар.

1. Ховонча дастаги билан, тош ва тарози.
2. Стрептоцид ва вазелин.
3. Тайёр махсулотни солиш учун идиш.
4. Сочик, тиббиёт докаси, совун, слюда.
5. Электр плиткаси ва 50-100 мкм ли элаклар.
6. Қайчи, клей, пергамент қофози.

Ишни бажариш тартиби.

Олдиндан иситилган ховончага, майдаланган стрептоцидни солиб, устига 5-6 г вазелин қўшилади ва бир хил масса хосил бўлгунча яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра қолган вазелин 2-3 қисмга бўлиб қўшилади ва бир

хил масса хосил бўлгунча аралаштирилади. Тайёр маҳсулотнинг сифати баҳоланиб, қадоқланади.

Тайёр маҳсулотнинг сифатини баҳолаш.

Тайёр маҳсулотнинг тавсифи. Оқ ёки сариқ рангли суртма.

Чинлиги. 0,5 г суртма 10 мл сув билан сув ҳоммомида 10-15 дақиқа давомида қиздирилади ва совутилиб, фильтранади. Фильтрат стрептоцидга хос реакция беради (Х ДФ. 646 бет).

Микдорини аниқлаш. 3 г суртма (аниқ тортма) таги яssi колбага солинади, сўнгра 4 марта 10 дақиқадан, суюлтирилган хлорид кислотаси ёрдамида, аралаштириб турган ҳолда сув ҳаммомида қиздириб, стрептоцид ажратиб олинади. Ажратмалар бирлаштирилади ва совитилади. Сўнг ҳажми 200 мл бўлган ўлчов колбасига фильтранади. Фильтр қофоз икки марта 15 мл дан тозаланган сув билан ювилади. Эритма сув ёрдамида колбанинг белгисигача етказилади. Ундан 50 мл олиб, стрептоцид миқдори аниқланади.


50 мл эритма таги яssi 200 мл ли колбага ўтказилади, сўнг 5 мл калий бромид, 5 мл концентрланган сульфат кислотадан, 1 томчи метил қизил эритмасидан солинади. Чайқатиб турган ҳолда 0,1 моль/л ли калий бромат эритмаси билан рангизлангунча титрланади. 1 мл бихромат калий эритмаси 0,04305 г стрептоцидга тўғри келади. Суртма таркибида 9,5-10,5% стрептоцид бўлиши керак.

Қадоқлаш. Жигарранг шиша идишларга 50 г дан қадоқланади.

Сақланиши. Куруқ ва салқин жойда сақланади.

Ишлатилиши. Антисептик дори сифатида тери касалликларида

Ижодий ишланма



Бўйига

- 1- гидрофоб эритувчи;
- 2- гел хосил килувчи;
- 3- эмульгатор;
- 4- гидрофиль эритувчи;
- 5 -антимикроб консервант;
- 6- асоснинг суюқланиш ҳарорати ва қовушқоклигини оширувчи модда;
- 7- консервант;
- 8- эритувчи .

Энига

- 1- эмульгатор;
- 2- сувни мойдаги типли эмульгатор;
- 3- юмшок асос;
- 4- гидрофоб эритувчи;
- 5- юмшок асос;
- 6- гидрофиль эритувчи;
- 7- гел хосил килувчи;
- 8- консервант;
- 9- антибиотик консервант.

5-Амалий машғулот: Сувли ва сувсиз эрималар, инъекцион эритмалар

Амалий машғулот мақсади: Спиртли эритмаларни тайёрлаш технологияси ва сифатини баҳолаш билан танишиш. Корхона шароитида ишлаб чиқариладиган доривор қиёмлар технологияси билан танишиш ва сифатини баҳолаш. Таркибида хар хил турдаги эфир мойларини сақлаган доривор үсимлик хом ашёлари ёки уларнинг концентратларидан хушбўй сувларни тайёрлаш технологияси ва сифатини баҳолаш юзасидан умумий кўникмаларга эга бўлиш.

Амалий машғулот вазифалари: Фармацевтик корхоналарда ишлаб чиқариладиган эритмалар орасида спиртли эритмаларнинг тутган ўрни катта. Шундай экан, уларни тайёрлаш усулларини кенгайтириш, номенклатурасини кўпайтириш катта амалий аҳамиятга эгадир. Қиёмлар нафақат ТДВ сифатида балки дори моддаларининг нохуш хиди ва мазасини йўқотиш учун корригент сифатида ҳам кенг кўламда ишлатилади. Шунуктаи назаридан уларни корхона шароитида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш катта амалий аҳамиятга эгадир. Хушбўй сувлар тайёрлаш технологиясининг оддий ва қулайлиги, шунингдек улар асосан доривор үсимлик хом ашёларидан олингандиги учун ҳам, уларни фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва номенклатурасини кўпайтириш ҳам амалий ҳам иқтисодий аҳамиятга эгадир.

**Педагогик технология ёки интерактив усул:
“Тармоқлар усули (Кластер)”**

“Тармоқлар усули (Кластер)” фикрларни тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради, тингловчиларни мавзуга таалуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон бир мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларни фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундейди. Бу эса тингловчиларга ўз билимлари, тушунишлари ва тасаввурлари даражасини аниқлашга ёрдам беради “Кластер” усули бўйича “ёрдамчи модда” сўзига мантиқий занжир тузинг (20 дақиқа ичida). Кластер усулидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

| Кластер усули | |
|---|---|
| <p>Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қофозга ёзинг. Фикрингиз сифати тўғрисида ўйлаб ўтирамай, уларни шунчаки ёзиб боринг</p> | <p>Ёзувларингиз орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг</p> |
| <p>Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирон-бир гояни ўйлай олмасангиз, унда қофозга бирор нарсани расмини чизинг, токи бошқа ғоя пайдо бўлгунича давом этинг</p> | <p>Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ ғояларни илгари суриш ва мазкур ғоялар ўртасида алоқадорлигини кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ғоялар йиғинди-сининг сифати ва алоқадорлигини кўрсатишини чекламанг</p> |

Ақлий хужум усули

Ўқитувчи гурухга ташлаган саволга тингловчилар миясига келган биринчи фикрларни айтадилар. Ўқитувчи ёки ёрдамчи бу фикрларни доскага ёзиб боради. Тингловчиларни бошланғич билимини аниқлашда тингловчи томонидан фаоллик пасайганда бироз паузадан сўнг ўқитувчи ўзининг бир неча фикрларини ёздириши мумкин. Сўнгра доскадаги жавоблар 1 ва 2-даражали ёки шу каби гурухлаб чиқиб ўқитувчи томонидан хуносаланади. Мақсади: Муайян мавзу бўйича турли фикрларни йиғиши.

Усулнинг афзалликлари:

- Тингловчилар томонидан дарсни ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида қўллаш мумкин.
- Муаммоли вазиятларда, фикр алмашишда, янги фикрларни юзага келтириш имкониятини яратади.
- Тингловчиларни жалб қилиниши даражасини оширади.
- Машғулот бошида «энергетик» таъсир кўрсатади.
- Маълумотлар тўплашда ҳар бир тингловчи ўз ҳиссасини қўшади ва бундан қониқиши ҳиссини сезади.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|---------------|---------------|---------------|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаланиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Мутахассислик фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқланиши бўйича



Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди хисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиллади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дори воситаларининг сифат кўрсаткичларини меъёрий хужжатларда келтирилиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

| Харакатлар мазмуни | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гурух баҳоси | Гурух хатоси |
|--------------------|-----------|-----------|-------------|--------------|--------------|
| Тасвирланиши | | | | | |
| Чинлиги | | | | | |
| Хлоридлар | | | | | |
| Эрувчанлиги | | | | | |
| Микдорий таҳлили | | | | | |
| Сақланиши | | | | | |

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

5. Тақдимот қисми.
6. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Амалий машғулот учун топшириқ

1. Йоднинг 5% ли спиртли эритмаси тайёрланганда эритмада йод кристалларининг борлиги аниқланди.
2. Идишдаги йод эритмасининг концентрацияси ноаниқ.
3. Нашатир анис томчиси таркибидаги аммиак меъёридан кам.
4. Аччиқ бодом хушбўй сувининг сифати текширилганда ундан аммиак хиди келди.
5. Аччиқ бодом хушбўй сувини унинг кенцентратидан тайёрлашда лойқаланиш кузатилди.

Топшириқни бажариш учун күрсатма ва тавсиялар Шиша спиртомер ёрдамида спиртни қувватини аниклаш.

Хажми 250 ёки 500 мл ли цилиндр илиқ тозаланган сувда ювилиб, тоза сочиқ билан артиб қуритилади. Худди шу усул билан спиртомер, термометр, аралаштириш учун шиша таёқча тайёрлаб олинади.

Цилиндрга спирт солиб, эхтиётлик билан юқори қисмидан спиртомер ушлаб турилган холда туширилади. Бунда спиртомер қалқимасдан, цилиндр деворига тегмасдан туриши керак. 3-4 дақиқадан сўнг спиртомер кўрсаткичининг пастки чизиги ёзиб олинади. Шу усулда термометр ёрдамида спиртнинг ҳарорати аникланади. Ҳарорат 20°C бўлганда спиртомер кўрсаткичи спиртнинг ҳажмий фоиз микдорига тўғри келади. Бошқа ҳароратда аникланганда ДСТ нинг 3-жадвали бўйича хисобланади.

Натижа.

Спиртомер кўрсаткичи.....

Термометр кўрсаткичи.....

20°C даги спирт қуввати, %.....

Металл спиртомер ёрдамида спиртни қувватини аниклаш.

Хажми 500 ёки 1000 мл ли цилиндр илиқ дистилланган сувда ювиб олинниб, тоза сочиқ билан артиб қуритилади. Шунингдек, металл спиртомер, термометр, аралаштириш учун шиша таёқча тайёрлаб олинади. Спиртомер тошлари спиртга намланган дока билан артилади. Сўнгра цилиндрга спирт солиниб, эхтиётлик билан юқори қисмидан спиртомер ушлаб турилган холда туширилади. Бунда спиртомер қалқимасдан, цилиндр деворига тегмасдан туриши керак. Агар спиртомер спиртга ботмаса, унинг пастки қисмига тошлар осилади. Спиртнинг қувватини номаълум бўлса, энг енгил (90) тош осилади ва спиртомер даража кўрсаткичи спиртга ботгунча оғирроқ тошлар билан алмаштирилади. Агар спиртнинг қуввати тахминан маълум бўлса мўлжалдаги тош осилади. Металл спиртомернинг кўрсаткичи 20°C да аникланганда ҳам, фақат шартли фоиз микдорини акс эттиради. Бу кўрсаткичдан фойдаланган холда спирт қуввати ДСТ нинг 4-жадвали бўйича топилади.

Натижа.

Спиртомер кўрсаткичи.....

Термометр кўрсаткичи.....

20°C даги спирт қуввати, %.....

Ареометр ёрдамида этил спиртини қувватини аниқлаш.

Ҳажми 500 мл ли цилиндр, ареометр, шиша таёқча ва термометр илиқ дистилланган сувда ювилиб, тоза сочиқ билан артиб қуритилади. Сўнгра цилиндрга спирт солиниб, эҳтиётлик билан юқори қисмидан ареометр ушлаб турган холда туширилади. Бунда ареометр қалқимасдан, цилиндр деворига тегмасдан туриши керак. 3-4 дақиқа ўтгач пастки чизик бўйича кўрсаткич аниқланади. Агар зичлик 20°C да аниқланса, спирт қуввати XI ДФ нинг 1-алкоголометрик жадвали ёрдамида, бошқа ҳароратларда эса ДСТ нниг 1- ва 2-жадваллари ёрдамида аниқланади.

Натижа.

Ареометр кўрсаткичи-----

Термометр кўрсаткичи-----

20°C даги спирт қуввати, %-----

Спиртни масса бўйича суюлтириш.

XI ДФ нинг 2-жадвали бўйича керакли спирт ва тозаланган сув тортиб олиниб, аралаштирилади ва унинг қуввати шиша ҳамда металл спиртомер ёрдамида аниқланади.

Спиртни ҳажм бўйича суюлтириш.

XI ДФ нинг 4-жадвали бўйича керакли бўлган этил спирти ва тозаланган сувнинг ҳажми цилиндрда ўлчаб олиниб, аралаштирилади ва унинг қуввати шиша ёки металл спиртомер ёрдамида аниқланади.

Сарфланган этил спиртнинг хисобини ДСТ нинг 5- ва 6- жадваллари бўйича олиб бориш.

Сарфланган спиртнинг хисобини ДСТ нинг 5- ва 6- жадваллари бўйича олиб боринг. Бунинг учун сарфланган спиртнинг қуввати ва миқдори шунингдек, ҳарорат инобатга олиниши шарт.

Ижодий ишланма

Этил спиртини суюлтириш

| т/р | Тайёрланадиган спирт | | Суюлтирил адиған спирт қуввати, % | Спиртни суюлтириш | |
|-----|----------------------|-------------|-----------------------------------|------------------------------------|-----------------|
| | концентрацияси, % | миқдори, кг | | Суюлтирила диган спирт миқдори, кг | Сув миқдори, кг |
| 1. | 30 | 30 | 89 | | |

| | | | | | |
|-----|----|-----|----|--|--|
| 2. | 40 | 40 | 90 | | |
| 3. | 50 | 50 | 91 | | |
| 4. | 60 | 60 | 92 | | |
| 5. | 70 | 70 | 93 | | |
| 6. | 80 | 80 | 94 | | |
| 7. | 90 | 90 | 95 | | |
| 8. | 92 | 100 | 96 | | |
| 9. | 30 | 120 | 60 | | |
| 10. | 40 | 130 | 70 | | |

Этил спиртини суюлтириш

| т/р | Тайёрланадиган спирт | | Суюлтирил адиган спирт күввати, % | Спиртни суюлтириш | |
|-----|----------------------|------------|-----------------------------------|-----------------------------------|----------------|
| | концентрацияси, % | микдори, л | | Суюлтирила диган спирт микдори, л | Сув микдори, л |
| 1. | 30 | 30 | 35 | | |
| 2. | 35 | 35 | 40 | | |
| 3. | 40 | 40 | 45 | | |
| 4. | 45 | 45 | 50 | | |
| 5. | 50 | 50 | 55 | | |
| 6. | 55 | 55 | 60 | | |
| 7. | 60 | 60 | 65 | | |
| 8. | 65 | 65 | 70 | | |
| 9. | 70 | 70 | 75 | | |
| 10. | 75 | 75 | 80 | | |
| 11. | 80 | 80 | 85 | | |
| 12. | 85 | 85 | 90 | | |
| 13. | 90 | 90 | 95 | | |

Этил спиртини суюлтириш

| т/р | Тайёрланадиган спирт концентрацияси, % | Суюлтириладиган спирт қуввати, % | Спиртни суюлтириш | |
|-----|--|----------------------------------|-------------------|-------------------------------|
| | | | Сув миқдори, л | Суюлтирилган спирт миқдори, л |
| 1. | 30 | 35 | | |
| 2. | 35 | 40 | | |
| 3. | 40 | 45 | | |
| 4. | 45 | 50 | | |
| 5. | 50 | 55 | | |
| 6. | 55 | 60 | | |
| 7. | 60 | 65 | | |
| 8. | 65 | 70 | | |
| 9. | 70 | 75 | | |
| 10. | 75 | 80 | | |
| 11. | 80 | 85 | | |
| 12. | 85 | 90 | | |
| 13. | 90 | 95 | | |

6-Амалий машғулот: Настойкалар, суюқ, қуюқ ва қуруқ экстрактлар

Амалий машғулот мақсади: Доривор ўсимлик хом ашёлари асосида олинадиган дори воситаларининг орасида настойкалар алоҳида ўрин тутади. Уларни тайёрлашда ишлатиладиган ажратувчиларни тўғри танлаш, ажратма олиш усулларининг параметрларини тўғри белгилаш, шунингдек хом ашёни стандарт талабига тўла жавоб беришини билиш сифатли настойка олиш имконияти яратади. Қолаверса настойкаларнинг таърифи, тавсифи, таснифи, ишлатилиши, олиш усуллари ва сифатини баҳолаш хақида умумий тушунчага эга бўлиш мавзунинг асосий мақсадларидан биридир.

Амалий машғулот вазифалари: Доривор ўсимлик хом ашёларидан олинадиган ТДВлари орасида настойкалар алоҳида ўрин тутади. Уларни тайёрлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни ўрганиш эса корхона шароитида шу турдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришда катта амалий аҳамиятга эга. Тайёрланган ҳар битта ТДВ сифат кўрсаткичлари билан

баҳоланиши лозим. Шундай экан, настойкаларни стандартлаш, уларни аник фармакологик таъсирга эга бўлишида ва турғунлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик технология ёки интерактив усул: “Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” услубида мустақил тайёрлаш учун саволларини мухокамасини ўтказиш бўйича кўрсатма:

Мустақил тайёрлаш учун саволлар тингловчиларга муаммоли вазият тартибида берилади. Вазиятли масала билан танишган тингловчи вазият тури, сабаби ва ҳал қилиш йўлларини келтирилган жадвалга баён этади. Жавоблар таҳлил қилиб, баҳоланади.

“Муаммоли вазият”

| “Муаммоли” вазият тури | “Муаммоли” вазият сабаблари | Вазиятдан чиқиб кетиш харакатлари |
|------------------------|-----------------------------|-----------------------------------|
| | | |

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Доривор ўсимликлар кимёвий таркибининг фармакологик фаоллигига таъсири”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

• ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослади, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч иборалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Кўшимча маълумот |
|----------------------|---|------------------|
| Муаммоли ўқитиш | мантиқий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усулларини қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиши ва талаб...) тизими | |
| Кейс-стади | «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиш | |
| Педагогик технология | ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳа | |
| Фармацевтик кимё | Дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари, олиниши, таҳлили, таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, стандартлаш тўғрисидаги фан | |

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Амалий машғулот учун топширик,

1. Настойка лойқа ва тиниқлиги бўйича талабга жавоб бермайди.
2. Настойка тайёрлашда ажратувчи мўлжалдан кўп сарфланган.
3. Ялпиз настойкаси таркибида 4% эфир мойи борлиги аниқланди.
4. Настойка таркибидаги спирт қуввати МТҲ талабидан кам.
5. Валериана настойкаси таркибидаги изовалериан кислотасининг миқдори 0,20% дан кўп.

Валериана настойкаси.

Tinctura Valerianae.

Таркиби.

Валериананинг майдаланган илдизи

ва илдизпояси - 200,0 г


70% ли этил спирти - 1 л настойка хосил
бўлгунча.

Топшириқни бажариш учун кўрсатма ва тавсиялар

Перколятор тубига 3-4 қаватли дока жойлаштирилиб, ажратувчи билан намланади (70% ли этил спирти).

5,0 г майдаланган ва чангдан тозаланган (1-8 мм) валериана илдизи ва илдизпояси, перколятордаги дока устига бир меъёрда жойлаштирилади ва шиша таёқча билан зичланади. Иш жараёнида хом ашё юзага қалқиб чиқиб кетмаслиги учун, унинг устига фильтр қоғози қўйилиб, 3-4 дона чинни бўлакчалари билан бостириб қўйилади. Хом ашё ичидаги хавони чиқариб юбориш учун перколяторнинг жўмраги очилиб, суюқлик туша бошлагунга қадар тоза ажратувчи қуйилади ва суюқлик туша бошлагач, жўмрак беркитилиб, “ойнасимон юза” хосил бўлгунча (хом ашё устидан 1-2 см қалинликда) тоза ажратувчи қуйилади. Жўмракдан оқиб чиқкан суюқлик қайтадан перколяторга солинади ва перколояторнинг усти 2 қаватли полиэтилен билан беркитилиб, 24 соатга қолдирилади. Белгиланган вақт ўтгандан сўнг, умумий олиниши лозим бўлган тайёр маҳсулотнинг 1/4 қисмига тенг микдорда (6,25 мл) ажратма қуйиб олинади. Перколяторга яна “ойнасимон юза” хосил бўлгунча тоза ажратувчи қуйилиб, 1-1,5 соатга қолдирилади. Сўнг яна 1/4 қисм ажратма қуйиб олинади. Бу жараён яна икки марта такрорланиб, олинган ажратмалар бирлаштирилади. Агар умумий ҳажм 25 мл га етмаса, тоза ажратувчи яъни 70% ли спирт билан етказилади. Тайёр ажратма бегона моддалардан тозалаш учун салқин жойда ($8-10^0\text{C}$) бир кунга тиндириб қўйилади. Кейин ажратма қуруқ шиша идишга қат-қат фильтр қоғози орқали фильтрланади

Ижодий ишланма



V КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш Босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none">• якка тартибдаги аудио-визуал иш;• кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);• ахборотни умумлаштириш;• ахборот таҳлили;• муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none">• индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;• муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;• асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш | <ul style="list-style-type: none">• индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;• муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;• ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; |

| | |
|--|--|
| йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> • муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> • якка ва гуруҳда ишлаш; • муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; • ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; • якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши |

1-Кейс. Наъматак меваларидан олинган қиём (сироп)ни картон қутисида дори воситаси тўқилиб, заарлангани аниқланди. Аналитик таҳлил натижаларига кўра, биологик фаол моддалар миқдори меъёрий хужжатларга мос келиши аниқланди. Таҳлил учун берилган дори воситасига ўз хулосангизни беринг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

1. Наъматак мевалари қиёмининг меъёрий хужжатида қадоқлаш воситаларига қўйилган талабларни ўрганинг.
2. Меъёрий хужжатда келтирилган биологик фаол моддалар миқдори (аскорбин кислотаси) энг кам даражасини аниқланг.
3. Меъёрий хужжатда Наъматак мевалари қиёмининг хажмига қўйилган талабларни солишитиринг ва ўз хулосангизни беринг.

2-Кейс. Қалампир ялпизининг барглари таҳлил қилинганда, эфир мойлари миқдори 1%дан юқори чиқди, аммо ГХ усулида эфир мойидаги ментол миқдори 40%дан кам эканлиги аниқланди. Доривор ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш ва унга ишлов беришдаги камчиликларни аниқланг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

1. Доривор ўсимлик хом ашёсини тайёрлашдаги камчиликларни аниқланг.

2. Доривор ўсимлик хом ашёсини тахлил қилишда қандай хатога йўл қўйилганини аниқланг.

3. Шу сериядаги Қалампир ялпиз баргларини ишлатиш бўйича ўз тавсиянгизни беринг.

3 - Кейс. Доривор ўсимлик хом ашёсини сақлаш жараёнида омбор зааркунандалари билан зааррланганлиги аниқланди. Бундай ҳолатда Сизнинг амалларингиз?

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

1. Доривор ўсимлик хом ашёсини омбор зааркунандалари билан зааррланганлик даражасини аниқланг.

2. Доривор ўсимлик хом ашёсидан фойдаланиш бўйича ўз тавсиянгизни беринг.

3. Доривор ўсимлик хом ашёсини сақлаш жараёнида қандай хатога йўл қўйилганини аниқланг.

Амалий топшириқлар

I. Янги очилаётган дори воситаларини ишлаб чиқариш корхонасининг бизнес лойиҳасини тузиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.

1. Янги очилаётган стерил дори воситаларини ишлаб чиқариш корхонасининг бизнес лойиҳасини тузинг.

2. Янги очилаётган доривор ўсимликларни қадоқлаш корхонасининг бизнес лойиҳасини тузинг.

3. Таблетка ва капсула дори шаклларини ишлаб чиқарувчи корхонанинг бизнес лойиҳасини тузинг.

II. Қадоқланган доривор ўсимлик маҳсулотларининг қадоқлаш материаллари ва ундаги маълумотларга кўра меъёрий хужжатларга мос келиши бўйича хulosса беринг.

1. Қадоқланган доривор ўсимлик маҳсулотининг (ўзбекча, русча ва лотинча) номланиши тўғрилигини текширинг.
2. Доривор ўсимлик маҳсулотининг ишлатилиши бўйича йўриқноманинг Давлат фармакопеясига мослигини солиштиринг.
3. Доривор ўсимлик маҳсулотининг органолептик тахлил асосида сифатини аниқланг.
4. Соф ва қадоқланган маҳсулот оғирлигининг меъёрий хужжатларга мос келиши бўйича хulosса беринг.

III. Номаълум доривор ўсимлик маҳсулотининг таркибига кўра, уни сифат ва миқдорий тахлил усулларини таклиф этинг.

1. Таркибида эфир мойлари сақловчи доривор ўсимлик маҳсулотини стандартлаш бўйича сифат ва миқдорий тахлил усулларини тавсия этинг.
2. Таркибида flavonoидлар сақловчи доривор ўсимлик маҳсулотини СФ- ва ЮОССХ – усулларида стандартлаш бўйича сифат ва миқдорий тахлил усулларини тавсия этинг.
3. Таркибида ошловчи моддалар сақловчи доривор ўсимлик маҳсулотини титрлаш ва чўқтириш усулларида стандартлаш бўйича сифат ва миқдорий тахлил усулларини тавсия этинг.
4. Берилган тавсияларни илмий асосланг.

VI ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|------------------------------|--|--|
| Таълим технологиялари | - бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиши (тарбия) воситалари ёрдамида ўкувчи(талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларни интенсив шакллантириш жараёнидир. | Educational Technology - this trainer, education of students affect their particular circumstances, and it will act as a pre-defined intensive process of formation. |
| Технология | — юонча “техне”, яъни “маҳорат”, “санъат” ва “логос” — “фан”, деган сўзлардан олинган. Унинг ёрдамида манбаларда сифат ўзгаришлар рўй беради. Технология - бирор ишда, маҳоратда, жараёнда, санъатда қўлла-нила-ди-тан йўллар, услублар тўпламидир (талқинли луғат). | Technology - is the Greek word "technical," that is the "master" and "Logos" - "science". Changes as sources. Research, technology, skills and techniques used in the process, a set of methods. |
| Технологияни ўрганиш | ахборотларни ўзлаштиришда объект ҳақидаги умумий маълумотларни бир тизимга келтириб ахборотга айлантириб олгандан кейин ахборотлар орасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини очиш жараёни. Ана шу қонуниятлар | Study Technology , or Study Tech , is a <u>teaching method</u> developed by <u>L. Ron Hubbard</u> , founder of the <u>Church of Scientology</u> . ^[1] Study Technology is used by Scientologists as part of their training, and is also |

| | | |
|---------------------|--|---|
| | <p>ахборотлар йиғиш, тизимлаш, қайта ишлаш ва узатиш каби босқичларни босиб ўтишга түғри келади ва улар орқали режалаштирилган натижаларга эришилади. Бу жараён ахборотларни ўзлаштиришнинг технологик босқичи дейилади.</p> | <p>promoted outside the church by an affiliated corporation known as Applied Scholastics, which presents Study Tech as a secular, universally applicable method to enhance the comprehension of any student, studying any topic. However, the method has many critics, including former teachers, claiming that the "technology" and associated schools are intrinsically linked with religious aspects of Scientology.¹</p> |
| Ихтиро қилиш | - яъни янгилик яратиш | Invent - the creation of innovation |
| Ихтиро | — янгича фоя, техник эчим бўлиб, амалиётда техниканинг исталган соҳасидаги муайян муаммони ҳал қилиш имконини берувчи ижодий фаолият маҳсулни. | Invention - new ideas and technical solutions, creative product that allows to solve the specific problem. |
| Фаол ўрганиш | Ўқув жараёнини изчил ўрганиш | Фаол ўрганиш |

VII АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310 Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли [Фармони](#).

III. Maxsus адабиётлар

20. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvstu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

21. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

22. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

23. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

24. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ.– Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
25. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
26. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
27. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
28. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
29. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
30. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
31. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
32. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
33. Mitchell H.Q., Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
34. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
35. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
36. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
37. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
38. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.
39. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
40. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

41. Djalilov X.K., Xaydarov V.R., Qodirov M.M. Dori vositalarini ishlab chiqarish. “Cho’lpon nomodagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi”. Toshkent-2014. 368 b.
42. Djalilov X.K., Xaydarov V.R., Qodirov M.M. Tayyor dori vositalarining sifatini baholash, qadoqlash va o’rash. “Cho’lpon nomodagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi”. Toshkent-2014. 368 b.
43. Validate a Pharmaceutical Process, Steven OstroveOstrove Associates, Inc. Elizabeth, NJ, USA ISBN: 978-0-12-804148-2 June 2016
44. Textbook of pharmacognosy and phytochemistry: Biren Shah, A.K. Seth. Elsevier, New Delhi, 2010, p. 578;
45. Theory of drug development, eric b. holmgren. october 24, 2013 by chapman and hall/crc reference - 261 p.- 50 b/w illustrations isbn 9781466507463 - cat# k14671series: chapman & hall/crc
46. WHO guidelines for assessing quality of herbal medicines with reference to contaminants and residues: WHO, 2007, p. 105;
47. Introduction to Quality Control. ISBN-13: 978-4906224616 ISBN-10: 490622461X [Kaoru Ishikawa](#)
48. National policy on Traditional Medicine and Regulation of Herbal Medicines: WHO, Geneva, 2005, p.156;
49. Quality assurance of pharmaceuticals. A compendium of guidelines and related materials. World Health Organization Geneva-
<http://bookorders.who.int>
50. The use of essential medicines. Report of the WHO Expert Committee (including the 13th Model list of Essential Medicines). WHO Technical Report Series № 920, 2004, 133 p.
51. “Farmatsevtik kimyo” elektron darslik. Prof. A.N. Yunusxo’jaevning umumiy tahriri ostida. T., 2009.
52. A.N. Yunusxo’jaev, Q.A. Ubaydullaev va b. Dori vositalarining zamonaviy tahlil usullari Toshkent. 2010.
53. O’zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2000 yil 21 apreldagi 195 – son “Dorixona sharoitlarida tayyorlanadigan dori vositalari sifatini yaxshilash borasida” gi buyrug‘i.
54. Ubaydullaev Q.A, M.B. Mavlyanova, A.Q. Saidvaliyev. Farmatsevtik kimyodan ma’lumotnoma. Toshkent, 2010.
55. Шах Д.Х. Стандартные операционные процедуры в фармацевтическом производстве, Киев, «Автограф» 2006г.
56. Краснюк И.И., Михайлова Г.В., Мурадова Л.И. Фармацевтическая технология.- Москва.-2011.- 559 с.
57. Коментарий к руководству Европейского союза по надлежащей практике производства лекарственных средств для человека и применения в ветеринарии. Под редакцией С.Н.Быковского, И.А.Василенко, С.В.Максимов. –М.:Изд-во “Перо”, 2014.-488 с.:ил
58. Молчанов Г.И. Фармацевтичесие технологии. Учебное пособие. – М.,2013.

59. Тихонов А.И., Ямых Т.Г., Зупанец И.А. и др.. Биофармация – Харков.-2013. – 235 с.

60. Фармацевтическая технология. Твердые лекарственные формы: учеб. Пособие./под редакцией С.А. Кедика.-М.,2011.

IV. Интернет сайтлар

61. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

62. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

63. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

64. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

65. <http://tma.uz> – Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази.

66. <https://minzdrav.uz> – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмий сайти

67. <http://www.cochrane.org> – Халқаро Кохран ҳамкорлик жамияти

68. <http://osdm.org> – Даилилларга асосланган тиббиёт мутахассислари жамиятининг Москва бўлими сайти

69. <http://www.ncbi.nlm.nih.gov/PubMed> - Medline маълумотлар базасида тиббий маълумотларни қидириш учун мўлжалланган универсал тизими – АҚШ Миллий тиббий кутубхонасининг электрон русурс базаси